

САФАРОВА Д. Д.

ОДАМ АНАТОМИЯСИ

Дарслик

www.udostti.uz

Муаллиф:

*Сафарова Дилбар Джамаловна – биология фанлари номзоди,
доцент.*

Тақризчилар:

*Миршарапов Ў.М. – тиббиёт фанлари доктори,
профессор,*

Юлдашев А.Ю. – тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Мазкур дарслик жисмоний тарбия институтлари ва педагогика университетларининг жисмоний тарбия факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Фан ва технологиялар маркази» инновация ишлари дастури доирасида яратилган.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг илмий-услубий кенгаши томонидан нашр этишга тавсия этилган (2005 йил 14 октябрдаги 4-сон баённома).

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа
бўлими, 2005 й.

КИРИШ

Мазкур дарслиқдан нафақат Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ўқиётган талабалар, балки педагогика университетларининг талабалари ҳам фойдалана олишлари мумкин.

Шу даврга қадар республикамизнинг узоқ кишлоқлардан жисмоний тарбия институтига ўқишига келган ёшлар анатомия ва спорт морфология фанини ўзлаштиришда анча қийинчиликларга учрайди. Бунга сабаб, мавжуд бўлган дарсликлар тиббиёт институтларнинг нормал анатомия фани дастурига мувофиқ тузилган бўлиб, ўзининг катта ҳажмлилиги, мураккаблиги ва лотинча атамалар юритилиши билан ифодаланади.

Мазкур дарслик жисмоний тарбия институтлари учун одам анатомияси дастурига мувофиқ мослаб ёзилган.

Одам организмининг анатомик тузилиши ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда динамик анатомия ва спорт морфологияси бўлимлари биринчи маротаба киритилиб, шу бўлимлар бўйича ҳозирги замон илмий маълумотлари берилди. Суяклар, мускулларнинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилиши билан бир қаторда, бўларнинг ривожланиши, ёшга қараб ўзгариши, оптимал ва шиддатли юкламалар, статик ва динамик турдаги юкламалар таъсири остида вужудга келадиган морфологик ўзгаришлар тўлиқ баён этилган. Мускулларнинг кучи ва иши, мускуллар ва суюк ричаглари орасидаги мунособатларнинг биомеханик асослари ҳақида маълумотлар берилган.

Тавсия этилган дарслиқда алоҳида ажратилган бобда одам организми индивидуал тараққиётининг даврларига кўра ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, ёшга қараб ўзгариши ва жинсга хос бўлган хусусиятларни тараққиёти

ҳақида билимлар киритилган. Лимфа тизими көнгайтирилиб, “Иммун тизими аъзолари” деган янги бўлим биринчи маротаба ўзбек тилида баён этилган. Ҳар бир тизимга хос аъзоларни келиб чиқиши, макроанатомик тузилиши билан бир қаторда, аъзони функцияларини бажарилишини таъминлаб берувчи микроскопик ва ультрамикроскопик структураларни тузилиши кўрсатилган. «Қон айланиш тизими»нинг таърифидан ташқари қон томирларнинг ҳосил бўлиши, топографияси шохланиши, қонни йиғиш ёки қон билан таъминлаш соҳалари бўйича маълумотлар маҳсус жадвалларда берилган. Дарслик ўрганиш мобайнида талабалар нафақат билимга эга бўлмасдан, балки маълум қўнималарни ҳам орттириши керак. Шу билан бирга талабалар текшириш ва кузатиш услугларни ўзлаштиришлари зарур. Бундай услуглар қаторига спорт амалиётида кенг қўлланадиган қуйидаги усуллар тавсия этилади: антропометрик, соматотипологик, соматоскопик, тана пропорцияларини аниқлаш, дерматографик, планитографик, ва спортчининг турли ҳолати ва ҳаракатларни бажаришда таянч-ҳаракат аппаратининг анатомик таҳдил қилиш усули.

Мазкур дарслик муаллифи ўқувчилардан дарслик бўйича ўз фикрларини билдиришларини сўрайди ва бунинг учун уларга миннагдорчилик изҳор қиласи.

АНАТОМИЯ ФАНИНИНГ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Анатомия фани одам организмининг шаклини, тузилишини, унинг ривожланиш жараёнини ўрганадиган фандир. Бу фан организмнинг ташкил этувчи ҳар бир тизимига тегишли аъзоларни жойлашувини, тузилишини бажарадиган функциялари билан боғланган ҳолда, жинсий тафовутларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, атроф-мухитнинг аъзолар тузилиши ҳамда вазифасига бўлган таъсирини ўрганади.

Қадимий анатомия фани аъзоларни алоҳида-алоҳида ўрганиб келган, уларнинг ўзаро муносабатларини, организмнинг бир бутунлигини ҳисобга олмасдан, фақат далилларни тўплаш билан чегаралангандай. Ҳозирги замон анатомияси организмнинг ягона система эканлигини, унинг ташки мухит билан чамбарчас боғлиқлигини, аъзоларнинг шакли билан функциясининг бир-бирига бевосита алоқадор эканлигини назарда тутади.

Анатомия фани ўз олдига қўйган мақсадларига кўра, бир неча бўлимларга бўлинади. Одам организми тузилиши, ривожланиш хусусиятларини эволюцион нуқтаи назардан – филогенезига тақослаган ҳолда ҳамда одам ҳолатига ўтиш жараёни – антропогенезини солиштирма анатомия ўрганади.

Организмнинг пайдо бўлишини, туғилгунча она қорнида ўсиб, ривожланиб тики туғилгунча бўлган даврни эмбриология фани ўрганса, туғилгандан бошлаб то ҳаётнинг охиригача бўлган даврни «ёшга қараб» анатомия шугулланади.

Анатомия шу билан бирга аъзоларнинг жойлашиш хусусиятларини, уларнинг ўзаро муносабатларини, чегара-

ларини, проекциясини топографик анатомия ўрганади. Организмнинг шаклланиши ва ривожланишига, шунингдек, одамлар яшаб турган мухитнинг иқлимий–географик шароити, ижтимоий тузум каби омилларнинг таъсирини ўрганиши билан антропология шуғулланади.

Одам организми аъзоларининг тузилиши уларнинг бажарадиган вазифасига боғлиқ ҳолда текшириш функционал анатомия фанининг вазифасидир.

Аъзоларнинг ички тузилишини, уларни ташкил қилган тўқималар, ҳужайраларни ўрганиш билан гистология фани шуғулланади. Аъзоларнинг касаллик ҳолатидаги тузилишини ўрганиш билан эса патологик анатомия шуғулланади.

Одам анатомиясини ўзлаштиришини осонлаштириш учун бу фан одам организмини шартли равишда бир неча тизимларга ажратиб ўрганилади (систематик анатомия).

Систематик анатомия сүяклар қисми – остеология, сүякларнинг ўзаро бирлашиши бўйимларни ўрганадиган қисми – синдесмология, мускуллар – миология, ички аъзолар тизими – спланхнология, қон томирлар тизими – ангиология, ички секрет безлар қисми – эндокринология, сезги аъзолари – эстезиология ва нихоят, нерв системаси – неврология бўлимларидан иборат. Ҳар бир тизимга тегишли аъзоларнинг тузилиши, шакли, бажарадиган функцияси, уларнинг ўзаро муносабатларини алоҳида кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, анатомия фани одам организмининг тузилиши ва функцияларини уларнинг эволюцион ривожланиш асосларига боғлаб, атроф-муҳит таъсирида шаклланиш қонуниятлари билан биргаликда ўрганилади.

Бўлардан ташқари, анатомия майиб-мажруҳ бўлиб туғилган болалар, ногиронлар организмининг тузилишини бола туғилгандан бошлаб, қарилик давригача бўлган

вақтдаги организмдаги морфологик ёшга қараб ўзгаришларни ўрганади.

Спорт морфологияси – анатомиянинг маҳсус бўлими бўлиб, спортчиларда жисмоний иш таъсирида турли тизимлар ва аъзолардаги морфо-функционал ўзгаришларни ва адаптация жараёнларини ўргатади. Спорт морфологияси қуидаги маълумотларни ўз ичига киритади:

- спортчилар организмида жисмоний иш таъсирида адаптация этишнинг тиббий-биологик асосларини;
- ҳаддан ташқари бўлган жисмоний иш таъсирида ва нотўғри ташкил этилган тренировка режим натижасида аъзолар ва тизимларда содир бўладиган патоморфологик ўзгаришларни ўрганиш;
- спортчиларнинг танланган спорт турига хос бўлган таянч-ҳаракат аппаратидаги адаптациян ўзгаришлар;
- статик ва динамик ҳаракетдердаги жисмоний иш таъсири натижасида мускул тизимидағи морфологик ўзгаришлар;
- ички аъзоларда симжииш ва уларда жисмоний иш таъсирида ҳосил бўлган морфо-функционал ўзгаришлар;
- турли мутахассисли спортчиларни морфотипларини аниқлаш. Соматотипларнинг янги техника методлари. Спорт танлашда морфологик кўрсаткичлари ва уларнинг аҳамияти;
- генетик маркерлар – спорт танлашда аҳамияти ва фойдаланиш зарурияти.

Спортчиларнинг организмида содир бўладиган морфо-функционал ўзгаришларни билиш, наслий ва ташқи муҳит факторларини организмнинг конституционал хусусиятларини шаклланишда таъсирини аниқлаш, танланган спорт мутахассислигида спорт натижаларини олдиндан прогноз қила билиш, «спорт талантига» эга бўлган ўсмирларни

селектив танлашни ўз вақтида ўтказиш, түғри тренировка жараёнини ташкил этиш, турли ҳаракатлар техникаси самарадорлигини ошириш ва бошқа жисмоний тарбия ва спортининг муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради.

www.uzdutl.uz

АНАТОМИЯНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Анатомия фани ўзининг тарихий ривожланиш даврида одам танасининг тузилишини ўрганишда турли хил усулларни ишлаб чиқкан. Ҳар бир усул маъдум бир тарихий даврда ишлаб чиқилган бўлиб, ўша даврга хос бўлган фаннинг тараққиёт даражасига мувофиқ. Ҳозирги замон морфологик усулларни 2 гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурух усулларидан мурда устида ўрганилганда фойдаланилади. Иккинчи гурух усуллар техника воситаларидан фойдаланган ҳолда тирик одам организмини ўрганишда қўлланилади.

Биринчи гурух усуллари қўйидатилар:

1. Кесиб очиш усули – қадимий усуллардан бири бўлиб, биринчи мартаба Герофил ва Эразистрат томонларидан қўлланилган. Бу усулни Андрэ Везалий юқори даражада ривожлантирган. Кесиб очиш усулининг асосий воситалари – бу пичоқ, скальпель ва арра бўлиши мумкин. Кесиб очиш усули ёрдамида органларнинг тузилишини, жойлашувини ўрганиб, улардан препаратлар тайёrlаш мумкин.

2. Музланган мурдаларни арралаш усули. Бу усулни биринчи бор буюк хирург ва анатом Н.И. Пирогов қўллаган. Арралаш усули ёрдамида организмнинг маълум соҳасига хос бўлган аъзолар топографиясини, бир-бирига нисбатан жойлашувини аник ўрганиш мумкин.

3. Тўлдириш ёки инъекция усули – ичи бўш аъзоларни ичини маҳсус ранг берувчи суюқ массалар билан тўлдириш. Сўнг аъзонинг тўқималари глицерин, метил спирти ёрдамида ёритилади. Бу усул ёрдамида қон айланиш ва лифатик системаларни, ўпкаларни, бронхиал дараҳтини шохланишини ўрганишда фойдаланилади.

4. Коррозия ёки емириш усули. Бу усул инъекция усулига ўхшаш бўлиб, ичи бўш аъзолар тез қотадиган моддалар билан тўлдирилади. Бир оз вақт ўтгач аъзо ичидағи модда қотиб қолади, сўнгра уни турли кислота ёки ишқорлар суюқлигига солинса, аъзо тўқималари емирилади ва бўшлигига юборилган модда эса аъзолар шаклини сақлаб қолади. Қотиб қолувчи моддалар сифатида парафин, пластмасса ёки суюқ металлар бўлиши мумкин.

5. Гистологик усул – ёргуғлик ва электрон микроскоплар остида тўқима ва хужайраларни нозик тузилишини ўрганиш. Мурдалардан олинган аъзо ва тўқималарни бўлакчаларига аутопсия дейилади. Аъзолардан олинган бўлакчалар махсус суюқликларда – 12% формалинда, 70% спиртда, ФСУ – бу формалин, спирт ва сирка кислотасининг эритмасида ва бошқа таркибли эритмаларда фиксацияланади. Бунда тўқима ва хужараларнинг хаётий структураси сақланиб қолади. Сўнгра текширилаётган материални равшанлаштириш мақсадида концентрацияси ошиб бораётган спиртлардан ўтказилади. Кейинги босқичда аъзоларнинг нозик структураси махсус бўёклар билан бўялади, микропрепарат тайёрланади ва микроскоп остида текширилади.

Иккинчи гурух усуллари:

1. Рентгенологик усул ва унинг турлари (рентгеноскопия, рентгенография). Биринчи мартаба П.Ф. Лесгафт томонидан анатомияда қўлланилган. Рентгенологик усул ёрдамида тирик организмда аъзоларнинг тузилишини, жойлашувини турли функционал ҳолатларда, ёшга қараб ўзгаришларни ўрганишда кенг фойдаланилади.

2. Охирги йилларда рангли рентгеноскопия усули томография усули билан биргалиқда қўлланилиб, тирик организмнинг структураларини рангли тасвирда қатма-қат қатламларини кўриш имкониятини вужудга келтирди.

3. Антропометрик усул – одам танасининг жисмоний тараққиёт даражасини аниқлаш мақсадида, инсон гавдасининг шакли мураккаб тузилганлиги сабабли унинг ўлчовларини аниқлашади. Ўлчашнинг 2 усули фарқланади – тотал ва парциал ўлчовларни аниқлаш. Тотал ўлчовларига тананинг массаси, узуниги ва қуқрак қафасининг айланмасини ўлчовлари киради. Парциал ўлчовларига тананинг ташкил этувчи айрим қисм ёки зеноларни бўйига, кўндалангига ва айланма қўрсаткичларини аниқлаши киради. Бу ўлчовлар асосида танани пропорцияларини, тана массасини белгиловчи тузимларини миқдорини аниқлаш имконияти яратилади. Тана массаси таркибини ёғ, мускул, суяқ компонентлари ташкил. Бу усул асосида қуқрак қафасининг шакли, мускулларининг ва тери ости ёғ қатламини ривожланиш даражасини, умуртка погонасининг кийшикликларини, тана конституцияси хусусиятларини аниқлаш мумкин. Тиббиетда бу усул З йулда олиб борилади:

а) пальпация – пайпаслаб куриб этади. Компонентларнинг миқдорий қўрсаткичлари асосида тана соматотипи аниқланади.

4. Соматоскопик усул – яхлит одам танасини ёки уни ташкил этувчи қисмларини сиртдан текшириш: а) ўрганиш йўли; б) перкуссия – бармоқ ёки болгача билан тукиллатиб кўриб аниқлаш йўли; в) аускультация – маҳсус эшитув асбоблар ёрдамида эшитиб кўриш йўли. Кўрсатилган усуллар аъзоларни соғлом ёки касалланган ҳолатини ажратища катта ёрдам беради.

5. Эндоскопик усул – ички аъзоларни ички юзаларини ва аъзолар ичида рўй бераётган жараёнларни текшириш мумкин. Эндоскоп асбоби ёрдамида ҳазм тизимининг аъзоларини, нафас олиш тизимининг аъзоларини, юрак, қон

томирларини, сийдик ажратиш тизимининг аъзоларини чуқур ўрганиш мумкин.

Анатомия фанининг қисқача тарихи

Анатомия фани ўзининг тарихий ривожланишида жуда мураккаб ва узоқ йўл босган. Фанинг тараққиёти бир текисда ўтмасдан турли даврларга хос бўйланган идеология ўз таъсирини кўрсатган. Диний дунёқарашлар бўйича одам мурдасини кесиб ўрганиш, одам танасининг тузилишини билиш гуноҳ ҳисобланган ва ана шундай диний идеология хукм сурган даврларда анатомия фанинг тараққиётiga катта зарап келтирилган. Бир қанча буюк олимлар жазоланган, сургун қилинган, ҳатто ўним жазосига хукм қилинган. Руҳонийлар хукмронлик қилмаган даврларда эса анатомия ривожланган ва катта қашфиётлар ва янгиликлар киритиш билан ифодаланган.

Анатомияни ўрганиш жуда қадимги асрлардан ҳали жамиятлар пайдо бўлмаган даврдан бошланган. Ибтидоий одамлар ўз фаолияти натижасида ов қилган ҳайвонларни ўлдирганда, турли аъзоларни тузилишини, жойлашувини кузатишган ва қайси аъзо ҳаётий аҳамиятга эга бўлганлигини фарқлашган. Кейинчалик ҳайвон организмининг тузилиши асосида одам танасини чуқур ўрганишга ҳаракат қилинган. Қадимти Шарқ мамлакатлари – Ҳиндистон, Миср ва Хитойда дастлабки анатомик маълумотларга эга бўлишган. Аммо одам танасининг тузилиши ҳақидаги бу тушунчалар жуда юзаки бўлган ва хато маълумотларга эга бўлишган. Мисрнинг қадимти папирусларида, Хитойдаги «Тиббиёт қонунлари», Ҳиндистондаги «Ҳаёт китоби» деган асаларида одам анатомиясидан маълумотлар берилган. Шу китоблар асосида қадимги тиббиётшунослар одам организмини сиҳат-

саломатлигини, касаллигини аниқлашни ва даволашни олиб боришган.

Бизнинг эрамизгача 700-600 йилларда қадимги Грецияда одам анатомиясидан систематик маълумотлар тўпланган. Анатомия фанига қадимги греклар бир қанча анатомик илмий тушунчалар киритишган. Бўлардан, анатомик атамалар киритилиши ва шу кунгача анатомияда куп грекча атамалар сақланиб қолган: артерия, ангиология, splen – талоқ ва ҳоказо. Греклар 700 га яқин анатомик тузилмаларни тасвирилашгани маълум. Қадимги Грециянинг антик даври дунёга кучли фикрлаш қобилиятига эта бўлган Гиппократ, Платон, Аристотель, Герофил, Эразистрат каби ўткир зеҳни ва ниҳоятда донишманд олимларни етиштириб берди. Илмий адабиётларда қайд этилишига кўра, бу олимлар табиат ҳодисаларини илохий кучга боғлаб эмас, балки табиат қонуниятлари асосида таҳдил қилганлари туфайли «биринчи материалистлар» деб тан олинганлар. Уларнинг яратган асарлари асосида анатомияни ҳақиқий фан сифатида шаклланишига асос яратилиди.

Гиппократ (эрамиздан 460-377 йил илгари яшаган) буюк грек тафаккуршуноси, бутун дунёга «тиббиётнинг отаси» деган ном билан машхур. Шу кунга қадар ҳамма мамлакатларда тиббий олийгоҳларни битирувчилари, бўлаҗак докторлар Гиппократ қасамини қабўл қиласидилар. Гиппократ нафакат касални, балки шу беморнинг ўзини, унинг ижтимоий ва яшаш шароитларини чуқур ўрганиш керак деган фикрларни юритган ва тиббиёт соҳасидаги иборалари бутунни кунгача ўз аҳамиятини йўқотмади (1-расм).

Гиппократ анатомияни фан даражасиги қўтарди, тиббиётчилар одам анатомиясини, одам тиббиётини ўрганиш зарурлигини кўрсатди. Бугунги кунгача Гиппократнинг бир қанча асарлари етиб келган ва ўз аҳамиятни йўқотмади.



1-расм. «Гиппократ – тиббиёттинг отаси».

«Анатомия ҳақида», «Безлар ҳақида», «Тишларнинг чикиши ҳақида», «Боланинг табиати ҳақида». Йирик табиатшунос олимлардан Платон (427-347 йил бизнинг янги эрамизгача) умуртқали ҳайвонларнинг бош мияни орқа миянинг олдинги бўлимларидан ривожланишини кўрсатди.

Аристотель (384-322 йил бизнинг янги эрамизгача) ҳайвонлар мурдаларини ёриб, солиштирма анатомия ва эмбриология фанлари учун бир қанча далилларни тўплади. Аристотель тирик организмларни қандай пайдо бўлишини биринчи марта материалистик нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилган. Масалан, организмни пайдо бўлиши эркак ва ургочи организмларнинг уруғларини ҳосил бўлишини биринчи бўлиб аниқлаган. Аммо Аристотель бир қанча хатодарга йўл қўйган. Унинг фикрича юракдан ҳамма органларнинг нервлари бошланади, юрак – бу асосий онг ва фикрларнинг пайдо бўлиш жойи деб ҳисоблаган.

Герофил (304 янги эрамизгача), машхур Александрия тиббиёт мактабини битирган. Герофил бош мия қобиқларини, қоринчаларини, кўриш нервини, кўзда эса томирли ва

түр пардани, ўн икки бармоқли ичакни ва ичак тутқицидаги лимфа томирларини тузилишини тасвирлаган.

«Юрак – бу асосий таффакур аъзоси» деган Аристотелни фикрини инкор этган ва онгнинг материал субстрати марказий нерв тизими, фикрлашнинг аъзоси эса – бош мия эканлигини исботлаган. Герофил анатомияни мустакил фан сифатида ажратишга асос солган олим ҳисобланади.

Эразистрат (300-250 йиллар бизнинг эрамизгача) кент ва прогрессив дунёқараашлари билан машхур бўлиб, анатомия ва физиология фанлари бўйича илмий изланишлар ўтказган. Бош мияни тузилишини чукур ўрганганд, жигар ва ўт йўллари тузилишида клапанларни функционал аҳамиятини билган. Эразистрат ўпкадан қон юракнинг чап бўлмачасига боришини ва у ердан чап коринчага ўтишини ва сўнг артериялар орқали қон бутун организмга тарқалишини билган.

Қадимги Римда кўп йиллар давомида тиббиёт билан шугулланиш фақат қуллар учун рухсат этилган эди.

Эранинг I асиридан бошлиб, Римда тиббиёт фанлари билан эркин фуқаролар ҳам шугуллана бошлашди. Қадимги Рим олимларининг анатомияга киритган ҳиссаларидан бири – бу ҳамма анатомик тузилмаларни лотинча алифбоси билан ифодалаш.

Рим тиббиётининг йирик олимларидан Цельс ва Галенни кўрсатиш лозим.

Авл Корнелий Цельс (30 й. янги эрамизгача – 45 й. янги эра) “Тиббиёт ҳақида” деган 8 томли асари билан машхур. Бу китобда ўша давргача анатомия соҳасида тўпланган далилларни ва хирургия бўйича тўплаган билимларини баён этган.


Клавдий Гален (131-210 й.я.) философия, математика, тиббиёт, анатомия фанлари бўйича бир қанча асарларнинг

муаллифи. «Анатомик текширувлар», «Тана қисмларининг тузилиши» деган асарлари айниқса, машхур бўлиб XIII аср мобайнида бутун дунё тиббиётшунослари анатомияни шу китоб асосида ўрганишган. Бу асарнинг ижобий томонлари тана аъзоларининг тузилишини, бажарадиган функцияси билан боғлиқ ҳолда баён этилган. Гален ўз текширишларини ҳайвонларда, маймуналар ва чўчқаларда ўтказгандиги учун одам мурдасида текширишлар ўтказмаганилиги сабабли яратган асарида хатоликларга йўл қўйган.

Гален суюклар ва мускулларни тузилишини ва шу асосда классификациясини ишлаб чиқкан. Суюклар классификацияси шу кунгача деярли ўзгармаган. 7 жуфт бош мия нервларини, ошқозон, ичаклар, бачадон, артериялар деворини ташкил этувчи қобиқларини ажратган. Гален асарлари форс ва араб мамлакатларида көнг қўлданилган.

Абу Али ибн Сино (980-1037) Европада Авиценна номи билан машхур бўлган. У Бухоро шаҳрининг Афшона қишлоғида туғилди. 985 йилда ибн Синони 5 ёшлигига отонаси Бухородаги мадрасага беришди. Мустақил равишда ёш ибн Сино Гиппократ, Гален, Аристотель, Абу-Бакра асарларини ўрганди. 17 ёшлигиданоқ кўп фанларни мукаммал ўрганди ва етук олим бўлиб етишди. 997 йили Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурнинг касалини даволагани эвазига амир саройидаги китобхонадан фойдаланишга ижозат олди.

Ибн Сино кўп фанларни эгаллаган буюк олим бўлиб, педагогика, психология, адабиёт, санъат соҳаларида кўп асарлар яратди. Айниқса анатомия соҳасидаги буюк кашфиётлари бутун дунёда шуҳрат қозонди. Ибн Сино 100 дан ортиқ асарлар яратди. Бўлардан энг йириклари: “Тиб қонунлари” 5 жилдан иборат бўлиб, анатомия, физиология, ички касалликлар, хирургия, фармакология, гигиена соҳаларида барча назарияни тўплаб қолмасдан, балки



2-расм. Ибн Сино шогирдлари орасида

уларни ўз тажрибаси ва кузатишлари билан бойитди. «Китаб аш-шифо», «Даниш-наме», «Ан-наджат», «Ишарат ва танbihат» ва бошқа асарлари тиббиёт ва турли фанлар соҳаларига бағишлиланган. Ибн Сино биринчи марта тана тузилишига қараб тана типологияси ҳақида таълимотни яратган ва тананинг морфотипини ҳисобга олган ҳолда касални даволаш зарурлигини исботлаган. Жисмоний машқларни организмга ижобий таъсирини курсатган, уларнинг классификациясини яратди ва турли касалликларни даволашда ўзига хос машқларни қўллашни ва беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни тавсия этди. Европада Ибн Синога «Шарқ юлдузи» деган ном бериб, уни олим сифатида Гиппократ, Аристотель ва Гален номлари билан бир қаторга қўйишган.

Кейинги асрлар (XV-XVIII асрлар) тарихга «Ўйғониш даври» ёки Ренессанс даври деб номланган. Бу давр буюк кашфиётлар, илм ва фанга катта қизиқиш пайдо бўлиши билан, турли университетлар ва мактаблар очилиши билан, илмий текширишларни ўткизиш мақсадида анатомик театрлар ташкил этиш билан таърифланади. Уйғониш даврининг энг буюк олимлари – бу Леонарда да Винчи ва Андре Везалий.

Леонарда да Винчи (1452-1519) – буюк рассомчи ва олим, анатомия, механика, математика фанлари билан шуғулланган одам танасини тузилишини ўрганиш мақсадида мурдаларни ёриб, 400 га яқин мускулларни ажратиб препаратовка қилган ва уларни расмларини альбомга чизган ва пластик анатомияга асос солган.

Леонардо да Винчи турли одам ва ҳайвонлар ҳаракатини ўрганиб, шундай ёзади – ер юзидағи тирик мавжудот ҳаракатланиш қобилиятига эга. Ҳар бир ҳаракат эса механика қонунларига бўйсунади ва механика қонуниятлари

асосида бажарилади. Қушларнинг учишини фазода қузатиб ва мускулларни бажарадиган иши асосида биринчи мартаба учиш аппарати – дельтапланни яратади.

Фан сифатида анатомиянинг асосчиси ва реформатори А. Везалий ҳисобланади. Зехни баланд, талантли А. Везалий Лувен ва Парижда ўқиб, 1538 йилда Падуан университетига анатомия кафедрасига профессорлик лавозимига таклиф этилади.

Шу давр ичида А. Везалий жуда кўп мурдаларни ёради, суяқ, мускул, ички органлар, қон томирлардан препаратлар тайёрлайди, уларни расмларини чизади. 1538 йилда «Анатомик жадваллар» деган кичик анатомик атласни тузади. 28 ёшда А. Везалий 7 жилдан иборат бўлган «Одам танасининг тузилиши» деган умумлаштирилган катта илмий асарни Базел шаҳрида чоп этади. А. Везалий анатомияни Гален китоби асосида ўрганган. Андре Везалий ҳаёти илмга ва фанга содиқлик ва хаққониятни юкори тутиш намунасиdir. Андре Везалий ўзининг мурдалар устида ўтказган изланишлари туфайли унгача барча олимлар томонидан, айниқса XIII аср давомида ҳаққоний деб ҳисобланиб келган Галенning анатомия китобида ҳақиқатга зид бўлган камчиликларни аниклаб, ўз фикрларини қурқмасдан баён этган.

Буюк физиолог И.П. Павлов Галенни китобини шундай таърифлайди: «Ҳозирги замон одамзодининг тарихида бу биринчи одам анатомиясидан илмий китоб бўлиб, катта обрў қозонган олимларнинг фикрига эмас, балки бевосита шахсан, ўзининг ўтказган илмий текширишлар натижасида олинган далилларга асосланган».

Анатомияни кейинги прогрессив тараққиёти Г. Фаллопий (1523-1562), Б. Евстахий (1520-1574), И. Фабриций (1537-1619), М. Мальпиги (1628-1694) деган олимларни номлари билан боғлиқ. Бу олимларнинг номлари билан организм-

да бир қанча органлар номланган. Масалан, фаллопий наилари, евстахий найи, буйрақда мальпиги танаачалари. Катта қон айланиш доирасини инглиз олими, анатоми ва физиологи Уильям Гарвей (1578-1657) кашф этган.

XVII-XVIII асрларда анатомия фанида яити кашфиётларнинг очилиши давом этади ва шу билан бирга солиширма анатомия, гистология ва эмбриология ривожланишига замин яратилади. Энг улкан янгиликлардан «Хужайравий назарияси», «Эволюцион назария» ва «Ирсият назариянинг» ихтиро қилиниши XIX асрни ларзага келтириди ва қатор фанларнинг, шу жумладан морфологик фанларнинг ривожланишига ниҳоятда кучли турткы бўлди.

Хужайравий назариясининг асосчиси немис олими Т. Шванн 1839 йилда ўзининг «Ҳайвонлар ва ўсимликлар тузилиши ҳамда ўсишининг мос келиши ҳақида микроскопик тадқиқотлар» деган асарида ҳамма ҳайвон ва ўсимлик организмларининг структур ва функционал бирлиги – хужайра эканлигини исботлади.

1859 йилда инглиз олими Чарльз Дарвин «Турларни келиб чиқиши» деган асарида турли муҳит шароитларига мосланиш жараёнида турларни ўзгарувчанлигини аниқлаган ва табиатни эволюцион қонуниятлар асосида ривожланишини кўрсатган.

Ирсий назариясининг асосий қонунлари чех олими Грегор Менделев (1820-1884) томонидан кашф этилган. Ўзининг «Ўсимлик дурагайлари устида ўтказилган тажрибалар» деган асарида табиатдаги ҳар бир тур учун хос бўлган белгилар ва ҳисусиятларни наслдан наслга ўтишини кўрсатган. Физика, химия ва математика фанларининг ютуқлари эса янгидан-янги тадқиқот услубларининг яратилишига асос бўлди ва одам танасининг тузилиши ва унинг асосларини ўрганиш борасида билимларни ниҳоятда чуқурлаштириди.

Замонавий морфология фанида функционал, генетик ва экологик йўналишлар

Одам тансининг айрим аъзолари ва тизимлари тузилишини уларнинг функцияси (фаолияти) билан узвий боғлиқ равишда ўрганиш морфологлар томонидан шакл ва функцияниң диалектик бирлиғи тўлиқ тан олингандигининг далолатидир. П.Ф. Лесгафт эса бу материалистик дунёқараш гоясининг морфология намоёндаси сифатидаги ҳимоячиси ва ташвиқотчиси бўлган. У яратган ва ривожлантирган назарий анатомия қонуниятлари, жумладан суяклар ўсиши қонуниятлари, мушакларнинг, бўғимларнинг, ички аъзоларининг тузилиши ҳамда томирларнинг тармоқланиши қонуниятлар заминини шакл ва функцияниң диалектик бирлиғи гояси асосида яратган.

П.Ф. Лесгафт анатомия фанида жисмоний тарбия, спорт ва тиббиёт амалиётлари билан узвий боғлиқ бўлиши, илғор йўналишнинг функционал анатомияниң асосчилидан биридир. Унинг «Назарий анатомия асослари» («Основы теоретической анатомии») номли фундаментал асаридаги гоялар ҳозирги кунда замонавий анатомия фани ривожи учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқдалар.

П.Ф. Лесгафт 1892 йилда нашр этилган “Назарий анатомия асослари” номли ноёб асарида одам анатомиясини ўрганиш борасида янги йўл-йўриқлар ва услубларни изҳор қилди. Дунё олимлари орасида тасвирий анатомия гоялари усунликка эга бўлган давр учун П.Ф. Лесгафтнинг функционал анатомия гоялари унинг чуқур илмий фикрлаш, ихтирочилик ва янгиликка интилиш қобилиятларидан далолат берди. Ҳарбий-медицина академиясининг профессори В.Л. Грубер тасвирий анатомиядан бир қанча асарлар яратган, Россияда биринчи анатомия музейини ташкил

қиlgан ва П.Ф. Лесгафтнинг устози бўлган. П.Ф. Лесгафт ўз устозлари ва замондошларидан фарқли одам танасининг ёки аъзоларининг тузилишини уларга хос бўлган функцияси билан боғлиқ равишда ўрганди.

Морфология фанининг ютуқлари шу бутунда П.Ф. Лесгафтнинг теоретик анатомия гоялари ривожланишининг давомияти бўлиб, нафақат яхлит организм ва аъзоларгина эмас, балки тўқималар ва хужайра ичра тузилмаларга морфофункционал жиҳатдан ҳам баҳо беришда асос бўлиб қолмоқда.

П.Ф. Лесгафт анатомияга рентгенологик изланишни киритган олимлар намоёндасидир. Ҳозирда эса тирик одам анатомиясини ўрганиш соҳасида рентгенологик изланишларнинг қатор янги турлари (электрорентгенография, микро-рентгенография, рентгеноденситометрия, кинотелевизион рентгенография, компьютерли томография ва бошқалар) қаторида «Эгизаклар» усули, капилляроскопия, биопсия услуби ва ҳоказолар қўлланилади.

П.Ф. Лесгафтнинг илғор ва улуғ мураббийлик (педагогик) хусусиятлари эса унинг биринчи бор табиий билимларга, анатомия фанига асосланиб яратган жисмоний тарбиянинг илмий асосларида ўз аксини топди.

П.Ф. Лесгафт асос солган гоялар маъносининг ўнлаб иyllар мобайнида илғор олимлар томонидан чуқурлаштирилиши ва қенгайтирилишининг ҳосиласи сифатида оммавий жисмоний тарбия ва спортнинг ривожида жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом шахсларни шакллантириш амалиётда муҳим аҳамиятта эга бўлган замонавий спорт морфологияси фани шакллантирди.

П.Ф. Лесгафтнинг замонавий антропология ва биомеханика фанларининг ривожланишига қўшган ҳиссалари бебаҳодир. П.Ф. Лесгафт томонидан 131 илмий ишлар чоп

етилган: ундан 69 таси анатомия фани бўйича, унинг раҳбарлиги остида 22 диссертациялар тайёрланган.

В.Н. Тонков «Одамнинг нормал анатомияси» дарслигини ёзди. Бу дарслик беш марта қайта нашр этилди. Бу дарсликнинг кўп йиллар мобайнида шуҳрат қозонганинг сабаби, анатомиядаги бутун тизимлар аъзоларининг тузилиши аниқ, равон тилда, анатомия далилларининг ҳаммаси эса эволюция гоялари асосида изохланган.

Одам организмнинг яшаш шароитларида жисмоний машқлар ва юкланишларни бажаришга адаптация (мосла-шуви) муаммоси замонавий спорт морфологиясининг энг долзарб муаммоси ҳисобланади. Кўриниши, қуввати ва даврийлиги хилма-хила бўлган жисмоний юкланишларнинг ёши ёки жинси жиҳатидан турлича бўлган (болалар, ўсмиirlар, ўрта ёшли ва кекса) одамдар организмига таъсиrottлари тўғрисида амалиётда кўплаб маълумотлар бор. Бу маълумотларнинг аксарияти одамларда ва тажрибада олинган меҳнат ва спортнинг турлича кўринишлари мобайнида шиддатли мускул фаолиятининг таянч-ҳаракат тизимига таъсиrottларга мойилдир. Бу маълумотлар аввало П.Ф. Лесгафт қаламига мансуб бўлиб, уларга яна М.Ф. Иваницкий, А.А. Гладишева, М.Г. Привес, А.И. Кураченков, Б.А. Никитюқ, А.П. Сорокин, Ф.В. Судзиловский, В.Г. Ковешников, П.З. Гудзъ каби етук олимлар улкан ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбекистонда морфологик фанларнинг тараққиёти Р.Э. Худойбердиев, К.А. Зуфаров, Н.К. Аҳмедов, Х.З. Зоҳидовлар фаолияти билан боғлиқ. Р.Э. Худойбердиев таниқли ўзбек морфологи, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон анатомия мактабининг асочиларидан биридир. 60 йиллик илмий фаолияти давомида профессор Р.Э. Худойбердиев раҳбарлигида одам анатомияси кафедра-

сининг жамоаси иштироқида бир нечта муҳим илмий йўналишлар бўйича изланишлар ўтказилган ва ишлаб чиқилган: жароҳат туфайли ва экспериментал таъсиротлар остида қон айланиш тизимида содир бўладиган ўзгаришларни, қон айланиши бузилган ҳолда одам организмда коллатерал йўл билан тикланиш, ички аъзоларда турли экстремал ҳолларда микроциркулятор тизимини ўрганиш, ҳазм қилиш аъзоларида компенсатор-мослашув жараёнини ўрганиш мақсадида ошқозонни резекция қилингандан сўнг, шу тизим аъзоларидаги морфофункционал ўзгаришлар ва компенсатор жавоби аниқланди.

Ўзбек тилида анатомия китоби биринчи оригинал дарслик сифатида тасвирий ва функционал анатомия соҳасида кўп йил давомида ишлаб келган, етарли тажрибага эга бўлган педагог ва олимлар Р.Э. Худойбердиев, Н.К. Аҳмедов, X.З. Зоҳидовлар ҳамкорлигида биринчи маротаба яратилган. Нерв тизими ва турли морфо-функционал тизимлардаги аъзоларда иннервация хусусиятларини Н.К. Аҳмедов томонидан ўрганилган.

Тиббий-биологик ва айниқса морфологик фанларнинг тараққиёти академик К.А. Зуфаров фаолияти билан боғлиқ. К.А. Зуфаров Ўзбекистонда кучли ва бутун дунёга машхур бўлган морфологлар илмий мактабини яратди. Олимнинг энг катта хизматларидан бири – у биринчи бўлиб ҳар бир аъзони макроструктурасидан тортиб, то энг нозик электрон-микроскопик гузилмасигача ўрганди, аъзолар ва тизимлар фаолиятининг умум жараёнларнинг асослари кўрсатилди. Кўп йиллар давомида ўтказилган экспериментал тадқиқотларлар натижалари энг замонавий усувлар ёрдамида ечилиди, шу жумладан электрон микроскопик усули Ўрта Осиёда биринчи марта илмий изланишларга киритилди. К.А. Зуфаров раҳбарлигида дунёда биринчи марта тўқима-

лар ва аъзоларнинг электронмикроскопик атласи яратилган. Атлас мазмун жиҳатдан, бажарилиш техникаси ва электроннограммаларни сифати бўйича дунёning энг йирик илмий мактабларининг етакчи олимлари томонидан юксак баҳоланганд. К.А. Зуфаров морфология фанларида қилган хизматлари учун Прагада «Пуркинье» олтин медали билан мукофотланганда «Зуфаров морфологиянинг шохсупасига чиқсан олим» деб фаолиятини юксак баҳолашган.

Сўнгти даврларда эса изланишларнинг асосий йўналишларини одамда ва жониворларда ҳаракат фаоллитига мослашув жараёнини таъминлашда ўзгаришларни ўрганиш ташкил этди (В.Я. Камишов, Я.Р. Синельников ва бошқалар тадқиқотлари). Аммо, ички аъзолардаги адаптациян ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ханузгача оздир. Жисмоний машқларга мослашув даврида иммун тизимда рўй берадиган ўзгаришларга эса сўнгти йиллардагина аҳамият берила бошланди (Ф.В. Судзиловский, Ю.П. Хуссар ва бошқалар). Бу борадаги маълумотлар нафақат умумий назарий аҳамиятта, балки юқори даражада амалий аҳамиятга эгадир. Ички аъзоларда амалга ошириладиган адаптациян ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар спорт машгулотларини ривожлантириш, тиббиёт назорат самарасини юқори даражага кўтариш, спортчиларда турли хасталиклар келиб чиқишини олдин олиш, ҳал қилишга илмий асос бўлмоқда. Бўларнинг саломоги, айниқса болалар ва ўсмиirlарни спорт турларига танлаш ва йўналтириш муаммоларини ҳал қилишда нихоянда юқоридир. Спорт морфологиясининг энг мураккаб ва мухим муаммоларидан бири жисмоний юкланишларнинг болалар ва ўсмиirlар организмига таъсирини ўрганишdir. Болалар ва ўсмиirlар орасида спортта танлов ва йўналтириш масалалари мақсадга мувофиқ равишда ҳамда бир вақтнинг ўзида ўсиб келаётган ёш организмнинг

ривожланиш ва шаклланиш жараёnlарига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ истисно қилганда амалга оширилиши мумкинлигини доимо кўзда тутмоқ лозим. Бу банд болалар ва ўсмиirlар спортини ривожлантириш борасида энг муҳим ва тўлиқ амал қилиниши шарт бўлган қонундир.

Жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш борасидаги спорт морфологияси намоёндалари олдидағи вазифаларга келсак, бу йўналишдаги билимлар мажмуаси ҳал қилиш учун ниҳоят даражада оздир. Спорт морфологари ушбу вазифани бажариш йўлида экс-спортчиларнинг реадаптация қилиш жараёнида ўрта ва улуғроқ ёшли инсонлар организмларида рўй берадиган адаптацион ўзгаришлар моҳиятини ўрганишда ҳали кўп изланишлар ўтказилиши керак.

Спорт морфологияси намоёндалари томонидан узоқ ийллар давомида ўрганилиб келинаётган ва шу кунларда ҳам ўз ечимини тўлиқ топмаган муаммолардан яна бири – бу спортдаги жинсий полиморфизм муаммосидир. Бу йўналишда ҳал этилишини талаб қиласидиган вазифалар аёллар организмининг кенг миёсли хусусиятларининг жадал ҳарарат фаолиятига мослашув жараёнида акс этишини, демак спортдаги кўрсаткичларига таъсирот билан ўзаро боғланишларини ўрганишни ўз ичита олади. Шунга яраша, аёллар спортида тиббий назорат ва касалланиш ҳолатларининг олдини олиштадбирлари ҳам ўз хусусиятларига эга бўлади.

Сўнгти 10-20 ийлар мобайнида спорт морфологияси намоёндалари ўз назарларини спорт танлови ва спортта йўналтириш масалаларини ирсий (генетик) белгиларини ўрганиш орқали ҳал этишга қаратдилар.


Бу борада Б.А. Никитюқ, Б.И. Коган, Р.Н. Дорохов, Д.Д. Сафарова, Э.Г. Мартиросов, В.П. Шварц каби олимларнинг турли тоифали спортчиларнинг вақтда морфологик, гено-

типик ва фенотипик құрсақчыларини таҳлил этиб, улар орасида спорт танловига ассо бўла оладиган ва айнан спортчининг келажакда юқори қурсақчыларга эришиш қобилиятини башорат қилиш имкониятини яратадиган қатор белгиларни аниқлаганлар.

Спорт морфологияси намоёндаларининг бутунги кундаги биринчи даражали вазифаларидан яна биринчи илмий-амалий адабиётларда чоп этилган маълумотларни таҳлил ва синтез қилиш, умумлаштириш ва хуносаларни жисмоний тарбия ҳамда спорт амалиётига жадал тадбик этишдан иборатdir.

Одам танасининг тузилиши

Ҳар қандай органик шакл жумладан одам танаси ҳам тарихий ривожланиш жараёнининг натижасида, тубан шакллардан олий шаклларга такомилланиши ва органик табиатда бўладиган эволюция натижасидир. Бошқа юқори такомиллашган организмлар қаби одам танасининг ташкил этувчи ва ўзаро боғланган кўп табақали тузилмалари унинг ташқи муҳит шароитида мустақил яшашини таъминлайди. Одам танаси структурасини қўйидаги схема орқали тасвирилаш мумкин.



Одам организми хужайралар ва хужайраларо моддан ташкил топган. Хужайралардан ўз навбатида тўқималар ҳосил бўлади, тўқималарни эса органлардан ажратилган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Организмда муайян функцияларни бажаришга мосланган бир қатор органлар йиғиндисига тизимлар дейилади. Организмда бир қанча тизимлар фарқланади: овқат ҳазм қилиш тизими, нафас олиш тизими, сийдик ажратиш тизими, жинсий тизим, қон айланиш тизими, нерв тизими, эндокрин тизим, сенсор тизим. Келиб чиқиши ва тузилиши жиҳатидан фарқланадиган аъзолар ёки тизимлар йиғиндиси организмда умумий функцияни бажаришда иштирок этса, аппаратлар ҳосил бўлади. Масалан, таянч-ҳаракат аппарати суяк ва мускул тизимлар йиғиндисидан иборат, сийдик-таносил тизими сийдик ажратиш ва жинсий тизимлар йиғиндисидан иборат. Ҳар битта тизим ўзига хос органлардан ташкил топган.

Аъзо деб, организмда маълум жойни эгаллайдиган, ўзига хос шаклга ва тузилишга эга бўлган ва муайян функцияни бажаришга мосланган тана қисмларига айтилади. Ҳар бир аъзо иккита асосий қисмдан – паренхима ва стромадан иборат. Паренхима аъзонинг хусусиятига, муайян тўқимадан ташкил топган. Масалан, безлар ва тери – эпителий тўқимасидан, бош мия ва орқа мия – нерв тўқимасидан тузилган. Лекин кўпчилик аъзолар таркибида бир неча хил тўқималар иштирок этиши мумкин. Строма – бириктирувчи тўқиманинг коллаген, эластик ва ретикулин толаларидан иборат бўлиб, аъзо учун бу таянчли структуралар каркас вазифасини бажаради. Аъзоларнинг стромаларидан қон, лимфа томирлари ўтади ва қон орқали аъзоларга керакли бўлган трофик моддалар етказилади, кераксиз моддалар эса олиб кетилади. Строма таркибидаги нерв элементлари эса аъзоларнинг фаолиятини бошқа-

ришда иштирок этади. Аъзолар уз навбатида тўқималардан ташкил топган.

Тўқима – бу келиб чиқиши, ривожланиши, тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган ва организмда муайян функцияни бажаришга мосланган ҳужайралар йигиндисига айтилади. Одам организмида 4 хил тўқима фарқланади: эпителий тўқимаси, мускул тўқимаси, бириктирувчи тукима ва нерв тўқима. Нерв тўқимадан ташқари кўрсатилган тўқималар келиб чиқиши, тузилиши ва бажарадиган функцияси жиҳатдан бир неча хилга ажralади. Масалан, мускул тўқимаси 3 хилга бўлинади: силлик мускул тўқимаси, кўндаланг тарғил мускул тўқимаси ва юрак мускулатураси. Эпителий тўқимаси бир қаватли эпителий ва кўп қаватли эпителий турларига бўлинади. Бириктирувчи тўқима 3 хилга бўлинади: асл бириктирувчи тукима, тоғай тўқимаси ва суяк тўқимаси. Тўқималар ҳужайралар ва ҳужайраларо моддадан таркиб топган.

Ҳужайра деб тарихий келиб чиқсан тирик, ўзи-ўзини бошқарадиган, ўз-ўзидан кўпайдиган, бутун тирик ўсимлик ва ҳайвон организмларининг тузилиши, ривожланишининг ва ҳаётий фаолиятининг элементар бирлигидир. Демак, одам организмининг ҳам, морфологик ва функционал бирлиги бу ҳужайралардир. Ҳужайра ҳақидаги таълимотни цитология фанни ўргатади.

ЦИТОЛОГИЯ

Хужайравий назариянинг асосий ҳолатлари 1665 йилда инглиз физиги Р. Гук ўзи ясаган микроскоп остида пўкак кесмасини тузилишини текшириб кўрган. Бунда у биринчи бўлиб, пўкак кесмаси катақчалардан ёки хужайралардан ташкил топганлигини аниқлаган. «Хужайра» терминини биологияга биринчи марта Р. Гук киритган. 1671 йилда Мальпиги, Грю ўсимлик тўқималари хужайралардан ташкил топганини ўз текширишларида кўрсатдилар ва Гукнинг кашфиётини тасдиқладилар. 1680 йилда голландиялик А.В. Левенгук бир хужайрали организмларни тузилишини биринчи марта кашф этган ва бир қанча тирик хужайраларни (эритроцитлар) тузилиш хоссаларини баён этди.

Хужайра ҳақидаги билимлар микроскоп тузилиши мураккаблашиши ва кўрсатиш катталиги ошиши билан чуқурлашади. XIX асрда Ян Пуркинье хужайра таркибида протоплазма борлиги ва 1830 йилда эса инглиз физиги Р. Броун биринчи бўлиб, хужайра таркибидан маҳсус итна билан ядрони ажратади ва хужайра ядросиз яшай олмаслигини кўрсатадилар. Ниҳоятда, шу давргача йифилган хужайраларнинг тузилиши ва вазифаси ҳақидаги билимлар асосида 1838-1839 йилларда иккита немис олимлари Т. Шлейден ва Т. Шванн «Хужайравий назария»ни яратадилар ва бу кашфиёт XIX асрнинг энг катта кашфиёти бўлиб, ўз аҳамияти бўйича Дарвин томонидан яратилган эволюцион назария ва энергия сақланиш қонунлари билан тенг деб юқори баҳоланади. Хужайра ҳақидаги таълимот кейинчалик немис олими Вирхов томонидан анча чуқур ривожлантирилди.

Рус олими К. Бэр қўп хужайрали организмларнинг ривожланиши битта хужайрадан – тухум хужайрасидан

бошланишини кўрсатди. Кейинги даврда бир қанча ўтказилган илмий текширишларда ўсимлик ва ҳайвон хужайраларида модда алмашиниш жараёнлари, кимёвий таркиби ўхшашлиги тасдиқланди. Ана шу далиллар органик оламнинг келиб чиқиши бирлигини яна бир бор исботлади.

Ҳозирги вақтда хужайравий назария учта асосий холатлардан иборат.

1. Хужайра – тирик материянинг элементар бирлигидир.

Ҳамма хужайралар учун модда алмашиниш, ўсиш, таъсирланиш, ҳаракатчанлик, кўпайиш жараёнлари хос. Агар хужайра таркибидан маълум бир компонентлар ажратилиса, масалан, миофибрillardни мускул ҳужайрасидан, улар маълум қисқа вақт ичида қисқаради, сўнг ҳалок этадилар. Демак, хужайрадан ташқари ҳеч қандай ҳаётий жараёнлар содир бўлиши мумкин эмас ва тирик организмларга хос бўлган хоссалар фақат хужайралар орасида рўй беради.

2. Ердаги ҳозирги замон шароитида янги хужайраларни хосил бўлиши бўлининиш йўли натижасида рўй этади.

Бу бўлининищдан олдин хужайра таркибидаги генетик информацияга эга бўлган шаклий структуралар икки хисса ортади. Демак, ҳар бир хужайра фақат хужайрадан яратилади.

3. Хужайра – кўп хужайрали организмларнинг морфологик ва функционал бирлигидир.

Бутун яхлит организмда бир-бiri билан тузилиши, функцияси ва келиб чиқиши жиҳатдан ухшаш бўлган хужайралардан тўқималар ҳосил бўлади. Тўқималардан эса аъзолар ташкил этган. Организмни ташкил этувчи турли даражали компонентларини яхлит бир бутунлиқдай фаолият кўрсатиши нерв ва гуморал (қон-томир) тизимларнинг назорати остида бажарилади. Масалан: қўл иссиқ жисмга тегилганда тез қайта ҳаракатга


келади – бунда афферент нейронлар қўзғалиб, орқа мияга етказади, у ердан эфферент нерв хужайралари орқали таъсирот мускул ва суюкларга бориб, уларни ҳаракатга келтиради.

ХУЖАЙРАНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ФУНКЦИЯСИ

Хужайраларнинг ривожланиши, тузилиши ва функцияси ҳақидаги фан цитология дейилади. Хужайра – цитоплазма билан ядродан иборат элементлар тирик тизим бўлиб, барча ҳайвонлар ва ўсимликларнинг тузилиши, ривожланиши ва ҳаёт фаолиятининг негизидир. Хужайралар катта-кичиклиги жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Масалан: лимфоцитларнинг катта-кичиклиги 7 микрон бўлса, тухум хужайралари катталиги эса 200 микронгача етади. Бундан ташқари хужайралар шакллари хилмажилдири. Хужайраларро моддада жойлашган хужайралар қўпинча ўсимтали ва нотўти шаклга эга. Бундай хужайралар худди амёбага ўхшаш бўлиб, ўз шаклини ўзгартириш қобилиятига эга. Қон ва қўшувчи тўқима хужайралари, ана шундай хужайраларга киради. Бир- бирига зич жойлашган ва хужайраларро моддаси бўлмаган хужайралар шакли доимо бир хилда бўлиб, ўзгармайди. Масалан, эпителий тўқимасининг хужайралари. Шуни айтиб ўтиш керакки, хужайраларни шакли доим бажарадиган функцияси билан боғланган. Масалан, қисқариш функциясини бажарадиган силлиқ мускул хужайралар дуксимон шаклга эга. Нерв қўзғалишини ўтказиш функциясини бажарадиган нерв хужайраларида дентритлар ва нейритлар деб номланадиган ўсимталар билан таъминланган (3-4-расмлар).


Хужайралар шакли, катта-кичиклиги ва бажарадиган функцияси жиҳатдан бир-биридан фарқлансанса ҳам, ҳар бир

ўсимлик ёки ҳайвон ҳужайраси бир хил тузилиш принципига эга.



3-расм. Ҳужайралар шаклларининг хилма-хиллиги:

1 – ичак эпителийсининг цилиндрический ҳужайралари, 2 – чиқарув наиларининг призматический ҳужайралари, 3 – мезотелийнинг ясси ҳужайралари, 4 – бир ҳужайралы беzi – қадиҳсимон ҳужайраси, 5 – одамнинг қон ҳужайралари: а) ядроносиз эритроцитлар, б) ловияси-мон ядроли моноцит, 6 – донасиз лейкоцитлар: в) лимфоцит, 7 – узун дуксимон шаклга эга бўлган силлиқ мускул ҳужайраси, 8 – хифчинли ҳужайралар – сперматозоидлар, 9 – қанотли ҳужайра.



4-расм. I. Үсімдік хұжайраси. Пиёз қобиғи хұжайраларнинг шакли ва тузилиши


1 - хұжайра цитоплазмасы, 2 - ядро, 3 – ядроча, 4 – хұжайра қобиги, 5 - хұжайралардо бўшликлар

II. Ҳайвон хұжайраси. Жигар хұжайраларнинг шакли ва тузилиши

1 – хұжайра цитоплазмасы, 2 – ядро, 3 – хұжайра киритмалари,

4 – құшни хұжайралар, 5 – қон томири.

Хужайрада цитоплазма ва ядро тафовут қилинади. Атрофидан хужайра маҳсус қобиғи – цитолемма билан ўралган. Цитоплазма хужайранинг зарурий ва доимий қисми.



5-расм. Хужайранинг ультрамикроскопик тузилиши (схема):

1 – Хужайранинг цитоплазматик мембранаси еки цитолемма, 2 – пино-цитоз туфакчалар, 3 – хужайра маркази, 4 – гиалоплазма, 5 – эндоплазматик тур, 6 – ядро, 7 – ядро атрофидаги (перинуклеар) бушлиқни эндоплазматик тур бушликлари билан тумашини, 8 – ядро тешиклари (поралари), 9 – ядроча, 10 – Гольджи тур аппарати, 11 – секретор вакуо-лалар, 12 – митохондриялар, 13 – лизосомалар, 14 – фагоцитоз жараёнинг учта кетма-кет кетувчи босқичлари, 15 – хужайра цитолеммасини эндоплазматик тур мембраннылари билан боғланишлари, 16 – цитолемма ўсимтталари

Цитоплазма таркибини хужайра қобиғи ёки цитолеммаси, органеллалар, киритмалар ва гиолаплазма ташкил

этади. Цитоплазма таркибида органеллалар, киритмалар ва гиалоплазма тафовут этилади. Ядронинг жойлашуви ҳужайранинг шаклига боғлиқ. Қутбли ҳужайраларда ядро пастки қутбда, думалоқ ёки овалсимон ҳужайраларда марказда жойлашган (5-расм).

Цитолемма – универсал биологик мембрана бўлиб, кимёвий таркиби жиҳатдан оқсили-еф комплексидир ва З қаватли тузилишга эга. Ташқи ва ички қаватлари оқсил молекулаларидан иборат, ўрта қават эса липид қатламидан ташкил топган. Цитолеммани юза қатлами гликокаликс дейилади ва унинг таркибида оқсил ва еф молекулалар углеводлар билан гликопротеидлар ва гликолипидларни ҳосил қиласди. Цитолемма қалинлиги 9-10 нм. Цитолемма юзасида рецепторлар жойлашган бўлиб, турли биологик актив моддаларни – гормонлар ва медиаторларни ҳужайра томонидан танишини таъминлаб беради. Цитолемма бир қанча муҳим биологик функцияларни бажаради. Ҳужайра билан атроф муҳҳит орасидаги доимо модда алмашинув жараёнларини рўй бериншини таъминлайди. Маълумки, ҳужайра цитолеммасининг юзасида кўп микдорда майдада тешикчалар – поралар бор. Ҳар бир поранинг радиуси 8 А тенг бўлиб, орасидан маълум ҳажмга эга бўлган молекулалар ўта олиш қобилиятига эга. Ҳужайра цитолеммаси ферментатив активликка эга, унинг юзасида бир қанча фосфатаза ферментлар дурухдари ва бир қатор моддаларни парчалаш қобилиятига эга бўлган моддалар аниқланган. Ҳужайрани озиқланишда ҳам цитолемма актив иштирок этади. Цитолемма турли бурмалар ҳосил этиб, қаттиқ заррачаларни (фагоцитоз) ва суюқ моддаларнинг томчиларини (пиноцитоз) ўраб олиш қобилиятига эга. Фагоцитоз – бу қаттиқ ҳолдаги макромолекулаларни ҳужайра цитолеммаси орқали ютиб олиши. Пиноцитоз – бу суюқ ва коллоид ҳолдаги

Хужайра таркиби

Цитоплазма				Ядро
Цитолемма	Органеллалар	Киритмалар	Цитозоль	
Цитолемма ёки плазмолемма - бу кимёвий таркиби жиҳатдан оқсил ва ёғ комплекси, уч қаватли тузилишга эга бўлган элементар мембрана.	<p>Хужайрада доимий бўлган маълум тузилишга ва муайян функцияларни бажаришга мосланган қисмларга – органеллалар дейилади.</p> <p>I. Цитоплазмани асосий мембранили органеллалар:</p> <p>Донадор эндоплазматик тур.</p>	<p>Хужайрада доимий бўлмаган моддалар:</p> <p>Трофик киритмалар</p> <p>Секретор киритмалар</p> <p>Экскретор киритмалар</p> <p>Пигмент киритмалар</p>	<p>Цитоплазмани органелларсиз бўлган соғ қисмини – цитозоль дейилади. Цитозоль таркибида оқсиллар ферментатив активликка эга бўлган кимёвий бирималар, хужайра функциясини бажаришни таъминлаб берувчи молекула ва ионлар ташкил этади.</p>	<p>Ядро мембранаси ёки кариолемма</p> <p>Хроматин</p> <p>Ядроча</p> <p>Кариоплазма ёки ядрошираси.</p>

	Донасиз эндо- плазматик тур Гольджи аппа- рати Митохондриялар Лизосомалар II. Цитоплазма- нинг мембрана- сиз органеллала- рига киради: рибосома ва по- лисомалар микронайчалар центриолалар, хифчинилар ва киприкчалар Фибрillялар структуралар		
--	--	--	--

макромолекулаларни ютиб олишига айтилади. Ҳужайра ичига ўтган макромолекулалар парчаланишнинг кейинги босқичларидан ўтади. Ҳужайра цитолеммаси экзоцитоз жараёнини бажаришда иштирок этади.

Экзоцитоз – бу модда алмашиниш натижасида ҳужайрада ҳосил бўлган кераксиз зарарли моддаларни ташқарига чиқаришдир. Ниҳоятда, цитолемма ҳужайраларнинг бутун ичидағи компонентларини ташки мухитдан ажратиб туриб, ҳимоя вазифасини бажаради.

Органеллалар

Цитоплазма органеллалари деб, ҳужайрада маҳсус тузилишга эга бўлган ва муайян функцияларни бажарадиган доимий қисмларга айтилади. Органеллалар икки группага бўлинади: муҳим аҳамиятга эга бўлган органеллалар ва маҳсус органеллалар.

Муҳим аҳамиятга эга органеллалар ҳамма ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари учун ҳос бўлиб, бўларга цитоплазматик тур, пластинкали комплекс, митохондриялар, рибосомалар, центросома ёки ҳужайра маркази ва лизосомалар киради. Маҳсус органеллалар фақат муайян тўқималар учун ҳос бўлиб, уларни бажарадиган специфик функцияси билан боғлиқ. Масалан, фақат мускул тўқиманинг мускул ҳужай-раларида қисқариш функциясини бажарадиган миофиб-риллалар, нерв тўқимасини ташкил этувчи нерв ҳужайралар цитоплазмасида нейрофибриллалар, эпителиал тўқимасида эса таянч функциясини бажарадиган тонофибриллалар маҳсус органеллалар бўлиб ҳисобланади.

Муҳим аҳамиятта эга бўлган органеллалар.

Цитоплазматик тур. Электрон микроскоп орқали текширилганда ҳужайрада паралел қаторлар ҳосил қилган

мембранали структуралар йиғиндисидан иборат. Цитоплазматик тур таркибида мураккаб тармоқланган канадчалар, тор ёриқсім он бүшликлар ва кенгайған цистерналар учрайди. Цитоплазматик турни ташкил этувчи структуралар хужайранинг бошқа хил мембранали структуралари билан контактлар ёки бирикішлар ҳосил қилиш мүмкін, масалан, ядро мембранаси, пластинкали комплекс ёки цитолемма мембраналари билан боғланган бўлиши мүмкін. Хужайрада икки хил цитоплазматик тур – донадор ёки грануляр ва донасиз ёки агрануляр формалари учрайди.

Донадор ёки грануляр цитоплазматик турни ташкил этувчи мембранали структуралари юзасида ўтироқ ҳолда рибосомалар жойлашган. Бу ерда оқсилларнинг синтезнинг асосий этапи полипептид занжир ҳосил бўлиши рўй беради.

Силлиқ цитоплазматик тур фақат соғ мембраналар йиғиндисидан иборат бўлиб, хужайрада углевод моддаларни ситеzlашда иштирок этади.

Пластинкали комплекс. Бу органелла биринчи марта 1898 йилда орқа мия тутулари нерв хужайраларида топилиб, итальян олимни Камилло Гольджи томонидан тасвир этилган. Кумуш билан бўяш ёки осмийлаштириш усули билан пластинкали комплексни тури хужайраларда ядро атрофидан тур ёки қалпоқча холатда жойлашганлигини аниқлаш мүмкін. Электрон микроскоп остида текширилганда пластинкали комплекс бир-бири билан боғлиқ бўлган 3 хил компонентдан ташкил топган: диаметри 0,1-0,2 мк га teng бўлган йирик вакуолалардан, паралел жойлашган ясси цистерналардан ва майдада пулфакчалар ёки везикулардан иборат. Ҳар битта компонентни ташкил этувчи мембраналари қалинлиги 60-70 Å teng ва 3 қаватли тузилишга эга. Хужайрадан чиқарилиши лозим бўлган модда-

ларни ажратишида пластинкали комплексни иштирок этиши аниқланган.

Бундан ташқари, без ҳужайралари ишлайдиган секрет томчилари ҳужайра ичидағи пластинкали комплекснинг мембранали компонентлари – вакуолалар ва пифакчалар ичида аниқланган. Демек, пластинкали комплекс ҳужайрада ишлаб чиқарылған секретор гранулаларни конденсацилланиш ва шаклланиш жойи ҳисобланади.

Митохондриялар – бир ҳужайралы ва күп ҳужайралы организмларнинг доимий органелласи ҳисобланади. Турли ҳужайраларда митохондриялар бир биридан ўз ҳажмлари, шакллари ва сони жиҳатдан фарқланади.

Митохондрияларни ташқи юмалоқ, таёқчасимон, ипсимон ёки тармоқланган танаачалар ҳолатида бўлиши мумкин. Митохондриялар катта-кишиклиги жиҳатдан ҳам фарқланади, $0,2 \text{ мк} - 29 \text{ мк}$ гача этиши мумкин.


Ҳужайраларда митохондрияларни сони турлича. Баъзи ҳужайраларда митохондриялар сони 5-7 га teng бўлса, жигар ҳужайраларида эса 2.500 мингча етади. Ҳужайраларда митохондриялар кўпинча цитоплазманинг функционал активликка эга бўлган кисмларда жойлашган. Митохондрийларда типик структурага эга бўлган иккита мембранадан ташкил топган қобиқ бўлади. Ҳар бир мембраннынг қалинлиги 69 А га teng бўлиб, ташқи ва ички қаватлари икки қатор оқсил молекулаларидан ва орасида жойлашган икки қатор липид молекулаларидан иборат. Ички мембрана ҳосил этган бурмаларга кристалар дейилади. Кристалар митохондриялар ичини бир-бири билан туташган бир қанча бўшлиқларга бўлади. Бўшлиқлар ичидағи модда митохондрия матрикси дейилади. Бурмалар ёки тўсиқлар деворларига диаметри 85 А га teng бўлган танаачалар ёки элементар заррачалар бириккан бўлади. Бу заррачалар оксидланиш-

қайтарилиш реакцияларда иштирок этиши натижасида электронлар ажралади. Эркин электронлар эса, АТФ синтезида иштирок этадиган бирикмалар занжири юзасига ўтади. Демак, митохондрия ҳужайрада АТФ ҳолида ишлаб чиқарадиган энергия манбаи ҳисобланади.

Центросома ёки ҳужайра маркази. Биринчи марта 1875 йилда немис биологи Гертвиг томонидан бўлингаётган тухум ҳужайраларида топилган. Ҳужайра маркази центросфера деб аталадиган шарсимон танадан иборат. Центросфера ичидаги иккита зич танаchalар центриоллалар ётади. Ҳар битта центриола электрон микроскоп остида кўрилганда 0,3-0,6 мк га тенг бўлган цилиндр шаклида бўлади, цилиндр девори 9 жуфт найчалар гурухидан иборат. Центриоллалар центро-десмоза ёрдамида туташадилар. Центриолалар ҳужайранинг ҳаракат функцияси билан боғлиқ бўлиб, анафаза даврида хромосомалларни қутбларга тақсимланишини таъминлаб беради.

Рибосомалар. Электрон микроскоп остида текширилганда, диаметри 150-350 нмк га тенг бўлган юмaloқ танаchalар. Рибосомаларнинг марказий қисми РНК дан, периферик қисми эса оқсиллардан тузилган. Цитоплазмада рибосомалар соф ёки бирикилган ҳолатда учрайди. Соф рибосомалар цитоплазмада алоҳида ёки гурухларни ташкил қилган бўлиши мумкин. Бир қанча рибосомаларнинг гурухига полирибосома ёки полисома деб айтилади. Бирикилган рибосомалар эса цитоплазматик тур ёки ядро мембраналар билан боғланган.

Рибосомалар цитоплазмада оқсилларнинг синтезлаш маркази ҳисобланади, лекин бирикилган рибосомаларда оқсил синтезининг тезлиги, соф рибосомалардаги оқсил синтезига нисбатан 20 марта тезроқ кетади.



6-расм. 5: Меъда ости бези охирги секретор бўлимларининг ҳужайра цитоплазма ва ядроларида рибонуклеин кислотасини мавжудлиги:

Препаратлар яшил метил ва гиронин билан бўялган 15x15.

1- ядро, 2 – ядроча, 3 – цитоплазма, РНК пиронин билан қизил рангга бўялган;

6: Орқа миянинг нерв ҳужайралор таркибидағи РНК:

1 – нерв ҳужайрасининг ядроси, 2 – ядроча, 3 – цитоплазма.

Курсатилган тузилмаларда РНК қизил рангга бўялган

Лизосомалар – жигар ҳужайраларнинг биохимик усуллар билан текширилаётган биринчи марта 1955 йилда Де-Дюв томонидан қашф этилган. Электронограммалардан лизосомалар катта электрон зичликка эга бўлган юмалоқ заррачалар холида кўринади. Ҳар битта лизосома пишиқ мембрана билан ўралган бўлиб, таркибида эса 12 хил гидролитик ферментлар аниқланган. Лизосома мембранныи типик уч қаватли тузилишга эга. Лизосома таркибидағи ферментлар оқсил углевод моддаларни ва нуклеин кислоталарни парчалаш ёки (лизис) кобилиятига эга. Шунинг учун лизосомаларни ҳужайрани «овқат-ҳазм қилиш тизими» деган ном берилган.

Киритмалар – Хужайрада модда алмашиниш жараёнлари натижасида турли моддалар хосил бўлади. Бу моддалар киритмалар деб аталади. Органеллалардан фарқли киритмалар хужайра цитоплазмасида доимий бўлмасдан, баъзан кўпайиб ёки камайиб, ёки бутунлай хужайрадан йўқолиб кетиши мумкин. Турли хил киритмалар фарқ қилинади: 1. *Трофик киритмалар* бўлиб, улар оқсила моддалардан, ёғ, гликоген ва витаминалардан иборат. 2. *Экскретор киритмалар* – бўлар катаболизм натижасида вужудга келган ва хужайрадан чиқиб кетадиган моддалар хисобланади. 3. *Пигментли киритмалар* – турли хужайралар таркибида учрайди. Масалан, эритроцит таркибидаги гемоглобин, тери эпидермис хужайралардаги меланин пигменти, нерв хужайралар таркибидаги липофусцин. 4. *Секретор киритмалар* – фақат турли секрет ишлаб чиқарадиган безли хужайраларда учрайди. Бу киритмалар турли химиявий таркибга эга бўлиши мумкин.

Цитозоль. Цитозоль цитоплазманинг органеллалари бўлмаган моддасидир. Цитозоль шу вақтгача қадар ҳам яхши ўрганилган эмас ва хужайра ҳаёт фаолиятидаги роли ҳақида аниқ бирор фикр айтиш қийин. Цитозоль таркибида оқсиллар, баъзи ферментлар, жумладан полисахаридларни парчалайдиган ферментлар топилган. Сўнгти вақтларда цитозолда оқсиллар синтези жараёнларида иштирок этадиган паст молекулали рибонуклеин кислота топилган.

Хужайра ядроси

Бўлиниш қобилиятига эга бўлган, хужайраларда ядро доимий таркибий қисмдир. Цитоплазмадан ядро доимий таркибий қисмдир. Цитоплазмадан ядро яхши ифодаланган қобиқ билан чегараланади. Ядро, одатда хужайра марказида бўлиб, шакллари эса хилма-хилдир. Кўпинча ядро хужайра

шаклини тақрорлайди. Масалан, юмалоқ шаклга эга бўлган хужайраларда ядро шакли юмалоқ, силик мускул хужайраларда эса узун дуксимон, баъзан айрим хужайра турларининг ядроси таёксимон, ловиясимон ёки сегментланган бўлиши мумкин. Ядроларни минимал каталлиги 4 микронга келса, максимал катталиги 40 микронгача бўлади. Ядронинг асосий компонентлари:

- 1) ядро қобиги;
- 2) ядро шираси – кариоплазма;
- 3) битта ёки иккита ядроча;
- 4) хроматин.

Ядро қобиги – ташқи ва ички мембраналардан ташкил топган. Иккита мембрана орасида бўшлиқ жойлашган бўлиб, қалинлиги 160-260 нмк га тенг. Ҳар битта мембрананинг қалинлиги 70-80 нмк га тенг бўлиб, типик уч қаватли тузилишга эга. Ядро қобиғида мураккаб тузилган тешикчалар бор. Ана шу тешикчалар орқали турли моддаларнинг молекулалари ва уларнинг заррачалари ядродан цитоплазмага ва цитоплазмадан ядрога ўтиш қобилиятига эга. Тешикчаларни сонига қараб, ядронинг функционал ҳолатини аниқлаш мумкин. Ташқи мембрана юзасида рибосомалар жойлашганлиги сабабли, ядро қобиги оқсилининг синтез жараёнларида қатнашади.

Хроматин – ядронинг ирсий моддаси бўлиб, майда донадор ёки донадор-толали модда ҳолида аниқланади. Кўпинча хроматин доначалари ядро қобиги остида ёки ядроча атрофида конденсацияланади. Хроматин моддаси ядро бўёқлари билан жуда яхши бўялади. Шу хусусиятга кўра доначалар моддаси хроматин деб ном олган. Радиоавтографик методлар ёрдамида ядро хроматини таркибида ДНК борлиги аниқланиб, ДНК ҳамиша оқсил билан бириккан ҳолда учрайди. Хужайра бўлинини даврида

хроматин хромосомаларга айланади. Хроматиннинг спираллашиши ва конденсацияланиши натижасида хромосомалар шаклланади.

Хромосомалар – айниқса митознинг метафаза даврда яхши кўринади. Ҳар битта хромосома иккита хроматидан иборат. Хроматидалар хромосоманинг маълум қисмida центромера ёки бирламчи тортма орқали бирлашган. Ўз навбатида ҳар битта хроматида ДНК молекуласидан иборат. Хромосомада центромерани жойлашишига қараб, хромосомалар 4 турга бўлинади:

1. Метацентрик хромосома – бунда центромера марказда жойлашган, бўлиб, иккита teng елка ҳосил бўлади.
2. Субметацентрик хромосома – центромера хромосомани бир учига қараб кўпроқ сийжитан, натижада калта ва узун елкалар ҳосил бўлади.
3. Акроцентрик хромосома – центромера хромосомани тўлиқ бир учида жойлашган.
4. Йўлдошли хромосома – бу хромосомаларда бирламчи ва иккиламчи тортмалар таниқланади. Демак, ҳар бир хромосома таркибида куйидаги тузилмалар кузатилади:
 - а) центросома (бирламчи тортма),
 - б) хроматида,
 - в) иккиламчи тортма,
 - г) йўлдош.

Хужайра бўлинаётганда, хромосомани хроматидалари бир-биридан ажралади ва қутбларга қараб ҳаракатланади ва кейин хромосомаларга айланади.

Организмларнинг ҳар бир тури учун хромосомаларнинг сони доимий. соматик ҳужайраларда хромосомалар жуфт-жуфти билан учраб, жинсий ҳужайраларга нисбатдан сони икки ҳисса ортиқ. Жинсий ҳужайраларда хромосомалар тоқ сонда бўлади. Жинсий ҳужайралардаги хромосома-

ларнинг тоқ сони – гаплоид сон дейилиб, лотинча «п» ҳарфи билан ифодаланади. соматик ҳужайрадаги хромолсомаларнинг жуфт сони диплоид сон дейилади ва «2п» ҳарфи билан ифодаланади. Бир турга мансуб бўлган организмлар ҳужайраларида хромосомалар муайян шакллари, ҳажмлари, сонлари билан характерланади ва кариотип деб номланади.

Ҳужайра ичидағи хромосомаларни 2 туругта бўлиш мумкин:

1. Аутосомалар – соматик белгиларни ифодаловчи хромосомалар.

2. Жинсий хромосомалар ёки гетерохромосомалар.

Масалан, одам кариотипи 46 хромосомадан иборат, ундан 44 (ёки 22та жуфти) аутосомалар бўлса, 23-чи жуфти эса жинсий хромосомалар ёки гетерохромосомалар дейилади. Гетерохромосомалар ургочи ва эркак жинсларда фарқланувчи хромосомалар бўлиб, эркакларда бу жуфт XY, ургочиларда эса – XX шаклида бўлади.

Ядро шираси. Ядро таркибида хроматиндан ташқари ядро шираси ёки нуклеоплазма ҳам мавжуд. Ядро шираси таркибида ферментатив оқсиllар, кўпинча глобўлинлар борлиги аниқланган. Фибриляр оқсиllар эса таянч функцияларни бажаради.

Ядроча – ёки нуклеола интерфазали ядронинг доимий қисмидир. Ядрочанинг катталиги ўзгарувчан бўлиб, ҳужайранинг функционал ҳолатига боғлиқ. Физик хоссалари жиҳатдан ядроча ядродан анча зич моддадан тузилганлиги билан характерланади. Кимёвий таркиби жиҳатдан эса ядрочада РНК нинг миқдори юқори концентрацияда бўлади. Бундан ташқари ядрочанинг асосий массасини мураккаб ядро оқсиllари – нуклеопротеидлар ташкил этади ва улардан ядронинг фибриляр қисми ҳосил бўлади.

Электрон микроскопик текширишларга кўра ядрочанинг асосини оқсилли фибрillardар модда ва грануляр субстанция ҳосил этади. Грануляр заррачалар диаметри 200 нмк га тенг бўлиб, таркибида РНК юқори миқдорда бўлади. Бу заррачалардан кейинчалик прерибосомалар ҳосил бўлади. Демак, ядроча рибосомаларни синтезлаш жойи хисобланади. Ядроча моддаси бевосита нуклеоплазмага бевосита тегиб туриб, ҳеч қандай ажратувчи қобиқ бўлмайди.

Хужайранинг химиявий таркиби

Менделеевнинг периодик жадвалига кирувчи элеменлардан 60 хили тирик организмларнинг хужайралар таркибида аниқланган. Бу химиявий элементлар анорганик дунё таркибида учраб, органик ва анорганик дунёни бирлиги ҳақидаги фикрни тасдиқловчи бир далил деб ҳисобласа бўлади. Хужайра таркибига кирувчи кимёвий элементларни уч гурухга бўлиш мумкин.

2-жадвал

1 гурух элементлари	Миқдори	2 гурух элементлари	Миқдори	3 гурух элементлари	Миқдори
Кислород	65,00-75,00	Калий	0,15-0,40	Zn	0,0003
Углерод	15,00-18,00	S	0,15-0,20	Cu	0,0002
Водород	8,00-10,00	P	0,20-1,0	J	0,0001
Азот	1	Cl	0,05-0,010	F	0,001
		Mg	0,02-0,03		
		Na	0,02-0,03		
		Ca	0,04-2,00		
		Fe	0,01-0,015		

Хужайра таркибидаги 1-гурух элементларининг миқдори 98% ташкил этади. Бу элементлар оқсиллар таркибига киради, 2-гурух элементлари – 1,9%, 3-гурух элементлари – 1,001 хужайрада ташкил этади.

Хужайрада мухим биологик аҳамиятта эга бўлган кимёвий элементлар

Элемент	Хужайра учун биологик аҳамияти
Н - водород	Сув таркибига киради ва бошқа биологик моддаларда учрайди
В - бор	Баъзи бир ўсимликларни ривожланиши учун зарур
С - углерод	Биологик моддалар таркибига киради
N - азот	Оқсил ва нуклеин кислоталар таркибига кирувчи компонент
O - кислород	Сув ва биологик моддалар таркибига киради
F - фтор	Тишларни эмаль таркибида учрайди
Na ⁺ - натрий	Хужайрадан ташқари учрайдиган "+" мусбат зарядланган ион
Mg - магний	Кўп ферментларни таркибига кирувчи элемент, ўсимлик хужайраларида эса хлорофил таркибида учрайди
P - фосфор	Суяк тўқимасида, оқсиллар таркибида учрайди
Cl - хлор	Кўпинча манфий зарядланган "-" ҳолда учрайди
K - калий	Кўпинча "+" ҳолда, бу ион хужайралар ичида учрайди
Ca - кальций	Суяк, тишларнинг асосий компоненти, мускулларни кисқаришини таъминлайди.
Mn - марганец	Организмда жуда кам миқдорда учрайди
Fe - темир	Кўп органик моддалар таркибига киради. Масалан, эритроцитлар таркибидаги темоглобинда.
Co - кобалт	B ₁₂ витамин таркибига киради.
Cu - мис	Баъзи ферментлар таркибида кам миқдорда учрайди
Zn - цинк	Организмда жуда кичик миқдорда учрайди.
- йод	Қалқонсимон безининг гормонлари таркибига киради

Хужайрадаги анорганик моддалар.

Сув. Хужайрада сув миқдори максимал бўлиб, ўртача ҳисобда хужайра вазнидан 70-80% ташкил этади. Организмда сувнинг энг кўп миқдори эмбрионал даврда, сўнг ёши катталашган сари аста-секин камаяди.

4-жадвал

Одам организмида сув миқдори

Турли ёща	Миқдори, %
Эмбрионал давр	90-95
Ёш организм	80
Қариган организм	60
Сувнинг турли тўқимадаги миқдори	
Миянинг кул ранг мoddасида	85
Миянинг оқ мoddасида	75
Суяк	20
Тиш эмалида	10

Хужайранинг ҳажми ва гаранглиги ундаги сув миқдорига боғлиқ. Сув хужайрада иссиқликни регуляция этишда иштирок этади. Сувнинг кимёвий структураси муҳим биологик белгиларни ҳосил бўлишини ифодалайди. Сув молекулалари қутбланиш ҳоссасига эга, шу сабабли, водород боғлари ҳосил бўлиши орқали бир неча молекулалардан комплекслар пайдо бўлади. Сув молекулалари актив қутбланиши сабабли, унда турли кимёвий моддалар яхши эрийди. Демак, сув – яхши эритувчи. Сувда айниқса гидрофил (гидро – сув, фил – яхши кўраман) моддалар эрийди. Бўларга тузлар, кислоталар, асослар, оқсиллар, спиртлар, углеводлар киради. Сувда кам эрийдиган ёки умуман эримайдиган моддалар гидрофоб моддалар дейилади. Бўларга эса ёғлар ва ёғсимон моддалар киради.

Хужайрадаги анорганик моддалар

Модда	Хужайрага утиш йўли	Жойлашуви ва ўзгарини	Хоссалари
Сув	1. Ўсиммиларга атрофдаги мухитдан 2. Ҳайвон организмларининг хужайраларида оқсиллар, ёёлар, углеводлар парчаланиши натижасида ҳосил бўлади.	Хужайра цитоплазмасида, органеллаларда, ядро ширасида, хужайра марказида хужайралардан жойларда синтезланиш, оксидланиш ва гидролиз реакцияларда иштирок этади.	Универсал эритувчи. О ₂ манбаи, осмос босимини регуляциясини бошқаради, физиологик ва биохимик жараёнлари учун мухит, хужайра температурасини регуляция этади.
Азот бирикмалари	Ташқи мухитдан хужайра ичига NH, NO ҳолда ўтади. Ҳайвонлар хужайрасига оқсиллар ва аминокислоталар ҳолида овқат билан тушади.	<u>Ўсимлик</u> хужайраларида аммоний ионлари ҳолида учраб, NH гача тикланади ва аминокислоталар синтезида иштирок этади. Ҳайвон хужайраларида аминокислоталар таркибида бўлиб, оқсиллар синтези иштирок этади.	Оқсиллар, аминокислоталар, нуклеин кислоталар, АТФ (ДНК, РНК) таркибиға киради

5-жадвалнинг давоми

Фосфорли Р бирикмалари	<p><u>Ўсимликларда</u> – атрофдаги мұхитдан Н, РО, НРО ион ҳолида ўтади.</p> <p><u>Хайвонлар</u> – хужайралықтардың эса овқат таркибида фосфолипидлар ҳолида.</p>	<p>Тупроқ таркибига кириб, илдиз томонидан ажратиладиган махсус моддалар таъсирида эриб, сұнг шу ҳолда илдизга сурымади.</p>	<p>Хужайрадаги мембранали структуралар таркибига киради. Бундан ташқары ДНК, РНК, АТФ, сүякларда учрайди.</p>
Са бирикмалари	<p>Ўсимлик хужайралығы ташқы мұхитдан Са ионлар ҳолида ўтади. Хайвон хужайраларының эса овқат билан.</p>	<p>Хужайраларда Са ионлар ҳолида ёки білзан кристаллук моддалар ҳолида учрайди. Сүяклар, чиганоқлар таркибига киради.</p>	<p>Қон таркибига кириб, қон ивища да иштирок этади. Хужайралараро модда, сүяклар, тишлар таркибида учрайди.</p>
К бирикмалари	<p>Ўсимлик хужайралығы ташқы мұхитдан К ионлар ҳолида, хайвон хужайраларының эса овқат билан.</p>	<p>К ионлар хужайра инида учраб, унинг микрори атрофдаги мұхитта нисбатдан анча баланд. Организмлар халок бўлгандан сунг, табиятта калий ионлари ҳолида яна қайтади.</p>	<p>Калиевий насос – эффекти ҳосил қиласи. Бунда хужайра мембранныдан фақат керакли моддалар ўтишини таъминлайди. Калий ионлари хужайрада қўзғалашни ўтказиш вазифасини бажаради.</p>

5-жадвалнинг давоми

Ферментлар	Хужайрада ферментлар генетик кодга мувофик, рибосомаларда синтезланади.	Хужайра цитоплазмасида, ядрода, мембранили органоидларда, митохондрияларда.	Оксидланиш – қайтарилиш реакцияларида, нафас олиш жараёнида иштирок этади, турли кимёвий реакцияларда биокатализаторлик вазифасини бажаради.
------------	---	---	--

Хужайрадаги органик моддалар

Хужайранинг ҳаётий фаолиятида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган органик моддаларга оқсиллар, углеводлар, ёғлар, нуклеин кислоталар ва АТФ киради.

Оқсиллар – хужайранинг асосий компоненти бўлиб, турли структуралар таркибига киради ва хужайранинг умумий вазнидан 10-20 % ташкил этади.

Кимёвий таркиби. Оқсилларнинг молекуляр массаси жуда катта бўлиб 10 000 дан 1 000 000 гача етади. Оқсил молекулалари полимерлар принципида тузилган. Полимер – бу юқори молекуляр массага эга бўлган молекула бўлиб, таркибида бир неча марта такрорланган мономерлардан иборат. Оқсил мономерлари – аминокислоталар дейилади. Аминокислоталар – органик бирикмалар бўлиб, таркибида аминогруппа – NH₂, карбоксил групна – COOH ва углеводородли радикал – R – тафовут этилади. Аминокислоталар бир-биридан R радикаллари бўйича фарқланади. Аминокислоталарни тузилишини куйидаги умумий формула билан ифодалаш мумкин.



Оқсиллар таркибида 20 хил аминокислоталар фарқланади. Масалан, аланин аминокислота (АЛА) – деб қисқача ифодаланади, аргинин (АРГ), аспарагин (АСП), валин (ВАЛ), гистидин (ГИС), серин (СЕР), пролин (ПРО), лизин (ЛИЗ) ва ҳоказо. Оқсилларда аминокислоталар пептид боғлар билан бириккан бўлиб, полипептид занжирлар ҳосил қиласадилар. Пептид боғ ҳосил бўлища битта аминокислотанинг карбоксил группаси иккинчи аминокислотанинг аминогруппаси билан бирикади. Оқсилларда бирламчи, иккиламчи, учламчи ва

баъзан тўртламчи структуралари фарқланади. Оқсилини бирламчи структурасида аминокислоталар бир-бири билан кетма-кет бирикиб, занжир шаклини ҳосил қиласди. Аминокислоталар бир-бири билан СО- NH пептид боғлари орқали бириккан.

Оқсилини иккиламчи структурасида полипептид занжир спирал ҳолда бурилаган. Бунда иккита қўшни бурмалар (виток) орасида NH – группа билан СО- группалар ўртасида водород боғлар ҳосил бўлади. Демак, спиралнинг бир бурмаси билан иккинчи қўшни бурмаси ўртасида водород боғлар ҳосил бўлиб, натижада, оқсилининг иккиламчи структураси бирламчи структурага нисбатан анча пишиқ бўлади.

Оқсилининг учламчи структураси – оқсилининг полипептид спирали қўп марта ўралиб фазода маълум бир конфигурацияни ҳосил қиласди. Учламчи структурани мустаҳкам бўлишига сабаб, бунда углеводородли радикаллар орасида кимёвий боғларни ҳосил бўлиши. Масалан, олтингутурт атомлари, водород атомлари кимёвий боғларда кўприклар ҳосил қилиша иштирок этадилар.

Оқсилиларни тўртламчи структураси гемоглобин молекуласида учрайди ва 4 полипептид занжирдан иборат.

Тури кучли кислоталар, ишқорлар, тузлар, оғир металлар, иссиқлик нуриар таъсирида оқсилининг бирламчи, иккиламчи ва учламчи структураси бузилади. Бу ходиса денатурация дейилади. Бунда оқсил ўз биологик активлигини йўқотади. Денатурация қайтма ёки қайтмас бўлиши мумкин. (Қайтмас денатурацияга мисол – тухум оқсилини қайноқ сувда каттиқ оқ моддага айланиши).

Хужайрада оқсилиларнинг аҳамияти.

Хужайрада оқсилилар қуидаги функцияларни бажаради:

1. Ферментатив функцияси – хужайра ичидағи рүй берадиган кимёвий реакциялар ферментлар иштироқида кетади. Ферментлар кимёвий таркиби бўйича оқсиллар бўлиб, биологик катализаторлар ролини ўйнайди. Биологик катализаторлар кимёвий реакцияларни тезлигини миллион марта тезлаштиради.

2. Курилиш функцияси – ҳамма хужайравий структуралар таркибиға оқсиллар киради.

3. Ҳаракатлантирувчи функция – хужайрада ҳамма ҳаракат турлари оқсилларни маҳсус структуралари орқали бажарилади. Масалан, мускул толаларнинг қисқариши, киприкчалар ва хифчинларнинг ҳаракати ва ҳоказо.

4. Транспорт функцияси – турли моддаларни хужайрага, хужайрадан хужайраларга моддаларни ўтиши оқсиллар ёрдамида вужудга келади. Масалан, эритроцитлар таркибиға киравчи гемоглобин оқсили тўқималарга кислородни етказиб, CO_2 ни эса тўқималардан олиб кетади.

5. Ҳимоя функцияси – организмга ташқи муҳитдан бактериялар ёки бегона оқсил молекулалар тушганда, унда уларга қарши маҳсус оқсили таначалар – антителалар ишлаб чиқарилади.

6. Энергетик функцияси – 1 г оқсил хужайрада оксидланганда 17,6 кдж энергия ажралиб чиқади.

Углеводлар – мураккаб органик моддалар бўлиб, умумий формуласи $\text{C}(\text{H}_2\text{O})_n$ га teng. Ҳайвон хужайраларида миқдори 1-5 % ташкил этса, ўсимлик хужайраларида эса 70% ни умумий вазнига нисбатан ташкил этиши мумкин. Углеводлар иккита группага бўлинади – оддий углеводлар ёки моносахаридлар ва мураккаб углеводлар – полисахаридларга бўлинади. Полисахаридлар мономерлари моносахаридлар хисобланади.

Моносахаридлар – рангиз, мазаси ширин, сувда яхши эрийдиган моддалар. Табиатда энг кенг тарқалғанлари гексозалар (таркибида 6 углерод атомли). Бұларга глюкоза, фруктоза (асал ва меваларда), галактоза (сугда учрайди).

Нуклеин кислоталар таркибига пентозалар киради: бўлар рибоза ва дизоксирибоза. Оддий полисахаридларни дисахаридлар ташкил этади, бўларга: сахароза ва сут шакари киради. Сахароза молекуласи глюкоза ва фруктозадан ташкил этган, сут шакари эса глюкоза ва галактозадан. Дисахарозалар сувда яхши эрийдилар, мазаси ширин.

Юқори молекуляр полисахаридлар сувда ёмон эрийдилар. Энг кенг учрайдиган полисахаридлардан гликоген – фақат ҳайвон хужайраларида учрайди. Сўнг крахмал ва целяюлоза – ўсимлик хужайраларига мансуб.

Углеводларнинг хужайрада ахамияти.

1. Энергетик функцияси – 1 г углевод парчаланганда 17,6 кдж энергия ажралиб чиқади. Хужайра бу энергияни турли синтезлаш реакцияларда, турли ҳаракатлар бажарилишида, бўлинниш жарабёнларида сарфланади.

2. Қурилиш функцияси – ўсимлик хужайраларининг қобиқлари полисахарид – целяюлозадан таркиб топган.

3. Трофик функцияси – сут эмизувчиларнинг қон ва тўқималарида маълум миқдорда глюкоза доимо бўлади. Глюкоза миқдорини камайиши бош мия нерв хужайраларини қўзгалишига олиб келади.

4. Крахмал ва гликоген моддалари хужайрада запас модда ҳисобланади.

Нуклеин кислоталар хужайранинг қуруқ массасини олганда 1–5% ташкил этади. Хужайра таркибида икки хил нуклеин кислоталар тафовут этилади – ДНК (дизоксирибонуклеин кислотаси) ва РНК (рибонуклеин кислотаси). ДНК фақат ядрода ва митохондриялар таркибида учрайди. РНК

эса ядрода ва цитоплазмада бўлади. Нуклеин кислоталарнинг биологик аҳамияти катта. ДНК генетик информацияга эга ва ҳужайранинг хусусий оқсилларнинг таркибини белгилайди. ДНК ирсий белгиларни наслдан-наслга ўтишини таъминлайди. РНК эса оқсилларни синтез қилишда бевосита иштирок этади. ДНК молекуласи бир-бирининг атрофида спиралсимон ўралган 2 занжирдан иборат. Бу қўш занжирли спирални диаметри тахминан 2 нанометр, узунлиги эса энг кенг катта оқсил молекулаларидан ҳам каттадир. ДНК молекуляр массаси бир неча миллионга тенг. ДНК молекуласи полинуклеотид бўлиб, унинг мономерлари мононуклеотидлар дейилади. РНК ва ДНК чизма полимерлар бўлиб, таркибига 70-80 дан 10% мононуклеотидлар киради. Нуклеотид таркибига углеводли бирикма – дезоксирибоза, фосфор кислотасининг қоддиги ва азотли асос киради. Азотли асослар 4 хилда бўлади: аденинли, (А), гуанинли (Г), тимидинли (Т), цитозинли (Ц). Демак, ДНК таркибидаги нуклеотидлар 4 хил бўлиши мумкин: аденинли (А), гуанинли (Г), тимидинли (Т), цитозинли (Ц) нуклеотидлар. ДНК молекуласини ташкил этувчи иккита занжир бир-бирига нисбатан антипаралел равишда жойлашган. Бундай занжирларда кимёвий боғланишлар молекуланинг узунаси бўйлаб ва иккита қарама-қарши жойлашган занжирлар орасида ҳосил бўлади. Бир занжирнинг узунаси бўйлаб жойлашган нуклеотидлари бир-бири билан ковалент фосфодиэфир боғлари ёрдамида бирикади. Бунда бир нуклеотид таркибидаги пентозанинг гидроксил группаси кейинги нуклеотиднинг фосфат группаси билан бирикади. ДНК полинуклеотид занжирининг асосини беш углеродли углевод – дезоксирибоза ташкил этади. Агар занжирнинг ташқи томонидан фосфат группалар жойлашган бўлса, занжирнинг марказида ёки асосида дезоксирибоза, занжир-

нинг ички юзаси томонидан азотли асослар жойлашади. Иккинчи занжирда жойлашган нуклеотидларнинг тартиби биринчи занжирдаги нуклеотидларнинг тартибига мос бўлади. ДНК нинг 2 занжири ўзаро азотли асослар орасидати водород боғлари билан шундай боғланадики, бунда аденин доим тимин билан, гуанин эса цитозин билан бирикади. Азотли асосларнинг кимёвий структурасига кўра, аденин тимин молекуласига, гуанин-цитозин молекуласига мос. Иккита занжирда жойлашган комплементар асослар жуфтларни ҳосил қилиб, бир-бирига нисбатан қарама-қарши жойлашади ва водород боғлари ёрдамида бирикади. Бундай бирикиш фақат бир-бирига комплементар асослар орасида ҳосил бўлади: битта пурин асоси иккинчи пирамидин асоси билан бирикади. Масалан А – Т орасида иккита, Г – Ц орасида эса учталик водород боғлари ҳосил бўлади. Шу сабабли А ва Т, Ц ва Г комплементар азотли асослар дейилади. Комплементарлик принципи асосида бир занжирда нуклеотидларнинг жойлашув тартиби маълум бўлса, ДНК молекуласининг иккинчи занжирдаги нуклеотидларнинг жойлашувини аниқлаш мумкин.

ДНК репликацияси.

ДНК уникал ҳоссага эга – бу икки ҳисса ортиши ёки редупликацияси натижада ДНК она хужайрадан қиз хужайрага ирсий белгиларни ўтказиш қобилиятига эга. ДНК молекуласининг иккиласи спирали иккита занжирга ажralиб кетади. Сўнг ҳар битта ажralган алоҳида занжирда комплементар принципи асосида янги иккинчи занжир ҳосил бўлади. Шундай қилиб, битта занжир ўрнига иккита янги ва бир хил ДНК молекулалари ҳосил бўлади. Янги ҳосил бўлган ДНКнинг спирали таркибидаги битта занжир она ДНКдаги эски занжир бўлса, иккинчиси эса янги ҳосил бўлган занжир бўлади.

РНК.

РНК – нуклеин кислота бўлиб, ҳамма РНК турлари ДНК молекуласининг маълум бир қисмларининг копия ёки нусҳалари ҳисобланади. РНК молекуласининг занжирлари калта бўлиб, фақат битта занжирдан иборат. РНКнинг мононуклеотидлари ДНКни мононуклеотидларига ўхшаш. Ҳар битта нуклеотид учта қисмдан иборат

1. Углеводли бирикма – рибоза. 2. Фосфат кислотасининг қолдиги. 3. Азотли асос.

Худди ДНКга ўхшаш азотли асос 4 хил бўлади: А (аденинли), Ц (цитозинли), Г (гуанинли) ва тимин ўрнига РНКда урацил (У) бўлади. РНКнинг ҳамма турлари ДНК молекуласидан ҳосил бўлади ва комплементар принципи (тўлдириш) асосида синтезланади. Информацион, транспорт ва рибосомал РНК турлари фарқланади.

Информацион РНК – ядродаги ДНКдан оқсил структураси ҳақидаги информацияни кучиради ва бу информацияни рибосомаларга етказади. РНКни ядрода ҳосил бўлиши РНК-полимераза ферменти таъсирида ўтади.

Транспорт РНК – фақат цитоплазмада учраб, ўзини антикодон учларига ўзига ҳос аминокислоталарни бириктириб, оқсил синтезланётган жойларга аминокислоталарни етказади.

Агар 20 хил аминокислоталар фарқланса, демак, 20 хил транспорт РНК бўлади.

Рибосомал РНК ядрочада синтезланади ва бу РНК рибосомалар таркибига киради. Хужайрада учрайдиган бутун РНК миқдорига нисбатан, рибосомал РНКни миқдори 85% ташкил этади.

ДНК коди. ДНК занжирда жойлашган учта кетма-кет жойлашган нуклеотид *триплет* ёки кодон дейилади. Ана шу триплет битта аминокислотани ифодалайди. Масалан,

треонин деган аминокислотани УГГ деган триплет ифодалайди (бу триплет таркибини урацил, гуанин нуклеотидлар ташкил этади). Бир нечта триплетлар ДНК молекуласида жойлашиб, бир нечта аминокислоталарни кетма-кет жойлашувини ифодалайди. Бўларнинг йифиндиси эса битта оқсил молекуласини ифодалайди. Демак, генетик код деганда ирсий ахборотнинг ДНК занжирида нуклеотидлар кетма-кетлиги сифатида ёзилиш системасига айтилади. Код триплет ҳолатида бўлади, битта аминокислота тўғрисидаги ахборот учта қўшни нуклеотид орқали белгиланади.

ДНКнинг муайян оқсилнинг синтезини белгилайдиган қисмiga ген дейилади. Демак, ҳар битта ген битта оқсил структурасини ёки битта белгини ифодалайди.

Хужайранинг ҳаётий цикли

Хужайранинг ҳаётий цикли икки қисмдан иборат: митоз ва интерфазадан. Хужайра митоз даврини ўтгандан сўнг интерфазанинг биринчи даври бошланади - бу пресинтетик давр. Бу даврда хужайрада турли биосинтез жараёнлари рўй беради ёки хужайра ўзининг асосий функцияларини бажаради. Иккинчи даври синтетик давр бўлиб, бу даврда ДНК редупликацияси (икки ҳисса ортиши) рўй беради. Учинчи давр постсинтетик давр бўлиб, бунда энергияни тўғланади ва оқсилни синтезланиши рўй беради. Бу оқсилларни ва энергияни хужайра митоз даврига кирганда ўз эҳтиёжлари учун сарфлайди.

Митоз.

Хужайраларнинг митотик бўлиниши 1874 йилда рус ботаниги И.Д. Чистяков ўсимликларда биринчи марта топган. 1979 йилда немис гистологи Флемминг "митоз"

атамасини киритди ва митознинг асосий фазаларинингш тўлиқ таърифини берди. Митоз йўли билан бўлинеш процесси кўп ҳужайрали ва энг содда тузилган организмларда деярли бир хилда ўтади. Митотик бўлинеш натижасида ҳосил бўлган иккита қиз ҳужайралари ўртасида хроматин моддаси teng тақсимланади. Митоз жараёни давомида ҳужайрада рўй берадиган морфологик ўзгаришларни 4 фазага ажратиш мумкин: профаза, метафаза, анафаза, телофаза.

1. Профаза. Бу даврда ядро бўргади, хроматин моддадан майдо доначалар шакланади, сўнг ана шу доначалардан хроматин иплари ҳосил бўлади, ядронинг умумий кўриниши ғовак коптоткага ўхшаб кетади. Кейинчалик хроматин ипчалардан хромосомалар ҳосил бўлади. Ядроча йўқолиб кетади. Ядро якинида жойлашган ҳужайра маркази иккита центриолаларга ажралиб кетади. Центриолалари бир-биридан узоқлашади ва аста-секин ҳужайраларнинг қутбларига қараб ҳаракатланади ва натижада ҳужайрада қутблар ҳосил бўлади.

2. Метафаза. Метафаза бошланиши билан ядро қобиги эриб кетади ва хромосомалар цитоплазмада ётади. Ҳужайранинг марказида дукга ухшаш шакл ҳосил бўлади. Дукдан ингичка иплар ҳосил бўлиб, ипчаларнинг уни дукдан чиқиб, центриолаларга бориб бирикади. Дук ипчалари найчали тузилишта эга бўлиб, микронайчалар деб номланади. Ядро қобиги йўқолгандан сўнг хромосомалар ҳужайранинг кейинчалик бўлинадиган сатҳи атрофида жойлашиб, экваториал мастикани ҳосил қиласи. Дук ипчалари хромосомалар билан уларни маҳсус қисмлари – кенетохорлари орқали бирикади. Метафаза даврининг охирги босқичларида ҳар бир хромосома иккита teng бўлакларга - хроматидларга ажралиши билан тугайди.

3. **Анафаза**. Она хромосомаларнинг ажралиш йўли билан ҳосил бўлган хроматидалар ҳужайра қутбларининг центриолаларига қараб ҳаракатланади ва кейинчалик қиз хромосомаларга айланадилар.

4. **Телофаза**. Қиз хромосомалар қутбларга етиб келгандан сўнг, қиз ядролари шаклланади. Хромосомалар зич, қаттиқ бўлакчаларга секин-аста айланади. Шу вакт ядроча пайдо бўлади, хромосома бўлакчаларидан эса хроматин шаклланади ва атрофида эса ядро қобиги ҳосил бўлади. Сўнг ҳужайра танаси экваториал пластинка соҳасида марказидан бўлинади. Бу ҳодиса – цитокинез, ҳужайра танаси бўлиниши дейилади.

Жинсий ҳужайраларнинг етилиши ёки гаметогенези

Жинсий ҳужайралар икки тицда бўлганлиги сабабли, бўларни етилиши ёки гаметогенези сперматогенез ва овогенез йўллари билан ўтади.

Сперматогенез – бу эркак жинсий ҳужайраларининг (сперматозоидларнинг) етилиши, ҳайвон организмларда уруғдонларда, одамда – мояқда ўтади.

Овогенез – бу тухум ҳужайраларининг етилиши, тухумдонларда рўй беради.

Сперматогенез.

Сперматогенез процесси уруғдонлардаги уруг каналарида рўй беради. Уруг каналчалари эгри-бугринийчалардан иборат бўлиб, бўлар деворининг ҳар бир қатламида (зонасида) эркак жинсий ҳужайраларни турли етилиш даврида кўриш мумкин. Сперматогенез 4 фазадан иборат:

1. Кўпайиш фазаси.
2. Ўсиш фазаси.
3. Етилиш фазаси.

4. Шакланиш фазаси.

1. Кўпайиш фазасида уруғдоннинг эгри-бугри каналчаларининг энг ташқи қатламида жойлашган хужайраларни сперматогониялар дейилади. Бўлар жуда кичик, бирламчи диплоид хужайралар бўлиб, интенсив равища митотик йўл билан тез-тез кўпаядилар.

2. Ўсиш фазасида кўпайиш фазаси натижасида ҳосил бўлган хужайралар ўсади, цитоплазма ҳажми ортади, ядро катталашади, ДНК синтезланади ва натижада сперматогониялардан биринчи тартибли сперматоцитлар етилади.

3. Етилиш фазаси мейоз бўлинишдан иборат. Мейоз иккита кетма-кет митотик бўлинишдан ташкил топган бўлиб, биринчи ва иккинчи митозлар орасида интерфаза даври бўлмайди.

Биринчи тартибли сперматоцитлар биринчи митотик бўлинишидан сўнг иккинчи тартибли сперматоцитларга айланади. Иккинчи митотик бўлинишидан сўнг иккинчи тартибли сперматоцитлардан гаплоидли сперматидалар ҳосил бўлади.

4. Шакланиш фазасида сперматидалар ядросида ҳеч қандай ўзгаришлар рўй бермайди, хужайрада фақат морфологик ўзгаришлар кузатилади. Сперматидаларда бош, бўйин ва дум қисмлари шаклланади ва натижада етилган сперматозоидлар ҳосил бўлади.

Овогенез.

Бу тухум хужайранинг етилиши бўлиб, тухумдонларда рўй беради. Овогенез сперматогенездан фарқли 3 фазадан иборат. Бунда шакланиш фазаси бўлмайди. Бундан ташқари купайиш фазаси қизларда эмбрионал тараққиёт даврида ўтади, қиз она бачадонида ривожланиаётган, унинг тухумдонларида кўпайиш фазаси ўтади. Демак, қизлар тайёр биринчи тартибли овоцитлар билан туғилади.

6-жадвал

Фаза ёки зона	Хужайраларнинг бўлиниш типи	Сперматогенез	Овогенез
Кўпайиш фазаси	Митоз	Сперматогониялар – бирламчи диплоид хужайралар митотик йўл билан бўлиниши ва натижада биринчи тартибли сперматоцит ҳосил бўлади	Овогониялар – бирламчи диплоид хужайралар митотик йўл билан кўпаяди ва натижада биринчи тартибли овоцитлар хисобланади.
Ўсимп фазаси	Интерфаза	Биринчи тартибли сперматоцитлар ўсади, ДНК синтезланади икки хроматидалари хромосомалар шаклланади ($2n2c$)	Биринчи тартибли овоцитлар ўсади, ДНК синтезланади, икки хроматидалари хромосомалар шаклланади $2n2c$
Етилиш фазаси	Мейоз	биринчи митотик бўлиниши натижасида биринчи тартибли сперматоцитлардан иккин-чи тартибли сперматоцитлар ҳосил бўлади – $1n\text{ 2c}$ Иккинчи митотик бўлинишдан сўнг сперматидалар ҳосил бўлади, таркибида ($1n1c$) гаплоид сондаги хромосома.	Редукцион бўлинишнинг биринчи митотик бўлинишидан сўнг биринчи тартибли овоцитлардан, иккинчи тартибли овоцит ва битта йўналтирувчи танача ҳосил бўлади. Иккинчи бўлинишдан сўнг иккинчи тартибли овоцитдан етилган тухум хужайраси ҳосил бўлади ва 2 йўналтирувчи танача. Тухум хужайрада хромосомалар гаплоид сонда бўлади ($1n1c$).
Шакланиш фазаси	–	Сперматидадан сперматозоид шаклланади. Факат морфологик ўзгаришлар кузатилади – сперматозоидда бошча, бўйинча ва дум қисмлари ривожланади.	Овогенезда бу фаза йўқ.

Постэмбрионал даврда (түгилгандан кейинги давр), қизларда фақат иккита фаза – ўсиш ва етилиш фазалари кузатилади.

1. Кўпайиш фазаси қизларда эмбрионал тараққиёт даврида ўтади. Тухумдонда бирламчи диплоиди хужайралар – овогониялар дейилади. Бўлар актив равишда митотик йўл билан кўпаядилар ва натижада 1 тартибли овоцитлар ҳосил бўлади.

2. Ўсиш фазаси қиз балоғатга етгандан сўнг бошланади. Бунда биринчи тартибли овоцит ўсиб ривожланади ва ядросида мураккаб ўзгаришлар рўй беради.

3. Етилиш фазаси мейоздан ташкил топган. Бунда биринчи митотик бўлинишдан сўнг йирик иккинчи тартибли овоцит ва йўналтирувчи танача ҳосил бўлади. Иккинчи митотик бўлиниш натижасида иккинчи тартибли овоцитдан битта етилган тухум хужайраси, йўналтирувчи таначадан эса 2 янги йўналтирувчи танаchalар ҳосил бўлади, бўлар кейинчалик йўқолиб кетади. Демак, бирламчи овогониядан бир неча фазалардан сўнг фақат битта тухум хужайра етилади.

Мейоз.

Мейоз гаметогенез процессининг учинчи фазаси бўлиб, иккита митотик бўлинишдан иборат. Мейоз йўли билан бўлинишга диплоиди бирламчи хужайралар киришади. Мейознинг бирламчи митотик бўлинишининг профаза даври 5 стадиядан иборат. Биринчи профазанинг стадиялари:

1-стадия – лептонема. Бунда хромосомалар спираллашиши кузатилади, ядро бўртиб шишади.

2-стадия – зигонема. Хромосомаларнинг спиралланиши давом этади, хромосомаларни конъюгацияси – жуфт-

жуфт бирикиши бошланади. Натижада, тетрадалардан ташкил топган бивалентлар ҳосил бўлади.

3-стадия – пахинема. Ота-она хромосомалар ўртасида гомологик қисмлари билан алмасиниш процесси рўй беради. Бундай ҳодиса кроссинговер дейилади.

4-стадия – диплонема. Жуфт гомологик хромосомалар ўртасида тортишмалар ёки хиазмалар пайдо бўлади.

5-стадия – диакинез. Центромералар силжиб кетиши сабабли, хромосомаларни елкалари ажрала бошлиайди.

Сўнг метафаза даври бошланади. Ҳужайранинг экваториал сатҳида хромосомалардан тузилган бивалентлар жойлашади.

Анафаза даврида ҳужайра қутбларига қараб мустақил равища гомологик хромосомалар тарқала бошлиайди.

Телофаза даврида ҳужайра бўлинади. Бу даврдан сўнг интерфаза бўлмайди. Маълумки, оддий митоздан кейин интерфаза бошланади.

Биринчи митотик бўлинишдан сўнг иккинчи бўлиниш бошланади. Бу бўлинишга гаплоидли ҳужайралар киришиб, мустақил равища кроссинговер ҳодисаси хромосомаларда рўй беради.

Мейознинг биологик аҳамияти.

Ҳозирги замонда яшовчи кўп ҳужайрали организмлар учун мейознинг биологик аҳамияти қуидагилардан иборат:

1. Мейоз натижасида жинсий ҳужайралар гаплоид сонли бўлиб, хромосомалари сони икки ҳисса камаяди ёки редукцияга учрайди.

2. Мейоз натижасида ота-она организмларнинг белгилари авлодда рекомбинацияланади. Бу рекомбинацияни асосини қуидаги процесслар ташкил этади:

а) ДНК молекуласи айрим қисмларининг информацияси ўзгариши (кимёвий структура).

б) ота-она организмларининг гомологик хромосомалари маълум қисмлари билан ўрин алмашиниши – бу процесснинг цитологик асоси – кроссинговер дейилади. Кроссинговер натижасида генлар ва белгиларнинг янги комбинациялари келиб чиқади.

ТҮҚИМАЛАР

Тўқима деб – тарихий (филогенетик) вужудга келган хужайра ва хужайрасиз структураларнинг йигиндиси бўлиб, тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган ва муайян функцияларни ўташга ихтисослашган тизимиdir. Тўқималар узоқ тарихий (эволюция) тараққиёт натижасида турли организмларнинг ташки мухит билан ўзаро муносабати натижасида хосил бўлган.

Келиб чиқиши, тузилиши ва бажарадиган функцияларига кўра, тўқималар 4 типга бўлинади: эпителий тўқима, бириктирувчи тўқима, мускул тўқимаси, нерв тўқимаси.

Эпителий тўқимаси.

Эпителий тўқима тананинг тери эпидермисини, сероз пардаларни, ичи ковак бўлган аъзоларни ички юзаларини ва кўпгина безларни хосил қиласди. Эпителий тўқимаси қуйидаги хусусиятлари билан таърифланади. Эпителий чегара тўқима дисобланади, чунки эпителий орқали организм билан ташки мухит ўртасида модда алмашиниш процесси содир бўлади.

Эпителий тўқимаси сидирға қатlam бўлганлиги учун унинг остида жойлашган тузилмаларни турли зарарли таъсиротлардан ҳимоялайди. Эпителий тўқимаси трофик функциясини ҳам бажаради. Масалан, ингичка ичакларни шиллиқ қаватини қопловчи эпителий орқали озиқ-овқат моддалар парчаланади, сурилади ва сўнг қонга ва лимфага

үтади. Безлар таркибига кирувчи эпителий махсус секретор функцияни бажаради.

Маълумки, безлар икки гурухга бўлинади: экзокрин ва эндокрин. Экзокрин безларда ацинуслардан ташқари чиқарув найлари бўлиб, ишлаб чиқарилган модда секрет деб номланади ва секрет маълум бир бўшлиқка қушилади. Эндокрин безларда эса чиқарув найлари бўлмайди, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари гормонлар дейилиб, гормонлар тўғридан-тўғри қонга үтади. Демак, безли аъзоларнинг ҳужайралари ўзидан специфик моддалар ишлаб чиқариш қобилиятига эга. Эпителий тўқимасини ҳосил қилувчи эпителиал ҳужайралар доимо бир бирига яқин жойлашиб, қатламни ҳосил этади. Эпителий тўқимаси доимо базал мембрана устида жойлашиб, эпителиал ҳужайраларда қутблик хусусиятига эга, яъни турди эпителий ҳужайраларда юқориги апикал қисм ва пастки базал қисмлар тафовут қилинади. Бундан ташқари эпителий тўқимасида ҳеч қачон қон томирлари бўлмайди, тўқимани озиқланиши диффузия йўли билан кетлиб, базал мембрана остида жойлашган бириктирувчи тўқима таркибида жуда кўп миқдорда қон томирлари бўлиб орқали рўй беради. Нихоят, эпителиал тўқима юксак даражада регенерацияланиш (тикланиш) қобилиятига эга.

Эпителий тўқимаси тузилиши жиҳатдан бир қаватли ва кўп қаватли бўлиши мумкин. Агар базал мембрана устида бир хил шаклга эга бўлган барча эпителиал ҳужайралар жойлашган бўлса, бу бир қаватли бир қаторли эпителий. Масалан, бир қаватли ясси эпителийдан мезотелий тузилган, бир қаватли қутбсимон эпителийдан буйрақдаги сийдик йиғув найчалар деворлари ташкил топган, бир қаватли цилиндрсимон эпителий ҳужайралардан эса меъда шиллиқ пардасининг юзаси қопланган.

Базал мембранада ётувчи хужайраларнинг шакли ҳар хил бўлганлиги учун, уларнинг ядролари базал мембранага нисбатан ҳар хил баландликда ётади. Бундай эпителий турини бир қаватли кўп қаторли эпителий дейилади. Масалан, кекирдакнинг, трахея ва бронхлар ички юзаси кўп қаватли ҳилпилловчи эпителийдан иборат. Бундай эпителийни фақат энг чуқур қавати базал мембрана билан контактда бўлади. Кўп қаватли эпителий З хил бўлади:

1. Кўп қаватли ясси мугузланадиган эпителий – тери эпидермисида учрайди.
2. Кўп қаватли мугузланмайдиган эпителий – оғиз бўшлиғида, қизилўнгачнинг шиллиқ пардасида, кўзнинг шоҳ пардасида учрайди.
3. Ўзгарувчан эпителий сийдик иулларида ва сийдик қопининг эпителийсида кузатилади.

Тери эпидермиси кўп қаватли ясси мугузланадиган эпителийдан ташкил топган. Эпителий хужайраларининг шаклига қараб бир нечта қаватлар тафовут қилинади. Базал мембрана билан туташган биринчи қават цилиндрическимон хужайралардан иборат бўлиб, базал қават дейилади. Бўлар орасида таркибида меланин пигменти тутувчи меланоцитлар учрайди. Бу қават устида 5-10 қаторни кўп қиррали хужайралар ташкил этади ва бу қават тиконли хужайралар қавати дейилади. Учинчи қават 3-4 қатордан ташкил топган дуксимон хужайралардан иборат. Уларнинг цитоплазмасида кератогиалин доначалари бўлганлиги сабабли донадор қават деб номланади. Кейинги қаватни ташкил этувчи хужайраларнинг таркибида элеидин моддаси бўлганлиги сабабли, хужайраларнинг цитоплазмалари ва ядролари қўринмайди. Шунинг учун ялтироқ қават деб номланади.

Нихоят, охирги қават мугуз таначаларига айлангац, зич жойлашган ясси хужайралардан иборат. Бу мугуз қатламидир.

Кўзнинг шоҳ пардаси мугузуланмайдиган ясси эпителийдан тузилган. Бу эпителийда З қават фарқланади: базал қават, тиканакли хужайралар қавати ва ясси хужайралар қавати. Кўп қаватли эпителийни учинчи тури бу – ўзгарувчан эпителий. Бу эпителий сийдик ажратиш системаси органлари учун хос. Бу эпителийни ташкил этувчи хужайраларни шаклини ўзгариб, органни функционал ҳолати билан боғлиқ. Масалан, сийдик қопининг девори жуда чўзилиб кетганда, унинг юзасини қопловчи хужайралар юпқалашиб ёки яссилашиб кетади.

Бириктирувчи тўқима.

Бириктирувчи тўқима организмда бир қанча функцияларни бажаради:

1. Трофик функция – бунда бириктирувчи тўқима модда алмашинища иштирок этиб хужайраларни озиқланшини бошқаради.
2. Пластик функция – регенерация ва турли жароҳатланган тўқималарни тикланишини таъминлаш.
3. Механик функция – бириктирувчи тўқима бир қанча аъзоларни стромаси ёки скелетини ҳосил этади, турли аъзоларнинг тўқималарини бир-бири билан бирлашти-ради, фасциялар ва пайлар ҳосил этади ва ҳоказо. Бундан ташқари бириктирувчи тўқима қон ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этади.

Бириктирувчи тўқима хужайралар ва хужайраларо моддадан ташкил топган. Ўз навбатида хужайраларо модда таркибига толалар ва асосий модда киради. Хужайраларо моддани бириктирувчи тўқиманинг маҳсус хужайралари ишлаб чиқаради. Хужайраларо модданинг

толали компонентларига коллаген, эластин ва ретикулин толалари киради. Физик-химик хусусиятлари жиҳатдан коллаген, эластик ва ретикулин толалари бир-биридан фарқланади. Коллаген толалари коллаген оқсилидан ташкил топган. Толаларнинг жуда пишиқлиги, коллаген структурасидаги молекуляр занжирларнинг узун булгани билан боғлиқ. Эластин толалардан эластин оқсили ажратиб олинган. Бу толалар пишиқлиги жиҳатдан, лекин чўзилувчанлик ва эластиклик хусусиятлари кучли даражада ривожланганилиги билан ифодаланади. Кумуш билан импрегнация қилинганда ретикулин толаларни кўриш мумкин. Бу толалар турли йўналишларда жойлашган ва нозик тур шаклида учрайди.

Асосий модда ёки аморф модда мураккаб углеводлар билан оқсил молекулаларининг бирикмаларидан ташкил топиб, золь ва гель ҳолатларида учрайди. Асосий модда таркибини гиалурон кислотаси, гепарин, глюкозаминогликанлар, протеогликанлар ташкил этади. Қон томирлар ва ҳужайралар орасидаги бўшлиқларни тўлдириб турувчи аморф модда золь ҳолда бўлади. Маълум даражали қаттиқликга эга бўлган гель моддалари, масалан, тоғай тўқимада учрайди. Лекин асосий модданинг икки ҳолати ҳам қон билан тўқима орасидан турли моддалар транспортини таъминлайди.

Бириктирувчи тўқиманинг ҳужайравий таркибини қуйидаги ҳужайралар ташкил этади: дифференциялашмаган ҳужайралар, фибробластлар, макрофаглар, семиз ва ёғ ҳужайралари, пигмент, ретикуляр, эндотелиал ҳужайралари ва бундан ташқари қон шаклий элементлардан лейкоцитлар ташкил этади. Бириктирувчи тўқима З турга бўлинади:

1. Хусусий бириктирувчи тўқима.
2. Тоғай тўқима.

3. Суяк тўқима.

Хусусий бириктирувчи тўқима сийрак толали бириктирувчи тўқима ва зич толали бириктирувчи тўқима турларига бўлинади. Сийрак толали бириктирувчи тўқиманинг ҳужайралараро моддасида коллаген, эластин ва ретикулин толалари турли йўналишда ва тарқоқ ҳолда жойлашган. Тўқима таркибида қуидаги ҳужайралар учрайди: перицитлар, фибробластлар, плазмоцитлар, ёғ, семиз ҳужайралари, лимфоцитлар, макрофаглар ва базофиллар учрайди. Сийрак толали бириктирувчи тўқима қон томирлари, нервларнинг йўллари бўйлаб учрайди, мускуллар юзасини қоплайди ва турли ички аъзоларни стромасини ташкил этади. Зич толали бириктирувчи тўқима ўзининг толаларини жойлашувига қараб зич шакланмаган бириктирувчи тўқимага ва зич шакланган бириктирувчи тўқимага бўлинади. Зич шакланмаган бириктирувчи тўқимада толалари бир-бiri билан зич туташиб, тур шаклини хосил қиласди. Толалар орасида ҳужайравий элементлар кам микдорда бўлади. Масалан, тўқиманинг бу тури тери дермасида учрайди. Зич шакланган бириктирувчи тўқимада толалар бир-бiriiga зич ва маълум йўналишда жойлашган. Зич шакланган бириктирувчи тўқимадан паймар, боғламлар, фиброз мембраналар тузилган.

Тоғай тўқимаси бириктирувчи тўқиманинг бир тури бўлиб, тоғай ҳужайраларидан ва асосий моддадан тузилган. Тоғай ҳужайраларидан хондробластлар ва хондроцитлар учрайди. Асосий модда гель ҳолда бўлиб, унинг таркибида коллаген ва эластин толалар, хондрин, хондромукоид, хондроитинсульфат кислотаси аниқланади. Тоғай ҳужайралари маҳсус бўшлиқлар ичида жойлашган. Тоғай тўқимасининг ҳужайралараро моддасининг таркибига кўра, З хил тоғай фарқланади: гиалинли, эластик ва коллаген-толали

тогай. Бўғим юзалари, қовурға, эпифизар тогайлар, ҳиқилдоқнинг бир қанча тогайлари гиалин тогайдан тузилган. Бу тогайнинг хужайраларо моддасида коллаген толалари кўп миқдорда учраб, тогайга маълум пишиқликни ифодалайди. Эластик тогай сарғиш рангда бўлиб, таркибида кўпроқ эластик толалари учрайди. Эластик тогайдан кулоқнинг супраси, ҳиқилдоқнинг шоҳсимон ва понасимон тогайлар, ҳалкум усти тогайи тузилган. Коллаген толали тогайдан умуртқааро дисклар, бўғимлар ичида жойлашган менискалар ва дискалар тузилган.

Суяк тўқимаси хужайрааро модда ва суяк хужайраларидан таркиб топган. Хужайрааро модда таркибида коллаген толалар, органик моддалардан оссеин, оссеомукоид, анорганик моддалардан кальций ва фосфор тузлари учрайди. Суяк хужайралари З хил бўлади: остеобластлар, остеоцитлар, остеокластлар.

А) Остеобластлар – ёш дифференциациялашмаган хужайралар бўлиб, суяк устки пардасида учрайди.

Б) Остеоцитлар – етилган суяк хужайралари бўлиб, хужайрааро модда ичидаги бўшлиқларда жойлашган.

С) Остеокластлар – лизис ёки эритиб юбориш қобилиятига эга бўлган суяк хужайралари. Остеокластлар таркибида ферментлар бўлиб, оҳаклашган тогай ва суякни емиришда актив интирок этади.

Дагал толали ва пластинкасимон суяк тўқимаси тафовут этилади. Дағал толали суяк тўқимаси, мезенхимадан ривожланади, одамда фақат эмбрионал тараққиёт даврида учрайди. Вояга етилган организмда калла скелетининг чокларида ва пайларнинг суякларга бирикиш жойларида учрайди.

Одам скелети пластинкасимон суяк тўқимасидан тузилган. Пластинкасимон суяк тўқимасининг структур ва функ-

ционал бирлиги остеондир. Остеон – бу Гаверс канали атрофида айланма ёки концентрик равища жойлашган сүяк пластинкаларидан иборат. Ҳар битта сүяк пластинкаси паралел ҳолда жойлашган коллаген толаларидан ва остеоцитлардан иборат. Бир сүяк пластинка таркибидаги коллаген толалари иккинчи пластинкадаги коллаген толаларга нисбатан перпендикуляр жойлашган. Гаверс канали нацца типда тузилган бўлиб, марказидан қон томири ва нерв ўтади.

Сүяк пластинкаларнинг жойлашувига кўра, пластинкасимон сүяк тўқимаси ғовак ва зич сүяк тўқималарига бўлинади. Ғовак сүяк тўқимасида сүяк пластинкалари бир-бири билан тўрсимон шаклда тутаниб, трабекулалар ҳосил қиласди. Трабекулалар оралигида каттакналар ёки ячейкалар жойлашган. Трабекулаларни йўналиши қисиши ва чўзилиш қийшиқларга мос келиб, ёйсимон шаклга эга бўлган конструкцияни яратади. Бундай тузилиш сүякга ёки мускулнинг тортишув кучига тавсир этувчи босимни тенг тарқалишига олиб келади. Ғовак сүяк тўқимасидан сүякларнинг эпифизлари тузилган. Компакт ёки зич сүяк тўқимасида остеонлар бирин-кетин жойлашиб, тангачалардан тўпланган устунчаларга ўхшаб жойлашади. Бундай тузилиш сүякни пишиқ бўлишини таъминлайди. Зич сүяк тўқимасидан сүякларнинг диафизлари тузилган.

Мускул тўқима.

Ташки мухитда тирик организмларнинг турли мураккаб ҳаракат процессларини амалга оширувчи тўқима – мускул тўқимаси кўндаланг – тарғил скелет мускулатураси киради. Курсатилган мускул тўқима турлари бир-биридан келиб чиқиши, тузилиши ва бажарадиган вазифалари жиҳатдан фарқланади. Мускул тўқимасининг таркибини 3 хил структура ташкил этади; қисқарувчи, трофик ва таянч аппаратлар. Қисқарувчи аппарат маҳсус органеллалар

миофибриллардан иборат. Трофик аппаратни эса ядро саркоплазма ва саркоплазмада жойлашган умумий аҳамиятга эга бўлган органеллалар ташкил этади.

Таянч аппаратга эга мускул ҳужайра ёки толаларни чеккасида тиқилиб ётган сарколемма ва бундан ташқари ҳар бир мускул ҳужайраси сиртдан ўраб ётган юмшок бириктирувчи тўқима толалари ҳосил қиласди. Бундан ташқари мускул тўқимасининг таркибига маҳсус ҳаракатлантирувчи нерв учлари, қон томирлари ва бириктирувчи тўқима ҳам ташкил этади. Силлиқ мускул тўқима ҳужайравий тузилишга эга бўлиб қўпчилик ковак ички органлари қон томирлар деворининг мушак қатламини ҳосил қиласди.

Силлиқ мускул тўқимаси эмбрионал тараққиёт даврида маҳсус тармоқланган юддузсимон шаклга эга бўлган мезенхима ҳужайраларидан тараққий этади. Мезенхима ҳужайраларнинг дифференцияланиши натижасида ўсимтадлари йўқолиб шакли чўзиқ ва дуксимон ҳолга айланади, цитоплазма таркибида эса қисқарувчи ипчалар – миофибрillалар ривожланади. Силлиқ мускул тўқима ҳужайравий тузилишга эга бўлиб қўпчилик ковак ички органлари қон томирлар деворининг мушак қатламини ҳосил қиласди. Силлиқ мускул тўқимасининг фаолияти вегетатив нерв системаси томонидан бошқарилади. Силлиқ мускул тўқимасининг асосий структур бирлиги мускул ҳужайрасидир. Мускул ҳужайра чўзиқ, дуксимон: унинг бирмунча йўғон қисмида таёқчасимон ядроси ётади. Унинг цитоплазмасида аҳамиятта эга бўлган барча муҳим органеллалар ва миофибриллар ҳам аниқланади.

Кўндаланг тарғил мускул тўқима симпластик тузилишга эга бўлиб, бу тўқиманинг бирлиги ҳужайра бўлмасдан, балки кўндаланг тарғил-мускул тола хисобланади. Мускул толанинг шакли цилиндрсимон бўлиб, атрофидан

таянч бириктирувчи түқимаси билан ўралган. Скелет мускулатураси кўндаланг-тарғил толаларнинг узунлиги бир неча миллиметрдан 10 см гача етиши мумкин, диаметри эса 12-70 мк тенг. Тола цитоплазмасида жуда қўп миқдорда ядролар жойлашган. Улар тола чекасида сарколемма остида тизилиб ётади.

Мускул толалари сиртдан бириктирувчи түқимадан ташкил топган юпқа пардалар билан ўралган. Бир нечта мускул тола атрофидан – эндомизий бириктирувчи түқимали парда билан қопланган. Бир нечта мускул гурухлари қалинроқ бўлган бириктирувчи парда – перемизий билан

ўралган. Сийрак толали бириктирувчи тўқимадан иборат бўлган перимизийдан қон томирларнинг артериал шоҳлари ўтиб, бўлардан эса ҳосил бўлган капиллярлар тури атро-фидан жойлашади. Мускул тўқимани таркибига кирувчи нерв охирлари орқали марказий нерв ва сенсор тизимлари билан боғланиш ифодаланади.

Нерв тўқимаси.

Нерв тўқимаси нейронлар ва нейроглиядан иборат. Нейрон хотўгри шаклга эга бўлган, ўсимтални нерв хужайраси. Нерв ўсимталари икки турга бўлинади. Калта шоҳланган ўсимталарни дендритлар дейилади. Дендритлар ташқи ва ички муҳитдан таъсиротларни қабул қиласи. Нейрит ёки аксон – бу узун шоҳланмаган ўсимта бўлиб, қабўл қилган таъсиротни ишчи органларга етказади. Морфологик жиҳатдан ўсимталарнинг сонига қараб нейронлар қўйидағича классификацияланади: 1. Униполляр нейрон – битта ўсимта нейритга эга бўлган нерв хужайраси, кўзнинг шоҳ пардасида учрайди. 2. Биполяр нейрон – икки ўсимтални нерв хужайраси бўлиб, ундан биттаси нейрит, иккинчиси дендрит. Бу нейронлар ҳам кўзнинг шоҳ пардасида учрайди. 3. Мультиполляр нейрон – хужайра танасидан учта ва ундан ортиқ дендритлар ва битта нейрит бўлади. Боз миянинг ва орқа миянинг кул ранг моддасида учрайди. 4. Ёлғон униполляр нейрон – бу нейроннинг танасидан битта ўсимта чиқиб, бу ўсимта иккига ажралади. Ундан биттаси дендрит, иккинчиси эса нейрит бўлади. Бундай нейронлар орқа миянинг ганглий тугунларида учрайди. Нейронларнинг функционал классификацияси ҳам мавжуд: 1. Сезувчи ёки афферент нейронлар – бундай нейронлар таъсиротни ташқи ва ички муҳитдан қабўл қиласи. 2. Ҳаракатлантирувчи ёки эфферент нейронлар қўзголишни ишчи органларга – мускуллар, безларга, суюкларга етказади. 3. Қўшимча ёки

ассоциатив нейронлар – бир-бири билан 2 та ёки 3 та нейронларни боғлады.

Нейроглия – нерв тўқима таркибига кириб, ҳимоя, чегаралантирувчи, озиқлантирувчи, секретор функцияларни бажаради. Ҳужайраларнинг ҳажми ва шакллари жиҳатдан нейроглия икки хил бўлади: макроглия ва микроглия. Нейроглия ҳужайраларидан орқа мия каналининг бош мия қоринчаларининг деворлари қопланган, нерв толаларини ўраб турувчи қобиқлар нейроглия ҳужайраларидан тузилган. Нерв тўқимасидан бош мия ва орқа мия тузилган.

ОДАМ ОРГАНИЗМИНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Организмнинг ўсиши ва ривожланиши – бу мураккаб жараён бўлиб, ҳужайраларда содир бўладиган модда алмашинуви билан боғлиқ. Ҳужайраларни қўпайиши, шакланиши, етилиши ва ҳужайра таркибига кирувчи структураларни такомилланиши вояга етилаётган организмларнинг асосий структуравий ва функционал манбай ҳисобланади.

Организм ўз тараққиётида бир нечта босқичларни ўтади. Геккель томонидан биринчи мартаба “онтогенез” термини киритилган. Онтогенез деганда ҳар бир организмнинг оталанган тухум давридан бошлаб токи организмни ўлиш давригacha бўлган циклига айтилади. Онтогенез ёки организмларни индивидуал тараққиёти 2 катта босқичдан иборат: пренатал ёки эмбрионал давр ва постнатал ёки тутилишдан кейинги давр.

Эмбрионал давр зиготани уруғланган вақтдан бошлаб токи ривожланаётган эмбрионда вояга етган ҳайвоннинг асосий морфологик белгиларга эга бўлгунича бўлган

тараққиёт даврини ўз ичига олади. Эмбрион ёки ҳомила туғилиши билан бу давр туталланади. Демақ, эмбрионал давр жинсий хужайраларнинг қўшилишидан бошланиб, ҳомила аъзоларининг ва тўқималарининг ривожланиш жараёнидан иборат. Эмбрионнинг ривожланиши ҳақидаги фан – эмбриология дейилади.

Маълумки, оталаниш жараёни эркак жинсий хужайраси – сперматозоид ва урғочи жинсий хужайраси – тухум хужайрасининг ўзаро қўшилишидан иборат.

Сперматозоид хифчинли ҳаракатчан хужайралар турига кириб, катталиги 60-70 мкм тенг, бош, бўйин, дум қисмлари фарқланади.

Тухум хужайраси тухумдонда етилиб, диаметри 130 микронга тенг. Тухум хужайралари юмалоқ шаклга эга, таркибида ядро, цитоплазма ва атрофидан пишиқ ялтироқ қобиқ билан ўралган. Цитоплазмада сариқлик моддаси тенг тарқалган. Сариқлик моддаси синтез қилиниш учун зарур энергия манбаи бўлиб хизмат қиласи. Оталаниш процесси тухум йўлларида рўй беради. Оталанган ёки уруғланган тухум хужайраси зигота дейилади. Зигота бироз тинч даврни ўтиб, майдалана бошлайди. Одамда майдаланиш тўлиқ ва асинхрон бўлиб, ҳосил бўлган хужайралар бластомерлар деб аталади. Бластомерлар икки хил бўлади – оч ва тўқ рангли. Оч рангли бластомерлар тез бўлинishi натижасида марказда жойлашган тўқ рангли бластомерларни атрофидан қоплаб олади. Эмбрионнинг бу даври – стерробластула дейилади. Стерробластулани оч бластомерларидан трофобласт ҳосил бўлади. Кейинчалик трофобласт орқали эмбрион она организми билан боғланади. Марказда жойлашган қорамтирир бластомерлардан эса эмбриобласт ҳосил бўлади. Бундан эмбрион танаси ва маҳсус эмбриондан ташқари аъзолар вужудга келади. Эмбрионал тараққиётнинг кейинги босқичи

– бу бластоцистанинг ҳосил бўлиши. Бластоциста трофобластдан бўшлиқдан ва эмбриобластдан ташкил топган. Стерробластуланинг бўшлиғи марказида жойлашган бўлиб, махсус суюқлик билан тўлган. Бўшлиқ атрофидағи деворида трофобласт жойлашади. Эмбриобласт эса махсус тутунча ҳолида трофобласт деворига бириккан ҳолда жойлашади.

Эмбрионал тараққиётнинг кейинги босқини – бу гаструляция жараёнидир. Бластоцистанинг эмбрионга айланиш жараёни – гаструляция дейилади. Гаструляция жараёни натижасида учта эмбрионал варақлар ҳосил бўлади. Бу давр уруғанишдан сўнг 7-суткасидан бошланиб 15 суткагача давом этади. Шу давр ичидаги эмбрион бачадон деворининг шиллиқ пардасига бирикади. Гаструляция жараёни билан параллел ҳолда махсус эмбриондан ташқари аъзолар ҳам ҳосил бўлади. Эмбриондан ташқари аъзоларнинг бир вақт мобайнида шакланиши, уларнинг юқори даражада тузилганлиги ўз асосига эга, чунки бу аъзолар эмбрионнинг озиқ моддалар билан кислородга бўлган эҳтиёжини таъминлаш вазифасини бажаради. Бўларга трофобласт, амнион ва сариқлик қопчаси киради. Эмбрионни озиқланиш эса аллантохорион орқали рўй беради. Лекин кейинчалик сариқлик қопчаси ва аллантоис редукцияга учрайди ва улар ўрнига йўлдош ва киндик тизимчasi шаклланади. Энди эмбрион она организми билан йўлдош орқали муносабатда бўлади. Киндик тизимча орқали йўлдошдан эмбрионга қон томирлари орқали зарур озиқ моддалар ва кислород узлуксиз равишда етказиб беради. Бинобарин, йўлдош ва киндик тизимчasi ҳимоя функциясини ҳам ўтайди, зарарли моддаларни тарқалишига йўл қўймайди. Эмбриондан ташқари аъзолар мувакқат, вақтинча бўлиб, организм мустақил яшашга ўтиши билан йўқолади. Одамда гаструляция деляминация йўли билан

кетади, натижада аввало эктодерма ва энтодерма варақлари ҳосил бўлади. Кейинчалик мезодерма ва асосий ўқ аъзолар ҳосил бўлади. Ўқ аъзолардан эктодермадан бирламчи нерв найчаси ҳосил бўлади.

Эмбрионал тараққиётнинг 20-21 кунидан бошлаб эмбрион танаси бутунлай эмбриондан ташқари органлардан ажралади. Эмбрионни она организми билан туташтирувчи орган киндик қини пайдо бўлади.

Ҳар бир эмбрион варақларининг хужайраларининг такомилланиши натижасида ўзига ҳос тўқима ва органлар ҳосил бўлади.

Эктодермадан ёки эмбрионнинг ташқи варағидан бутун нерв системаси, тери эпидермиси ва безлари, тирноқлар, соч, тишнинг эмали, сұлак безлари, тилнинг ва ҳалқумнинг шиллиқ қаватлари ҳосил бўлади.

Энтомадан ёки эмбрионнинг ички варағидан овқат-ҳазм қилиш системасининг шиллиқ пардасининг эпителий қатлами, сийдик қопи, нафас олиш системаси, баъзи бир экзокрин ва эндокрин безлар ҳосил бўлади.

Мезодермадан ёки эмбрионнинг ўрта варағидан бириктирувчи тўқиманинг ҳамма турлари, чунончи, хусусий бириктирувчи тўқима, тоғай ва суяқ тўқималри ривожланади. Бундан ташқари силлиқ мускул тўқимаси, кўндаланг-тарғил мускул тўқимаси, қон ва қон томирлари, лимфа системаси, сийдик ажратиш системаси каналлари, тухумдон ва уруғдонлар ҳосил бўлади.

Эмбрионнинг кейинги ривожланиш босқичлари турли аъзолар ва тизимларни шаклланиши рўй беради. 2,5 ойли эмбрионда ҳамма морбофункционал тизимлар ҳосил бўлиши ва шаклланиши тугайди. Энди сифат ўзгаришларга қараганда, эмбрионда миқдорий ўзгаришлар кўпроқ рўй беради. Эмбрион тез ўсади, вазни ошади ва туғилгандан сўнг

онтогенезнинг иккинчи босқичи – туғилишдан кейинги постнатал даври бошланади.

Индивидуал тараққиётнинг даврлари

Одам ҳаётини ёшга қараб босқичларга ажратиш, олимлар томонидан турли классификациян схемаларда намоён этилган. XIX-XX асрлар чегарасида 1906 йилда Н.П. Гундобин томонидан биринчи мартаба «Ҳар хил ёшдаги болаларни хусусиятлари» деган асарида онтогенезнинг даврларга ажратиш жадвали кўрсатилган. 1921 йилда немис олими М. Штратс онтогенезни даврларга бўлишда, танани бўйига қараб ўсиш муддатлари жинсий безларини етилиши асосда тузилган. Охирги 30 йил давомида И.А. Аршавский, В.В. Бунак, Г. Гrimm, M.C. Maslov, A.B. Nagorniy, A.F. Tur томонларидан бир нечта жадвал-схемалар яратилган.

Одам онтогенезини даврларга ажратиш – бу жуда мураккаб муаммо бўлиб, илмий схемалар яратилганда организмнинг нафақат айрим морфологик ёки биохимик хусусиятларига асосланмасдан, балки организмнинг бутун конституционал хусусиятларига ва шу билан бир қаторда социал факторларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

1960 йилларда В.А. Нагорний ва унинг шогирдалари томонидан онтогенезнинг постнатал ёки туғилишдан кейинги тараққиётни учта даврга ажратиш тавсия этилди:

Ўсиш даври – бу даврда организмнинг бутун морфологик, физиологик ва биохимик тизимлари шаклланади.

Етилиш даври – организмнинг бутун биологик хусусиятлари тўлиқ етилади, ривожланади ва маълум вақт мобайнида ўзгармайди.

Кексайиши даври – тана ҳажмлари кичиклашади, маълум физиологик функциялари сустлашади.

1965 йилда машхур антрополог В.В. Бунак одам онтогенезини даврларга ажратиш схемасига биноан одам онтогенези учта босқичдан, яъни прогрессив, барқарор ва регрессив босқичлардан иборат деган фикрини юритади.

Прогрессив босқичда тана бўйига қараб актив ўсади. Ўсиш тўхташ билан босқич туталланади.

Барқарор босқичда организмнинг функционал кўрсаткичлари маълум бир стабил ҳолда ўзгормайди, тери ости ёғ қатлами қалинлашади, тананинг умумий вазни ошади.

Регрессив босқичда тана вазни камаяди, тана ҳаракатларининг тезлиги сустлашади, организмнинг функционал кўрсаткичлари пасаяди. Тавсия этиялган жадвалда Бунакнинг индивидуал тараққиётининг даврларига бўлиниш схемаси кўрсатилган.

Морфология, физиология ва биохимия муаммолари бўйича ўтказилган бир нечта илмий конференцияларда пренатал ва постнатал тараққиётининг даврларга бўлиниши умумлаштирилган жадвали асосида қабул қилинди. Бу жадвал антропологияда, педиатрияда ва педагогикада кент қўлланилади.

1. Чақалоқлик давр – 1-10 кун
2. Кўкрак эмиш даври – 10 кундан 1 йилгача
3. Эрта болалик даври – 1 ёшдан 3 ёшгacha
4. Биринчи болалик даври – 4 ёшдан 7 ёшгacha
5. Иккинчи болалик даври – 8-12 ёшгacha (ўғил болаларда), 8-11 ёшгacha (қизларда).
6. Ўсмирлик даври – 13-16 ёшгacha (ўғил болаларда), 12-15 ёшгacha (қизларда)
7. Балоғатга етилиш даври – 17-21 ёш (ўғил болаларда), 16-20 ёш (қизларда).

Босқич	Давр	Ёш	Эркак	Аёл
Эмбрионал цикл				
Прогрессив босқич	Эмбрионал чегара ёки оралиқ даври Фетал даври		0-8 } хафта 8-16 4-6 7-8 }ой 8-10	
Түгелишдан кейинги цикл				
	Чақалоқлик даври	Эрта үртә кеч	1-3 ойи 4-6 ойи 7-9 ойи 10-12 ойи	
	Биринчи болалик даври	Эрта кеч	1-4 ёшда 5-7 ёшда	
	Иккинчи болалик даври	Эрта кеч	8-10 11-13	8-9 ёш 10-12
	Үсмир болалик даври Ёшлик (балогатта етиш) даври		14-17 18-21	12-16 17-20
Барқарор босқич	Етуғ ёшта ўтиш даври Етилган даври	Биринчи Иккинчи Биринчи Иккинчи	22-28 ёш 29-35 ёш 36-45 46-55	27-32 ёш 21-26 ёш 33-40 41-50
Регрессив босқич	Кексайиш даври Қариш даври Чуқур қарилік даври	Биринчи Иккинчи Биринчи Иккинчи	56-63 64-70 71-77 78-83 84	51-57 58-63 64-70 70-77 78

8. Етилган давр (1 босқичи) – 22-35 (эркакларда), 21-35 (аёлларда); (2 босқичи) – 36-60 (эркакларда), 36-55 (аёлларда)
9. Кексалик даври – 61-74 ёш (эркаклар), 56-74 ёш (аёллар)
10. Қарилик даври – 75-90 ёш (эркаклар ва аёллар)
11. Узоқ яшовчилар – 90 ёш ва ундан юқори.

Ёшга қараб үзгариш ва жинста хос бўлган хусусиятларниң тараққиёти

Организмнинг ривожланиш жараёни эмбрионда ва янги туғилган болаларда бир текис бормайди. Эмбрион даврида гавданинг юқори қисми йўлдошдан келадиган тоза қон билан кўпроқ таъминлайди. Шунинг учун хам эмбрионнинг бу қисми организмнинг пастки қисмига нисбатан яхши ривожланади. Жумладан, янги туғилган (бу давр 3-4 ҳафтагача чўзилади) чақалоқнинг калласи бўйиннинг ј қисмига, катталарда эса 1/7 – 1/8 қисмига тўғри келади. Чақалоқларнинг оёқлари жуда калта бўлиб, деярли қўлларига тенг туради. Чақалоқларнинг узунлити 50 см, оғирлиги 3000-3500 гача бўлади. Чақалоқ туғилган заҳотиёқ ўпка орқали нафас олади, қон айланиши мустақил бўлиб, ўпкада тозаланади. Модда алмашинуви жараёни ҳазм қилиш тизими орқали бажарилади. Шундай қилиб, янги туғилган чақалоқлар гавдаларнинг шакллари ва тузилишлари ўрта яшар одам гавдасининг тузилишидан кескин фарқ қиласиди. Бола туғилганидан кейин организмдаги ривожланиш жараёни тананинг маълум қисмларининг катталашиши ҳисобига боради. Гавданинг ривожланиш жараёни бир текисда давом этмайди. Шунинг учун бу ривожланиш жараёни тўрт даврга ажратиб ўрганилади:

Чақалоқнинг тишлари чиқмаган, кўкрак эмиш даври 4 ҳафтадан бир ёшгача бўлади. Бу даврда чақалоқнинг қорни кўкрагига нисбатан кўтарилиган бўлиб, чаноғи тор бўлмайди, мия пўстлоқ ости ядролари яхши ривожланана бошлайди.

Сут тишларининг чиқиши даври 1-7 ёшгача давом этади. Бу даврда болаларнинг бўйига қараб ўсиши оёқларининг ривожланишидан билинади, ўғил болалар билан қизларнинг ташки белгилари сезиларли даражада ривожланмаган бўлади.


Бисексуал болалик даври 8-15 ёшгача давом этиб, ўғил болалар билан қизларнинг гавдаларида ташки кўринишдаги иккиламчи жинсий белгилар ривожланади. Қизларнинг тана таркибидағи ёғ тўқималари ўғил болаларга нисбатан яхши такомиллашади, терисида туклари кам бўлади, кўкрак безлари яхши ривожланади. Ўғил болаларнинг териси сертуқ ва дағалроқ бўлиб, кўкрак безлари қолдиқ сифатида учрайди.

Балогатта етиш (ўспирийник) даври 15-20 ёш. Бу даврда ўғил болалар ўспирин булиб, қизлар (13-14 ёшдан 18 ёшгача) балогатта этади. Организмнинг умумий ривожланиши 23-25 ёшгача давом этади. Шундай қилиб, эркакка ва аёлга ажратадиган (жинсий аъзолар ва безлардан ташқари) иккиламчи ёки ташки аломатлар пайдо бўлади. Умуман аёллар танаси эркаклар танасига қараганда узунроқ бўлиб, қўл ва оёқлари калтароқ, елкалари қискароқ, чаноқ бўлаги кенг ва каттароқ бўлади. Аёлларнинг бўйлари эркакларнидан пастроқ, оғирлиги эса ўртacha, бироз камроқ бўлади. Эркакларда мускулларининг вазни гавданинг умумий вазнига нисбатан 40% ни ташкил этади. Аёлларда мускуллар массаси эркакларга нисбатан 8-10% кам бўлиб, 32% ни ташкил қиласи. Аёлнинг кўкрак қафаси эркакка нисбатан калта ва торроқ, қорни каттароқ бўлади.

Үспиринлик давридан етилган ёшга ўтиш аёлларда 20 ёшдан 40 гача, эркакларда 25-45 ёшгача давом этиб, сүнгра кексалик ва 70 ёшдан бошлаб эса қарилик бошланади. Узок умр яшовчилар одатда 90 ёшта кирган одамлардан бошлаб хисобланади.

Тана текисликлари ва ўқлари

Одам танаси қуидаги қисмлардан ёки звенолардан ташкил топған: күкрак, қорин, тос, эркин құл суяклари – елка, елка олди, панжа, оёқ суяклари скелетида эса сон, болдир, оёқ панжаси фарқланади.



7-расм. 1 - тик кетған ўқ, 2. – фронтал сатхлардан бири,

3 – күндаланғ сатхлардан бири, 4 – күндаланғ ўқ,

5 – сагиттал ўқ, 6 – сагиттал сатхлардан бири

Одам танасида турли қисмларни ёки анатомик аъзоларни бир-бирига нисбатан жойлашишини аниqlаш учун маҳсус текисликлардан фойдаланиб, танани симметрик бўлакларга ажратиш мумкин (7-расм).

Сагиттал текислик танани чап ва ўнг бўлимларига ажратади.

Агар сагиттал текислик тананинг ўрта қисмидан ўтса, ўрта текислик деб аталади.

Горизонтал текислик танани кўндаланг кесиб, уни бош ва пастки бўлимларга бўлади.

Фронтал текислик танани олдинги ва орқа бўлимга ажратади.

Юқорида кўрсатилган текисликлар бир-бирига нисбатан перпендикуляр ҳолатда жойлашиши мумкин.

Иккита текисликни бири-бирида нисбатан кесиб ўтиши, симметрия ўқи ёки айланаш ўқини ҳосил қиласи. Сагиттал ва фронтал текисликлар бир-бирини кесиб ўтиши натижасида вертикал ёки тик ўқ ҳосил бўлади. Вертикал ёки тик ўқ танани бош ва пастки қисмларининг симметрик нуқталари бир-бири билан бирлаштирадиган тўғри чизиқ ҳисобланади. Вертикал ўқ атрофида рўй берадиган тана звеноларининг ҳаракатлари горизонтал текислиқда содир бўлади.

Горизонтал ва сагиттал текисликлар бир-бирини кесиб ўтиши натижасида сагиттал ўқ ҳосил бўлади. Бу тўғри чизиқ тананинг олдини ва орқа томонларининг нуқталарини бир-бири билан бирлаштиради.

Фронтал ва горизонтал текисликларни кесиб ўтиши натижасида кўндаланг ўқ ҳосил бўлади. Бу чизиқ тананинг чап ва ўнг томонларининг нуқталарини бирлаштиради. Бу ўқ атрофидаги ҳаракатлар сагиттал текислиқда бажарилади.

ОСТЕОСИНДЕСМОЛОГИЯ

Сүяклар ҳақидағи таълимот


Одам танасининг 1,5-1,7 қисми сүяклардан иборат бўлиб, сүяклар йифиндисига скелет дейилади. Скелет деган сўз грекча «скелетон» сўзидан келиб чиқиб, «куритилган» деган маънени англатади. Бундай маънени киритилишига сабаб, қадимти даврда скелет офтоб таъсирила ёки қумнинг қизигидан фойдаланиб тайёрланган.

Скелет таркибиغا 200 дан ортиқ сүяклар кириб, улардан 33-34 таси тоқ сонда бўлади. Шартли равища скелет 2 қисмга – ўқ скелети ва қўшимча скелетга ажратилади. Ўқ скелетига калла скелети (29 сүяклар), кўкрак қафаси (25 сүяклар), умуртқа погонаси (26 сүяклар) киради. Қўшимча скелет таркибиға қўл скелети (64), оёқ скелети (62) киради (8-расм).

Скелет сүяклари организмда бир қанча функцияларни бажаради:

1. Ҳимоя вазифаси – сүяклар йифиндиси одамларда, ҳамма умуртқали ҳайвонларда организмни сиртидан жойлашиб, ташқи скелетни ҳосил қиласди ва атрофдаги муҳитда бўладиган турли туман таъсиrotлардан сақлайди. Айрим сүяклар организмда турли бўшлиқлар ҳосил қилиб, бу бўшлиқлар ичида жойлашган аъзолар ташқи муҳитдан пишиқ ҳимояланган бўлади. Масалан, умуртқа каналида орқа мия жойлашган, калла скелети ичида – бош мия, кўкрак қафасида юрак, ўпкалар, қизилўнгач ва йирик қон томирлари жойлашган.

2. Таянч вазифаси – юмшоқ тўқима ва аъзолар скелетининг ташкил этувчи айрим қисмларига бирикиб туриши натижасида, аъзоларни организмда муайян жойда ўрнашиб туришини таъминлайди.



8-расм. Одам скелети.


1 - калла скелети, 2 - умуртқа погонаси, 3 - ўмров сүяги, 4 - қовурға, 5 - түш сүяги, 6 - елка сүяги, 7 - билак сүяги, 8 - тирсак сүяги, 9 - кафт олди сүяклари, 10 - кафт сүяклари, 11 - бармоқ фалангалари, 12 - ёнбош сүяги, 13 - дум-газа, 14 - көв сүяги, 15 - құймич сүяги, 16 - сон сүяги, 17 - тизза қотқоги, 18 - катта болдир сүяги, 19 - кичик болдир сүяги, 20 - оёқ панжасининг кафт олди сүяклари, 21 - оёқ панжасининг кафт сүяклари, 22 - бармоқ фалангалари.

3. Ҳаракат вазифаси – скелетни ташкил қилиб турған сүяклар бир-бири билан бўғимлар орқали бирлашиб, ҳар хил ричаглар ҳосил қиласидилар. Сүякларга пайлар ва боғламлар ёрдамида мускуллар биришиб, нерв системаси томонидан келадиган импульслар ёрдамида мускуллар қисқаришини юзага келтиради. Суяк ва мускул системаларидан таянч-ҳаракат аппарати ҳосил бўлади ва танани фазода турли ҳолатларда саклашада, турли ҳаракатларни бажаришда иштирок этади.

4. Қон яратилиши ёки гемопоэз функцияси. Маълумки, найчали сүякларнинг каналида сужк илиги ёки кўмиги жойлашган. Суяк кўмиги эмрионал ҳаётнинг учинчи оий охирида пайдо бўлади. Эритроцитлар ва донадор лейкоцитлар суяк кўмигида такомил топади. Демак, сүяклар қон яратувчи асосий манба ҳисобланади.

Сүякларнинг минерал модда алмашиниш функциясида иштирок этиши – сүяклар турли тузларни тўпланиш депоси ҳисобланади.

Суяк – аъзо сифатида нафақат сүяк тўқимасидан, балки уни таркибиغا бириктирувчи тўқима, қон томирлари ва нервлар киради. Ташкаридан сүяк усти пардаси ёки периост билан қопланган. Суяк пардаси пишиқ бириктирувчи тўқимадан ташкил топиб, унинг таркибида қон томирлари, лимфатик томирлар ва нервлар ўтади. Суяк усти пардасининг ташқи қавати толали, ички қавати – сүяк ҳосил қилувчи қатлам бўлиб, тўғридан-тўғри асосий сүяк тўқимаси билан бирлашиб кетади. Суяк усти пардаси таркибидаги остеобластлар сүякни ривожланишини, энита ўсишини ва турли жароҳатлардан сўнг тикланишини таъминлайди. Эндост юпқа, нозик парда бўлиб, сүякни сүяк кўмиги томондан қоплаб туради. Эндост таркибида остеобластлар ва коллаген толаларнинг тутамлари учрайди.



9-расм. Найсимон сүякнинг тузилиш схемаси (В. Баргман бўйича)

1 – сүяк усти пардаси, 2 – сүякнинг зич моддаси, 3 – ташқи сүяк пластинкалар қатлами, 4 – остеонлар, 5 – сүяк зич моддасининг ички пластинкалар қатлами, 6 – илик канали, 7 – говак моддасининг сүякли түсиклари.

Сүяклар бир вақтда ҳам қаттиқ, ҳам эластик хусусиятга эга бўлиб, уларнинг таркибида 1/3 қисми органик моддалар (оссеин) бўлса, қолган 2/3 қисмини эса анорганик моддалар – кальций, фосфор ва магний тузлари ташкил этади. Сүяклар эластиклигини оссеин ифодаласа, қаттиқдиги эса минерал тузлари туфайли ҳосил бўлади. Органик ва анорганик моддаларнинг нисбати сүякларда ёшга қараб ўзгариб боради. Ёш организмнинг сүяклари таркибида оссеин кўп бўлғанлигидан улар эгилувчан ва маҳкам бўлади. Ёш улғайиб борган сайин сүякларда минерал тузлар миқдори

ошади. Шунинг учун кекса кишиларнинг сужклари ўзининг эластик хусусиятларини аста-секин йўқотиб бориб, мурт ва тез синадиган бўлиб қолади.

Сужклар таркибида органик ва анорганик моддалардан ташқари А, Д ва С витаминалари ҳам бўлади. Ёш болаларнинг сужклари таркибида кальций тузлари ва Д витамини етишмаса рахит касаллиги вужудга келади, сужкларнинг пишиқлиги камаяди ва ҳар томонга қийишайиши мумкин.

Сужкларни бўғим ҳосил қиласидиган сатхлари бўғим тоғайлари билан қопланган. Суяк каваклари суяк илиги билан тўла бўлади. Суяк илиги, организмга қон элементлари ишлаб беради ва муҳим биологик вазифани бажаради. Илик сариқ ва қизил бўлади. Сариқ илик асосан ёғ хужайраларидан иборат бўлса, қизил илик ретикуляр тўқимасидан иборат нозик қизил масса бўлиб, қон шаклий элементларни ишлаб чиқариш манбаи ҳисобланади.

Суяк тўқималарини ривожланиши.

Одам эмбрионида суяк тўқимаси бошқа тўқималарга нисбатан кечроқ ёки эмбрёона даврининг 6-8 ҳафталаридан ривожланади. Суяк тўқимасининг ривожланишига остеогистогенез дейилади.

Скелет сужклари токомили даврида уларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда ривожланмай, балки баъзилари мезенхимадан тарақкий этади, баъзилари тоғай тўқимадан ривожланади. Лекин иккала усулда сужкнинг ривожланиш манбаи мезенхима ҳисобланади, чунки дастлаб тоғай тўқимаси ҳам мезенхимадан ривожланади. Эмбрионал тараққиётнинг дастлабки даврларда хорданинг икки ёнидан мезенхима хужайралари тўпланиб, келажакда ҳосил бўладиган мускуллар куртаклари орасидан юпқа тўсиқлар ҳосил қиласидилар.

Сўнг мезенхимадан остеоген жойлар ажрала бошлайди. Мезенхима хужайралари орасидан бошлангич хужайра-

лар пайдо бўлади. Бошлангич хужайраларнинг бир қисмидан механоцитлар ривожланади, бир қисмидан эса интенсив равишда кўпайиш хусусиятига эга бўлган преостеобластлар популяцияси ҳосил бўлади. Бу хужайралар ўзидан хужайраро модда ишлаб чиқаради. Хужайраларнинг кейинги дифференцировка жараёни натижасида преостеобластлар остеобластларга айланади. Остеобластлар овалсимон, кубсимон, қиррали ёки ўсимтали шаклга эга бўлиб, ўзидан хужайраро сукъ моддасини ишлаб чиқаради. Остеобластлар диаметри 15-20 мкм га тенг бўлиб, таркибида овалси-мон ёки думалоқ шаклдаги ядро ва цитоплазмаси бўлади. Цитоплазмада ҳамма органеллалар яхши ривожланган. Донадор эндоплазматик ретикулумда оқсилилар синтезланади, пластинкали комплексда гликозаминогликанлар, цитоплазма таркибида айникса фосфатаза ферменти кўп миқдорда бўлади. Цитоплазмада соф тарқалган рибосомаларда коллаген оқсили синтезланади. Коллаген оқсилидан коллаген (оссеин) фибрillалар шаклланади ва хужайраро моддада тўплана бошлиди. Оссеин ёки коллаген фибрillалар таркибида органик фосфатларни миқдори юқори даражада бўлиб, сукъ тўқимани минерализацияни ёки оҳаклашишини таъминлайди. Сукъ тўқимасининг асосий модда таркибидаги оссеомукоидда хондроитинсульфатлар ҳам сукни оҳаклашишида иштирок этади. Оссеомукоид коллаген толлаларни бир-бирига ёпиштириб, битта яхлит массага айлантиради. Хужайралараро моддаси ичида қолиб кетган остеобластлар кўпайиш қобилиятини йўқотади ва остеоцитларга айланади. Остеоцитлар юқори даражали мутахассислашган, кўпайиш қобилиятини, ўзидан хужайраро моддани ишлаб чиқариш хусусиятларини йўқотган сукъ хужайралари бўлиб, хужайраро модданинг маҳсус катакчалари ёки лакуналар ичида жойлашган. Остеоцитларни узун

ўсимталари ҳужайрааро моддадан турли йўналишларда ўтиб, ҳужайраларни бир-бири билан туташтиради. Суяк ўсимталари каналчаларга ўхшаш бўлиб, бу каналчалар ёрдамида остеоцитлар билан қон орасида модда алмашинув жараёни ўтади. Остеоцитларни асосий вазифаси суяк тўқимасида тузлар таркибини идора этиш.

Тоғай ўрнида суяк тўқимани ривожланиси бироз мураккаброқ ўтади. Бунда мезенхима ҳужайраларидан тоғай ҳужайралари пайдо бўлади. Тоғайнини тоғай усти пардасидан камбиал – тез кўпайиш қобилиятга эга бўлган ҳужайралар ривожланади. Тоғай усти пардасига қон томирлар ўсиб кириши билан, бу тўқимани трофикаси – озиқланиши яхшиланади. Натижада, камбиал ҳужайралардан хондробластлар ҳосил бўлмай, остеобластлар ривожланади. Остеобластлар ўзидан сужакли ҳужайрааро модда ишлаб чиқарди ва бу модда тоғайнини атрофидан сужакли манжеткаси ҳолида ўраб олади. Бу жараённи перихондрал сужакланиш деб аталади. Суяк тўқимаси билан ўраб олинган тоғай дегенерацияга учрайди. Емирилаётган тоғай ичига қон томирларни ўсиб кириши давом этади ва тоғай таркибида камбиал ҳужайраларидан янги остеобластлар ҳосил бўлади. Бу остеобластларнинг фаолияти туфайли сужакни энхондрал ривожланиси тавъминланади.


Шу билан биргаликда яна бир тур ҳужайралари ҳосил бўлади. Бўлар иирик, кўп ядроли ҳужайралар бўлиб, остеокластлар дейилади. Остеокластларни диаметри 100 мкм га тенг, цитоплазма таркибида эндоплазматик тур, пластин-кали комплекс, лизосомалар, митохондриялар кўп миқдорда учрайди. Лизосомалар таркибида турли гидролитик ферментлар, нордон фосфатаза сақланади. Бу ферментлар ҳужайралардан чиқиб, ҳужайрааро моддани эритиб юбо-риш қобилиятга эга. Микрокиносьемка усули

ёрдамида остеокластлар аввал оссеин толаларни ва аморф моддани эритади, сўнг фагоцитоз йўли билан гидрооксиапатит кристаллчаларини емириши аниқланган. Тоғай ўрнида ҳосил бўлган суяк пластинкасимон суяк тўқимасидан тузил-ган ва фақат мезенхимадан ривожланган суяқдан тузилиши жиҳатдан фарқланади. Пластиинкасимон суяк тўқимасининг такомили ҳар бир қон томири атрофида суяк пластинка-ларини шаклланиши билан боғлиқ. Бу пластинка параллел йўналган нозик коллаген толалардан ва остеоцитлардан ташкил топган. Пластиинкалар устма-уст қўшила беради, лекин бир пластинкадаги коллаген толаларни йўналиши иккинчи пластинкадаги коллаген толаларга нисбатан перпедикуляр равишда жойлашади. Натижада остеонлар ҳосил бўлади. Маълумки, остеон пластинкасимон суяк тўқимасининг структур ва функционал бирлиги дир. Скелет суяклари пластинкасимон суяк тўқимасидан тузилган. Суякларни ривожланишида тоғайдан иборат бўлган суяк модели суякланиб бўлгандан кейин, тоғай пардаси суяк устки пардасига айланади. Кейинчалик суякларнинг энига ўсиши асосан суяк устки пардаси ёки период ҳисобига бўлгани мигидан периодстал суякланиш деб аталади. Найсимон суякларни ўсиши эпифиз билан диафиз орасида жойлашган тоғайли эпифизар пластинкаси мавжудлиги туфайли бўйига ўсади. Эпифизар пластинкада иккита қарама-карши жараён рўй беради: бир томондан эпифизар пластинкани емири-лиши бўлса, иккинчи томондан эса тоғай хужайраларни узлуксиз қўпайшидир. Бутун гистогенез давомида суяқда кайта қўрилиш ва қайта тикланиш жараёнлари бетўхтов давом этади. Бу жараёнлар остеобластлар, остеоцитлар ва остеокластларни фаолияти туфайли эришилади. Суякларни ўсиши эмбрионал босқичлардан бошланиб, ўрта ҳисобда 20–25 ёнда тутайди.

Шу давр давомида сүяк ҳам бўйига, ҳам энига ўсади. Агар сүяклар фақат мезенхима асосида бириттирувчи тўқимадан ривожланса, бундай сүякларни бирламчи сүяклар дейилади. Бирламчи сүяклар тоғай даврини ўтмайди. Тоғай тўқима асосида ривожланадиган сүякларни иккиламчи сүяклар деб номланади.

Сүяклар классификацияси.

Сүяклар тузилиши жиҳатдан бир-биридан фарқланади.



10-расм. Сүякларнинг классификацияси
1 - найсимон сүяк, 2 - яssi сүяк, 3 - говак сүяк, 4 - аралаи сүяклар

Суякларнинг шакли бажарадиган иши билан боғлиқ. Суяклар ривожланиши, тузилиши ва бажарадиган функциясига қўра қуиидаги турларга бўлинади:

1. Найсимон суяклар узун ва калта бўлиши мумкин. Найсимон суякларда иккита кенгайган учлари – эпифизлар, ва ўртасида жойлашган найсимон шаклидаги танаси ёки диафизи бўлади. Танага нисбатан яқин жойлашган суякнинг учи проксимал эпифиз, танадан узоқроқ жойлашган кенгайган учи – дистал эпифиз дейилади. Эпифиз билан диафиз орасида жойлашган суякнинг қисмига метафиз дейилади. Узун суякларга панжаларининг кафт суяклари, бармоқлар фаланглари киради. Найсимон суякларнинг узун суякларига елка, сон, елка олди ва болдир суяклари киради. Калта найсимон суяклардан эса қўл-оёқнинг кафт суяклари, бармоқлар фаланглари ташкил топган. Суякларнинг диафиз қисмлари зич суяқдан, эпифизлари эса ғовак суяқдан ва уни устини юпқа катлам ҳолида зич модда қоплайди.

2. Ғовак суяклар устидан зич модда билан қопланган, ичида эса ғовак модда жойлашган. Ғовак моддани суяк тизимчалари тартибсиз жойлашмасдан, маълум бир йўналишда, ёйлар шаклида ўрнашган, босим кучларига қаршилик қўрсата олиш ва катта нагрузкаларни (юкни) кўтариш қобилиятига эга. Қўл ва оёқнинг кафт олди суяклари, умуртқа таналари, сесамасимон суяклар ғовак суякларга киради. Сесамасимон суяклар бўғимлар ёнида учраб, мускулларнинг пайлари ичида жойлашиши мумкин. Энг катта сесамасимон суякга тизза қопқоғи киради.

3. Яssi суяклар бўшликларни чегаралашда иштирок этади, масалан калла скелети, кўкрак қафаси, тос бўшликларини ҳосил бўлишини таъминлайди. Яssi суякларнинг иккита ташқи пластинкалари зич моддадан, пластинкалар

орасидаги қатлам эса юпқа ғовак моддадан тузилган. Калла скелети таркибидаги ясси сүякларнинг ғовак моддаси диплоэ дейилади. Ясси сүякларга елка, тос камарлари, түш суяги ва калла скелетининг бош мия қисмини қопловчи сүяклари киради.

4. Ғалвирсимон сүяклар таналарида ҳаво билан тўлган бўшликлар бўлиб, бўшликларнинг юзаси шиллиқ парда билан қопланган. Сүякнинг бундай тузилиши сүякни мустаҳкамлигини бузмасдан, унинг массасини анча енгиллашибдириади. Калла скелетининг ғалвирсимон суяги, юқори жағ, пешона суяги, понасимон суяги ғалвирсимон сүяклар турига киради.

5. Аралаш типдаги сүяклар мураккаб шаклга эга бўлиб, бир нечта қисмлардан иборат. Сүякни ташкил этувчи қисмлар келиб чиқиши, тузилиши ва шакли жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Бу грух сүякларга тос суяги, умуртқалар, юқориги жағ, чакка суяги ва бошқалар киради. Масалан, умуртқаларнинг таналари ғовак сүякларга, ўсимтлари ва ёйлари эса ясси сук турларига киради.

СҮЯКЛАРНИ БИРИКИШ ТУРЛАРИ

Сүякларнинг бир-бири билан ўзаро бирикишини ўрганинг қисми артрология ёки синдесмология деб аталади.

Сүяклар бирикиши учта турухга бўулинади:

- I. Узлуксиз (ҳаракатсиз) бирикиш.
- II. Ҳаракатчан бирикиш – бўғимлар.
- III. Симфизлар ёки ярим бўғимлар.

Узлуксиз бирлашмалар

Сүякларнинг узлуксиз ёки ҳаракатсиз бирлашиши учхилга бўулинади.

1. Синдесмозлар – бириктирувчи түқималар (фиброз пардалар) воситасида сүякларни бир-бири билан бирикишига айтилади. Фиброз бирикишларга пайлар, боғламлар, сүяклараро пардалар ёки мембраналар, бириктирувчи түқимали пардалар киради. Бойламлар зич тоғали бириктирувчи түқимадан тузилган. Бойламни учрашиш жойига қараб, таркибида коллаген ёки эластик толалар маълум миқдорий нисбатда бўлади. Масалан, умуртқалар ёйлари орасида учрайдиган сариқ бойламлар таркибида асосан эластик толалари бўлади. Сүякларнинг бойламлар ёрдамида бирикиши анча пишиқ ҳисобланаб, елка олди, болдир, ковурғалар орасида учрайди. Сүяклараро пардалар қўшни сүяклар орасида жойлашиб, суяқ скелетини тўлдириб, мускулларнинг бирикиши учун қўшимча сатҳ ҳисобланади. Сүяклараро пардалардан қон томирлари ва нервлар ўтади.

2. Синхондрозлар – сүякларни бир-бири билан тоғай түқимаси воситасида бирикишига айтилади. Бу бирикишларнинг ҳаратчанлиги чегараланган, лекин пишиқлиги ва қайишқоқлиги анча юқори бўлади. Мисол қилиб умуртқааро дискларни келтириш мумкин. Умуртқааро дисклар коллаген-толали тоғайдан тузилиб, рессорлик функцияни бажаради. Юрища, чопища, сакраща, йиқилишларда силкитиш ва итарилиш кучини юмшатиб, одам танасини ҳимоялайди. Найсимон сүяклардаги эпифиз билан диафиз орасида жойлаштан эпифизар тоғай типик синхондроз мисоли бўлади. Эпифизар тоғай ҳисобига, сүяклар узоқ вақт давомида буинга қараб ўсади. 20-25 ёшдан сўнг эпифизар тоғай емирилб кетиб, синхондроздан синостозга айланади. Эпифиз билан диафиз тўлиқ суяқ түқима орқали бирикиб кетади.

3. Синостозлар – сүякларни суяқ түқимаси воситасида бирикишига айтилади. Бундай бирикишларда ҳаракатчан-

лик йўқолиб кетади, лекин пишиқлиги ортади. Ҳаёт давомида, ёшга қараб ўзгаришларга синхондрозларни синоностозларга айланишини кўрсатиш мумкин. Масалан, мия қисмидаги калла скелетида янги туғилган чақалоқларда бош мия суяклари бир-бири билан юмшоқ бириктирувчи тўқима – синдесмоз орқали бирикади. Ривожланишнинг кейинги босқичларида синдесмоз синхондрозга айланади ва 20-25 ёшлар оралигига синоностозга ўтади.

Ҳаракатчан бўғимлар. Суякларни бир-бирига яқинлашмасдан, ҳаракатчан бирикишига бўтим деб аталади. Бўғимлар асосий ва қўшимча элементлардан ташкил топган. Бўғимнинг асосий элеменларига бир-бири билан бирикакётган суякларнинг учлари ёки бўғим юзалари, бўғим капсуласи, бўғим бўшлифи ва бўтим суюқлиги киради.

1. Бўғим ҳосил бўлишда бирикаётган суякларнинг учлари ёки бўғим юзлари шакл жиҳатидан бир-бирига мос келиши керак. Масалан, бир суякнинг учи юмалоқ шаклда бўлса, иккинчисининг учи ўнга яраша ботиқ бўлиши лозим. Бирикаётган суякларнинг бўғим юзларини бир-бирига мос келиши бўғимнинг конгруэнтлиги дейилади. Бўғимларнинг конгруэнтлиги бўғим юзларини гиалин тогай билан қопланганлиги сабабли анча ошади. Суяк бошчасининг энг юқори нуқтасида гиаланли тогай қалин, четларида эса юнқа бўлади. Лекин гавдада юзалари асло мослашмаган бўғимлар ҳам учрайди. Масалан, елка бўғимида елка суягини бошчаси шарсимон, куракнинг бўғим майдончасининг сатхи шарсимон бошча сатхига нисбатан анча кичик бўлади. Бўғим сатхининг етишмовчилиги, куракнинг бўғим майдонча атрофидан тогайли ҳалқа ёки бўғим лабини ҳосил бўлиши воситасида йўқотилган бўлади. Доим силлиқ ва нам бўлган бўғим тогайи суякларда ишқаланиш кучини камайтиради.

2. Бўғим капсуласи ёки халтаси бўғимни ҳосил қилувчи сякларнинг учларини ва улар ўртасидаги бўшликни атрофидан ўраб туради. Бўғим халтаси ташқи фиброз ва ички синовиал қаватлардан тузилган:

а) ташқи фиброз қават зич толали бириктирувчи тўқимадан тузилган ва бўғим халтасини мустаҳкамлаш учун хизмат қиласди. Фиброз мембраннынг толали тутамлари турли йўналишда тарқалган бўлиб, баъзи жойларда қалинлашиб, бўғим бойламларни ҳосил қиласди.

б) ички синовиал қават сийрак толали бириктирувчи тўқимадан тузилган. Бўғимга қаратилган ички юзаси силлиқ ва ялтироқ, эндотелиал ҳужайралари билан қопланган. Синовиал мембрана бўғим бўшлиғига синовиал суюқлигини ажратади. Синовиал суюқлиги тиник ва ёпишқоқ бўлиб, турли ҳаракатлар бажариш даврида бўғимда бирикаётган сяклар орасида пайдо буладиган ишқаланиш кучини камайтиради. Синовиал мембрана нафақат синовиал суюқликни ажратишида, балки қайта суриб олиш ёки резорбция этишида иштирок этади ва бетўхтов модда алмашинув жараёнини таъминлайди.

Бўғим халтасини қалинлиги ва таранглиги бир хил эмас. Агар халта устидан мускуллар ўтса, юпқа бўлади, бўғимнинг бошқа жойларида халта қалинроқ бўлиши мумкин.

Бўғим ичидан пай ўтса, бўғим юпқа синовиал парда билан ўралади.

3. Бўғим бўшлиғи герметик равишида ёпик, ёриқсимон бўшлиқ бўлиб, ичидаги синовиал суюқлиги жойлашган. Бўғим бўшлиғи бўғим юзалари ва синовиал мембрана билан чегараланган. Бўғим бўшлиғида манфий босим бўлганлиги учун, бўғим юзалари бир-бири билан контактда бўлиб, ажралиб кетмайди. Агар бўғим капсуласи жароҳатланса,

бўғим бўшлиғига ҳаво кириши билан босими атмосфера босимига тенг бўлади ва бўғим юзалари бир-биридан ажралиб кетади. Баъзи бўғимларда бўғим халтаси борган сари юпқалаша бориб, синовиал чўнтақларни ҳосил қиласди. Синовиал чўнтақлар асосий бўғим бўшлиғининг давоми бўлиб, ичи синовиал суюқлиги билан тўлган. Мусқул ва пайларни ҳаракати пайтида суякга нисбатан ишқаланиш кучини камайтириш вазифасини бажаради.

Бўғимда асосий элеменлардан ташқари ёрдамчи элементлар ҳам фарқланади. Ёрдамчи элементларга пайлар, бойламлар, бўғим ичидағи тоғайлар – дисклар ва менискалар, синовиал мембронани бурмалари киради. Пайлар ва бойламлар зич толали бириктирувчи тўқимадан тузилиб, таркибини асосан маълум тартиба йўналган коллаген толалар ташкил қиласди. Баъзи бойламлар капсула деворидан ҳосил бўлса (ёнбош-сон бойлами), баъзилари бўғим халтасидан маълум масофада бирикади (думгаза-ўсимтали бойлам), учинчи хил бойламлар эса бўғим ичидаги жойлашган (тизза бўтимиининг крестсизон бойламлари). Бойламлар иккиласми чўнтақларни бажаради: бир томондан бўғимларни мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, бўғим таркибидағи суякларни ҳаракатчанлигини чегаралайди.

Бўғим дисклари толали тоғайдан тузилиб, бўғим бўшлиғини иккита бўлимга ажратади. Агар диск марказида тешиги бўлса, бўғим мениски дейилади. Дисклар ва менискалар бўғим юзаларини конгруэнтлителгини оширади, бўғимнинг рессорлик функциясини ва ҳаракатчанлик даражасини оширади. Синовиал бурмалар худди шу функцияларни бажаради. Синовиал бурмаларни деярли ҳамма бўғимларда учратиш мумкин.

Бўғимлар классификацияси.

Оддий, мураккаб ва аралашган бўғимлар фарқланади. Агар бўғим ҳосил бўлишда фақат иккита суяқ иштирок этса, унда оддий бўғим ҳосил бўлади. Масалан, елка бўғими, фалангалараро бўтими оддий бўғимлар мисоли бўла олади. Учта ва ундан ортиқ суяклар биринишидан мураккаб бўғимлар ҳосил бўлади. Баъзан мураккаб бўтим бир нечта оддий бўғимлардан ташкил топиб, ҳар бир бўғим функционал жиҳатдан алоҳида иш бажариши мумкин. Масалан, тирсак бўғими учта алоҳида оддий бўғимлардан тузилиб, атрофдан битта умумий капсула билан ўралганлиги сабабли, яхлит анатомик нуқтаи назардан битта бўтим деб кўрилади. Ҳамкор бўғимлар жуфт ва ундан ортиқ бўғимларни функционал йифиндиси бўлиб, бир бўғимда ҳаракатларни бажарилиши иккинчи қўшини бўғимда ҳам шу ҳаракатни келтиради. Масалан, чап ва ўнг чакка-пастки жағ бўғимларининг ҳаракатлари. Агар бўғим икки тарафлама ҳаракат қиласа, яъни бир-бири билан кесишган икки ўқ атрофида айланса, яъни фақат букилиб ёзилса бир ўқли бўтим деб аталади.

Шакли жиҳатдан шарсимон, эллипссимон, тарновсимон, яssi, ёнғоксимон, цилиндрсимон бўғимлар фарқланади. Бўғим бўшлигидан ўтадиган айланма ўқларни сонига кўра бир ўқли, икки ўқли ва кўп ўқли бўғимлар фарқланади. Айланма ўқларнинг йўналиши координата системасидаги ўқларнинг йўналишига мувофиқ келади. Кўндаланг, сагиттал ва тикка ўқлар фарқланади. Кўндаланг ўқ атрофида букиш ва ёзиш, сагиттал ўқ атрофида – олиб келиш ва олиб қочиш, тикка ўқ атрофида – ташқарига ва ичкарига буриш ҳаракатлари бажарилади. Бўғимдаги ҳаракатчанлик аввал суякларнинг бўғим ҳосил қилишида иштирок этадиган учларининг шаклига боғлиқ.

Уч ўқли бўғимлар.

Шарсимон ва ёнтоқсимон шаклга эга бўлган бўғимлар энг ҳаракатчан бўғимлар хисобланади. Масалан, елка бўғими оддий, шарсимон шаклга эга, уч ўқли бўғим бўлиб, асосий ҳаракатлар уч ўқ атрофида бажарилади. Кўндаланг ўқ атрофида елка олдинга ва орқага қараб ҳаракатланади. Сагиттал ўқ атрофида елка танадан узоклашади ва танага яқинлашади. Тикка ўқ атрофида елка ичкарига ва ташқарига бурилади. Бир вақтда уч ўқ атрофида ҳаракат бажарилса - циркумдукция ёки айланма ҳаракат дейилади.

Тос-сон бўғими мураккаб, ёнтоқсимон шаклга эга, уч ўқли, ёзилган ҳолда ғалтаксимон бўғимларга ўхшаш ҳаракатланади. Тос-сон бўғим учта сужкининг, яъни сон суяги, катта болдир суяги ва тизза копқоғининг орасида ҳосил бўлади. Суякларни юзалари бир-бирига тўлиқ мос келмаганилиги сабабли, конгруэнтилик толали тоғайдан тузилган медиал ва латерал менискалар ёрдамида етилади. Тизза бўғими ҳаракатларида менискалар сон суяги остида ўз шаклини ва жойлашувини ўзгартиради, итарилиш кучларини юмшатишда, амортизацияни таъминлайди. Оёқ ёзилганда ва букилганда ҳаракатни бажарилиши сон дўнглари ва менискалар иштироқида, пронация ва супинацияда катта болдир суяги ва менисклар орасида вужудга келади.

Икки ўқли бўғимлар.

Бўғим икки тарафлама ҳаракат қилса, яъни бир-бири билан кесиншган ўқ атрофида айланса, икки ўқли бўғим дейилади. Масалан, билак суяги билан кафт усти суяклари ўртасидаги бўғим.

1. Тирсак бўғими мураккаб, винтсимон шаклга эга, икки ўқли. Бўғимда кўндаланг ўқ атрофида букилиш ва

ёзиши ҳаракати, тикка ўқ атрофида пронация ва супинация ҳаракати бажарилади.

Билак билан панжа ўртасидаги бўғим мурakkab, эллипсимон шаклга эга, икки ўқли. Кўндаланг ўқ атрофида букиш ва ёзиши ҳаракатлари, сагиттал ўқ атрофида кўл панжасини олиб келиш ва олиб қочиш ҳаракатлари бажарилади. Панжа циркумдукция ҳаракатида ~~хам~~ иштирок этади.

Бир ўқли бўғимлар.

1. Биринчи ва иккинчи бўйин умурткалари ўртасидаги бўғимни буралувчи бўғимларга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда ҳаракат фақат тицсимон ўсиқ атрофида бўлади.

2. Фалангаларапо бўғимлар оддий, ғалтаксимон, бир ўқли бўлади. Бўғимни ҳосил қилувчи суякларнинг биринчи сини учи ғалтак шаклида (ўртаси ботик, икки чети кўтарилиган), иккинчисининг учи эса шунга мос (икки чети ботик ва ўртаси кўтарилиган бўлади). Фалангаларапо бўғимларда фақат битта кўндаланг ўқи бўлиб, бу ўқ атрофида букиш ва ёзиши ҳаракати бажарилади.

Ҳамкор (комбинацияланган) бўғимлар.

Бир хил бўлган икки ёки ундан кўп бўғимлар биргаликда бир хил ҳаракатни бажарса, бундай бўғимлар ҳамкор бўғимлар деб аталади. Масалан, жағ бўғими, билак ва тирсак суякларининг юкори ва пастки учлари ўртасидаги бўғимлар.


ГАВДА СКЕЛЕТИ

Одам гавда скелети умуртқа погонаси, 12 жуфт қовурға ва тўш суюгидан ташкил топган. 12 кўкрак умуртқалари, 12 жуфт қовурғаларни тўш суюги билан бирикиши натижасида кўкрак қафаси ҳосил бўлади. Умуртқа погонаси калла суюги

билин одам танасининг ўқ скелетини ҳосил қиласи, тананинг турли қисмларини бир-бири билан боғлайди ва актив ҳаралатларида иштирок этади. Умуртқа поғонасининг каналида жойлашган орқа мияни ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Тананинг оғирлик маркази умуртқа поғонасининг белдумгаза соҳасида жойлашганлиги, умуртқа поғонасининг сегментлардан ташкил топганлиги, шакли, ҳажми ва эгриклиари одамда юриш ва тик туриш қобилиятини ифодалайди. Тананинг асосий оғирлиги умуртқа поғонасига тушади. Умуртқа поғонаси мисолида суюк системасига ҳос бўлган механик қонуниятларини намоён этилишини кузатиш мумкин. Масалан, умуртқалар кичик ҳажмга эга, енгил, чунки асосий қисми ғовак моддадан тузилган ва шу билан бирга катта юкламалар кўтариш қобилиятига эга. Умуртқа поғонасини бир бутун яхлит тузилма сифатида, ҳам пишиқ, ҳам ҳаракатчанг бўлишини бақувват бўлган боғловчи аппарати ифодалайди.

Умуртқа поғонаси бир-бирининг устида жойлашган алоҳида умуртқалар йигиндицидан ташкил топган бўлиб, бўлар бўйин умуртқалари - 7, кўкрак умуртқалари - 12, бел умуртқалари - 5, думгаза умуртқалари - 5, ва дум умуртқалари - 4-5. Вояга етган одамда думгаза ва дум умуртқалари бирлашиб, алоҳида думгаза ва дум суюгини ҳосил қиласи.

Умуртқа поғонасининг ўртача узунлиги эркакларда 73-75 см, аёлларда эса – 69-71 см гача бўлади. Ҳар қайси айрим умуртқада олд томонда жойлашган тана ва орқа томондаги равоғи фарқланади. Равоғ умуртқа танасига иккита оёқчаси орқали бирлашиб, умуртқа тешигини ҳосил қиласи, ҳамма умуртқаларнинг тешиклари қўшилиши натижасида умуртқа канали ҳосил бўлади. Умуртқа каналининг мустаҳкам суюкли девори орқа мияни яхши муҳофаза этади. Умуртқалар тана-



11-расм. Умуртқа поғонасы (Р.Д. Синельниковдан).

Олдиндан (А), орқадан (Б), ёнидан (В) кўрининиши

I – бўйин қисми, II – кўкрак қисми, III – бел қисми, IV – думгаза қисми,

V – дум қисми. 1, 3 – бўйин ва бел лордозлари, 2, 4 – кўкрак

ва думгаза кифозлари, 5 – думгаза тирқиши.

лари орасида умуртқалараро дисклари жойлашган, улар коллаген-толали тобайдан тузилган бўлиб, ҳаракатларни амортизациясини таъминлайди. Умуртқа равоғидан тоқ ва жуфт ўсиқлари чиққан бўлади. Ўсиқларни умумий сони 7 бўлиб, улардан биттаси тоқ сонда, қолганлари 3 жуфт бўлади.

Умуртқа равоғининг ўрта қисмидан орқа томонга битта ўткир қиррали ўсиқ, иккала ёнбош қисмидан эса биттадан кўндаланг ўсиқлар ва икки жуфт бўғим ўсиқлари кўринади.

Бу юқориги ва пастки бўғим ўсиқлари бўлиб, умуртқаларни бир-бири билан бирикишини таъминлайди.


Умуртқа танаси билан бўғим ўсиқларининг ўрта қисмларида юқориги ва пастки уймалар жойлашган. Умуртқа поғонасида юқоридаги умуртқанинг пастки уймаси юқори уймаси билан бирлашиб, ҳар тарафда биттадан умуртқа тешигини ҳосил қиласди. Бу тешиклар орқали орқа мия нервлари ва қон томирлари ўтади

Умуртқаларнинг тузилиши.

1. Бўйин умуртқалари одамда ҳамма умуртқалиларга ўхшаш 7 дона бўлиб, юқоридан биринчи ва иккинчи умуртқалар, бошқа бешта бўйин умуртқаларидан тузилишлари билан анча фарқ қиласди. Бўйин умуртқаларининг таналари кичкина, овал шаклида бўлиб, умуртқа тешиги катта, таналари учбуручак шаклида тузилган. Фақат бўйин умуртқаларининг кўндаланг ўсиқларида думалоқ кичкина тешиклари бўлиши характеридир. Бу тешиклар бир-бири билан қўшилиб, маҳсус суюкли канал ҳосил қиласди, уни ичидан бош мияни озиқлантирувчи қон томири ўтади.

II-VII бўйин умуртқалари танасининг орқа томонида жойлашган ўткир киррали ўсиқлари борган сари узайиб бориб, учлари эса иккига айрилган бўлади. VII умуртқанинг орқа ўсиғи бошқа бўйин умуртқаларига нисбатан узун ва йўғон бўлиб, тирик одамда тери остида пайпаслаб кўриш мумкин. Шунинг учун бу умуртқани тутиб чиқсан умуртқа дейилади. 6 бўйин умуртқасининг кўндаланг ўсимтасида уйқу дўнглари жойлашган, бу дўнглик олдида умумий уйқу артерияси ўтами. Бу артерияни босиб пульсни ҳисоблаш ва қонни тўхтатиш мумкин.

Атлантни танаси ва ўткир ўсиғи бўлмайди, уни таркибига олдинги ва орқа равоги, икки ёнидан суюкли латерал массалар тафовут этилади. Латерал массасининг




12-расм. Биринчи бўйин умуртқаси – атлант.

1 - орқа думбоги, 2 - умуртқа артериясининг эгатчаси, 3 – кўндаланг ўсигининг тешиги, 4 – ёки латерал массажари, 5 – тишсимон ўсиқнинг чуқурчаси, 6 – олдинги равоги, 7 – олдинги дўмбоги, 8 – кўндаланг ўсиги, 9 – юқориги бўғим чуқурчаси, 10 – орқа равоги, 11 – умуртқа тешиги.

юзаларида юқоридан юқориги бўғим чуқурчалари, пастидан пастки бўғим чуқурчалари жойлашган. Юқориги бўғим чуқурчалар ёрдамида атлант калланинг энса суяги билан бирикади, пастки бўғим чуқурчалари орқали иккинчи бўйин умуртқаси билан бирикади. Атлантнинг ўткир қиррали ўсиқ қолдиги ўрнига орқа равогида кичкина дўмбоқ қолдик ҳолда сақланиб қолган. Атлантнинг олдинги равоги II бўйин умуртқасининг тишсимон ўсиғи билан бирикади.

Бўйиннинг иккинчи умуртқаси – эпистрофей дейилади ва тишсимон ўсиқ ёки тишнинг бўлиши билан бошқа умурт-




13-расм. Иккинчи бўйин умуртқаси – эпистрофей. Ёнидан кўриниши.
 1 – тиш, 2 – олдинги бўгим юзаси, 3 – пастки бўгим ўсиги, 4 – умуртқа танаси,
 5 – кундаланг ўсиги, 6 – юқориги бўгим юзаси, 7 – пастки бўгим юзаси, 8 –
 кўндаланг ўсигининг теници, 9 – умуртқасининг равоги,
 10 – қирради ўсиги.

қалардан ажралиб туради. Тишсимон ўсиг ўқ вазифасини бажариб, уни атрофида умуртқа билан калла ўртасида турли ҳаракатлар бажарилади. Тишсимон ўсиг биринчи умуртқасининг такомил этиш пайтида танаси бўлган, кейинчалик уни ўрнида атлантда олдинги равоги ривожланган. Тишсимон ўсиг эса иккинчи бўйин умуртқасининг тана таркибига ўтган.

2. Кўкрак умуртқаларининг таналарининг ҳажми бўйин умуртқаларга нисбатан каттароқ ва 1-12 кўкрак умуртқасигача борган сари катталашиб боради. Кўкрак умуртқалари ўзига хос ҳусусиятларга эга (14-расм). Кўкрак умуртқаларни ўткир ўсиқлари орқага ва пастга қаратилган бўлиб, томга ёпилган сопол каби бир-бирини ёпиб турган бўлади. Шу сабабли умуртқа погонасининг кўкрак бўлимида

ҳаракатчанлиги чегараланган бўлади. Иккинчидан, кўқрак умуртқаларининг икки ёнбошларига ва кўндаланг ўсиқларига 12 жуфт қовурғанинг учлари бўғим ҳосил қилиб кўшилиб туриши, уларни бошқа умуртқалардан фарқлайди.



14-расм. Кўқрак умуртқасининг тузилиши:

A - ёнидан кўриниш: 1 – умуртқа танаси, 2 – юқориги қовурга чуқурчаси, 3 – умуртқасининг юқориги уймаси, 4 – юқориги бўғим ўсиги, 5 – кўндаланг ўсиги, 6 – қиррали ўсиги, 7 – пастки бўғим ўсимтаси, 8 – пастки умуртқа уймаси, 9 – пастки қовурга чуқурчаси, В – юқоридан кўриниш: 1 – умуртқа равоги, 2 – кўндаланг ўсиги, 3 – кўндаланг ўсиги, 4 – юқориги бўғим ўсимтаси, 5 – кўндаланг ўсигининг қовурга чуқурчаси, 6 – қиррали ўсиги.

~~Аксарият ковургаларнинг бошчалари ёнма-ён жойлашган иккита умуртқа таналарининг ёнбош оралиғига ўрнашиб туради. Шунинг учун аксари умуртқаларнинг иккала томондан (тепа ва пастида) яримтадан чуқурчаси бўлади. Яхлит чуқурча фақат I, XI, XII умуртқаларда учрайди. Яна бор фарқли белгилардан бири, кўқрак умуртқаларнинг кўндаланг ўсиқлари бўғим юзалари билан таъминланган. Бўғим юзалари қовурга дўнгчаси билан бирикиб, кўндаланг қовурга~~

бўғими ёрдамида бирикади. Умуртқа танаси билан унинг равоғи уртасида жойлашган умуртқа тешигининг ҳажми бўйин умуртқаларга караганда кичик бўлади.

3. Бел умуртқалари – 5 дона, умуртқаларнинг орасида энг йириги бўлиб, таналари ловиясимон шаклда бўлади. Умуртқа тешиги катта ва учбурчак шаклида, кўндаланг ўсиқлари бир оз яссиланган, фронтал вазиятда жойлашган. Ўткир усиги калта ва йўғон бўлиб, горизонтал ўрнашган. Юқориги ва пастки бўғим юзалари сагиттал вазиятда ўрнашган. Шу сабабли умуртқа поғонасининг бел қисми айниқса ҳаракатчан бўлади. В бел умуртқасининг танаси энг баланд ва катта кўндаланг ҳажмга эга.

4. Думғаза умуртқалари – 5 думғаза умуртқаларининг бирикишидан думғаза суяги ҳосил бўлади. III, IV, V думғаза умуртқаларнинг таналари орасида жойлашган тогайли дискларни суякланиш жараёни 13-15 ёшдан бошланиб, 1-2 думғаза умуртқалари учун 23-25 ёшда туталланади. Натижада яхлит бир бутун сукъ ҳосил бўлади. Бундай белгини пайдо бўлишиузоқ эволюцион ривожланиш жараёнида, антропогенез давомида одам тик ҳолатга ўтиши билан гавда оғирлигининг думғаза умуртқаларига катта юклама бўлиб тушиб натижасидир.

Думғаза суяги учбурчак шаклида бўлиб, юқорида жойлашган кентайтан қисми – туби ёки асоси дейилади ва понасимон уни пастга ва олдинга қараган. Думғаза суяги туби билан бешинчи бел умуртқасининг танасига бирлашади. Думғазанинг асос қисмининг ён томонларида қулоқсимон юзалари бор, улар ёрдамида думғаза суяги тос суяги билан бирикиб, бўғим ҳосил қиласиди. Думғазада олдинги ва орқа юзалари фарқланади. Олдинги чаноқ юзаси ботик бўлиб, тос бушлигига қаратилиган ва тўртта жуфт олдинги тешиклар кўриниб туради.


Думғазанинг орқа юзаси ғадир-будир бўлиб, бунда ҳам думғазанинг орқа тўртта жуфт тешиклари кўриниб туради. Бу юз сатхидан ўрта ток ва 2 жуфт ён қирралари ўтади. Ўткир усиқларни қўшилиб кетиши натижасида ўрта ток қирра ҳосил бўлади, кўндаланг қирраларни қўшилишидан эса ён қирралар ҳосил бўлади. Думғаза суюгига думғаза канали умуртқа канали билан туташган. Думғаза каналининг пастки тешигининг иккала томонидан чиқиб турадиган ўсиқчалар думғаза шохларини ҳосил қиласди. Аёлларнинг думғаза суюги кенгроқ, калтароқ ва камроқ букилган бўлиши билан эркаклар думғазасидан ажралиб туради.

Дум умуртқалари – 4-5 рудиментар (қолдиқ) умуртқаларни қўшилишидан ҳосил бўлади. Дум умуртқаларни қўшилиб кетиши 12 ёшдан бошлиниб, суюкланиш жараёни пастдан юқори томон йўналган ва 25 ёшда туталланади. Дум умуртқаларда фақат таналари сақланиб қолиб, қолган элементлари эса йўқолиб кетган.

ҚЎКРАК ҚАФАСИНИНГ СУЯКЛАРИ

Қўкрак қафаси умуртқа поғонасининг қўкрак умуртқаларидан, 12 жуфт қовурғалардан ва туш суюгидан ҳосил бўлган (15-расм).

Қовурғалар жуфт суюклар бўлиб, ясси эгилган пластинка шаклидадир. Қовурғада ўрта қисм – танаси ва икки учи бўлади. Қовурғанинг орқа қисми суюқдан, олдинги қисми тоғайдан тузилган. Юқоридаги I-VII жуфт қовурғалар бевосита олдинги учи тоғай қисмига ўтиб, тўш суюгига бирикади ва ҳақиқий ёки чин қовурғалар деб аталади. Қовурғанинг орқа суюкли учидга бошчаси, сўнг бўйинчаси ва унинг орқасида эса бўртиғи жойлашган. Бошча бўғим жуфт суюклар бўлиб, ясси эгилган пластинка шаклидадир.



13-расм. Кўкрак қафаси

1 – тўши суягининг танаси, 2 – тўши суягининг дастаси, 3 – кўкрак қафасининг юкориги апертураси, 4 – ўмров суяги, 5 - курак, 6 – қовургалар, 7 – ханжарсимон ўсиги, 8 – қовурга ёйи.

Қовурғада ўрта қисм – танаси ва икки учи бўлади. Қовурганинг орқа қисми суяқдан, олдинги қисми тоғайдан тузилган. Юкоридаги I-VII жуфт қовургалар бевосита олдинги учи тоғай қисмига ўтиб, тўш суягига бирикади ва ҳақиқий ёки чин қовургалар деб аталади. Қовурганинг орқа суякли учидаги бошчаси, сўнг бўйинчаликни унинг орқасида эса бўртиги жойлашган. Бошча бўғим воситаси ёрдамида

умуртқа танасига бирикади. Бўртиқ эса умуртқанинг қўндаланг ўсиқларининг бўғим юзалари билан бўғим ҳосил қиласди. 1 қовурғанинг юқори юзасида ўмров артерияси ва венаси учун эгатча, олдинда ва уларнинг оралигида олдинда нарвонсимон мускул дўмбоғи борлиги билан тафовут қиласди.

I, XI, XII қовурғаларни бошчалари шу сондаги умуртқалар билан бирикади, қолган қовурғалар эса 2 та ёнма-ён жойлашган умуртқаларининг таналарини цртасига бирикади.. Пастки беш жуфт қовурғалар тўш суюги билан бирикмайди ва алдамчи ёки сохта қовурғалар деб аталади. 8, 9, 10-нчи қовурғаларни олдинги уллари бир-бири билан бирикиб, қовурға ёйини ҳосил қиласди.

XI, XII =оводъялъялъаъд айф=а =ішілъялъаъд ассеаі аедъеъілъялъаъд аа ўдъеъі
0÷е іоñеóбъялъаъд іðаñеъаа аїеъялъаъаа. Оеъаа ñаáаðаафъаа доððаа÷е ёеъе аðе०
=ішілъялъаъд аааа ааðааъааа. +ішілъялъаъд пайда бо-оі, оеъаа =ішілъялъаъд фъааа
=ыеъеъааа. Аедъеъі=е =ішілъялъаа боððаа боððаа еаðаа, ÷бъеъе =ішілъялъаа боððаа
ыиððаа пойда аїеъялъаъаа. Қовурғаларнинг биринчи сужкланиш нуқтаси қовурға бурчагида, иккинчиси -қовурға бошчасида, учинчиси эса қовурға дўмбоғида 15-20 ёшларда пайдо бўлади. Қовурғалар 18-25 ёшга бориб бутунлай сужкланиб битади.

Тўш суюги – ясси чўзинчоқ тоқ сужқидир. У уч қисмдан иборат:

1. Юқори қисми – дастаси
2. Ўрта қисми – танаси
3. Пастки қисми – ханжарсимон ўсиғи.

Туш сужгининг дастасида, юқориги четининг ўртасида тоқ бўйинтуруқ ўйифи бор. Ёнларида эса ўмров суюги ўйиклари бор. Бу жуфт ўйиклар ёрдамида ўмров сужклари туш суюги билан бирикиб бўғимлар ҳосил қиласдилар. Тўш сужгининг даста билан тана оралигида ён томонларида II-VII

ҳакиқий қовурғалар билан бирикиш учун мос келадиган ўйиқлар бор. Ханжарсимон ўsic түш суюги пастки томонида жойлашади. Аёллар түш суюги эркаклар түш суютига нисбатан калтароқ бўлади.

Кўкрак қафасининг шакли жинсга ва ёшга қараб ўзгаришларга боғлиқ. Кўкрак қафаси конуссимон, цилиндрсимон ва яssi шаклларда бўлади. Оралиқ шакллари кам учрайди.


Маълумки, жисмоний иш ва машғулотлар таъсирида ўпканинг тириклик сифими ортади. Бу эса қовурғаларни ва диафрагмани ҳаракатчанглигини ошиши билан боғлиқ.

Қовурғалар 12 жуфт ингичка ёйлардан иборат бўлиб, орқа томондан кўкрак умуртқалари таналарига ёпишиб туради.

БОШ СКЕЛЕТИ

Бош скелети ёки калла суклари бош мия ва у билан бирга боғлиқ бўлган сезги аъзоларни ташқи муҳит таъсиридан химоялайди, юзи ҳосил бўлишини таъминлайди. Калла скелетининг бўшлиғида бош мия жойлашган. Организмнинг муҳим тизимлардан бўлган нафас олиш, овқат ҳазм қилиш тизимларнинг бошланиш жойи ҳисобланади. Калла скелети шартли равишда иккита бўлимга: калланинг мия бўлими ва калланинг юз бўлимига ажратилади.

Мия бўлимининг бўшлиғида бош мия жойлашган. Калланинг юз бўлими юзнинг сукли асосини ҳосил қиласди. Анатомик нуқтаи назардан иккала бўлим яхлит бўлишига қарамасдан, келиб чиқиши жиҳатдан ҳар хил бўлади. Калла скелети 23 сукдан ташкил топган бўлиб, ундан 8 таси жуфт ва 7 таси тоқ сонда бўлади (16-расм).



16-расм. Калла скелети.

Ён томондан кўриниши: 1 – топа суяги, 2 – тоожимон чок, 3 – пешана дўнглиги, 4 – понасимон суягининг катта қанотининг чакка юзаси, 5 – галвир суягининг кўз косасининг пластинкаси, 6 – кўз ёши суяги, 7 – бурун суяги, 8 – чакка суягининг чуқурчаси, 9 – олдинги бурун қилтаниоги, 10 – юқори жагнинг танаси, 11 – пастки жагнинг танаси, 12 – ёноқ суяги, 13 – ёноқ равоги, 14 – бигизимон ўсимтаси, 15 – пастки жагнинг бўғим ўсиги, 16 – сўргичсимон ўсимтаси, 17 – ташқи эшитув тешиги, 18 – лямбдасимон чоки, 19 – энса суягининг палласи, 20 – юкориги чакка чизиги, 21 – чакка суягининг палла қисми.

Калла бўшлиғи пастки томондан ҳар турли тешик ва каналлари бўлган калла туби билан чегараланиб туради.

Калла қопқоғининг суяклари юпқа ва ясси бўлади. Ташқи пластинкаси қалин зич моддадан, ички пластинкаси юпқа зич моддадан тузилган ва орасида ғовак модда –

диплоэ жойлашган. Диплоэ таркибида қизил сүяк кумиги, кўп сонда қон томирлари ва веналари ўтади. Калла сүякларни ички юзаларида чукурчалар ва бармоксимон ботиклар кўп миқдорда учрайди. Бундан ташқари кон томирларнинг изларини ҳам кузатиш мумкин. Бошқа сут эмизувчиларга қараганда одамда артериал ва веноз эгатчалар яхши ифодаланади. Калла сүягининг мия бўлими 8 сүяқдан тузилган, ундан 4 тоқ сонда, иккитаси жуфтдан бўлади. Ток сүякларга энса суяги, пешона суяги, понасимон ёки асосий сүяк ва ғалвирсимон сүяклар киради. Жуфт сүякларни тепа сүяклари ва чакка сүяклари ташкил этади.

Калланинг юз бўлими 15 сүяқдан тузилган, ундан 3 таси ток сонда, қолганлари жуфт бўлади (17-расм).

Юқори жағ, танглай суяги, ёнок суяги, бурун суяги, кўз ёш суяги, пастки чиганоқ жуфт сонда учрайди. Димок суяги, пастки жағ ва тил ости сүяклари тоқ сонда бўлади.


Калланинг мия бўлими.

Энса суяги мия қопқоғининг орқа ва пастки томонини ва унинг асосини ташкил қилинча қатнашади ва олдинги томондан понасимон сүякка, тепа ва чакка сүяклари билан бирлашган. Энса суяги катта тешик орқали умуртқа каналига қўшилиб туради. Энса суяги алоҳида 4 бўлақдан иборат. Энса сүягининг бўлакларини аниқлашда асосий ориентир – бу катта энса тешигидир. Катта энса тешигидан юқорида палла бўлаги жойлашган, ён томонларида ён бўлаклари, олд томонида энса сүягини танаси жойлашган.

Ён бўлакларининг пастки юзасида жойлашган бўғим дўмбоқчалари бўйиннинг биринчи умуртқасининг бўғим юзаси билан бирикади. Дўмбоқча орасида эса бўйинтуруқ вена ўймаси бўлади.

Энса сүягининг палласи ташқи томонга қабариб, ички юзаси ботиқ бўлиб, елпигиҳисимон шаклдаги пластинка – палладан иборат. Энса сүягининг ташқи юзаси марказида

www.uzduti.uz



17-расм. Калла скелети. Олд томонидан күриниши.

1 – тожсимон чоки, 2 – тена сүяги, 3 – пешона сүяги күз косасининг қисми, 4 – понасимон сүяги катта қанотининг күз юзаси, 5 – ёноқ сүяги, 6 – буруннинг настки чиганоги, 7 – юқори жаг, 8 – настки жагнинг ияги, 9 – бурун бўшилиги, 10 – димог сүяги, 11 – галвир сүягининг перпендикуляр пластинкаси, 12 – юқори жагнинг күз косасининг юзаси, 13 – кўзниң настки ёриги, 14 – кўз ёши сүяги, 15 – галвир сүягининг кўз косасининг пластинкаси, 16 – кўзниң юқориги ёриги, 17 – чакка сүягининг палла қисми, 18 – пешона сүягининг ёноқ ўсимтаси, 19 – курув канали, 20 – бурун сүяги, 21 – пешона сүягининг дўмбоги.

ташқи энса дўмбоги бўлиб, унинг иккала томонида кўндаланг йўналган ғадир-будур чизик кўринади.

Палланинг ички юзаси крестсимон тепа билан 4 чуқурчага бўлинган. Крестсимон тепани ўртасида эса ички энса дўмбоги бўлиб, унинг тепа ва икки ёнбош томонларида эгатчалар кўринади. Иккита юқориги чуқурчаларда охирги

миянинг энса паллалари, пастки чуқурчаларида – миячанинг ярим шарлари жойлашган.

Энса суюгининг танаси понасимон сүякнинг танаси билан бирикиб кетган. Катта энса тешиги соҳасида энса суюгининг танаси кенг ва юпқа, олд томонга қараган қисми торайган ва қалинлашган бўлади. Тананинг пастки юзасининг ўртасида ҳалқум дўмбоги жойлашган. Бу дўмбоқقا ҳалқум орқа юзаси билан бирикади.

Понасимон сүяк – жуда мураккаб тузилган бўлиб, тана ва уч жуфт ўсимталардан иборат. Кичик қанотлар юқорига, катта қанотлар – ёнга ва латерал томонга – қанотсимон ўсимталар пастга қаратилган бўлали. Понасимон сүякни танаси қубсимон шаклга эга бўлиб, ҳаво сақловчи катакчалардан иборат. Бу катакчалар бурун бўшлиғи билан туташади. Понасимон сүяк танасининг калла бўшлиғига қараган юқори юзасининг урга қисмида эгарчага ўхшаш чуқурча - турк эгари жойлашган, бунда эндокрин безларнинг «маликаси» – гипофиз ўрнашган. Понасимон сүяк танасининг икки ёнбошида уйку артерияси жойлашадиган эгатча бор. Понасимон сүяк танаси орқали энса суяги билан бирлашади. Кичик қанот мия бўшлиғини тубини, кўз косаси юқори деворини хосим бўлишда қатнашади. Ҳар бир кичик қанотнинг асосида кўрув канали жойлашган. Кўрув каналидан кўрув нерви билан кўз артерияси ўтади. Понасимон сүякнинг ботик юзаси калла суюгининг бўшлиғига, ясси юзаси – кўз соққасига, бир оз ботилган юзаси эса чакка чуқурчасига қаратилган. Катта қанотларнинг асосида юмалоқ, чўзинчоқ ва ўткир қиррали тешиклар жойлашган. Юмалоқ ва чўзинчоқ тешиклардан уч шоҳали нерв тармоқлари ўтса, ўткир қиррали тешикдан мия пардасига борувчи артерия ўтади. Катта қанот билан кичик қанот оралитида юқориги кўз ёриfi жойлашган. Юқори кўз

ёригидан уч шохли нервнинг иккинчи тармоги, ғалтаксимон нерв, олиб қочувчи нерв ва кўз венаси ўтади. Понасимон суюкни қанотсимон ўсимталари танадан тикка кетиб, пастга қаратилган. Ҳар бир ўсимта ички медиал ва ташқи латерал пластинкадан иборат.

Пешона суюги калла суюгини томини ва асосини ҳосил бўлишида иштирок этади. Бу суюк тўртта қисмга: пешона, жуфт кўз қисмлар, бурун қисмига бўлинади. Пешона қисми ярим айлана шаклида бўлиб, қавариқ юзаси ташқарига, ботик қисми ичкарига, мия томони қаратилган. Пастки юзасида кўз косасининг устидаги ўтқир чеккаси аниқланади, уни устида қош усти равоғини ажратиш мумкин. Қош усти равоғидан тепароқда бир жуфт пешона дўмбоғи кўриниб туради. Бу дўмбоқлар фақат одамларга хос бўлиб, ақлий фаолият билан боғлиқ ва ҳайвонларда учрамайди. Иккита қош усти равоғи орасида чукурлик – қаншар ўтади. Пешона қисмининг юқориги четида тицисимон чок ҳосил бўлади ва тожсимон чок орқали пешона суюги тепа суюклари билан бирикади.

Пешона суюкни горизонтал пластинкаси иккита кўз қисми ва улар орасида жойлашган тоқ, бурун қисмидан иборат. Кўз қисмлари юпқа пластинкалардан ташкил топиб, пастки юзаси кўз коса бўшлиғига, юқориги юзаси калла бўшлиғига қараган. Кўз қисмининг латерал чеккасида кўз ёши безининг чукурчаси жойлашган. Пешона суюгининг бурун қисми ғалвирсимон ўймани олд томондан беркитиб туради. Унинг ўрга қисмида бурун тўсифини ҳосил қилишда иштирок эталигандан ўтқир қилтаноқ жойлашган. Бурун қисмидаги жуфт тешиклар пешона кавакларига очилади.

Ғалвирсимон суюк шакли жиҳатдан «Т» ҳарфига ўхшаёт, енгил ва юпқа суюк, бўлиб З қисмдан: перпендикуляр ёки тикка кетган пластинкадан, горизонтал жойлашган

ғалвирсимон пластинкасидан ва перпендикуляр пластинкани икки ёнидан осилиб турган ғалвир лабиринтдан иборат. Ғалвирсимон пластинкада жуда кўп ғалвирсимон катакчалар бўлиб, катакчалар бурун бўшлиғига очилади. Ғалвирсимон катакчалардан ҳид билиш нервини толалари бурун бўшлиғига ўтади. Пластинканинг ўртасидан энг юқори учидаги хўроз тожи жойлашган. Хўроз тожига бош миянинг қаттиқ пардаси бирикади. Ғалвир сүякнинг перпендикуляр пластинкаси ғалвирсимон пластинкадан тикка пастга қараб йўналган бўлиб, бурун тўсиғини ҳосил бўлишида иштирок этади. Лабиринтлар жуфт бўлиб, ҳар хил катта-кичикликда бўлган сүякли ва ҳаво сақловчи катакчалардан тузилган. Катакчалар олд ва орқа томонлардан пешона суюгининг синуси ва понасимон сүякнинг синуси билан туташади. Катакчалар бурун бўшлиғидан қайрилган юпқа сүяк пластинкалари ва юқориги ва ўрга бурун чиғаноқлари билан ёпилган бўлади. Латерал томонидан ғалвирсимон суюгининг юпқа кўз пластинкаси кўз соққасининг медиал деворини ташкил қиласи.

Чакка суяги бир жуфт бўлиб, калла суюгининг асосини ва том қисмини ҳосил бўлишида иштирок этади. Пирамидал қисмининг бўшлиғидаги эшитув ва мувозанат сақлаш органдарини ўз таркибида сақлаб туради. Бу сүяк учта қисмлардан иборат: палла, ногора ва пирамида қисмлардан. Чакка суюгининг учала қисми эшитув йўли атрофида жойлашган.

1. Чакка суюгининг палласи калла суюгининг ён деворини ҳосил бўлишида иштирок этади, ички юзасида мия эгатларининг излари бор. Палланинг ташқи юзаси силлиқ бўлиб, чакка чуқурининг ҳосил бўлишида қатнашади ва ундан чиққан ёноқ ўсиғи, ёноқ суяги билан бирлашади. Пастроқда пастки жағ билан бўғим ҳосил қиласиган пастки жағ чуқурчаси жойлашган. Чакка чуқурчаси фақат одам-

ларга хос белги бўлиб, антропогенез даврида аниқ нутқни пайдо бўлиши билан боғлиқ. Унинг олдида дўмбоғи бўлиб, пастки жағнинг бўғим ўсиғини чукурчадан чиқиб кетишидан сақлаб туради.

2. Ноғора қисми чакка суюгининг ташқи эшитув йўлининг атрофида жойлашган букилган суяқ пластинкаси.

3. Пирамидал қисми – чакка суюгининг бу бўлаги учбурчакли пирамидага ўхшаш ва шаклига караб пирамида деб аталади. Бунда эшитув ва мувозанат сақлаш аъзолари жойлашган ҳамда бош мия учлик нерв тугунининг изи жойлашган. Пирамиданинг олдинги юзаси ногора бўшлиғининг қопқоғи ҳолда жойлашган бўлиб, ўрта қулоқнинг деворларидан бири ҳисобланади. Пастки ва олдинги юзалари калланинг бўшлиғига қараган. Пирамиданинг пастки юзасида ташқи уйқу тешини қўриниб туради. Бу тешикдан ички уйқу артерияси калла бўшлиғига ўтади. Ички тешик эса пирамида учидан жойлашган. Пирамидал қисмининг орқа юзасида ички эшитув тешиги жойлашган ва ундан юз ва дахлиз олди-чиғаноқ нерви ўтади.

Сўргичсимон қисмida сўргичсимон ўсиқ бўлиб, у ташқи эшитув йўли орқасида туради. Бу ўсиққа тўш-ўмров сўргичсимон мускули бирикади. Сўргичсимон ўсиқнинг медиал томонида икки коринчали мускул ёпишадиган чукур уйма бор. Ўймага параллел равишда энса артериясининг эгати ўтади. Сургичсимон ўсиқнинг ички тузилиши кўпгина катаклардан тузилаган ва ўрта қулоқ билан қўшилган.

Тепа суюги бир жуфт бўлиб, калла қопқоғининг марказий қисмини ташкил қиласи. Тепа суюқ тўрт қиррали ва тўрт бурчакли, сирти гумбазсимон бўртиб чиққан пластинка шаклида тузилган. Пластинканинг энг буртиб турган нуқтасида тепа думбоғи жойлашган. Тепа дўмбоқдан пастроқда ва четроқдан чакка чизиги ўтади. Чакка чизигига

чакка мускул бирикади. Бу сүяк пешона, чакка ва бир-бири билан чоклар орқали бирлашади. Орқа чеккаси энса суягининг палласига бирлашади. Олдинги чеккаси пешона суяги билан тожсимон чок орқали бирикади. Икки ёнидан эса ясси тангачали чок орқали чакка сүяклари билан бирикади. Чап ва ўнг тепа сүяклари бир-бири билан сагиттал чок орқали бирикади.

Тепа суягининг ички ботиқ юзасида артерия эгатчалари, мия бурмаларнинг излари аник куринади.

Калланинг юз бўлимси сүяклари

Калланинг юз бўлим сүяклари эволюция жараёнида чуқур ўзгаришларга учради. Бунинг асосий сабабларидан бош миянинг ривожланиши, нутқни найдо бўлиши, овқатни сифатини ўзгариши хисобланади. Юз бўлим сүяклари юзнинг сүякли асосини ташкил қилиди, овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш тизимларининг, жағ мускулларининг бошлиниш қисмларидир. Калланинг юз бўлимси юқори ва пастки жағ, танглай, пастки бурун чиганоги, димоқ, ёноқ ва тил ости сүяклари киради.

Юқори жағ – бир жуфт бўлиб, юқори жағ, қўз косаси, бурун ва оғиз бўшилийларини ҳосил қилишда иштирок этади ва чайнаш жараёнида актив қатнашади.

Юқори жантининг танаси ва тўртта ўсиғи бор. Бу пешона, ёноқ, танглай, альвеоляр ўсиқларидир. Пешона ўсиғи пешона суплиниг бурун қисми билан туташади. Ёноқ ўсиғининг асосида кўз косаси, олдинги ва чакка ости юзалари туташади. Ўсиқни ўзи эса ёноқ суяги билан туташади. Танглай ўсиғи медиал йўналган бўлиб, иккинчи танглай суяги ўсимтаси билан биришиб, қаттиқ танглайнини ҳосил бўлишида иштирок этади. Альвеоляр ўсиғи ўз ёйида альвеоляр

каттакчаларни ҳосил қиласи. Альвеоляр катакча-лар бир-биридан тўсиқлар билан ажralган. Катакчалар ичида тишнинг илдизлари жойлашган. Юқори жағнинг танасида 4 юза – олдинги, чакка ости, кўз косаси ва бурун юзалари тафовут қилинади. Танасининг ичида ҳаво сақлана-диган турли шаклда учрайдиган каваклар бўлиб, бурун бўшлиғига очилиб туради. Фақат одамда юқори жағнинг олдинги юзаси қавариқ бўлади, уни юзасида козик чуқур-часи жойлашган. Чакка ости юзаси олдинги юзадан ёноқ ўсиғи билан чегараланган. Ўсиқнинг олдинги юзасида майда тешикчалар жойлашган бўлиб, бу тешикчалардан қон томирлари ва нервлар юқори жағнинг тиш илдизларига ўтади. Кўз коса юзаси силлик, кўз коса бўшлиғига қаратилган, орқа юзанинг чеккаси куз косасининг пастки ёрити билан чегараланган. Орқа чеккадан ариқча бошла-нади, ариқчани давоми кўз коса ости каналига айланади ва сукни олдинги юзасига очиласи. Бурун юзаси тарқибида чиганоқ қирраси жойлашган бўлиб, унга пастки бурун чиганоғи бириқади. Бурун юзасида, кўз ёш ариқчasi ўтиб, бурун-куз ёш каналининг ҳосил бўлишида иштирок этади. Бундан ташқари бурун юзаси гаймор бушлиғига очиладиган кириш қисмини ҳосил қиласи.

Танглай суюги бир жуфт бўлиб, орқадан юқори жағ билан туташади. Танглай суюги иккита перпендикуляр ва горизонтал пластинкалардан иборат.

Перпендикуляр пластинканинг юқори қиррасидан кўз коса ва понасимон ўсиқлари бўртиб чиқади. Биринчи ўсиғи кўз коса бушлигини ҳосил бўлишида иштирок этади, иккинчиси эса понасимон сукнинг қанотларига тақалади. Кўрсатилган иккита ўсиқ понасимон-танглай ўймасини чегаралаб туради. Танглай суюгини яна битта ўсиғи фарқланади. Бу пирамидал ўсиғи бўлиб, горизонтал ва перпен-

дикуляр пластинкаларни туташган жойидан бошланади. Пирамидал ўсиги понасимон сүякнинг қанотсимон ўсиқларининг уймаси ичига киради ва қанотсимон чукурчани шаклланишида иштирок этади. Перпендикуляр пластинканинг латерал юзасида жойлашган танглай эгати юқори жағ суюгида шу номли эгат билан қўшилиб канал ҳосил қиласди.

Иккала танглай сүякларнинг горизонтал *пластинка-лари* бир-бири билан бирикиб, қаттиқ танглайни орка қисмини ҳосил қиласди. Ҳамма маймунсимон аждодларга нисбатан фақат одамда калталашган танглай шаклланган.

Буруннинг пастки чиганоги бир жуфт сүяк бўлиб, юпқа букилган пластинкадан иборат. Буруннинг пастки чиганогида иккита чеккаси фарқланади. Унинг юқори чеккаси юқори жағнинг бурун юзасидаги чиганоқ қиррасига бирикади. Сүякнинг медиал буртиб турган юзаси бурун бўшлиғига туртиб кириб, буруннинг ўрта йўлини пастки йўлидан ажратиб туради.

Бурун суюги – бир жуфт бўлиб, чап ва ўнг сүякларни бирикишидан бурун қирраси ҳосил бўлади. Ҳар битта бурун суюги юпқа, ясси тўртбурчак пластинка шаклида бўлиб, латерал чеккаси юқори жағ суюгининг пешона ўсиги билан туташади. Пастки чеккаси эса бурун бўшлиғининг ноксимон тешигини ҳосил бўлиншида иштирок этади. Приматлар туркуми вакилларида ва одамда бурун сүяклари заиф ривожланган.

Куз ёши суюги бир жуфт бўлиб, кўз косасининг медиал деворини ҳосил қилишида қатнашади. Ҳар битта кўз ёши суюги мурт, тўрт қиррали пластинка бўлиб, олддан ва пастдан юқори жағнинг пешона усимтаси билан, юқоридан – пешона сүякни кўз кисми билан, орқадан эса галвирсимон сүякнинг куз пластинкаси билан туташади. Кўз ёши эгати

юқори жағнинг шу номли әгати билан қўшилиб, кўз ёши халтасининг чуқурчасини ҳосил қиласди.

Димоғ сұяғи тоқ сүяк бўлиб, бурун тусифини ярмидан зиёд қисмини ҳосил қиласди. Сүякнинг олдинги чеккаси галвир сүякнинг перпендикуляр пластинкаси билан туташади. Орқа чеккаси буш бўлиб, бурун бўшлинининг орқа қисмида жойлашган тешиклар – хоаналарни бир-биридан ажратади.

Ёноқ сұяғи – юз сүяклари орасида энг қаттиғи бўлиб, юзни рельефини шакллантиришда иштирок этади. Бу сүяк билан учта сүякларнинг – пешона, чакка ва юқори жағнинг ёноқ ўсиқлари бирикади. Сүяқда учта сатҳ фарқланади: бўртиб чиққан латерал, ботиқ чакка ва кўз коса юзалари тафовут қилинади. Ёноқ сүягининг ёноқ ўсиғи чакка сүягининг ёноқ ўсимтаси билан бирикаб, ёноқ ёйини ҳосил қиласди. Ёноқ сұяғи чайнов мускуллари учун бирикиш сатҳи бўлиб хизмат қиласди.

Пастки жағ сұяғи – калма сүяклари ичида фақат бу сүяк ҳаракатчан бўлиб, такасимон шаклга эга. Тубан приматлардан тортиб кўпчилик ҳайвон турларида бу сүяк жуфт сонда сақланиб колган. Фақат одамда тоқ сонда бўлиб, узоқ эволюция жараённанда уни ҳажми кичиклашиб кетган. Пастки жағда тана ва иккита шохлари бор. Тана билан шохлари орасида 110⁰-130⁰ га teng бурчак ҳосил бўлади. Бурчакнинг ташки юзасига чайнов мускули бириккан, ички юзасида эса медиал қанотсимон мускул ёпишадиган ғадир-будирлик аниқланади. Пастки жағнинг асоси йўғонлашган бўлиб, қок уортасида фақат одамларга хос ияқ дўмбоғи жойлашган. 1-2 кичик жағ тишларининг остида ияқ тешиги кўриниб туради. Бу тешикдан қон томирлари ва нервлар ўтади.

Пастки жағнинг ички юзасидан мускуларнинг бирикиш жойи – ияқ қирраси үтади. Чайнов мускулиниң вазифаларига ва ёшта қараб пастки жағнинг бурчаги үзгариб туради.

Пастки жағнинг юқори чеккасида тиши катақчалари бор. Альвеоляр ёйнинг олдинги чеккаси ярим айланы шаклида бўлиб, альвеоляр қисмини ўзи эса юпқалашган. Пастки жағ шохлари юқорига кўтарилган ва иккита ўсиқ билан тутайди: бўларни олдинги тожсимон ўсиғи чакка мускулиниң таъсиридан вужудга келган бўлса, орқа томондаги ўсиқ – бўғим ўсиғи сифатида силлиқ бошча бўлиб тутайди. Бўғим ўсиғи чакка суягининг бўғим чуқурчасига кириб, чакка-пастки жағ бўғимиини ҳосил қиласди. Тожсимон ўсиққа чакка мускули бирикади.

Пастки жағ танасининг ички юзасида тил ости бези жойлашадиган чуқурча кўринади. Пастки жағ танасининг икки томонидан пастки жағ канали үтади. Пастки жағ канали пастки жағ тешигидан бошланади.

Тил ости суяги – ёйсимон шаклга эга бўлиб, пастки жағ билан ҳиқилдоқ ўртасида жойлашган. У танадан, икки жуфт катта ва кичик шохларидан иборат. Шохлардан чакка суягининг бигизсимон ўсимталарига бойламлар тортилган бўлади ва бундай бирикиш ёрдамида тил ости сувакни калла суяигига илдиргандек бўлади.

Калла суякларининг бирикиши.

Калла суякларининг ҳаракатли ва ҳаракатсиз бирикиш йўллари билан бирикади. Мальумки, ҳаракатсиз ёки узлуксиз бирикишларга синдесмозлар, синхондрозлар ва синостозлар киради. Агар суяклар бир-бири билан бириктирувчи тўқима ёрдамида бирикса, синдесмоз дейилади. Суяклар тогай ёрдамида бирикса, синхондроз дейилади. Агар суяклар бир-бири билан сувак тўқимаси ёрдамида бирикса, синостоз

дейилади. Чақалоқлик давридан бошлаб, токи кексалик давргача каллада ҳаракатсиз бирикишнинг уч хил кўрсатилган бирикиш усуllibарни намоён этилади. Калла суягидаги ҳаракатсиз бирикиш усуllibарига чоклар киради. Шакли жиҳатидан чоклар 3 хил бўлади: тишсимон, тангачасимон ва текис чокли бўлади. Калланинг мия қисми суяклари бир-бири билан асосан, тишсимон чоклар ёрдамида бирикади. Бўларга тожсимон чок, сагиттал ва ламбасимон чоклар киради. Пешона ва тепа суяклари бир-бири билан тожсимон чок орқали бирикади.

Чап ва ўнг тепа суяклари бир-бири билан сагиттал чок орқали бирикади. Тепа ва энса суяклари эса ламбасимон чок воситасида бирикади. Тангачасимон чок каллада фақат тепа суяклари билан чакка суяги орасида ҳосил бўлади.

Юз суяклари бир-бири билан асосан ясси чоклар воситасида бирикади. Уларнинг текис ва кўпинча тўғри қирралари бир-бирига тегиб турганлиги сабабли ясси чок деб аталади. Индивидуал тараққиёт даврида айниқса калла суяклари мисолида узлуксиз бирикишларнинг турларини бир-бирига айланишини кузатиш мумкин. Чақалоқлар калла суяклари бир-бири билан синдесмозлар ёрдамида бирикади. Суяклар орасида жойлашган пишиқ бириктирувчи тўқимали парда – лиқилдоқлар деб аталади.

Ёш болаларда синдесмозлар синходрозларга айланади. Масалан, тогайли бирикиш понасимон ва энса суяги орасида учрайди. Суякларнинг бир-бири билан суяк тукимаси ёрдамида бирикиш – синостозлар кексаларда учрайди.

Калланинг факат пастки жағ суяги чакка суяклари билан бўғимлар ёрдамида бирикади.

Пастки жағ – чакка бўғимининг ҳосил бўлишида жағ суягининг бўғим ўсиғи ва чакка суягидаги бўғим чуқурчаси иштирок этади. Бу бўғим ўзига хос хусусиятлари билан

фарқланади: 1) бўғим бўшлиғида жойлашган тогайли диск бўғим бўшлиғини иккита алоҳида каттакка бўлади; 2) бирикаётган сукт юзалари фиброз толали тогай билан қопланган; 3) чап ва ўнг бўғимлар тузилиши ва бажарадиган иши жиҳатдан ҳамкорлашган бўғимлар турига кирганлиги сабабли, ҳаракатлар иккала бўғимда синхрон равишда бажарилади. Пастки жағ-чакка бўғимида қуидаги ҳаракатлар бажарилади: пастки жағни юқорига кўтариш ва пастга тушириш, ёнга, олдинга ва орқага қараб ҳаракатлар бажарилади. Бўғим дўнгли бўғимлар турухига кириб, учта бойлам билан мустаҳкамланган. Бу пайлар чакка суюгининг ёноқ ўсиғидан, бигизсимон ўсиғидан, понасимон сукт катта қанотидан бошланиб, пастки жағ суюгининг ўсиғига, ички томондаги тилчасига ва бурчагидан юқорироқ нуқтасига тортилган бўлади.


Қўллар скелети.

Қўллар скелети 2 бўлимдан иборат: елка камаридан ва эркин қўл суюкларидан.

Елка камари икки жуфт суюкларидан: курак ва умров суюкларидан иборат. Кулнинг эркин кисми 3 кисм билак ва панжага бўлинади. Елка кисмидан елка суюги, билак кисми эса тирсак ва билак суюкларидан иборат. Панжа эса кафт усти суюкларига, кафт суюкларига ва бармокларга бўлинади. Панжа суюклари 27 суюклардан иборат.

8-жадвал

Қўл скелети							
Елка камари		Эркин қул суюклари					
Ку- рак суюги	Умров суюги	Елка кисми	Билак кисми		Панжа кисми		
		Елка суюги	Би- лак суюги	Тир- сак суюги	Кафт ус- ти суюк- лари	Бар- моқ- лар	Кафт суюк- лар



18-расм. Күл скелети. Одд томонидан күриниши.

1 – ўмров сүяги, 2 – ўмров сүягининг түш учи, 3 – курак сүяги, 4 – курак сүягининг тумшиуксимон ўсими, 5 – курак сүягининг бўғим чуқурчаси, 6 – елка сүяги, 7- елка сүягининг тожсимон ўсими, 8 – елка сүягининг медиал тенепаси, 9 – елка сүягининг галтаги, 10 – тожсимон ўсими, 11 – тирсак сүягининг гадир-будирлиги, 12 – тирсак сүяги, 13 – тирсак сүягининг боишаси, 14 – кафт усти сүяклари, 15 – кафт сүяклари, 16 – бармок фаланглари, 17 – билак сүягининг бигизсимон ўсими, 18 – билак сүяги, 19 – билак сүягининг боишаси, 20 – катта дўмбоқчанинг гадир-будир қирраси, 21 – гадир-будир қирралар орасида эгатча, 22 – катта дўмбоқчаси, 23 - кичик дўмбоқчаси, 24 – елка сүягининг боишаси.

25 – акромиал ўсиги.

Елка камарининг сүяклари.

Елка камари чап ва ўнг томонда биттадан ўмров ва курак суюкларидан тузилган.

Ўмров суюги эгилган найсимон суюк бўлиб, кўкрак қафасининг олд томонида горизонтал ҳолда жойлашган. Ўмровнинг ўрта қисми ёки танаси ва икки учи бор. Ўмров суюгининг медиал учи тўш суюгининг дастаси билан бирикади, латерал учи эса куракнинг акромиал, яъни елка ўсимтаси билан бирикади. Пайпаслаш усулида ўмров суюгини жойлашувини аниқлаш мумкин. Ўмров суюгини функционал аҳамияти катта, чунки айни бир вактда бу суюк қўлни танага бирлаштиради, иккинчи томондан эса елка бўғимини кўкрак қафасидан узоқлаштириб, қўлни турли ҳаракатларини эркин бажарилишини таъминлайди.

Курак учбурчак ясси жуфт суюқдир. Курак кўкрак қафасининг орқа томонида V-VIII ковурғалари чегарасида жойлашган. Курақда 3 қирра, 3 бурчак ва 2 та юза фарқланади. Латерал қирра кенгайтан бўлиб, ташқи бурчак чегарасида бўғим чуқурчасини ҳосил қиласди. Бу чуқурча елка суюгининг бошчаси билан биришиб, елка бўғимини ҳосил қиласди.

Куракнинг медиал қирраси ўткир бўлиб, умуртқа поғонасига нисбатан параллел ҳолда жойлашган. Курақда устки қирраси ҳам фарқланади.

Куракнинг орқа юзаси курак қирраси билан 2 қисмга бўлинади: қирра ости юза ва қирра устки юзаларига. Курак қирраси латерал ёки ташқи томонга ўсиб акромиал, яъни елка ўсиғи ҳосил қиласди. Куракнинг юзасида курак ости чуқурчаси жойлашаган. Бўғим чуқурчасидан юқорироқда тумшуқсимон ўсиғи чиқади. Эволюция жараёнида курак суюги одамсимон маймунларга қараганда кескин ўзгарган. Одамда курак суюги орқага силжиб, кенглигига нисбатан узунилиги анча калталашган, курак усти чуқурчаси курак ости

чуқурчага нисбатан кичик бўлади. Одамсимон маймунларда қурак қирраси қурак сатҳига нисбатан 59° ни ташкил этади ва ундан ошмайди, одамларда бу бурчак 90° гача етиши мумкин. Маймунларда қурак усти ва қурак ости чуқурчалари ҳажми жиҳатдан бир-бирига teng бўлади.

ҚЎЛНИНГ ЭРКИН ТУРГАН БЎЛИМИДАГИ СУЯКЛАР

Елка суюги узун найсимон суюклар гурӯхига кириб, танаси – диафиз ва иккита учи – эпифизлар тафовут қилинади. Елка сугининг ўрганиш даврида бу сукнинг танаси юқори учидаги найсимон шаклга эгалиги, дистал учига яқинлашган сари уч қиррали шаклга эга бўлади. Проксимал учидаги шарсимон бошчаси, катта ва кичик дўмбоқлари жойлашган. Елка сугининг бошчаси сукнинг бошқа қисмларидан нозик этат ҳолида ўтган анатомик буинча орқали ажралган. Дўмбоқлардан пастроқда, бошчани танасига бирикадиган чегарада хирургик бўйинча жойлашган. Айнан шу жойда сукни синиши кузатилади. Пастки ёки дистал эпифизда медиал ёки ички томонда ғалтакка ўхшаш ҳосила жойлашган. Латерал ёки ташқи томонида эса бошсимон дўнгча бор. Ғалтак устида олд томондан анча каттароқ бўлган тирсак чуқурчаси бўлади. Бу чуқурчага тирсак сугининг ўсиғи киради. Ғалтак устида орқа томондан тож чуқурча ҳосил бўлади. Тож чуқурчага тирсак сугининг тожсимон ўсиғи киради. Елка суюги ўзининг дистал учига билан билак ва тирсак суюкларига бирикади. Елка сугининг пастки учидаги иккиче томонидан медиал ва латерал тепачалар жойлашган. Тепачалар мускул ва бойламларни бирикиш жоийи ҳисобланади.

Билак сүяклари билак ва тирсак сүягидан иборат. Тирсак сүяк пронация ҳолатида медиал томонда, билак сүяги латерал томонда жойлашади.


Тирсак сүяги узун найсимон сүяк бўлиб, унинг танаси уч қиррали призмага ўхшаш. Проксимал эпифиз яrim ой шаклига эга бўлиб, учida иккита ўсимта жойлашган. Олд томондаги тожсимон ўсиғи билан орқадаги тирсак ўсиғи оралигида ғалтаксимон ўймаси аниқланади ва бу иккала ўсиқлар ўймани чегаралаб туради. Тирсак сүягининг пастки учи юмалоқ бошча билан тугайди, унинг орқасида бигизсимон ўсимта бор.

Билак сүягининг проксимал эпифизи цилиндр шаклидаги бошчани ҳосил қиласди. Бошчанинг устки юзаси ботик бўлиб, елка сүягининг бошсимон дўнгчаси билан бирикади. Бошчани танадан тор бўйинча ажратади. Танаси найсимон бўлиб, юзасида гадир-будирлик бор. Бу гадир-будурликка елкани икки бошли мускулининг пайи бирикади. Билак сүягининг дистал учida, латерал томондан бигизсимон ўсимта чиқиб туради. Пастки юзаси эса кафт усти сүяклари билан бирикиши учун ботик бўғим юзани ҳосил қиласди. Дистал эпифизнинг медиал томонида эса тирсак ўйиги жойлашган. Тирсак ўйиги ёрдамида билак сүяги тирсак сүягининг бошчаси билан бирикиб, бўғим ҳосил қиласди.

Қўл панжа сүякларининг бўлимига қараб, препаратда сүякларни жойлашишини ва номларини билиш лозим. Кафт усти сүякларга 8 та сүяк киради. Улар тўрттадан проксимал ва дистал қаторларни ҳосил қиласдилар.

Проксимал қаторда катта бармоқдан ҳисобланганда куйидаги навбатда сүяклар жойлашган: кайксимон сүяк, яримойсимон сүяк, уч қиррали сүяк, нухатсимон сүяк.

Дистал катори – трапеция сүяги, трапециясимон сүяги, бошчали сүяк ва илмокли сүяклардан ташкил топган.



19-расм. Күл панжасининг скелети. Олд томондан кўриниши.
 1 – трапеция сүяги, 2 – қасиқсимон сүяги, 3 – яримојсимон сүяги,
 4 – уч қўррали сүяги, 5 – нукхинсимон сүяги, 6 – илмокли сүяк, 7 - кафт сүяги, 8
 – бармоқ фаланглари, 9 – бошчали сүяк, 10 – трапецијасимон сүяги.

Кафт қисми 5 та найсимон сүяклардан ташкил топган. Биринчи кафт сүяги калта ва кенг бўлади. Ҳар битта кафт сүяги бошча, тана ва асос қисмлардан иборат. Кафт сүякларининг асослари кафт олди сүяклари билан бўғимлар ёрдамида бирикади. Кафт сүякларининг бошчалари маҳсус бўғим юзалари орқали проксимал бармоқ фаланглари билан бирикади.

Ҳар битта бармоқ З та фалангадан иборат. Фақат биринчи бармоқ иккита – проксимал ва дистал фалангадан иборат, ўрта фалангаси бўлмайди. Қолган бармоқлар эса проксимал, ўрта ва дистал фалангалардан иборат. Ҳар битта фаланга калта найсимон сужклар гуруҳига кириб, асос, тана ва бошча қисмларидан ташкил топган. Бошча фаланганинг дистал учида, асоси эса проксимал учида жойлашган.

Панжада баъзан қўшимча сессасимон сужклар ҳосил бўлиши мумкин. Кўпинча бундай сужклар спортчиларда ҳосил бўлади. Масалан, гимнастлар панжаларида рентгенограммаларда сессасимон сужклар аниқ кўринади. Бу сужкларга бириккан мускулларнинг елка кучи анча ортади.

Узоқ эволюция жараёнида қўл аста-секин такомиллашиб, турли мураккаб ва энг нозик ҳаракатларни бажаришидан тортиб, асосий меҳнат бажариш аъзосига айланган. Пайдо бўлган ўзгаришлардан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: тана узунлигига нисбатан панжа узунлигини камайиши, кафт усти бўлимикнинг кенглигини ортиши, катта бармоқни ҳажмини ортиши ва бошқа бармоқларга нисбатан қарама-қарши туриши ва ниҳоят II-V а́àðìí=ëàð õàëàíàëëàðè êàëðàëëàðè ñíçéê ãâ áîë= ѩàðàêàðëàðè áàæàðà ïëèø èìêîëëðèéê áóæðäà êäëðèðäè.

ҚЎЛ СУЯКЛАРИНИНГ БИРЛАШУВИ

Елка камари сужкларининг бирлашиши

Тўши-ўмров бўғими икки ўқли, эгарсимон шаклга эга, тўш суги дастасидаги бўйинтуруқ кемтигининг икки ён томонида жойлашган ўмров сужгининг кемтиклиари орасида ҳосил бўлади. Бўғимнинг бўшлиғида жойлашган тогайли диск, иккита ярим бўшлиқларга уни ажратади. Бўғимни ўраб турган капсуладан ташқари, бўғим пишиқ толали

тўртта бойлам билан мустаҳкамланган. Олд ва орқа тўш-ўмров боғламлари тўш суюгини дастаси билан ўмровнинг тўш учи орасида тортилган. Қовурға-ўмров боғлами 1 қовурға билан ўмровнинг пастки қирраси орасида, ўмров-аро бойлами эса чап ва унг ўмров суюкларининг тўш учлари орасида тортилган. Сагиттал ўқ атрофида бўғим юкорига ва пастга қараб ҳаракатланади, тикка ўқ атрофида эса олд ва орқага ҳаракатланади. Одам скелетида тўш-ўмров бўғими елка камарини гавда билан бирлаштирадиган якка-ягона бўғим ҳисобланади.

Акромиал-ўмров бўғими ўмров суюгининг акромиал учи билан ва куракнинг акромиал ўсиғи билан бирикишдан вужудга келади. Бу бўғим оддий, ясси шаклга эга, ҳаракатлари чекланган. Акромиал-ўмров бўғими зич капсула ва учта бойламлар билан мустаҳкамланган. Бойламлардан алоҳида тумшуқсимон-акромиал бойламни кўрсатиш лозим. Бу бойлам курак суюгининг тумшуқсимон ўсиғи билан ўмров суяги ўртасида тортилган бўлиб, елка бўғимининг гумбазини ҳосил қилишда иштирок этади.

Қўл суюклари эркин қисмининг бирлашиши.

Елка бўғими – елка суюгининг боши билан курак суюгининг бўғим майдончаси қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу бўғим оддий, юмалоқ шаклга эга, кўп ўқли. Бўғимда ҳаракатлар 3 ўқ атрофида бажарилиши мумкин: сагиттал ўқ атрофида олиб қочиш-олиб келиш ҳаракатлари, тикка ўқ атрофида ичкарига бурилиш – пронация ва ташкарига бурилиш – супинация, кўндаланг ўқ атрофида букиш-ёйиш ҳаракатларни кўрсатиш мумкин. Бир вақт ичиде учта ўқ атрофида бажариладиган айлана ҳаракат – циркумдукция дейилади. Бўғим бўшлиғидан икки бошли елка мускули узун бошининг пайи ўтади. Елка бўғими капсула ва битта тумшуқсимон-елка бойлами билан мустаҳкамланган.

Тирсак бўгими мураккаб, елка-билақ, елка-тирсак ва билак-тирсак – билак бўғимларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу уччала бўғим атрофдан умумий капсула билан ўралган ва умумий бўғим бўшлиғига эга. Елка-тирсак бўғими ғалтак шаклига, елка-билақ бўғими шар ва тирсак-билақ бўғими цилиндр шаклига эга. Елка-тирсак бўгими – елка суяги дистал учидаги ғалтаксимон юза билан, тирсак суягининг яримойсимон шаклга эга бўйган ғалтаксимон ўймаси билан бирлашади. Елка-билақ бўгими елка суяги дистал учидаги шарсимон бошчаси билан билак суягининг проксимал бошчаси билан бирикади.

Билак-тирсак бўгими билак суяги бошчаси атрофидағи айланма бўғим юзаси билан тирсак суягидаги билак ўймасининг бирикишидан ҳосил бўлади.

Тирсак бўғимида 2 та ўқ атрофида ҳаракатлар бажарилиши мумкин. Тикка ўқ атрофида – супинция – пронация ҳаракати, кўндаланг ўқ атрофида букиш-ёзиш ҳаракати бажарилади. Тирсак бўғими куйидаги бойламлар: ёnlама билак ва ёnlама тирсак бойламлари билан, бўғим бўшлиғини ичидаги жойлашган билакнинг айланма бойлами билан мустаҳкамланган. Билақ ва тирсак суякларнинг орасида пишиқ бириктирувчи тўқимали парда тортилган бўлиб, суякларнинг ҳамкор бурма ҳаракатларини бажарилишини таъминлайди.

Билак-кафт устки бўгими мураккаб, икки ўқли, эллипс шаклига эга. Бўғим ҳосил бўлишда билак суягини пастки учидаги бўғим юзаси кафт устки суякларининг юқори қатори билан бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Бўғим ҳосил бўлишда кафт усти суяклардан нўхатсимон суяқ қатнашмайди. Тирсак суягининг фақат тогайли диски бўғим юзасининг бир қисмини тўлдиради. Бўғим умумий капсула билан ўралган бўлиб, ёnlама билак, ёnlама тирсак ва ёnlама

кафт билак бойламлари билан мустаҳкамланган. Бўғимда икки хил ҳаракатлар бажарилиши мумкин: сагитталь ўқ атрофида – панжани олиб келиш ва олиб қочиш, кўндаланг ўқ атрофида – панжани букиш ва ёзиш. Қўл панжаси айланма ҳаракатни ҳам бажара олади.

Кафт олди ўрта бўғимлари кафт уст қатордаги учта суяклар, нўхатсимон суяқдан ташқари, иккинчи қатордаги тўртта кафт усти суяклари билан бирикади. Бўғим панжаларига кафтолди-кафт, кафтлараро бўғимлар ҳам киради. Кўрсатилган бўғимларда, катта бармоқнинг кафт олди-кафт бўғимидан ташқари, ҳаракатлар чегаралган бўлади.

Кафт-бармоқ бўғимлари кафт суягининг дистал учидаги бўғим юзаси билан бармоқнинг проксимал фалангасининг бўғим юзаси билан бирикishi натижасида ҳосил бўлади.

Фалангалараро бўғимлар эса блок шаклида бўлиб, бўларда фақат бир хил ҳаракат бажарилади: кўндаланг ўқи атрофида букиш-ёзиш ҳаракатлари кузатилади.

Қўл суяклари бўғимларнинг ўнг ва чаплигини аниқлаш учун елка бўғимида елка суягининг бошчасини медиал томонга йўналганишига эътибор бериш керак, тирсак бўғимида латерал юзасидаги тирсак ўсигига, билак-кафт бўғимида тирсак суягининг бигизсимон ўсигига ва кафт-бармоқ бўғимида бармоқларни бошчасига эътибор бериш керак. Қўл суяклари боксёрларда, қиличбозларда, баскетболчиларда ва волейболчиларда ҳаракатчанлиги юқори даражада ривожланган бўлади. Боксёрларда кафт-бармоқ бўғимлари шиддатли юкламалар таъсирида гипертрофияга учрайди

Эрта ёшлик даврида бўғимлар фаол ривожланади ва бўғим таркибида кирувчи асосий ва ёрдамчи компонентларини шаклланиши 13-16 гача туталланади. Ёш болаларда,

ўсмирларда ва аёлларда эркакларга нисбатан бўғимларнинг ҳаракатчанлиги ва эгидувчанилиги анча устун бўлади. Одамларнинг ёши катталашиши билан бўғимлардаги ҳаракатчанлик камаяди. Асосий сабаблардан деб фиброз мемброналарни ва бойламларни склерозлашиши, мускул активигини сусайишини кўрсатиш лозим. Ёшга қараб узгаришларни олдини олиш мақсадида ва бўғимларда юкори даражада ҳаракатчанлик хусусиятини сақлаб қолиш мақсадида доим жисмоний машқлар билан шуғулланиш лозим.

ОЁҚ СКЕЛЕТИ

Оёқлар скелети оёқ камарига ва эркин оёқ сүякларига бўлинади. Оёқ камари иккита чаноқ ёки тос сүякларидан ташкил топган. Тос сүяклари думгаза ва дум сүяклари билан пайлар ва бўғимлар ёрдамида бирикиб, яхлит сүяқ ҳалқасини ҳосил қиласди.

Эркин оёқ сүяклари З кисмдан: сон, болдири ва оёқ панжасидан тузилган. Оёқ панжаси панжа олди, панжа ва бармоқ сүякларига бўлинади.


Оёқ камарининг сүяклари.

Оёқ камари иккита чаноқ ёки тос суюгидан иборат. Ҳар битта *чаноқ сүяги* уз навбатида ёнбош, қуймич ва қов сүякларининг бирлашишидан ҳосил бўлади. Бу учта сүяқ таналари қўшилган жойида қуймич косаси ҳосил бўлади. Унга сон суюгининг боши бирикади ва тос-сон бўғими ҳосил бўлади. Қуймич билан қов сүякларининг шохлари ўзаро қўшилиб ёпилувчи тешикни ҳосил қиласди. Тешик бириктирувчи тўқимали мемброна билан тўсилган.

Ёнбош сүяги қуймич косага нисбатан юқори жойлашган ва 2 қисмдан – тана ва қанотдан иборат. Танаси йўғон, қуймич косадан бошланади. Танасидан юқорига қараб кент

пластиинка шаклида қаноти ўрнашади. Қанотнинг энг юқори чети "S" шаклида бўлиб, четлари йўғонлашган, энг юқори чети ёнбош қирраси дейилади. Бу қиррага қорин мускулла-

WWW.UZDUTI.UZ



20-расм. Оёқ скелети. Олд томондан қўриниши.

1 – думгаза суюги, 2 – ёнбош-думгаза бўғими, 3 – қов суюгининг юқориги шохлари, 4 – қов суюги-нинг симфизиал юзаси, 5 – қов суюгининг пастки шохи, 6 – қўймич суюгининг шохи, 7 – қўймич дўм-боги, 8 – қўймич суюгининг танаси, 9 – сон суюгининг медиал (ички) тепача, 10 – катта болдирип суюгининг ички тепачаси, 11 – катта болдирип суюгининг гадир-будирлиги, 12 – катта болдирип суюкнинг танаси, 13 – катта болдирип суюкнинг ички тўтиги, 14 – бармоқ фаланглари, 15 – товон олди кисми, 16 – оёқ кафт суюклари, 17 – кичик болдирип суюкнинг латерал тўтиги, 18 – кичик болдирип суюги, 19 – катта болдирип суюгининг олдинги қиррара-си, 20 – кичик болдирип суюкнинг бошчаси, 21 – катта болдирип суюкнинг латерал (ташқи) тепачаси, 22 – тизза қопқоги, 23 – сон суюгининг латерал тепачаси, 24 – сон суюги, 25 – сон суюгининг катта куст дўмбоқчаси, 26 – сон суюгининг бўйинчаси, 27 – сон суюгининг бошчаси, 28 – ёнбош суюгининг қаноти, 29 – ёнбош суюгининг қирраси.

ри бирикади. Қирранинг олд ва орқа томонида олдинги устки ўсиқ ва орқа устки ўсиқлари аниқланади. Ёнбош суюги қанотининг ички ва ташқи юзалари ажратилади. Ички юзаси силлиқ ва ботикроқ бўлиб, ёнбош чуқурчасини ҳосил

қилади. Ёнбош чуқурчани пастдан қулоқсимон юзадан бошланган ёйсимон чизик чегаралайди. Қанотнинг ташқи юзасида эса учта ғадир-будир чизиқлари тафовут этилади. Бу чизиқлардан думба мускуллари бошланади. Ёнбош суюгининг медиал ва орқа томонида думғаза сяги бирикиши учун қулоқсимон бўғим юзаси жойлашган.

Қуймич сяги қуймич косага нисбатан пастроқ жойлашган. Бу сук тана ва шохчадан иборат. Қуймич суюгининг танаси қуймич косани ҳосил бўлишида иштирок этади. Шохчаси қов суюгининг шохчаси билан бирикиб кетади. Суякнинг энг пастки қисмида бурилиш жойида қуймич бўртифи бор. Қуймич бўртигининг орқа томонида кичик қуймич ўймаси жойлашган. Қуймич сяги танасининг орқа томонидаги ўткир учли ўсик катта ва кичик қуймич ўймаларни бир-биридан ажратади.

Қов сяги тана, юқориги ва пастки шохлардан иборат. Қов суюгининг калта ва кенг танаси қуймич косача ҳосил бўлишида иштирок этади. Пастки ва юқориги шохчалар бир-бирига нисбатан маълум бурчакда жойлашган. Қуймич суюгининг шохчаси қов суюгининг пастки шохчаси билан туташиб, ёпилиб турувчи тешикни ҳосил қилади. Юқори шохчасини орқа кирраси учланган бўлиб, қов қиррасини ҳосил қилади. Қов кирраси ёнбош суюгининг ёйсимон чизиги билан туташиб кетади. Натижада, катта тос бўшлигини кичик тос бўшлигидан ажратадиган чегараловчи чизик ҳосил бўлади. Чап ва ўнг қов сякларининг медиал юзалари орасида қов симфизи ҳосил бўлади.

Янги тумилган чақалоқларда қуймич косачаси яссилашган бўлади, айниқса қизларда. Тос сяги алоҳида сяклардан ташкил топиб, сяклар орасида тогайли қатламлар жойлашган. 6 ёшдан бошлаб тогайли пластинкалар

йўқола бошлайди. Уччала сужкларнинг тўлиқ сужкланиши қизларда 12-14 ёшда, ўғил болаларда 13-16 ёшда ўтади.

Оёқнинг эркин турган бўлимидағи сужклар.

Сон сужги – одам танасининг энг узун ва катта найсимон сужтидир. Унинг юқори учда медиал ёки ички томонига қараган шарсимон бошчаси, бошчасининг пастро-ғида бурчак билан жойлашган бўйинчаси бор. Бу бурчакнинг ўртача катталиқдаги эркакларда 130 га тенг аёлларда тўри бурчакни ташкил этади. Сон сугенининг бошчаси тос сугенининг қуймич косаси билан биришиб, ўзининг юзасида чуқурчага эга. Бу чуқурчага юмалоқ бойлам бирикади.

Сужкнинг узун бўйин қисми диафиз қисмига ўтадиган жойида катта ва кичик дўнглари мавжуддир. Катта дўнгча ташқарига қараган ва унинг асосида дўнг чуқурчаси жойлашган. Кичик дўнгча ичкарига ва орқага қараган. Бу дўнгчаларга думба мускуллари бирикади. Сужкнинг олдинги юзасида иккала дўнг ўртасида дунглараро ғадир-будир чизиқлар, орқа юзасида эса дунглараро қирра жойлашаган.

Сон сугенинг орқа юзасида ғадир-будир чизиқ бўлади. Сужкнинг танаси деярли цилиндсимон шаклдадир. Сон сугенининг пастки учда иккита дўнг – медиал ёки ички дўнг, латерал ёки ташки дўнглар жойлашган. Улар ўртасида дўнглараро чуқурлик бор. Ички дўнг ташки дунгдан каттароқ. Дунглар катта болдири сужги билан бирикиши учун бўғим юзаларига эга. Олд томондан иккала дўнг умумий бўғим юзасини ҳосил қиласи, унинг ўртасида дўнглараро чуқурча бор. Олд томондан чуқурча тизза усти юзасини ҳосил қилиб, оу юзага тизза қопқоғи тақалади.

Сон сужги дўнгларининг устида, икки ён томонига чиққан ички ва ташки дўнг усти тепаликлари бор.

Одам эволюциясининг такомилланиши натижасида тик юриш қобилияти пайдо бўлди. Натижада тос ва сон

сүякларининг тузилиши ўзгарди. Одамсимон маймуналарга нисбатан одамнинг сон суяги узунлашди ва ингичкалашди, танаси олд томонга қараб букилган белгиси пайдо бўлди, орқа юзасида эса ғадир-будир чизиги кучли даражада ривожланди. *Тизза қопқоги* ёки тизза усти суяги соннинг энг йирик суяги бўлиб, у сонининг тўрт бошли мускул пайининг ичида ётади ва тизза бўғимни ҳосил қилишда қатнашади. Тизза қопқогининг ўткир учи пастга каратилган, кенг асоси – юқорида, бўғим юзаси эса тоғай билан қоп-ланган.

Болдир сүяклари икки хил: катта ва кичик бўлади. Улар узун найсимон сүяклардир, улар хар бирининг танаси ва икки учи бўлади.

Катта болдир сүягининг юқориги учи анча йўғонроқ бўлиб, иккита – ички ва ташқи дунглик ҳосил қиласи. Бу дўнглар бўғим юзалари орқали сон сүягининг дўнглари билан бирикади. Катта болдир сүягининг танаси уч қиррали. Сүякнинг анчагина бўртиб чиққан олдинги қирраси сүякнинг бутун узунлиги бўйлаб чўзилади ва олдинги қирраси деб аталади. Олдинги ўткир қирраси юқориги эпифиз соҳасида катта болдир сүягининг ғадир-будирлиги билан туташади. Олдини қирра сүякнинг медиал юзасини латерал юзасидан ажратади. Медиал қирра медиал ва орқа юзаларни бир-биридан чегаралайди. Сүякнинг пастки учидаги икки томондан ички тўпи деб аталган ўсиғи бўлиб, у пастга қараб йўналган. Сүяк дистал учининг пастки юзасида товон усти суяги билан бирикади. Болдирда жойлашган иккита сүяқдан фақат катта болдир суяги сон суяги билан бирикади ва шунинг учун у энг пишиқ ва йўғон бўлади.


Узун ва ингичка *кичик болдир суяги* катта болдир суягидан ташқарида ёки латерал томонда жойлашади. Кичик болдир сүягининг юқориги учи йўғонлашган бўлиб, бошча деб аталади. Бошчанинг учи ташқи томонга ва орқага

қараган. Бошчаси бүгим юзаси билан таъминланган бўлиб, катта болдир сягининг юқориги эпифизи билан бирикади. Бош бўйинча ёрдамида ингичка танасига ўтади. Танаси уч қиррали бўлади. Сякнинг пастки учи йўғонлашган ва тўпиқни ҳосил қиласи. Тўпиқ товон усти сягини ташқи томондан қоплаб туради.

Болдир сякларининг бир-бирига қараган томонида сяклараро жойлашаган ғадир-будир қирралари бўлиб, уларга иккала сякнинг бир-бирига ёпишириб турувчи сяклараро пардаси келиб бирикади.

Оёқ панжасининг панжа олди сяклари 7 та бўлиб, улар: товон усти, товон, кубсимон, қайиқсимон ва учта понасимон сяклардан иборат (21-расм).

Юкорида жойлашган товон усти сяги тана ва бошчага эга. Товон усти сягининг остида панжа олди сякларининг



21-расм. Оёқ панжасининг скелети. Устидан кўриниши.

1 – товон сяги, 2 – ошиқ сягининг галтаги, 3 – ошиқ сяги, 4 – қайиқсимон сяги, 5 – медиал понасимон сяги, 6 – оралиқ понасимон сяги, 7 – бирин-чи оёқ кафт сяги, 8 – проксимал фаланга, 9 – дистал фаланга, 10 – оралиқ фаланга, 11 – бешинчи оёқ кафт сягининг гадир-будирлиги, 12 – кубсимон сяги, 13 – латерал понасимон сяги, 14 – товон сягининг дўмбоги.

энг каттаси – товон сяги ётади. Унинг орқа томонида йўғонлашган жойда товон бўртиғи бор. Суяк танасининг уст томонида товон уст сяги билан бирикиш учун бўғим юзалари бор. Товон усти сяги бошчасининг олдида кубсизмон сяяк билан ёнма-ён ва ундан ичкарирокда – медиал, оралиқ ва латерал понасимон сяякларни ажратиш мумкин.

Панжа сяяклари бешта калта найсимон сяяклардан иборат. Улар панжа олди сяяклари – кубсизмон ва понасимон сяякларидан нарироқда жойлашади. Ҳар қайси панжа сяягида асоси, танаси ва бошчаси бор. Панжа сяякларнинг асослари панжа олди сяякларига тақалган бўлади.

Оёқ бармоқлари 3 та фалангалардан иборатдир, фақат 1 бармоқ проксимал ва дистал фалангалардан ташкил топган. Ҳар битта фалангада асос, тана ва бошча тафовут этилади. Проксимал фалангалар ўз асослари билан панжа сяякларининг бошчаларига қаратилиган бўлади. Ҳар битта дистал фаланга ўзининг учларида ғадир-будир юза билан тугайди. Баъзи спорт турларида оёқлар узунлиги бу сяякларда жисмоний ин тасирида бўладиган ўзгаришларни билиш лозим (имнастика, футбол).

Оёқ сяякларининг бирикими.

Оёқ камари сяяклари бир-бири билан думгаза-ёнбош бўғими ва қов симфизи ёрдамида бирикади.

Думгаза-ёнбоши бўғими тос ва думгаза сяякларининг кулоқсимон юзаларидан ҳосил бўлган. Бу бўғим оддий, яssi шаклда, ҳаракатлари чегараланган (атиги 3-5° атрофида) бўлади. Бўғим бир қанча пайлар билан мустаҳкамланган.

Пайлар бўғим юзасида ва ичида жойлашган. Бўларга думгаза-ёнбош пайи, сяяклараро пайлари, ёнбош-бел пайи, думгаза-бўртиқ ва думгаза ўsicқ пайлари киради.

Қов симфизи чап ва ўнг қов сяякларини қарама- қарши юзалари орасида ҳосил бўлади. Қов сяяклари юзала-рининг

орасида тоғайли пластинка жойлашади. Қов симфи-зи ярим бўғимлар турига кириб, ҳаракатсиз ҳисобланади.

Тос-сон бўғими – сон суягининг шарсимон бошчаси тос суягининг қўймич косасига бирикишидан ҳосил бўлади. Бу бўғим шакли жиҳатдан ёнгоқсимон, оддий ва уч ўқли ҳисобланади. Бу бўғимда кўндаланг, сагиттал ва тик кетган ўқлар атрофида ҳаракатлар бажарилади. Кўндаланг ўқ атрофида сонни букиш ва ёзиш, сагиттал ўқ атрофида – уни гавдага яқин келтириш ва ундан узоқлатиш, тик ўқ атрофида – оёқни ташқарига бураш ва оёқни ичкарига бураш (пронация, супинация) ҳаракатлари бажарилади. Бу бўғим ҳаракатлари чегараланган бўлади, чунки бирикаётган суякларни бўғим сатҳлари бир-бирига нисбатан мосланган, иккинчидан бўғим атрофида мустахкам пайлар ва бақувват мускуллар жойлашган. Тос-сон бўғимининг энг мустахкам пайларидан ёнбош-сон пайдидир. У 300 кг оғирликни қўтариш қобилиятига эга.

Қўймич ва қов суяклари таналаридан бошланган қўймичсон ва қов-сон пайлари сон суягининг кичик ва катта дўнгларига бирикади. Бу пайлар биргаликда сонни ёзиш ҳаракатини чегаралишда иштирок этадилар. Ёнбош-сон пайи эса сагиттал ўқ атрофида вужудга келадиган ҳаракатларни чегаралайди. Бундан ташқари, тос-сон бўғимининг ички капсуласидан айланма пайи бошланади, бўғим ичида эса сон суягининг бошчасини пайи жойлашган. Бу пай қўймич косачаси тагидан бошланиб, сон суягининг бошчасига бирикалди. Сон суяти бошчасининг пайи фақат тос-сон бўғими мустахкамлашишида иштирок этмай, бошқа функцияларни бажаради. Пай ичида қон томирлари ва нервлар жойлашган, бундан ташқари, турли ҳаракат бажариш вақтида зарбни камайтириш вазифасини бажаради.

Тизза бўғими – сон суягининг пастки учи ва катта болдир суяги дўнгларининг устки юзаларидан ҳосил бўлган. Бўғим ҳосил бўлишида тизза қопқоғи ҳам иштирок этади. Бўғим мураккаб, шакли жиҳатдан ғалтак-шарсимиондир. Бўғимда бирикаётган суякларнинг сатҳлари бир-бираiga нисбатан жуда кам мосланган, шу сабабли ҳаракатлар чегараланган. Бўғим ичида жойлашган медиал ва латерал менисклар ҳаракатчанликни оширишда иштирок этадилар. Синовиал бўғим ичида кўп бурмалар ва ўсимталар, бўғим атрофида эса шилимшиқ халталар ҳосил қиласди. Тизза бўғимида кўндаланг ўқ атрофида букиш, ёзиш ҳаракатлари бажарилади. Ҳаракатчанликни градусларда ифодалаш мумкин. Бунда букиш ҳаракатининг чегараси $130\text{--}170^{\circ}$ га тенг. Тик ўқ атрофида пронация ва супинация ҳаракатлари бажарилади. Ҳаракатлар чегараси 10° атрофида рўй беради.

Тизза бўғимида бир неча пайлари бор. Уларга катта болдир ва кичик болдир коллатерал айланма киради. Бўғим ичида крестсимон пайлар жойлашган. Бу пайлар бўғимни мустаҳкамлашда иштирок этадилар. Бўғим халтасининг орқасида тизза ости пайлари жойлашади.

Болдир-панжаб бўғими катта болдир суягини дистал учи ошиқ суяига бириқиши натижасида ҳосил бўлади. уни икки томонидан ташқи ва ички тўпик тўсиб туради. Бу бўғим мураккаб ғалтаксимон шаклга эга. Кўндаланг ўқ ғалтақдан ўтиб, унинг атрофида букиш ва ёзиш ҳаракатлари бажарилади. Тик турган ҳолда оёқ панжасини ёзиш чегараси $15\text{--}25^{\circ}$ га тенг, букиши – $45\text{--}50^{\circ}$, пронация, супинация ҳаракатлари 13° атрофида, узоқлаштириш ва яқинлаштириш ҳаракатлари эса 12° га тенг. Болдир-панжаб бўғими латерал ва медиал томонларидан пишиқ пайлар билан мустаҳкамланган.

Оёқ панжасининг бўғимлари оёқ панжанинг турли қисмларига мансуб бўлган суяклари орасида кўп миқдорда

ҳосил бўлади. Товон усти суяги билан товон суяги ўртасидаги ва товон усти суяги билан қайиқсимон суяги ўртасидаги бўғимлар бир-бири билан қўшилиб, битта бўғим ҳосил қиласди.

Болдир-панжа олди бўғимлари панжа олди суякларининг понасимон ва қубсимон суякларидан ҳамда панжа суякларининг асосларидан ҳосил бўлади.

Панжа суякларининг бош қисмлари билан бармоқлар фаланталар асослари орасида шарсимон бўғимлар ҳосил бўлади.

Оёқ панжасининг бармоқ фаланталари орасида фаланталараро бўғимлар ҳосил бўлади. Фалангааро бўғимлар оддий, шакли жиҳатдан ғалтаксимон ва бир ўқли бўлади. Кўндаланг ўқ атрофида фақат букин ва ёзиш ҳаракатлари бажарилади.

Жисмоний иш ва спорт фаолияти таъсирида оёқ скелетида мослашув ўзгаришлар рўй беради. Турли мутахассисли спортчиларда оёқ скелетида ҳосил бўлган ўзгаришлар бериладиган жисмоний иш ҳажмига ва муддатига боғлиқ. Суякларда фақат морфологик ўзгаришлар вужудга келмай, балки уларни бир-бири билан бирикишлирида, бир-бирига нисбатан жойлашувида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади. Футболчиларда ва штангачиларда сон суягининг кўндалани катталиклари, айниқса дистал эпифиздаги латерал ва медиал бўғим усти дўнглар орасидаги катталиклар анча ошади. Велосипедчиларда сон ва болдир суяклари айниқса яхши ривожланади ва катта ўлчовларга эга. Биринчи панжа суягини компакт қатлами қалинлашади. Спортчиларда муайян ўзгаришлар товон олди суякларда, айниқса, товон суягида вужудга келади.

Суяк тизими ning жисмоний ишга мосланиши

Экзоген ва эндоген факторлар таъсирида одам организмининг ҳамма морфо-функционал тизимларида жавоб реакциялари ривожланади. Организмда юзага келадиган физиологик функцияларни ўзгариши тури морфо-функционал тизимларда морфологик ўзгаришларга олиб келади. Бунда таянч-ҳаракат аппаратидаги ўзгаришлар алоҳида аҳамиятта эга.

Бундан 100 йил аввал экспериментал рентгенодиагностика ва спорт морфологиясининг асосчиси бўлган П.Ф. Лесгафт, суякларни ўсиши, ҳажмларни катталашиши, уни ўраб турган мускуллар фаолиятига боғлиқ деган қоидаларни таърифлаган. Ҳозирги замон экспериментал кузатишларни ва спорт морфология фани тўплаган далиллари асосида суякларни функционал ўсиш қоидалари қуйидаги ҳолатларда ифодаланган:

А) суяк ўсишини тезлаштирувчи механик факторларнинг таъсири ритмик равинцида тақрорланиши керак.

Б) суяк ўсишини активлаштирувчи жисмоний машғулотлар ҳажми оптимал даражада бўлиши керак. Етарли бўлмаган ёки ҳаддан зиёд машқлар суяк ўсишини тўхтатиши мумкин.

В) ўсаёттан суякларнинг механик юкламаларга нисбатан жавоби, шу организмнинг индивидуал реакция меъёрига (нормасига) боғлиқ.

Г) Суякни узунасига ва кенлигига ўсиш механизми ҳар хил. Суяк моддасини ҳосил қилувчи остеобластлар иккита муҳит чегарасида жойлашган: суяк ва тогай орасидаги жойлашган остеобластлар суякни узунасига ўсишини, суяк ва бириктирувчи тўқима орасидагилар эса кенлигига ўсишини таъминлайди. Икки муҳитни бир-бирига нисбатан

силиши суяк моддасини ҳосил бўлишига қўзғолувчи импульс бўлиб ҳисобланади. Мускуларнинг қисқариши уларнинг суякта ўсиб кирган пайли учларини суяк усти пардасини ўз жойидан тортилиб туришига олиб келади. Механик юкламалар таъсирида суяқда зўрикиш ҳолати ривожланади. Натижада, контактда бўлган иккита чегара муҳитларни бир-бирига нисбатан силжиши, перихондрал (тогай ҳисобига) ва периостал (суяк усти пардаси ҳисобига) суякланиш жараёнини фаоллигини таъминлайди.

Д) Механик юкламалар суякларни узунасига ва кенглиги бўйлаб ўсишини ҳар хил мөъёрда ўзгариради. Суякларни узунасига ўсишида ирсиятнинг роли ҳал қилувчи бўлади. Суякни кенглигига ва энига ўсиш белгиси эса асосан муҳит омиллари таъсирида ривожланади. Суякларда жисмоний юкламалар таъсирида қуйидаги ўзгаришлар юзага келади:

Суякларнинг шакли ўзгариши

Суякларнинг кимёвий таркибини ўзгариши

Суякларнинг ички тузилишидаги ўзгаришлар

Суякларнинг ўсиши ва суякланиш муддатларини ўзгариши.

А) Суякларнинг шакли ўзгариши – жисмоний юкламалар таъсирида суяклардаги ўзгаришлар скелетни пишиқ механик конструкцияси сифатида шакллантиради. Механика қонуниятларидан маълумки, катта диаметрга эга бўлган найлар, диаметри кичик ёки умуман бўшлиқсиз бўлган найларга нисбатан катта юк кўтариш қобилиятга эга. Шу сабабли энг тежамли суяк структура найсимон ёки цилиндрсимон тузилишга эга. Масалан, кичик ҳажм ва юқори механик пишиқликни талаб қиласиган жойларда зич суяк моддаси учрайди. Шунинг учун найсимон суякларни диафизлари ингичка, мускуларни бирикиши учун соғатҳни най атрофида ҳосил бўлиши, девори эса зич

моддадан тузилганлиги хос. Эпифизларни ҳажмлари чегара-ланган бўлиб, ғовак моддадан тузилган. Ғовак модда уч ўлчовли принцип асосида тузилган бўлиб, турли йўналишдаги юкламаларга бардош бера олади. Механик юкламалар таъсирида суякларни ҳажми ва юзаси ўзгаради. Катта юкламалар таъсирида суякларни массаси ортади. Суяк юзаларида турли чуқурчалар, бўртиқлар, ғадир-будирликлар, ўсиқлар, қирралар шаклланади. Бўғимларда бўғим юзаларини ва бўғим шаклларини ўзгариши адаптацион ўзгаришларга мисол бўла олади. Ёш бораларда ва ўспиринларда мақсадга мувофиқ ва меъёрий жисмоний машғулотлар таъсирида бўғим юзалари керакли йўналишда шаклланади, бўғим атрофидаги юмшоқ тўқималарда эластиклик ва пишиқлик хусусиятлари ривожланади. Узлуксиз бирикишлар – синдесмозлар, синхондрозлар ва синостозлар ёнма-ён жойлашган суякларни кам ҳаракатчанлигини ёки тўлиқ ҳаракатсизлигини таъминлаб, уларнинг асосий ўсиш зоналари бўлиб хизмат қиласди. Узлукли бирикишлар – бўғимлар суякларнинг турли ҳаракатларни бажарилишини таъминлаб, итарилиш ва турткilarни юмшатиш учун амортизациясини таъминлайди.

Б) Суякларнинг кимёвий таркибини ўзгариши – жисмоний машғулотлар таъсирида спортчиларнинг суяк таркибида анорганик моддаларнинг миқдори кўпаяди (кальций, фосфор). Минерал моддалар миқдорининг ортishi суяк тўқимасининг зичлигини оширади.

В) Суякларнинг ички тузилишидаги ўзгаришлар – механик юкламаларга мосланишда суякнинг ички тузилишида қуийдаги ўзгаришларни кузатиш мумкин: суяк усти пардасини қалинлашиши, ғовак ва зич моддаларни нисбатларини ва структурасини ўзгариши, диафиз бўшлигининг диаметрини ўзгариши.

Механик юкламалар таъсирида сүякнинг устки пардасида остеобластларни зўр бериб қупайиши ҳисобига камбиал қаватининг қалинлиги ниҳоятда қалинлашади. Ёш спортчиларда одатда рентгенограммада кўринмайдиган сүякнинг устки қавати маълум вақтдан кейин кўринадиган бўлиб қолиши мумкин. Қатор-қатор бўлиб жойлашган остеобластлар, сүякнинг асосий моддасини ҳосил қилади ва остеоцитларга айланади. Кейинчалик сүякланишб кетган юқориги қават, сүякнинг диафизи таркибидаги зич моддаси билан бирлашиб кетиб, уни қалинлашувига олиб келади. Спорт билан шутулланмайдиган шахсларда, сүяк эпифизининг ғовак модда таркибини периферик қисмида майда катакчалар, марказий қисмида эса йирик катакчалар жойлашган. Юқори ҳажмдаги спорт машғулотлари одатда, ғовак моддани ташкил этувчи катакчаларини катталашиб кетишига олиб келади. Найсимон сүякларнинг эпифизлари деярли бир хил йирикликтаги катакчалардан ташкил топиб, натижада ғовак моддада марказий ва периферик қисмлари бир-биридан фарқланмаади.

Диафизнинг мустаҳкамланиши икки хил йўл орқали етилади. Унинг деворини қалинланиши ички ва ташқи томондан кетади. Диафиз деворини ички томондан қалинлашиши зич моддани илик бўшлифи томонидаги сүяк юзасида рўй беради. Ташқи томондан эса сүяк усти пардаси ҳисобига зич моддани ҳосил бўлиши аникланган. Биомеханик нуқтаи назардан, иккинчи усул тежамли ҳисобланади, чунки бу ҳолатда диафиз диаметри ошиши, зич моддани қалинлашиши, сүяк бўшлигини диаметри ўзгармаслиги, найсимон сүякни пишиқлигини оширишга олиб келади. Ғовак моддани пишиқ бўлиши унинг таркибидаги трабекулалар ёки тўсиқларни қалинлашиши, майда ва ўрта ҳажмли катакчаларни йирик ҳажмли катакчаларга айланниши орқали

юзага келади. Маълумки, пластинкасимон суяк тўқимаси-нинг морфологик ва функционал бирлиги – остеондир. Механик юкламаларни ҳажмига қараб, суяк кайта қурилади. Бунда остеонлар ўз жойлашувини, йўналишини ўзгартиради. Оптималь юкламалар таъсирида янги остеонлар ривожланади.

Г) Суякларни ўсиши ва суякланиш муддатларини ўзгариши – суякларнинг ўсиши суякланиш жараёни билан боғлиқ. Суякни ўсиши эпифизар тоғайларда тўлиқ суякланиш жараёни рўй бериши – синостозга айланиши билан тугалланади. Б.И. Коган, Б.А. Никитюк томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларда механик факторларни эпифизар тоғайининг турли зоналарига таъсири, статик ва динамик юкламаларни сукни ўсишига ва суякланишига таъсири ўрганилган. Икки хил юкламаларни сукка таъсири баҳоланган ва орасидаги фарқли белгилар аниқланган. Динамик юкламаларда берилаётган юклама ҳаракат орқали келтирилади, мускуллар изотоник шароитда ишлаб, қисқаришилари кетма-кет равишда тақрорланади. Динамик юкламаларни третбанда чопиш ёки бассейнда сузиш ҳолида берилади. Статик юкламалар бир жойда ўтиб, берилаёттан таъсирот ўзгармас ҳолда сақланиб туриши, мускуллар узоқ муддат давомида изометрик хилда қисқариши билан таърифланади. Статик юкламаларни классик модели – бу тажриба ўтказиладиган сичқонни сув устида маҳсус таёқда осилиб туриши. Ортопедия ва травматологияда ўзига хос статик юкламаларни бериш модели яратилган. Одам скелетининг жароҳатланган қисмини маҳсус аппаратлар ёрдамида чўзилтирилади ёки бир-бирига яқинлаштирилади. Одатда, статик юкламалар таъсирида суяклар узунлиги бир оз калталашади, аммо бунинг сабаби узунлика ўсиш тезлиги ҳисобига эмас, балки уларни суякланишининг кечикиши

ҳисобига бўлади. Суякларнинг ўсиш зонаси статик юкламаларни ҳажмини қўпайиши ёки озайишига ҳам таъсиран әмас, аммо маълум ҳажмда берилган динамик юкламалар қўл-оёқ сегментларининг катталигини ва узунлигини оширади. Морфологик ўзгаришлар кўироқ диафизларда кузатилади. Найсимон суякларнинг метафизи болалик ва ўсмирик даврида метаэпифиз тоғайдан тузилган бўлиб, суякнинг бўйига қараб ўсишига имкон яратади. Метаэпифиз тоғайнинг суякланиши найсимон суякларнинг эпифизи билан диафизини суякланиб (синостоз) кўшилишини таъминлайди.

Ўрта меъёрдаги жисмоний юкламалар таъсирида ёш ва ўспирин болаларда синостозланиш жараёни секинлашади, натижада, суякларни усиш муддатлари ҳам чўзилади. Эпифизларни баландлиги камайиб, уларнинг майдон сатҳи ортади.

Етарли ҳажмда ҳаракат қилмаслик ёки кам ҳаракатлилик (гипокинезия) организмни нафақат функционал ҳолатига, балки унинг морфологиясига таъсири қилиши мумкин. Гипокинезия натижасида тананинг ташкил этувчи таркибий кисмларида – суяклар, мускуллар ва ёғ компонентларида деструктив салбий ўзгаришлар пайдо бўлади. Аксинча, гиперкинезия – кўп ҳаракатлилик ҳолатида, юкламалар катта ҳажмда берилishi, узоқ давом этадиган интенсив жисмоний машқлар таъсирида таянч-ҳаракат аппаратида, периферик нерв толаларида, қон-томирлар тизимида чукур морфологик ўзгаришлар келиб чиқади.

Бу икки ўзаро қарама-қарши бўлган табиий факторларни организмга таъсири таҳлил қилинса, иккала ҳолатда турли тўқималарда деструктив ўзгаришларни юзага келиши кузатилган. Лекин гиперкинезияда патоморфологик ўзгаришларни ривожланиш муддати тезроқ ўтиши аниқланган.

Спортчиларнинг скелетлари уларнинг мутахассислига боғлиқ бўлган жисмоний машқлари туфайли юзага келган хусусий мосланишларни ўзида сақлади.

МИОЛОГИЯ – МУСКУЛЛАР ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

Мускуллар организм ҳаётида муҳим роль тутади. Катта одамларда мускуллар бутун танаси оғирлигининг 30-35% га яқинини ташкил қиласа, чакалокларда – 20-22%, ёши катта ва қари одамларда 22-25% ни ташкил этади. Жисмоний машғулот билан мунтазам шугулланиб турувчи спортчиларда скелет мускулларининг оғирлиги гавда оғирлигининг қарийб ярмини – 45-50% ни ташкил қилиши мумкин. Скелет мускулатураси кундаланг-тарғил мускул тўқимасидан тузилган. («Тўқималар» деган мавзуда кўндаланг-тарғил тўқимани тузилиши баён этилган).

Мускулларнинг асосий вазифаси – механик иш бажаришди. Марказий нерв системаси юборадиган таъсиротлар натижасида гавдадаги мускуллар қисқаради, бунинг натижасида скелет харакатга келади. Онгли равишда қисқарадиган мускулларни сони 400 дан ортиқ. Гавда мускуллари ички аъзоларни, уларни таркибига кирувчи қон томирлар ва нервларни ташкил мумит таъсиротларидан ҳимоялайди. Мускулларни қисқариши натижасида иссиқлик энергия ажralади, демак мускуллар тана ҳароратини идора этишда иштирок этади. Мимик мускулларининг қисқариши орқали одамнинг ички дунёси, кайфияти, эмоциялари акс эттирилади.

Мускул тўқимасини такомили.

Мускул тўқимаси мезодермадан такомил этади. Мезодермада, яъни ўрта эмбрионал варақда сомитлар ёки сегментланган элементлар ажralади. Энг муҳим сомитлар-

дан миотомлар, склеротомлар ва дермотомлар ҳисобланади. Миотомлардан мускул тўқимаси ривожланади. Миотомлар хужайралари дукка ўхшаб гавда ўқи бўйлаб чузилади, бўлар орасида бириктирувчи тўқимали тўсиқлар – миосепталар ривожланади. Бу хужайралар миобластлар деб аталади. Кейинчалик бу хужайралар дифференциалашади, яйни хужайралар усиб, қўшилиб симпластлар ҳосил қиласади. Бўлардан гавда мускуллари, оёқ-кўллар мускуллари, яъни скелет мускулатураси ривожланади. Эмбрионал тараққиётнинг 7-8 ҳафтасида асосий мускуллар шакланиб боради. Ҳомиладорликни иккинчи ярмида ва туғилишдан кейинги даврда қуидаги ўзгаришлар рўй беради: мускул толалар узунасига қараб чўзилади, кўндаланг кесмаси катталашади. Мускул таркибида ядролар сони камайди, уларнинг шакли ўзгаради. Юмaloқ ва овалсимон ядролар таёқчасимон шаклига айланади, миофибрillар сони ошади ва диаметри қалинлашади, мускуллар орасида жойлашган бириктирувчи тўқимали пардалар ривожланади ва натижада яхши ифодаланган мускул гурухларни ажратиш мумкин. Кўрсатилган ўзгаришлар 25 ёшгача давом этади. Одамнинг умри давомида мускулнинг оғирлиги 3 марта ошади, скелетники 27 марта, терида эса 19 марта. Лекин, турли мускуллар гурухларнинг ривожланиш даражаси ҳар хил. Масалан, одамда туғилишдан кейинги даврда оёқлардаги мускуллар кучли ривожланади. Бу оёқларнинг таянч ва ҳаракат функцияларни бажариши билан боғлиқ.

Катта одамда ва чакалоқда мускул массасини % да тақсимланиши жадвалда берилган.

Агар мускулнинг қискариши натижасида ҳаракат келиб чиқса, яйни тана ёки баъзи органларнинг фазодаги ўринлари алмашинса, унда динамик иш. Статик иш бажа-

рилганда кискариб турган мускуллар ҳаракат қилмайди, масалан, юк құтариб турганда.

9-жадвал

Белги	Янги туғилган чақалоқтар	Катта одам	
		эркактар	аәллар
Тана вазнига нисба-тан мускуллар вазни	23	42	36
Умумий мускуллар вазнига нисбатан:			
А) калла мускуллари	4,6	1,4	1,4
Б) гавда ва бүйин мускуллари	30,3	15,9	18,4
В) құллар мускуллари	27,1	28,4	25,4
Г) оёқлар мускуллари	38,0	54,3	54,8

Одам танасининг мускуллари ўз кучи билан баробар бўлмаган турли ишларни бажариши мумкин. Мускулнинг кучи унинг толаларининг миқдорига – сонига боғлиқ, мускул қанча йўғон бўйса, унинг кучи шунчалик кўп бўлади. Мускулнинг кучи унинг кўндаланг кесигининг юзасига тўғри пропорционал бўлади.

Тана мускуларининг иши бутун организмнинг умумий ҳолатига таъсир қиласи, у қон айланишини қучайтиради ва ҳамма органларда моддалар алмашинишнинг келиб чиқишига имкон беради.

Ишлаб турган мускулларда мураккаб кимёвий реакциялар содир бўлиб туради. Бу кимёвий процесслар иссиқлик ҳосил қиласи: агар ишлаб турган мускулда моддалар алмашинишнинг маҳсулси сифатида анчагина миқдорда сут ва карбон кислоталар тўпланса, унда мускул чарчайди. Дам олиш вақтида, яъни мускуллар тинч турганда моддалар

алмашинуви натижасида ҳосил бўлган заарали маҳсулотлар қон орқали ундан чиқиб кетади ва мусқулнинг ишлаш қобилияти қайтадан тикланади.

Мусқулларнинг тузилиши.

Скелет мусқуллари кўндаланг-тарғил мусқул тўқимасидан ташкил топган. Маълумки, мусқулларнинг таянч аппарати «футляр ичида футляр» принципида тузилган бўлиб, ҳар хил ҳажмли мусқул тутамлари эндомизий ва перемизий пардалари билан бир-биридан ажralиб туради. Эндомизий ва перемизий нафақат мусқуллар орасида жойлашган бириктирувчи тўқимали тўсиқлар бўлиб, балки мусқулларда маҳсус эластик каркасни ҳосил қилиши туфайли, мусқул қисқариш қобилиятига эга.

Кўндаланг-тарғил мусқул толаларни узунлиги 1 – 40 мм га teng бўлиб, цилиндрическимон шаклга эга. Плазматик мембрана остида кўп миқдорда ядролар жойлашган. Сарколемма таркибида кўп сонда миофибрillалар ва митохондриялар учрайди. Саркоплазма миоглобин оксилидан ташкил топиб, миоглобин худди гемоглобинга ўхшаш ўзига кислород бирикиш хусусиятига эга. Миофибрillаларни қалинлигига ва миоглобинни миқдорига кўра қизил, оқ ва оралиқ мусқул толалари фарқланади. Қизил толалар нозик, ингичка, миоглобини кўп, митохондриялари кўп бўлади. Ўрта қалинликка эга бўлган, миоглобини ва митохондрияларни сони бироз камроқ бўлиши оралиқ типдаги мусқул толалари учун хос. Ниҳоят, оқ толалар энг қалин, саркоплазмасида миоглобини ва митохондриялари кам миқдорда, лекин миофибрillаларни сони кўп миқдорда ва бир текисда тарқалганилиги хос. Кўрсатилган мусқул толаларни тузилиши ва функцияси бир-бири билан боғлиқ. Масалан, оқ толалар тез қисқаради, лекин тез чарчайди.

Қизил толалар узоқ вақт давомида, лекин секин қисқариши мүмкін.

Охирги йилларда спортчиларда мускулларни ҳолатини назорат қилиш мақсадида цитохимик текшириш усуллари күлланилади. Маълумки, тез оқ толалари учун аэроб гликолитик модда алмашинуви ва секин қизил толалари учун аэроб оксидланиш модда алмашинуви хос. Қизил ва оқ толаларни ифодаловчи ферментлар бир-бираидан фарқланishi сабабли, уларни маҳсус бўёқлар билан буялади ва толаларни тури аниқ ажратилади. Турли одамларда қизил ва оқ толаларни миқдорий нисбати турлича бўлади ва ҳаёт давомида деярли ўзгармайди. Мускулларда толаларни тақсимланиш хусусияти одамнинг генотипи билан боғлиқ. Мускул таркибидаги толаларни миқдорий тақсимланиши аниқланган қўрсаткичлар асосида спортта лаёқатли болалар ва ўсмиirlарнинг орасида спорт танловини ўтказиш тавсия этилади.

Ҳар бир мускул ичида ҳаракат ва сезувчи нерв охирлари бўлиб, улар мускулларни марказий нерв системаси билан боғлаб туради. Ҳаракат нервлари марказий нерв системасида ҳосил бўлган қўзғалишни етказиб беради, импульсни узатали, натижада мускул марказий нерв системасининг хоҳиши билан қисқаради. Нерв импульси мускулларнинг маҳсус Т-найчалари орқали саркоплазматик турнинг цистерналарига етказилади. Сўнг саркоплазматик мембраналардан цитоплазма ичига кальций ионлари чиқади. Натижада, актин билан миозиннинг бирикиши натижасида мускулнинг қисқариши вужудга келади. Мускул қисқаришда ингичка актинили миофиламентлар калта, йўғон миозинли миофиламентлар орасига киради ва I диск калталашади. Мускуллар ичида симпатик нерв охирлари бор, шунинг учун тирик организм мускуллари бўшашган

вақтда доимо сал қисқарған ҳолатда бўлади. Бунга мускул тонуси дейилади.

Ҳар бир мускулнинг актив қисқарувчи гўштдор қисми – танаси ва икки учи, яъни бошланиш ва бирикиш жойлари – пай қисмлари бўлади. Узун мускулларда бундан ташқари яна бош ва дум қисмлари тафовут қилинади. Ясси мускулларнинг юпқа ясси пайи бўлади, бу пай апоневроз деб аталади.

Баъзи мускуллар бир неча бош билан бошланиши мумкин. Бундай мускулларни кўп бошли мускуллар дейилади. Мускул толалари йўналишига қараб тўтри, қийшик, кўндаланг ва айланма бўлади. Бундан ташқари, бир патли ва кўп патли мускуллар тафовут қилинади.

Мускулларнинг туркумларга бўлининиши

Структура ва функция бирлиги хақидаги диалектик қонунини, айниқса тана мускуллари мисолида кузатиш мумкин. Шакли жиҳатдан мускуллар 4 гурухга бўлинади:

1. Узун мускуллар – бўларнинг узунлиги кенглигига нисбатан анча катта. Масалан, елканинг икки бошли, уч бошли мускуллари.

2. Кенг мускуллар – бўларга аксинча, кенглиги узунлигига нисбатан катта. Орканинг кенг мускули, қориннинг ташқи қия, ички қия мускуллари, кўндаланг мускуллари мисол бўла олади.

3. Елғизичсимон мускуллар – бу мускулларда бир учи торайған, иккинчи учи эса кенгайған. Масалан, дельтасимон мускул, трапециясимон мускул. Бундай мускуллар кўпинча, уч ўқли бўғимлар атрофида учраб, 5-6 хил ҳаракатларда иштирок этадилар ва энг ҳаракатчан мускуллар хисобланади.

4. Доиравий мускуллар – мускул толалари айланма ёки циркуляр йўналган бўлиб, табиий тешиклар атрофида жойлашган. Масалан, оғизнинг айланга мускули, кўзнинг айланга мускуллари мисол бўла олади.

Тана мускулларини бажарадиган ишига караб 4 гурухга бўлиш мумкин:

1. Айланма ҳаракатларни бажарувчи мускуллар – таянч-ҳаракат аппаратида, найсимон суяқларга бириккан бўлиб, тана локомоцияларда иштирок этади.

2. Олдинга ва орқага, юкорига ва пастга томон ҳаракат этувчи мускуллар – масалан, кўрсатилган ҳаракатлар жағ мускуллари томондан бажарилади.

3. Тана бўшлиқлар ҳажмини ўзгартиришда иштирок этувчи мускуллар – гавда мускуллари кўкрак қафасини ёки қорин бўшлигини ҳажмини ўзгартиришда иштирок этади.

4. Тешик ва ёриқларни ҳажмини ўзгартиришда иштирок этувчи мускуллар – бу ишни доиравий шаклга эга бўлган мускуллар томонидан бажарилади.

Мускулларининг ёрдамчи аппарати.

Мускулларинг ёрдамчи аппаратига пайлар, фасциялар, ғалтаклар, синовиал қиниари, синовиал халталар, сесасимон суяклар киради:

Пайлар – ҳар бир мускулнинг суякка келиб бирикувчи мустаҳкам пайи бўлади. Пай мускулнинг гуштдор кисмидан ўзининг ялтироклиги, оқ ёки сарғиш ранги билан ажралиб туради. Пайлар параллел ҳолда жойлашган коллаген толала-ридан ва уларнинг орасида тарқоқ ҳолда ётган фибробласт-лар ва фибронектлардан ташкил топган. Бир қанча пайлар йигиндиси 1 тартибли пайларни ҳосил қиласди ва атрофдан зич толали шаклланмаган бириктирувчи тўқимали парда – эндотендиний билан ўралган. Бир қанча пайлар гурухи перитединий билан қопланган. Баъзан пай мускулларнинг

фақат бирикиш томонидангина бўлиб, бошланиш қисмida бўлмайди. Пайлар чўзилишга жуда чидамлидир. Масалан, соннинг тўртбошли мускулиниг пайи 600 кг, болдирининг учбошли мускулиниг Ахилл пайи 400 кг юкни кўтариш қобилиятига эга.

Фасциялар – мускулларни бириктирувчи тўқимадан иборат бўлган парда чехол каби ўраб туради, у фасция деб аталади. Фасция бир мускулни иккинч мускулдан ажратиб туриш, ҳар қайси мускулниг алохида қисқаришини таъминлаш, мускулларнинг қоринчаларига ёки таналарига таянч бўлиш, мускулларни бир-бирича нисбатан ишқаланиш кучини камайтириш вазифаларини бажаради.

Фасциялар қайси қаватдаги мускулларни ўраб туришига қараб чуқур, ўрта ва юза фасцияларга бўлинади. Фасцияларни тузилиши мускулларни бажарадиган ишига ва қучига боғлиқ бўлади. Агар мускуллар яхши тарақкий этган бўлса, катта юкламалар кўтариш қобилиятига эга бўлса, уларни ўраб турувчи фасциялар зич толали бириктирувчи тўқимадан тузилган, анча пишик бўлади. Кичик юкламаларни кўтарадиган мускуллар сийрак толали бириктирувчи тўқимадан тузилган нозик фасциялардан тузилган.

Ғалтаклар – суюкларда тоғайдан ёки зич бириктирувчи тўқимадан ибораг дунглар бўлади. Ғалтак мускулниг қисқариш самарасини оширади. Мускул пайи ғалтаклардан айланиб ўтган жойда уларга мос ариқчалар ҳосил бўлади.

Синовиал қинлар – ҳаракатланадиган пайларни ҳаракатсиз фиброз қин деворларидан ажратиб туради. Синовиал қини – мавзум микдорда синивиал суюқлик билан тўлган тор ёриксимон халта бўлиб, париетал ва висцерал варақлари билан чегараланган. Висцерал ёки ички варақ пайни ҳамма томондан ўраб олади. Париетал ёки ташқи варақ фиброз қиннинг деворларини қоплайди.

Синовиал халталар – кўпроқ бўғим соҳасида ёки пайни суюқдан айланиб ўтган жойларда учрайди. Синовиал халтача ясси икки деворли қопча бўлиб, синовиал қобиқ билан ўралган ва бўшлигини ичида маълум миқдорда синовиал суюқлик сақланади. Халтачаларни ҳажми бир неча мм дан бир неча см гача бўлади. Баъзи халтачалар бўғим бўшлиги билан туташади.

Сесамосимон сүяклар – мускул ва бўғимларнинг ёрдамчи аппарати бўлиб, мускулларнинг пайлари ичида, бўғимларга яқин жойлашган. Сесамосимон сүяклар кичкина нўхатсимон сүякчалар бўлиб, улар одатда мускулнинг сүякка бирикиш бурчагини ўзгартиради, натижада мускулнинг куч елкаси ошади ва ҳаракат эффиқти кучайтирилади. Организмда энг йирик сесамосимон сүякларга тизза устки суяги мисол бўла олади.

Ҳаракат функцияларини идора этилиши

Ҳаракат функцияларини марказий ва периферик нерв тизимлари орқали идора этилади. Иккала тизимнинг ҳамкор фаолияти туфайли организмнинг ташки муҳит таъсириига берган оддий жавоб реакцияларидан тортиб, токи юқори мутахассислашган ҳаракатларни бажарилиши таъминланади. Ҳаракат функцияларни бажарилишда нерв тизимининг қўйидаги таркибий кисмлари иштирок этади:

Пўстлокнинг ҳаракат зонаси – ҳаракатларни тахминий бажарилиш режаси аниқланади.

Пўстлок ости зонаси – онгли ҳаракатларни идора этади.

Мияча ва базал ядролар – фазода ва маълум вакт ичида ҳаракатларни аниқ бажарилиши назорат қилинади.

Таламус – сезувчи импульсларни ўтказиш маркази.

Орқа миянинг нейронлари – ўтказувчи тизимни ташкил этади.

Мускул рецепторлари ва проприорецепторлар – таъсиротни қабўл қилиш, қўзғолишни узатиши.

Кўрсатилган тизимнинг ҳар бир звеносида ҳаракат анализаторининг перифирик учидан бошлаб, мускулларда ва бўғимларда жойлашган рецепторлар ва проприорецепторларнинг таъсирланиши натижасида, қўл-оёқ бўғимлари ва мускулларни ҳолати ҳақида сигналлар пустлоқ ости соҳаси орқали ва мияча иштирокида нерв тизимига етказилади.

МУСКУЛЛАРНИНГ КУЧИ ВА ИШИ

Мускулнинг иши. Мускуллар томонидан бажарадиган ишининг негизида қисқариш хусусияти ётади. Мускул қисқарганда унинг бир учига иккинчи учи яқинлашади. Турли ҳаракатлар бажариш жараёнида мускулнинг ҳаракат қилувчи ва қимирамай турувчи учлари алмасиб туриши мумкин. Қисқариш натижасида мускуллар томонидан маълум тортишув кучлар пайдо бўлади ва турли жисмларни бир жойдан иккинчи жойга сурилиши натижасида механик иш бажарилади. Бу иш килограмметрлар билан ўлчаниб, мускул кучи билан жисмни сурилган масофа орасидаги кўпайтмасига тенг. Демак, мускулларнинг қисқариши натижасида механик иш бажарилади. Мускулнинг қисқариш жараёни бўшашиб ва таранглашиш ҳолатларидан ташкил топган. Мускулнинг бўшашиби мускулнинг чўзилиши билан таърифланади. Масалан, пастга туширилган қўлни мускуллари чўзилган, лекин таранглашмаган бўлади. Мускулнинг таранглашиш ҳолатида мускулнинг узунлиги икки хилда ўзгаради: баъзи вазиятда чўзилиши, бошқа бир ҳолатларда калталапшиши мумкин. Масалан, гавда орқага

ташланганда қорин мускуллари таранглашади ва чўзилади. Қўл панжасини қаттиқ кисиб, елка одди елка томон букилганда, икки бошли мускул таранглашади ва калталашади. Демак, қисқариш жараёнининг ҳолатларида мускулнинг узунлиги ўзгаради ва мускуллар ҳар хил режимда ишлаши мумкин. Мускулларни иши З хил – изометрик, изотоник ва ауксотоник режимларида ўтиши мумкин.

1. Изометрик иш режими – мускулнинг тонуси ўзгариб, узунлиги ўзгармайди.

2. Изотоник иш режими – мускулнинг узунлиги ўзгариб, тонуси ўзгармайди.

3. Ауксотоник иш режими – мускулнинг узунлиги ўзгариши билан тонуси ҳам ўзгаради. Амалиётда алоҳида ҳолда бундай режимлар учрамайди, кўрсатилган режимларнинг бири устун туриши мумкин.

Мускуллар статик ва динамик ишни бажариши мумкин. Статик иш бажарилганда мускулларнинг иши туфайли тана ҳаракатсиз бўлиб, маълум бир ҳолатни сақлайди.

Статик иши бажарилганда қўйидаги иш турлари бажарилади:

а) қаршиликни ушлаб туриш – мускулнинг қисқариш кучи қаршилик кучи билан тенглашади ва тананинг маълум вазияти сақланаб туради.

б) мустаҳкамлаб берувчи иши – мускулнинг иши оғир-лик кучини енгишга йўналган.

в) қотириб турувчи ёки фиксацияловчи иши – мускулнинг кучи антогонист мускулларни кучини енгишга йўналтирилган.

Динамик иши бажарилганда мускуллар томонидан З хил иш бажарилади:

а) қаршиликни енгиш иши – мускулнинг иши тананинг муайян қисми оғирлигини ёки маълум бир қаршиликни енгади.

б) қаршилик кучига бардош бера олмаслик иши – мускулнинг таранглашган ҳолдан қарши кучлар тасирида аста-секин бўшашади ва қаршилик кучларга бардош бера олмайди.

в) баллистик иш – жуда қисқа вақт ичида мускуллар томонидан қаршиликни енгиш ишини бажариш. Баллистик иш турида мускуллар қисқа муддат давомида катта кучни намоён этади ва бу иш $A=F \cdot t$ формуласи билан ифодаланади. (A – иш, F – куч, t – вақт).

Релаксация бу – мускул томонидан қаршилик кучига бардош бера олмаслик иш тури бўлиб, мускул толалари бўшашган ва чузилган ҳолда бўлали.

Ҳаракат жараёни бажарилишида бир қанча алоҳида мускуллар ҳамкорлик билан иш бажаришда иштирок этади. Функционал жихатдан мускуллар антогонист ва синергистларга бўлинади. Синергист мускуллар дейилганда турли гурухларга кирувчи мускулларнинг ҳамкорликда бир хил ҳаракатни бажаришида иштирок этишига айтилади. Масалан, трапециясимон мускул билан олдинги тищсимон мускули куракни пастки бурчагини ташқарига томон айланишида иштирок этадилар.

Антогонист мускуллар алоҳида мускуллар ёки турли мускул гурухлари қарама-қарши ҳаракатда иштирок этишига айтилади. Масалан, тирсак бўғимида елка олдини букувчи мускуллардан елка мускули мисол бўлса, унинг доимий антогонисти бўлган елкани орқа гурухида жойлашган уч бошли мускул елка олдини ёзишда иштирок этади. Мускулларнинг қарама-қарши ва ҳамкор ишлаши турли кўринишларда бўлиши мумкин. Бир ҳаракатда синергист

бўлган мускуллар, иккинчи ҳаракатда бир-бирига нисбатан антогонист бўлади. Масалан, панжани букишда тирсакни ва билакни букувчи мускуллар синергист ҳолда ишлашса, панжани олиб қочиш ва олиб келиш ҳаракатларида ҳар бир мускул алоҳида функцияни бажаради. Панжани букувчи тирсак мускули панжани олиб келишда, билак мускули эса панжани олиб қочишда иштирок этади. Антогонист ва синергист мускулларини ҳамкор ва координацияли қисқаришларини бажарилиши нерв система томонидан идора этилади.

Мускулнинг кучи қўзғолиш натижасида мускулда максимал даражада таранглашиши ривожланиши билан ифодаланади. Мускул кучини намоён әтилиши анатомик, физиологик ва механик шарт-шароитлари билан боғлиқ.

1. Анатомик факторлардан мускулнинг кучига унинг таркибига кирувчи толаларнинг миқдори, узунлиги, йўналиши, суюкка бирикиш сатҳларнинг юзаси, ишни бажараётган мускулни анатомик ва физиологик кўндаланг кесимини хисобга олиш лозим:

а) Мускул таркибида қанчалик толалар миқдори қўп бўлса, мускул шунчалик кучли бўлади. Бажарилган ишнинг кучи шу ишни бажараётган мускулнинг кўндаланг кесимиiga боғлиқ. Мускул кўндаланг кесимининг ўлчови анатомик кўндаланг кесими дейилади, бунда 1 см сатҳида мускул толалар миқдори хисобланади.

Мускулнинг физиологик кўндаланг кесими мускулнинг ҳажмини, толалар ўртача узунлигига бўлиш орқали аниқланади. Мускулларнинг анатомик кўндаланг кесими см билан, физиологик кўндаланг кесими кг билан ўлчанади. Мускулнинг иш бажариш қувватини юқ қўтариш кучи дейилади. Толалари параллел ҳолда жойлашган мускулларнинг анатомик ва физиологик кўндаланг кесими бир хил

бўлади. Кўп патли мускулларнинг кўндаланг кесимиининг юзаси, узун мускулларнинг кўндаланг юзасидан катта бўлганидан сабабли, уларнинг физиологик кўндаланг кесимини курсаткичи юқори бўлади. Шу боисда, бу мускулнинг қисқариш кучи каттароқ бўлади. 1 см кўндаланг кесимига эга бўлган мускул ўрта ҳисобда 10 кг юк кўтара олиши аниқланган.

б) Мускулларнинг кучи уларнинг суккака бирикиш сатхининг катталигига ҳам боғлиқ. Мускулнинг суккака бирикиш сатҳи қанчалик катта бўлса, мускул шунчалик кучли бўлади. Масалан, дельтасимон ва катта думба мускуллари таҳлил қилинса, дельтасимон мускулда мускул тутамлари учбурчак шаклда ўрнашган бир учбурчак ичида жойлашаган мускул толалари, иккинчисига нисбатан қарама-қарши жойлашади – бир учбурчакнинг учи иккинчи учбурчакнинг асоси билан ёнма-ён жойлашади. Ҳамма учбурчакларнинг асослари ўлчаниб қўшилгандан сўнг, анатомик ва физиологик кўндаланг кесими катта чиқади. Демак, бу мускулда куч белгиси яхши ифодаланган. Дельтасимон мускулнинг пайли учлари ингичка бўлади ва суккака бирикиш сатҳлари кичик юзани эгаллайди. Маълумки, кичик сатҳ орқали суккака бириккан мускулларда чақонлик белгиси намоён этилади. Демак, дельтасимон мускулда куч, ҳамда чақонлик хўсусиятлари яхши ривожланган. Шу сабабли, организмда дельтасимон мускул энг ҳаракатчан мускул бўлиб, энг ҳаракатчан елка бўғимини ҳамма ҳаракатларини бажарилишини таъминлайди. Катта думба мускулида эса, толалари параллел ҳолда жойлашган, думгаза суккака бирикиш сатҳи катта бўлади. Шунинг учун, бу мускулда факат куч сифати яхши ривожланган бўлиб, тананинг тик туриш ҳолатини таъминлаб берувчи асосий кучли мускуллардан бири ҳисобланади.

в) Мускулларнинг кучи мускул толаларининг узунлиги билан боғлиқ. Мускулнинг энг кучли қисқариш қобилияти толалари узунлигининг квадратига тўғри пропорционал бўлади.

2) Мускулнинг кучига физиологик факторлар ўз таъсирини кўрсатади, мускуллар таркибида мотонейронларнинг сони қанчалик кўп бўлса, шунчалик мускулларга тез импульслар етиб келади. Бир вақтда бир қанча мускул толалари қўзғалади, мускул катта юкламали иш бажаришга тайёр бўлади.

3) Механик факторлардан мускулнинг қисқариш кучининг катталиги ва тезлиги унинг сукка бириккан қисмидан таянч нуқтасигача бўлган масофага боғлиқ бўлади. Бу масофа қанчалик катта бўлса, мускулнинг ҳаракат кучи шунчалик катта бўлади. Масофа қанчалик кичик бўлса, ҳаракат тезлиги шунчалик катта бўлади. Демак, мускул кучдан ютканда, у масофа ва тезликдан ютказади ва аксинча – мускул тезлиқдан ва масофадан ютканда, кучдан ютказади. Мускул кучига бўғим бурчагини ўзгариши ҳам ҳисобга олинади. Бўғим бурчаги ўзгариб бориши билан бир вақтда мускул кучининг айланма моменти ўзгариб боради. Бўғим бурчаги қанчалик катта бўлса, мускулнинг қисқариш айланма моменти шунчалик кичик бўлади. Ҳаракат жараёнида бўғим бурчаги киррайиб борган сари, мускулнинг тортишув кучининг елкаси ортиб боради.

10-жадвал

Бўғим бурчаги	180°	140°	100°	80°
Мускул тортишув кучининг елкаси (м.м)	11,5	26,9	43,5	45,5

Спорт амалиётида турли ҳаракатлар бажарилганда, қайси мускул ва қандай даражада ҳаракатда иштирок

этишни аниқлашда электромиография усули қўлланилади. Мусқулларнинг электр активлиги аниқлангандан сўнг электрмиографик карталар тузилади. Куч талаб этувчи ҳаракатлар бажарилганда актив мускуллар гурухларнинг зўриқиши уларнинг турли узунликда бўлишини талаб этади. Куч белгиларини ривожлантириш учун машқлар жараёнини бошлишдан олдин, тайёргарлик даврида жисмоний машқларни чўзилган ва бўшашган ҳолдаги мускулларда олиб борилиши лозим. Шунда куч кўрсаткичларининг ўсиш даражаси юқори бўлади.

Айнан мускулларнинг қисқариши айланма моментининг катталиги шу мускулларни ҳаракатлантирувчи бўғимларнинг ёки тананинг ҳолатига боғлиқ. Куч ишлатиш вақтида бўғимларнинг ёки тананинг шу ҳаракатини амалга ошириш учун номувофиқ ҳолатда бўлиши, куч моментининг самарасиз ёки нотўғри йўналишда ишлатилишига олиб келади ва кўп ҳолларда спортчиларда травмаларга (лат ейишга) сабабчи бўлади. Шу сабабли, спортчилар ҳаракат техникасини аниқ бажаришга ва травмага олиб келувчи критик ҳолатларни чеклаб ўтишга ҳаракат қиласилар.

МУСКУЛЛАР ВА СУЯҚ РИЧАГЛАРИ ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БИОМЕХАНИК АСОСЛАРИ

Одам танасининг ҳаракатлантирувчи тизимлари ишини одатда механиканинг умумий қонуниятлари асосида изҳор қилинади. Биомеханика қонуниятларига биноан таянч-ҳаракат тузилмалари ишлаши ричаглар тизими иши сифатида баҳоланади. Ричаг деганда ўз ўқи атрофида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган, елкаларига эса бир вақтда икки қарама-қарши куч: ҳаракатлантирувчи куч (мускуллар қисқариши) ва қаршилик кучи таъсир этувчи тана

тушунилади. Ҳаракатлантирувчи ва каршилик кучларининг катта-кичиклигига мос равишда ричагда мувозанат ҳолати ёки ҳаракатланиш содир бўлади. Ричагдаги мувозанат ҳолати ёки ҳаракатланишни тўғри англаш учун ричаг елкаси ва кучнинг айланиш моменти тушунчаларига эга бўлиш зарур.

Ричаг елкаси деганда айланиш ўқи нуқтаси (O) дан куч таъсир этаётган нуқта (A ёки B) гача бўлган масофа (OA ёки OB) назарда тутилади (22-расм). Кучнинг елкаси деганда эса айланиш ўқи нуқтасидан куч векторига (ёки унинг давомига) ўтказилиган перпендикуляр билан белгиланувчи энг қиска оралиқ масофа (OB_1 еки OB_2) тушунилади. Ҳар бир мускулнинг ҳаракат бажаришдаги иштироки даражаси бир вақтда унинг қисқариш кучи ва бу куч таъсир этаётган елканинг узунлиги билан, яъни бир атама билан айтганда куч моменти билан белгиланади. Куч моменти (F) деб куч кўрсаткичи ва елка узунлигининг кўпайтмасига айтилади. F_1 куч моменти $f_1 \cdot OA_1$ ёки $f_1 \cdot \sin OA$ кўпайтмаларига, F_2 куч моменти эса $f_2 \cdot OB_1$ ёки $f_2 \cdot \sin OB$ кўпайтмаларига тенг бўлади. Шундай қилиб, ричагда мувозанат ҳолати содир бўлиши учун айланиш ўқининг турили елкаларига таъсир этаётган қарама-қарши йўналишга кучлар моментлари ўзаро кўрсаткичларга эга бўлиши (яъни қарама-қарши йуналишга эга бўлган кучлар моментлари ийғинчиси нолга тенг бўлиши) асосий шартдир. Куч моментларининг тенглиги бузилган ҳолда эса ричаг куч моменти каттароқ бўлган томонга ҳаракатланади. Бўғим ҳосил қилувчи суякларга бириккан мускулларнинг таъсир кучи моментлари доимий катталикка эга бўлмайди: айнан мускулнинг таъсир кучи моменти бўғим ҳосил қилувчи суякларнинг бир-бирига нисбатан ҳолатига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро ҳолатининг ўзгариши билан мускулнинг таъсир кучи моменти ҳам ўзгаради. Букувчи мускуллар қисқариб бориши жараёнида мускул пайининг сукка


бирикиш бурчаги ва у билан бир вақтда елка узунлиги ҳам ортиб бориши оқибатида күч моменти ҳам ортиб боради. Бунинг натижасида мускулнинг күтариш кучи кескин ортади. Куп мускуллар сұякларга бўғимга яқин ерда ва ўткир бурчак остида бирикадилар. Бундай ҳолларда күч елкаси қаршилик елкасидан калта бўлади ва мускулларнинг иш бажариш хусусияти жиҳатидан ютказилиди.

Ҳаракат-таянч тизимида мускулларнинг таъсир елкасини узайтириб берувчи ва шу туфайли уларнинг күч моментини орттириб берувчи тузилмалар мавжуд. Бундай тузилмалар қаторига сесамасимон сұяклар, блоклар, сұяклардаги ўсимталар ва ғадир-будириллеклар, нотекисликлар киради. Бу тузилмалар туфайли мускулларнинг күч моментлари ортади. Демак, мускулларнинг қисқариш кучи нафақат мускул толаларининг сонила, балки күч елкасига ҳам ниҳоятда боғлиқдир.

Ричагларнинг турлари. Ҳаракатлантирувчи (мускул қисқаришининг) ва қаршилик кучларининг айланиш (ҳаракат) ўқига нисбатан жойлашишига қараб ричагларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи турлари тафовут қилинади (Расм №22).

Бирламчи турдаги ричаг икки елкага эга. Ҳаракатлантирувчи ва қаршилик кучлари бир йўналишга эга бўлиб, айланиш ўқи эса улар оралигига жойлашади. Бирламчи турдаги ричаглар мувозанат ричаглари деб аталади. Бунга атлант-энса бирикмаси ва тос-болдир бўғими мисол бўла олади. Бирламчи ричагларнинг айланиш ўқи марказда жойлашган бўлиб, ўқнинг икки томонида эса ричагнинг елкалари жойлашади.

Иккиламчи турдаги ричаглар – бир елкали ричаглар бўлиб, қарама-қарши кучлар бир елкага таъсир этади, аммо улар қарама-қарши йўналишга эга бўлади. Бунда ҳаракат-



22-расм. Суякли ричагларга мускулларни таъсири.

I - мувозанат ричаги, II – куч ричаги, III – тезлик ричаги. А – таянч нуқтаси, Б – куч таъсир этаётган нуқта, В – қаршилик нуқтаси.

лантирувчи кучнинг елкаси узунроқ, қаршилик кучининг елкаси эса қисқароқ бўлади. Бундай ричагларга болдири билан оёқ кафти биримаси кириб, унга таъсир этувчи бир куч юқорига йўналган будса, иккинчи куч пастга йўналган. Ричаг ўқига бўлган босим катталиги икки таъсир қучларининг фарқига тенг бўлади. Иккиламчи турдаги ричагнинг конструктив хусусиятига биноан иш бажариш учун мускулдан катта куч билан қисқариш талаб қилинади. Шунга кўра бундай ричагларни яна куч ричаги деб аталади.

Учламчи турдаги ричаглар ҳам бир елкали бўлсада, иккиламчи ричаглардан фарқли, уларда ҳаракатлантирувчи куч қисқароқ елкага, қаршилик кучи эса узунроқ елкага эга бўлади. Учламчи турдаги ричагларни тезкорлик ричаги деса ҳам бўлади. Масалан, тирсакни букиш ҳаракатини амалга ошириш жараёнида қаршилик кучи таъсир этаётган узунроқ

елка билак суюгининг ўсимтасидаги эгриликка бириккан ҳаракатлантирувчи калта елкали кучга нисбатан каттароқ масофани ўтади. Шундай қилиб, қисқа елкага таъсир этаётган ҳаракатлантирувчи куч (мускул қисқариши) ҳаракат тезлигида ютиб, кучдан эса ютқазади.

Одам ҳаракатларини амалга оширишнинг биомеханик хусусиятлари шундан иборатки, ҳар бир ҳаракат жараёнида максимал даражада энергия тежалиши учун ричагларнинг ишининг ўзаро узлуксиз алмашиниши, ажратилиши ва бирлаштирилиши кузатилади.

Кинематик занжирлар ва эркинлик даражалари.

Юқорида кўриб чиқилган бирламчи, иккиласми ва учламчи турдаги ричаглар тизими ишини фақатгина айрим шартлар бўлгандагина механик тушунчалар асосида таърифлаш мумкин. Очиқ ва ёпик кинематик занжирлар ва эркинлик даражаси бўлиши бундай шартлардан бирини ташкил қиласи. Бўғимлар орқали бириккан тананинг бир қанча звенолари кинематик занжирлар дейилади. Ёпик кинематик занжирда тананинг бирон қисмининг иккала учи турли таянчга бириккан бўлади. Масалан, қовурғаларнинг ҳам олдинги, ҳам орка учларининг бирикиши ёки одамнинг тик ҳолатида оёқнин таянчлари мисол бўла олади. Очиқ кинематик занжирда фақат бир учи маълум бир нуқтага бирикилган бўлади. Масалан, горизонтал ҳолда ёзилган кўлнинг бошлангич нуқтаси қовурғага бириккан, дистал учи эркин ҳолда бўлади.

Ҳаракат бажарилишида ҳаракат аппаратининг бир нечта звенолардан ташкил топган занжири иштирок этади.

Ҳаракат эркинлиги чекланмаган тана ўзаро кўндаланг бўлган уч ўлчамли йўналишда ҳаракатни ошириш имкониятига эга бўлади, лекин ҳаракатларнинг эркинлиги турлича бўлади ва бир даражада намоён бўлиши мумкин.

Уч ўлчамли йўналишдаги ҳаракатлар юқоридан пастга, олдиндан оркага, унгдан чапга ва айланма ҳаракат йўналишларига эга бўлиши мумкин.

Бир занжирнинг иккинчи занжирга ўзаро бирикиш даражаси ортиб бориши билан бир қаторда ҳаракат эркинлиги даражаси чекланиб боради.

Тананинг 2 та бут қисмларининг ҳаракатини шарсимон бўғим мисолида таҳдил қилинганда улар бир нуқтада бирикиши ва ўзаро 5 йўналишда ҳаракат қилиши мумкинлигини кўрамиз, яъни бу бўғимда ҳаракат эркинлиги назарий жиҳатдан 5 та даражага эга хисобланади. Амалда эса бундай бўғимлардаги ҳаракат эркинлиги 3 даражали бўлади. Ҳаракат назарий эркинлик даражасининг амалда чекланишга бўғим атрофидаги капсуласи, боғламлари ва мускуллар сабабчи бўлади.

Уч даражали ҳаракат эркинлиги шарсимон ва ёнгоқсимон бўғимларга хос бўлса (елка бўғими, тос-сон бўғими), 2 даражалиси – элипсоид, бўртикли (тизза ва тирсак) бўғимларига, 1 даражали ҳаракат эркинлиги эса цилиндрсимон ва ғалтаксимон (фалангаларапо) бўғимларга хосдир.

Жисмоний юкламалар таъсирида мускул тизимида адаптация ўзгаришлар

Маълумки, турли жисмоний юкламалар организмда адаптация жараёнини ривожланишига олиб келади. Жисмоний юкламалар организмга ўзининг таъсир этиш кучи билан, ҳажми ва шиддати, қайта-қайта такрорланиши ва тикланиш муддатлари билан таърифланади. Бу ҳолларни хисобга олиш ва назорат этиш зарур, чунки адаптация жараёни турли йўналишда ўтиши мумкин. Оддий ҳаракатлардан тортиб мураккаб юқори мутахассислашган спорт

машқларни асосан таянч-ҳаракат тизими томонидан бажарилади. Организмда жисмоний юкларга энг таъсиран ва лабил (ўзгарувчан) тизимлардан мускул тизими ҳисобланади. Жисмоний машқлар натижасида мускулларни иши интенсивланашади – бундай ҳолатни мускулнинг гиперфункцияси дейилади. Одам организми яхлит бир тизим бўлиб, бир тизимдаги узгаришлар бошқа тизимларда ҳам структур ўзгаришларга олиб келади. Демак морфологик узгаришлар нафақат суяқ-мускул системаларда, балки қон-айланиш, нерв, нафас олиш, эндокрин системаларда кузатилади. Спорт амалиётида спортчиларга тренировка жараёнида динамик ва статик юкламалар берилади. Тренерлар томонидан статик ва динамик юкламалар ҳамкор ҳолда қўлланилади. Агар бу юкламалар алоҳида ҳолда берилса, унда мускул тизимида қўйидаги узгаришлар кузатилади (11-жадвал).

XVIII асрда жисмоний юклар таъсирида мускулларда адаптация жараёни гипертрофия йўли билан ўтиши аниқланган эди. Гипертрофия – бу аъзони ҳажмини ошишга айтилади. Аъзонинг ҳажмини ортиши унинг таркибига кирувчи ҳамма тузилмаларни ҳажмини ошиши ҳисобига ривожланади. Адаптация жараёнининг иккинчи йўли – бу гиперплазия. Гиперплазия – бу аъзони ташкил этувчи тузилмаларнинг миқдорий ортишига айтилади. Гиперплазияда хужайраларнинг митоз ёки амитоз йўли билан бўлиниши орқали, аъзо тузилмаларини миқдори ошади. Илмий адабиётда мускулларнинг адаптация жараёни нафақат гипертрофия, балки гиперплазия йўли билан ҳам ўтади деган тушунчалар юритилади. Профессор Гудзь Н.З. томонидан ўтказилган текширишларга кўра, гиперплазия мускул таркибидаги толалар ичида узунасига кетган ёриқ-ларни пайдо бўлиши билан бошланади. Бу ёриқ бутун тола бўйлаб

**Статик ва динамик юкламалар таъсирида мускул тизимида
морфологик ўзгаришлар**

	Статик юкламалар	Динамик юкламалар
1.	Мускулнинг хажми кескин ҳолда ортади.	Мускулнинг хажми меъёрий ҳолда ортади.
2	Мускулнинг пайли учлари яхши ривожланади ва чўзилади.	Мускулнинг қоринчали қисми чўзилади, пайли учлари қалталашади.
3.	Мускулнинг пайли учларини суккабирикиш сатҳлари катта бўлади.	Мускулнинг пайли учларини суккабирикиш сатҳлари кичик бўлади.
4	Мускулнинг таянч ва трофиқ аппаратлари яхши ривожланади: (эндомизий, перемизий, ядро ва умумий аҳамиятга эга бўлган органеллар)	Мускул толасининг қисқартирувчи аппарати яхши ривожланади (миофибрillалар)
5.	Мускул толаларида саркоплазмаси кўп, миофibrillалари турли йўналишда, тарқоқ ва тартиблиз жойлашган.	Мускул толаларида саркоплазмаси кам, миофibrillалар зич ва паралел ҳолда жойлашган.
6.	Мускул тутамлари орасида сийрак толали биректирувчи тўқима ривожланади.	Мускул тутамлари орасида зич толали биректирувчи тўқима ривожланади.
7.	Мускул таркибидағи нерв охирларининг сатҳ майдонлари кенглига караб ошади. Кон капиллярларни мидори ортади ва нозик тутамли турлар ҳосил бўлади.	Нервларни сони 4-5 марта ортади. Нерв охирлари мускул юзаси бўйлаб чўзилади. Мускул юзаси билан контакт этувчи капиллярлар тур майдонларининг сатҳи кенгаяди. Резерв ва кўшимча капиллярлар ишга тушади.

тарқалиб, мускул толасини иккига бўлади. Янги ҳосил бўлган қиз толалар атрофидан биректирувчи тўқимали парда ҳосил бўлади ва иккита тола бир-биридан ажаралади. Мускул

таркибидаги бир нечта толаларнинг узунасига қараб бўлиниши, толаларнинг умумий сонини ортиб боришита олиб келади. Лекин, толанинг узунасига бўлиниши, ҳужайравий бўлинишнинг тури деб ҳисоблаб бўлмайди. Эслатиб ўтиш лозим, скелет мускулатураси кўндаланг-тартил мускул тўқимасидан тузилган. Тўқима деган атама шартли, чунки скелет мускулатураси симпластик тузилма булиб, ҳужайралардан эмас, толаларидан тузилган. Митоз ёки амитоз бўлинишда битта ядро таркибидаги хромосомалар ёки ДНК ҳолидаги ирсий материал қиз ҳужайраларида тенг тақсимланади. Мускул толанинг таркибида эса сарколемма тагида кўп миқдорда тизим ҳолда ядролар жойлашган. Ҳеч қандай ҳужайравий бўлиниш бундай тузилмада содир бўла олмайди. Лекин скелет мускулатурасида гиперплазия кузатилиди ва бу жараён бошқача йўл билан кетади. Мускул тўқиманинг таркибида ёш, етилмаган миобластлар куртакчалар шаклида учрайди. Ана шу миобластлар такомили ва вояга етилиши натижасида гиперплазия жараёни мускулларда содир бўлади.

Юқори даражали жисмоний юкламалар таъсирида мускуллардаги ўзгаришлар

Оғир жисмоний ишдан сўнг мускулни тикланиши учун етарли дам олиш вақти ажратилиши лозим. Агар спортчини имкониятидан ортиқ даражада машқлар бажарилиши давом этилса, юкламани ҳажми ортиб борилса, спортчида ўзи сезмайдитан микротравмалар пайдо бўлади. Агар микротравмалар ўз вақтида даволанмаса, суюк ва суюк устки пардаларнинг трофикаси бузилади ва бир қанча морфологик ўзгаришлар пайдо бўлади. Максимал, субмаксимал юкламалар таъсирида мускул тизимида дегенератив-деструктив

ўзгаришлар ривожланади ва бу ўзгаришлар мускулнинг хусусиятларини тикланишига салбий таъсир кўрсатади, акс ҳолда, организмда сурункали чарчашиб ёки зуриқиш юзага келади. Н.З. Гудзъ сурункали чарчашиб натижасида мускулларда юзага келадиган морфологик ўзгаришларни икки томонлама бўлишини кўрсатди. Бир томондан мускул толаларини парчаланиш жараёни кузатилади, иккинчи томондан мускул тўқимасида ишчи гипертрофия давом этади (зуриқиш даражасига қараб ўзгаришлар кузатилади). Мион таркибида миофибрillardар саркоплазмада ўз йуналишини йўқотган ва тарқоқ ҳолда жойлашган, баъзи жойларда миофибрillardарни узилиши ёки алоҳида бўлакчаларга бўлинниб кетиши кузатилади, натижада мускул қўндалангтарғиљлик хусусиятини йўқотади. Сарколемма остида жойлашган ядроларни эриб кетиши хам кузатилади. Саркоплазмада вакуоллалар (бўшликлар) пайдо бўлади ва уларни ичига бириктирувчи тўқиманинг элементлари ўсиб кира бошлайди ва мускул ўрнида бириктирувчи тўқима ривожланади. Шундай қилиб, жисмоний юкламалар таъсирида мускул тизимида мураккаб ўзгаришлар келиб чиқади ва бу ўзгаришларнинг негизида ишчи гипертрофия ётади. Ҳар бир спорт тури узининг мутахассислашган юкламалари билан таърифланади ва бу юкламаларни бажарилиши муаяйин мускул турухларининг фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун турли мутахассисли спортчиларда мускул турухлари бир хилда ривожланмайди ва ҳар хил кучни намоён этади.

Ҳар қандай жисмоний машқларнинг бажарилишидан олдин, тананинг аъзолари ва тизимлари шиддатли фаолият бажарилишига тайёргарлик даврини ўтиши лозим. Бу даврнинг асосий моҳияти шундаки, жисмоний машқларни бажаришга бирданига киришганда, турли аъзолар ва тизим-

лар олий фаолият бажарилиш даражасига бир вақтда эмас, балки одинма-кетин, турли вақт оралиқларида киришадилар. Олий даражали жисмоний машқларни бажаришга тайёргарлик даврида тана аъзолари бир вақтда, яъни синхрон равища юқори даражали фаолият күрсатиш учун тайёргарлик кўради. Тайёргарлик давридан сўнг, оддий элементлардан ташкил топган ҳаракатлар бажарилади, сўнг машқлар структураси мураккаблашади, уларнинг бажарилиш темпи, ритми ошади ва организмнинг ҳамма тизимлари максимал равища юқори нагрузжаларни бажаришга, олий даражали фаолият бажаришга тайёргарлигини намоён этади. Тайёргарлик даврида фақат мускулларни «қизиши» содир бўлмасдан, балки қон айланиш, нафас олиш ва бошқа тизимлар фаолияти аста ортиб бориб, улар организмнинг адаптация ёки мослашув даврида эришган жисмоний имкониятларини юқори даражада намоён бўлишини таъминлайди.

ХУСУСИЙ МИОЛОГИЯ

Гавда мускуллари, танани ҳаракатта келтирувчи мускуллар

Гавда мускуллари жойлашишига қараб күкрап қафаси, қорин ва орқа мускулларига бўлинади.


Орқа мускуллари.

Орқа мускуллари икки гурухга: юзада жойлашган ва чуқур мускулларига бўлинади. Юза мускуллар гурухида трапециясимон мускул, орқани кенг ёки сербар мускули, катта ва кичик ромбсимон мускуллар, куракни кўтарувчи мускул, юқори ва пастки орқа тиҳсимон мускуллар жойлашади (23-расм).

Трапециясимон мускул уйбурчак шаклга эга, жуфт, ўнг ва чап томондаги трапециясимон мускуллар бирга трапеция шаклига ўхшайди. Мускулнинг юқори тутамлари юқоридан пастга, ўрта тутамлари пастга, пастки тутамлари эса пастдан юқорига йўналган.

Бу мускул энса суягидан, бўйин ва кўкрап умуртқаларини ўткир ўсимтасидан бошланиб, ўмров суягининг акромиал учига, акромиал ўсимтасига ва кўкрапни қиррасига келиб бирикади. Бу мускуллар умуртқа поғонасининг бўйин қисмини ҳаракатта келтириб, елка камар ва елка бўғимидағи ҳаракатларда иштирок этади.

2. Орқанинг кенг ёки сербар мускули тананинг юзасида пастки қисмида жойлашади. Бу мускул 5 та охирги кўкрап умуртқаларидан ёнбош суягининг қиррасидан бошланиб, елка суягининг кичкина дўнгига бориб бирикади. Бу мускул турли ҳаракатларда иштирок этади. Елка суягини ҳаракатта келтирганлиги сабабли елкани пастга туширади, куракни умуртқа поғонаси томон яқиналаштиради. Кўкрап қафасини



23-расм. Орқа мускуллари:

- 1 - трапецийсизон мускули, 2 - бўйин ва бошни тасма мускули,
- 3 - катта ва кичик ромбсизон мускуллари, 4 - орқанинг пастки тишили мускули, 5 - бел-кукрак фасцияси, 6 - орқанинг сербар мускули.

ҳажмини кенгайишида, гавдани юқорига қўтаришда иштирок этади.

3. Катта ва кичик ромбсимон мускуллар охирги иккита бўйин умуртқаси ва 4 та юқори қўкрак умуртқасининг кўндаланг ўсимталаридан бошланиб куракнингички қиррасига келиб бирикади. Бу мускул куракни ва елка бўғимини ҳаракатларида асосан куракни қўтариш ва олиб келишда иштирок этади.

4. Куракни кутарувчи мускул – бу мускул юқориги бўйин умуртқаларининг кўндаланг ўсимталаридан бошланиб куракнинг юқори бурчагига бирикади. У куракни юқорига қўтариб туришда ва умуртқа погонасининг бўйин қисмини эгиш ва ёзиш ҳаракатларини бажаришда ёрдам беради.

5. Орқанинг юқориги (тишсимон мускули) – бу мускул 2 та пастки буйин ва 2 та юқориги кукрак умуртқасининг ўткир ўсимталаридан бошланиб, иккинчидан 5-чигача юқори қовурғаларга бирикади. Бу мускул 2-5 қовурғаларни юқорига қўтариб, нафас олишда иштирок этади.

6. Орқанинг пастки тишсимон мускули – бу мускул 2 пастки қўкрак ва 2 юқориги бел умуртқаларининг ўткир ўсимталаридан бошланиб, 4 пастки қовурғага бирикади. Мускул қисқарганда қовурғалар пастга тушади.

Орқанинг чуқур мускуллари.

Орқанинг чуқур мускуллари умуртқа погонасининг икки ёнида жойлашиб, қовурғалар бурчакларида, умуртқаларининг ўткир ўсиклари орасида ва суюкли чуқурликлар ичида жойлашади. Чуқур мускуллар асосан гавда ҳаракатларида иштирок этадилар. Умуртқа погонасининг ҳар бир ёнида учта - орка, латерал ва медиал мускулли тутамлар (трактлар) ҳосил бўлади. Бу трактлардаги мускулларга бўйин ва бошнинг тасма мускуллари, умуртка погонасини тикловчи

мускул, кўндаланг-қиррали мускул, киррааро мускуллар, ва буйиннинг орка томонида жойлашган калта мускуллар киради.

1. *Бўйин ва бошнинг тасма мускуллари.* Мускул трапециясимон мускул тагида жойлашган. Бош соҳасида трапециясимон мускул ва тўш-ўмров-сўргичсимон мускуллар орасида жойлашган. Бу мускул икки томонлама қисқарса бош ва бўйинни орқага тортади. Бир томонлама қисқарса бошни ўз томонга айлантиради.

2. Умуртқа поғонасини тикловчи мускуллар.

Умуртқа поғонани ёзишда иштирок этувчи энг кучли мускул – бу гавдани тикловчи ёки ростловчи мускул. Унинг тузилиши ҳам мураккаб. Бу мускул думғазанинг орқа юзасидан ва ёнбош суюгининг ташки киррасидан бошланиб, энсагача давом этади. Мускул З қисмдан: ёнбош-қовурға мускули, орқанинг узун мускули ва қиррали мускулларидан иборат. Қиррали мускул умуртқа поғонасини тиклади; ёнбош-қовурға мускули қовурғаларни пастга томон туширади; орқанинг узун мускули бошни орқага ва ёнга тортади.

3. *Кўндаланг-қиррали мускул* остки умуртқаларнинг кўндаланг ўсиқларидан бошланиб, юқоридаги умуртқаларнинг киррали ўсиқларига бирикади.

4. *Киррааро мускуллар* медиал тракт таркибига кирув-чи мускуллар. Бу мускуллар қиррали ўсиқлар орасида, умуртқа поғонасининг асосан бел қисмида учрайди. Умуртқа поғонасини ёзишда иштирок этади.

Бўйиннинг орка томонида чуқур жойлашган мускулларга бошнинг орка катта тўғри мускули, бошнинг орка кичик тўғри мускули, бошнинг пастки қийшиқ мускули ва қовурғаларни кўтарувчи мускуллар киради. Кўрсатилган бошнинг мускуллари бошни орқага ва ёнга қараб ҳаракатларида иштирок этадилар. Қовурғаларни кўтарувчи мускул-

ларнинг қисқариши натижасида қовурғалар юқорига қўтарилади, умуртқа поғонаси ён томонга букилади.

Кўкрак мускуллари

Кўкракдаги мускуллар бажарадиган функциясига қараб 2 гурӯҳга бўлинади. Биринчи гурӯҳдаги мускуллар юза жойлашиб, елка камарини ва қўлни ҳаракатга келтиради. Буларга кўкракнинг катта мускули, кўкракнинг кичик мускули, ўмров ости мускули ва олдини тишсимон мускуллари киради. Иккинчи гурӯҳга чуқур жойлашаган мускуллар кириб, улар нафас олишда кўкрак қафасини ҳаракатларида иштирок этади. Буларга ташқи ва ички қовурғалараро мускуллари, кўкракнинг кўндаланг мускули киради.

Кўлнинг ҳаракатида иштирок этувчи кўкрак мускуллари.

1. Кўкракнинг катта мускули – катта ясси мускул бўлиб, кўкракнинг олдинги юзасида, тери остида жойлашади, қовурғаларни қоплаб туради ва қўлтиқ ости чукурчасининг олдинги деворини хосил қиласди. Бу мускул ўмров суюгидан, тўш суюгининг олдинги томонидан, қориннинг тўғри мускулнинг қинидан бошлиданади ва елка суюгининг катта дўнтига бирикади. Кўкракнинг катта мускули қисқарганда елкани букади, ичкарига тортади, олиб келади ва нафас олишда иштирок этади.

2. Кўкракнинг кичик мускули – катта кўкрак мускули остида жойлашаган, II-V қовурғалар юзасидан бошланиб, куракнинг тумшуқсимон ўсимтасига бориб бирикади. Бу мускул елка камарини олдинга ва пастга қараб ҳаракатга келтириб туради.

3. Олдинги тишсимон мускул – кўкрак қафасининг ён томонидан жойлашаги бўлиб, юқориги IX қовурғалар юзасидан тишсимон бўлиб бошланади ва куракнинг ички қиррасига ва пастки бурчагига бирикади. Бу мускул куракни олдига ва ташқарига қаратиб ҳаракатга келтиради ва нафас олишда иштирок этади. Олдинги тишсимон мускул айниқса боксчиларда, қиличбозларда яхши ривожланган.

4. Ўмров ости суяги – яхши ривожланган кичик мускул ўмров суяги билан I қовурға орасида жойлашган (24-расм).

Кўкракнинг хусусий мускуллари:


1. Ташқи қовурғаларо мускуллари – бу мускулнинг толалари юқорида жойлашган қовурғанинг пастки қиррасидан бошланиб, пастда жойлашган қовурғанинг юқори қиррасига бирикади. Мускул қисқарганда қовурғалар кўтарилади ва нафас олинади.

2. Ички қовурғаларо мускуллар – толалари аксинча, пастдан юқорига ва олдинга йўналган бўлади. Бу мускуллар тўш суягидан қовурға бурчагига жойлашган. Нафас чиқаришда иштирок этади.

3. Қовурға ости мускуллари – пастки қовурғаларнинг умуртқага қараган учлари ички томонига жойлашган. Қовурға ости мускулининг бошланиши ва толаларнинг йўналиши ички қовурғааро мускулига ўхшайди.

4. Кўкракнинг кўндаланг мускули – III-VI қовурғалар тогай қисмларининг орқа томонида жойлашган ва жуда заиф ривожланган.

Бу мускуллар ички қовурғааро мускулларга нисбатан синергист ҳисобланади ва улар нафас олишда иштирок этадилар.



24 расм. Корин ва қўқракнинг юза мускуллари:

1 - қўқракнинг катта мускули, 2 - қўлтиқ чуқурчаси, 3 - орқанинг сербар мускули, 4 - олдинги тишили мускули, 5 - қориннинг ташқи қийшиқ мускули, 6 - қориннинг ташқи қийшиқ мускулининг апоневрози, 7 - ички чуқур ҳалқаси, 8 - қориннинг оқ чизиги, 9 - чов чурраси, 10 - ташқи тешик ҳалқаси, 11 - ургу тизимчаси.

Қорин мускуллари ва фасциялари.

Қорин мускуллари қорин бўшлигини олдинги, ён ва орқа деворларини ҳосил қиласди. Чап ва ўнг томонда жойлашган мускуллар орасида тананинг ўрта чизиги бўйлаб қориннинг оқ чизиги ифодаланади. Оқ чизик тўш суюгининг ханжарсимон ўсимтасидан бошланиб, қов суюкларининг симфизигача давом этади. Оқ чизик бу қорин прессини ташкил этувчи мускулларни кенг пайли учларини ёки апоневрозларини туташиб кетган чегараси ҳисобланади.

1. Қориннинг тўғри мускули – узун лентасимон мускул бўлиб, қоринни олд деворини ташкил этади, оқ чизиқقا нисбатан ўнг ва чап пайли қин жойлашган. Бу мускул тўш суюгининг ханжарсимон ўсимтасидан, 5-7 қовурғаларнинг тоғай қисмидан бошланиб, қов суюгининг юқори четига бирикади. У бир нечта пайли тортмалар билан 4-5 сегментларга ажralган. Тери остида бу мускул сегментлари аниқ ифодаланади, айниқса штангчиларда ва курашчиларда. Қориннинг тўғри мускули қискарганда гавда букилади – энг кучли букувчи мускул ҳисобланади. Қорин пресси ҳосил бўлишда ва қисман нафас чиқариш пайтида. Кўкрак қафасининг ҳаракатларида ҳам иштирок этади.

2. Қориннинг ташқи қийшиқ мускули – юпка, ясси, кент мускул бўлиб, пастки З-қовурғалардан бошланади. Мускулнинг толалари олдинга ва пастта қараб йўналади. Олдинга йўналган толалари қоринни ўртасида апоневроз ҳосил қиласди. Пастта йўналган толалари ёнбош суюгининг ташқи қиррасига бирикади ва пастта чот каналини ҳосил қиласди. Бу мускул умуртка поғонасини букишда ва қарши томонга бурилишда иштирок этади.

3. Қориннинг ички қийшиқ мускули – ташқи қийшиқ мускул тагида бўлиб, толалари пастдан юқорига ва олдинга йўналган. Юқорига йўналаган толалари ёнбош суюгининг ўрта

қиррасидан бошланиб, пастки қовурғаларга бирикади. Оддинга йўналаган толалари апоневроз ҳосил қилиб, тўғри мускулнинг тагидан ўтиб, қарши томондаги шу мускул апонерозига бирикади. Бу мускул қискарганда умуртқа поғонасини букишда ва танани буришда иштирок этади.


4. Қориннинг кўндаланг мускули – энг ичкиси бўлиб, толалари кўндаланг йуналган. У бел-орқа фасциясидан, ёнбош суюгининг ички юзаларидан чот каналидан бошланиб, оддинга апоневрозга айланади ва кориннинг оқ чизигини ҳосил бўлишида иштирок этади. Бу мускул нафас чиқаришда ва қорин бўшлигида маълум босим ҳосил қилишда иштирок этади.

5. Белнинг квадрат мускули – қориннинг орқа деворини ташкил этади. У умуртқа поғонаси бел қисмининг икки томони бўйлаб жойлашади ва 4 та пастки бел умуртқалари нинг кўндаланг ўсимталаридац, ёнбош суюгининг қиррасидан ва ёнбош-бел бойлагичдан умуртқасига бирикади. Квадрат мускули ўн иккинчи қовурғага, 12-кўкрак умуртқасига бирикади. Бу мускул қискарганда умуртқа поғонасининг бел қисми ён томонга букилади.

Қоринда бир нечта фасциялар фарқланади. Буларга тери ости фасцияси, қориннинг хусусий фасцияси, кўндалант фасциялари киради. Ҳар битта фасция бир нечта варақларга ажralиб кетади. Фасция варақлари қорин прессини ташкил этувчи мускулларни ғилоф каби ўраб туради (25-расм).

Гавда ҳаракатлари.

Тана ёзиш, букиш, тик ук атрофида икки ёнга бурилиш ҳаракати ва айланма ҳаракатларини бажариши мумкин. Танада букиш ҳаракатини кориннинг тутри мускули, ташки кийшик мускули, ички кийшик мускули, катта ва кичик ёнбош - бел мускуллари бажаради.



25-расм. Диафрагма ва кориннинг орка деворидаги мускуллари.

~~25-расм. Диафрагма ва кориннинг орка деворидаги мускуллари.~~

1 - пайли марқаз, 2 - остки кавак венанинг тешиги, 3 - қизил ўнгачнинг тешиги, 4 - ички ёйсимон бойлам, 5 - аортта тешиги, 6 - диафрагманинг чап оёқлари, 7 - белнинг квадрат мускули, 8 - белнинг кичик мускули, 9 - белнинг катта мускули, 10 - ёнбош мускули, 11 - ёнбош фасцияси, 12 - ёнилувчи мускул, 13 - ёнбош-бел мускули, 14 - диафрагманинг ўнг оёқлари, 15 - ён ёйсимон бойлам.

Тананинг икки томонга бурилиш ҳаракати умуртқа поғонасининг бир томонидаги буқувчи ва ёзувчи мускулларнинг бир зумда қисқариши натижасида вужудга келади. Буларга белни квадрат мускули, қовурғалараро мускуллар, пастки орқа тиҳсимон мускуллар киради.

Нафас олишда иштирок этувчи мускуллар.

Нафас олиш мускуллари иккига: нафас олиш ва нафас чиқариш мускулларига бўлинади. Бундан ташқари бу мускулларни учта гурухга бўлиши мумкин: а) нафас олишда иштирок этувчи асосий мускуллар, б) нафас олишда иштирок этувчи қўшимча мускуллари, в) нафас олишда иштирок этувчи воситали мускуллар.

1. Нафас олишда иштирок этувчи асосий мускулларга қуйидаги мускуллар киради:

Диафрагма

Ички ва ташки қовурғалараро мускуллар

Қовурғани кўтарувчи мускул

Орқанинг юқори тиҳсимон мускули

Орқанинг пастки тиҳсимон мускули

Белнинг квадрат мускули

Ёнбош қовурға мускули

2. Нафас олишда иштирок этувчи қўшимча мускуллари:

Нарvonсимон мускуллар, яъни олдинги ўрта ва орқа нарвонсимон мускуллар

Тўш-ўмров – сўргичсимон мускули

Кўкракнинг кичик мускули

Ўмров устки мускули

Кўкракнинг катта мускули

Олдинги тиҳсимон мускулнинг пастки толалари

3. Кўкрак қафасини кенгайтиришида иштирок этувчи воситали мускуллар:

Трапециясимон мускулнинг юқори қисми

Ромбсимон мускул

Куракни кўтарувчи мускул

Тўш-ўмров сўрғичсимон мускули.

Юқорида кўрсатилган мускуллар сонидан кўриниб турибдики, нафас олиш мураккаб жараён бўлиб, унда турли мускуллар иштирок этади.

Нафас олишда иштирок этувчи асосий мускуллардан диафрагма ҳисобланади, чунки у нафақат нафас олишда, нафас чиқаришда ҳам иштирок этади. **Диафрагма** – кўндаланг-тарғил мускул тўқимадан тузилган юпқа мускул. У гумбазсимон шаклда бўлиб, кўкрак кафасини қорин бўшлигидан ажратиб туради. Диафрагмани марказий ва энг юқори қисми – пайли марказ дейилади. Атрофдаги периферик қисми эса мускул тўқимасидан иборат бўлиб, мускулли қисми дейилади. Диафрагмада 3 қисм – тўш, қовурға ва бел қисмлари фарқланади. Тўш қисми тўш суюгининг ханжарсимон ўсимтасидан бошланади. Қовурға қисми 6 та пастки қовурғаларнинг тоғайларидан ва ёйсимон пайлардан бошланади. Бу қисмда ўнг ва чап оёқчалари фарқланади. Ўнг оёқча ёйсимон пайлардан бошланади, чап оёқча эса охирги кўкрак умуртқасидан ва 4 та юқори бел умуртқаларидан бошланади. Чап ва ўнг томондаги оёқчалар ўртасида тешиклар бор. Бу тешиклардан қизилўнгач, адашган нерв, аорта, кўкрак лимфа оқими ўтади. Пайли марказнинг ўнг қисмидан тешик бўлиб, ундан пастки ковак вена ўтади. Диафрагмани асосий вазифаси – нафас олиш процессида иштирок этиш. Диафрагманинг мускул қисми қисқарганлиги сабабли ҳаракатлар вужудга келади. Пайли марказий қисми эса мускулли қисм қисқаргандан сўнг пассив ҳолда ҳаракатларни такрорлайди. Мускул толалар қисқарганда диафрагма пастга тушади, натижада кўкрак қафаси кенгаяди ва ўпкага

ҳаво тўлиши тезлашади. Бунда лимфа оқимини юрак томон ҳаракати тезлашади.

Мускул толалар бўшашибганда диафрагма юқорига, кўкрак қафаси томон кўтарилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, диафрагмани пастга тушиши актив ҳолда ўтади, юқорига кўтарилиш эса пассив ҳолда рўй беради ва бу процесс қорин бўшлиғи билан кўкрак қафаси босимлари орсидаги фарқи ҳисобига содир бўлади. Турий жисмоний ҳаракатлар ва ҳолатларда, масалан, гимнастик қўприк ёки тик туриш ҳолатларида диафрагмани иши мураккаблашади ва нафас олиш процесслари анча қийинлашади.

Диафрагма спорт билан шуғулланган одамларда яхши ривожланган. Ҳаракатчанлиги спорт билан шуғулланганда (6-8 см), шуғулланмаганларда (3-4 см). Диафрагмани жойлашиши ёшга, нафас олиш, экскурсияга ва тананинг ҳолатига боғлиқ. Ёш болаларда диафрагма катталарга нисбатан баланд жойлашади. Танани тик ҳолатига нисбатан горизонтал ҳолатида диафрагма баланд жойлашади. Ёши катта одамларда диафрагма пастроқ жойлашади. Қовурғааро мускуллар икки қават бўлиб жойлашган.

Ташқи қовурғалараро мускулларнинг толалари юқоридан пастроққа ва олдинга йўналган бўлиб, бу мускуллар умуртқа поғонасидан қовурға тоғайигача жойлашган. Улар қисқарганда қовурғалар кўтарилиб, нафас олиш вужудга келади.

Ички қовурғалараро мускулларнинг толалари паст-дан юқорига ва олдинга кўндаланг бўлади. Бу мускуллар тўш суягидан қовурғалараро пастга тортиб, нафас чиқариш ҳаракати вужудга келади.

Нафас чиқаришида иштирок этувчи мускуллар:

қорин мускуллари – диафрагмани антогонистлари,
ички ва ташқи қовурғалараро мускуллар,

кўқракнинг қундаланг мускули,
орқанинг юқори тиҳсисимон мускули,
белнинг квадрат мускули,
ёнбош-қовурға мускули.

БОШ ВА БЎЙИН МУСКУЛЛАРИ

Бош мускуллар 2 гурухга бўлинади: чайнов мускуллари ва мимик мускуллар.

Чайнов мускуллари.

Чайнов мускуллари 4 жуфт бўлиб, чакка – пастки жағ бўғимининг ҳаракатларида иштирок этади (27-расм).

1. Чайнов мускули – тўртбурчак шаклда, ёноқ суюги-нинг пастки четидан бошланиб, пастки жағ суюгининг тармоғига бирикади. Мускул қалин бўлиб, юза, оралиқ ва чуқур қатламлардан иборат. Юза қатлами ёноқ ёйининг пастки четидан бошланиб, пастки жағнинг чайнов ғадир-будирлигига бирикади. Бу қатлам юзнинг шаклини ифодалайди. Чайнов мускулларининг вазифаси пастки жағни олдинга қараб чиқаришдан иборат.

2. Чакка мускули елтиғиҳсимон шаклда бўлиб, тангасимон палласидан бошланади ва жағ суюгининг тожсимон ўсиғига бирикади. Вазифаси – пастки жағни юқорига қўтаради, мускулнинг орка тутамлари, жағни орқага тортади, тишлаш ҳаракатларида иштирок этади.

3. Медиал қанотсимон мускул понасимон суюгининг медиал қанотсимон ўсимтасидан бошланиб, пастки жағ суюги бурчагининг ички сатҳига ёпишади. Вазифаси – чап ва ўнг мускуллар икки томонлама қисқарганда пастки жағни юқорига қўтаради, бир томонлама қисқарганда пастки жағни қарама-қарши томонга суради.

4. Латерал қанотсимон мускул понасимон суюгининг латерал қанотсимон ўсимтасидан бошланиб, пастки жағ суяги бўғим ўсиғининг бўйинчасига, чакка – пастки жағ бўғимининг капсуласига бирикади. Вазифаси – мускул бир томонлама қисқарганда пастки жағ карама-карши томонга силжийди, икки томонлама қисқарганда пастки жағ олд томонга ҳаракатланади.

Мимика мускуллари.

Мимика мускуллари бош мимика мускуллари ва юз мимика мускулларига бўлинади (26-рasm). Бошининг мимика мускулларига киради:


Энса-пешона мускули – икки қоринчали мускул бўлиб, орқада жойлашган энса қоринчаси чакка суюгининг сўргичсимон ўсимтанинг асосидан, бўйиннинг юқориги чизифидан бошланади. Пешона қоринчаси пешона соҳасида жойлашиб, фиброзли пластинкадан бошланиб, қош терисига бирикади. Иккита қоринча бир-бири билан фиброзли пластинка орқали туташади. Энса-пешона мускули терига зич ёпишган, суяқ усти пардасига буш бириккан бўлади. Вазифаси – қошни юкорига кўтаради, пешонада кўндаланг бурмаларни ҳосил қиласди.

Қулоқ супраси атрофига жойлашган мускуллар – одамдаrudimentar ҳолда билинар-билинмас ривожланган бўлиб, қисқариш деярли сезилмайди. Агар бу мускуллар яхши ривожланган ва қисқариш қобилияти сақланган бўлса, бундай одамлар қулоқ супрасини қимиirlата олади.

Бошининг юз қисмидаги мимика мускуллари.

Юзнинг мимика мускуллари скелет мускулларидан қуийидаги белгилари билан фарқланади:

Бу мускуллар суяклардан бошланиб, иккинчи учи билан терига бирикади ёки теридан бошланиб, терига бирикади.




26-расм. Бош ва буйиннинг мускуллари.

1 – бошининг пайли апоневрози, 2 – бошининг энса-пешона мускули, 3 – кўзнинг айланы мускули, 4 – юқори лабдинг кўттарувчи мускули, 5 – оғиз бурчагини кўттарувчи мускули, 6 – оғизнинг айланы мускули, 7 – ёноқнинг катта мускули, 8 – пастки лабдинг пастка тортувчи мускул, 9 – оғиз бурча-гини пастга тортувчи мускул, 10 – қўлги мускули, 11 – бўйиннинг тери ости мускули, 12 – тўши-ўмров-сўргичсимон мускули, 13 – трапециясимон мускул, 14 – қўлоқ супрасининг орқа томондаги мускули, 15 – энса-пешона мускулининг орқа қисми, 16 – қўлоқ супраси атрофида жойлашган юқори томондан ётишган мускул.

Мимика мускулларининг кўпчилиги юздаги табиий тешиклар атрофида жойлашиб, икки гурухга бўлинади:

А) торайтирувчи мускуллар – тешик атрофида айланада жойлашиб, тешикни торайишини таъминлайди.

Б) бўшаштирувчи мускуллар тешикка нисбатан радиалада жойлашиб, тешикни кенгайишини таъминлайди.



27-расм. Чайнов мускуллари. Ўнг томондан кўриниши.

- А. 1 – чакка мускули, 2 – пастки жағнинг тоҳжимон ўсимтаси,
3 – чайнов мускули, 4 – латерал қанотсимон мускул.
Б. 1 – ёноқ ёйи (кесиб ташланган), 2 – медиал қанотсимон мускул,
3 – пастки жағнинг бурчаги, 4 – пастки жағнинг шоҳи,
5 – латерал қанотсимон мускул.

В) одамни юзини мимикасини ифодалайди, чайнашда ва нутқда иштирок этадилар.

Кўз атрофида жойлашган мускуллар.

Кўзнинг айланаси мускули – юпқа, мускул толалари циркуляр ҳолда жойлашган бўлиб, 3 қисмдан иборат:

А) кўз қисми – пешона суягининг бурун қисмидан, юқори жағнинг пешона ўсимтасидан бошланади ва қошнинг терисига бирикади.

Б) қовоқ қисми – кўз қисмининг давоми бўлиб, юқориги ва пастки қовоқларнинг терисига бориб бирикади.

В) кўз ёш қисми кўз ёш суягининг гадир-будирагидан бошланиб, кўзнинг медиал бурчагига, толалари қовоқларнинг мускулларига кириб, бирикади. Вазифаси – кўзнинг

айлана мускули кўзни юмади, пешона соҳасидаги кўндаланг бўғимларни текислайди.

Қошни чимирувчи мускул – бу мускул икки қошнинг ўртасида жойлашган бўлиб, қисқарган пайтда қошларни бир-бирига яқинлаштиради, натижада қошлар орасида тикка кетган ажин ҳосил бўлади.

Қошни пастга туширувчи мускул – доимий эмас, энса-пешона мускулнинг пешона қоринчасидан бошланиб, нозик ингичка тутамлари бурун танасига бирикади.

Такаббурлар мускули – пешона сүятининг бурун қисмидан бошланиб, қаншар терисига бирикади. Вазифаси – қаншар терисини пастга тортади.

Бурун тешикларини атрофига жойлашган мускуллар.

Бурун мускули – юқори жағ сүятининг латерал курак тишининг альвеоляр ўсигидан бошланиб, бурун қанотларига ёпишади. Вазифаси – бурун қанотларини яқинлаштиради, тешикларни эса торайтиради.

Бурун тўсигини пастга туширувчи мускул – юқори жағдан бошланиб, бурун тўсигини ҳосил қидувчи тогайнинг олдинги четига бирикади. Вазифаси – бурун тўсигини пастга тортади.

Оғиз бўшлигини кенгайтирувчи мускуллар.

Бажарадиган иши жиҳатдан оғиз бўшлигини кенгайтирувчи мускуллар 4 гурӯхга бўлинади:

1. Юқори лабни ва оғизни бурчагини юқорига кўтарувчи мускуллар.

2. Пастки лабни ва оғиз бурчагини пастта тортувчи мускуллар.

3. Оғиз бурчагини медиал томонга тортувчи мускуллар.

4. Оғиз бурчагини латерал томонга тортувчи мускуллар.

Биринчи гурӯҳ мускулларига киради:

А) юқори лабни күтарувчи мускул – ёноқ суягидан, юқори жағ суюгининг пешона ўсифидан, қўз косасининг пастки қирғоғидан бошланиб, бурун қанотларига, лаб ва лунж терисига бирикади.

Б) бурун қанотини күтарувчи мускул – юқори жағнинг пешона ўсимтасидан бошланиб, бурун қанотларининг терисига бирикади.

Иккинчи гуруҳ мускулларига киради:

Оғиз бурчагини пастга тортувчи мускул, пастки лабни пастга тортувчи мускул киради.

А) оғиз бурчагини пастга тортувчи мускул пастки жағ суюгининг пастки қирғоғидан бошланиб, оғиз бурчагининг паст томонига ёпишади.

Б) пастки лабни пастга тортувчи мускул пастки жағнинг қирғоғидан бошланиб, пастки лаб терисига ёпишади.

Учинчи гуруҳ мускулларига киради:

А) курак мускуллари – жуфт бўлиб, юқориги ва пастки жағларда жойлашган. Юқориги курак мускуллар юқориги жағнинг курак ва қозиқ тинцларининг альвеоляр каттакчалидан, пастки курак мускуллари эса пастки жағдан бошланиб, оғизнинг бурчак соҳасидаги терига бирикади.

Вазифаси – оғиз бурчагини пастга ва ичкарига тортади.

Тўртинчи гуруҳ мускулларига киради:

А) ёноқнинг камта ва кичик мускуллари – ёноқ суягидан, чакка суюгининг ёноқ ўсифидан бошланиб, оғиз бурчагининг терисига, лунжнинг шиллиқ қаватига киради.

Вазифаси – оғиз бурчагини юқорига ва латерал – ён томонига тортади. Бу мускул кулги мускули деб номланади.

Б) кулги мускули доимий эмас, кўндаланг жойлашган мускул тутамларидан ташкил топган. Жағ ости безининг фасциясидан, бурун-лаб бурмасидан бошланиб, оғиз бурчагининг терисига бирикади.

Вазифаси – кулганда оғизни ён томонга тортади ва юзда чуқурчани ҳосил қиласи.

В) лунж мускули юпқа ясси бўлиб, оғиз олди бўшлиғининг ён деворини ҳосил қиласи. Пастки ва юқориги жагнинг озиқ тишларининг ўсимталаидан бошланниб, оғиз бурчагининг шиллиқ пардасига бирикади.

Вазифаси – оғизни ён томонга тортади, икки томонлама қисқарганда, лунжларни тишларга ва милкларга тақайди.

Кўрсатилган мускуллардан ташқари оғизни юмишни оғизнинг айланна мускули таъминлайди.

Оғизнинг айланна мускули юқори ва пастки лаблар четидан бошланниб, оғиз тешигининг атрофида, ҳалقا шаклида жойлашган.

Бўйин мускуллари.

Бўйин мускуллари 3 гурухга бўлинади:

1. Юза мускуллар.
2. Тилости суюги соҳасидаги мускуллар.
 - а) тил ости суюгидан юқори жойлашган мускуллар.
 - б) тилости суюгидан пастда жойлашган мускуллар.
3. Чуқур мускуллар: А) қовургаларга бирикувчи ён томондаги мускуллар. Б) умуртқа погонаси олд томондаги мускуллар.

Бўйиннинг юза мускуллари.


Бўйиннинг тери ости мускул – тери остида, юпқа кенг пластиинка шаклида, бўйиннинг олд ва ён томонларини қоплади. Бу мускул кўкракнинг катта мускули ва дельтасимон мускулларнинг фасцияларидан, 2-нчи қовурға соҳасидан бошланниб, пастки жағнинг қирғонига бирикади.

Вазифаси – бўйин терисини олд ва томонга, оғиз бурчагини пастга тортади.

Тўш-ўмров сўргичсимон мускул. Икки бошча билан бошланади – тўш суюгининг дастасидан ва ўмров суюгининг

түш учидан бошланиб, мускул толалари юқорига күтарилади ва чакка суюгининг сўрғичисмон ўсимтасига бирикади.

Вазифаси – мускул икки томонлама қисқарганда бош орқага ташланади, бир томонлама қисқарганда бош қарама-қарши томон, ён томон букилади, чапга ёки ўнта бурилади. Қимиirlамай турган бошда, түш-ўмров сўрғичисмон мускул қисқарганда, кўкрак қафаси олд томонга күтарилади 28-расм).



28-расм. Бўйин мускуллари. Ён томондан кўриниши.

1 – тўши-ўмров сўрғичисмон мускули, 2 – жаг-тилости мускули, 3 – икки қоринли мускулнинг олдинги қоринчаси, 4 – тил ости суюги, 5 – тўши-тил ости мускули, 6 – кўрак-тил ости мускули, 7 – олдинги ва ўртадаги нарвон мускуллари, 8 – трапециясимон мускул, 9 – икки коринли мускулнинг орқа қоринчаси.

Бўйиннинг ўрта гуруҳ мускуллари

Бўйиннинг ўрта гуруҳ мускуллари тил ости суягида бирикади. Суякка бирикиш соҳасига қараб 2 гурухга бўлинади:

1. Тил ости суягидан юқорида жойлашган мускуллар.
2. Тил ости суягидан пастда жойлашган мускуллар.

Биринчи гуруҳ мускулларига киради:

Жағ-тил ости мускули – жуфт бўлиб, пастки жағ билан тил ости суяк оралигига жойлашиб, оғиз диафрагмасини ҳосил бўлишида иштирок этади.

Икки қоринли мускул олдинти ва орқа қоринчалари орасида пайли ҳалқа бўлиб, шу қисм фиброз пластинка ёрдамида тил ости суягида бирикади.

Бигизсимон ўсиқ билан тил ости суяги орасидаги мускул бигизсимон ўсиқнинг олд юзасидан бошланиб, тил ости суягининг танасига бирикади.

Энгак-тилости мускули – энгак ости қиррасидан бошланиб, тил ости суягининг танасига бирикади.

Вазифаси – тилости суягидан юқорида жойлашган мускуллар асосан оғиз диафрагмасини ҳосил қиласди. Пастки жагни пастга тортишда, тил ости суякни юқорига кўтаришда иштирок этади.

II. Тил ости суягидан пастда жойлашган мускуллар.


Тўш-тил ости мускули – тўш-ўмров бўғимининг капсуласидан бошланиб, тил ости суягининг пастки қиррасига ёпишади.

Курак тил ости мускули – узун, икки қоринчали мускул бўлиб, қоринчалар бир-бири пай орқали ажралган. Курак тил ости мускули куракнинг юқори қиррасидан бошланиб, тил ости суягида бирикади. Вазифаси – тил ости суякни пастга тортади.

Тўш-қалқонсимон мусқули – биринчи қовурға тогайидан, тўш суюгининг дастасидан бошланиб, қалқонсимон тогайнинг пластинкасига бирикади. Вазифаси – қалқонсимон тогайни пластинкасини пастга тортади.

Қалқонсимон-тилости мусқули – қалқонсимон тогайнинг пластинкасидан бошланиб, тил ости суюгининг танасига ва катта шохига бирикади. Вазифаси – тил ости суюги қимирамагандা, тил ости суюгини юқорига тортади.

Бўйиннинг урта гуруҳ мускуларининг номлари уларнинг бошланиш ва бирикиш жойларини кўрсатади (29-расм).



29-расм. Бўйин мускуллари. Олд томондан кўриниши.

- 1 – икки қоринли мускулнинг олдинги қоринчаси, 2 – жағ-тил ости мусқули, 3 – тўш-ўмров сўргичсимон мусқули, 4 – тўш-тил ости мусқули,
- 5 – тўш-қалқонсимон мусқул, 6 – курак-тил ости мусқули, 7 – нарвон мускуллари, 8 – тилости суюги, 9 – икки қоринли мусқул (орқа қоринчаси),
- 10 – бигизсимон ўсик билан тил ости суюги орасидаги мусқул.

Бўйиннинг чуқур мускуллари

Бўйиннинг чуқур мускуллари умуртқа поғона устида, бўйинни ички аъзоларининг орқасида жойлашган ва 2 гурухга бўлинади. Латерал гурухни олдинги, урта ва орқа нарвон мускуллари ташкил этади. Медиал гурухни бошнинг узун мускули, бошнинг олдинги томондаги тўғри мускули, бошнинг ён томондаги тўғри мускули ташкил этади.

Бўйиннинг латерал гуруҳ мускуллари.

Олдинги нарвон мускули – 3-4 бўйин умуртқаларининг кўндаланг ўсиқларидан бошланиб, 1 қовурғагача бирикади.

Ўртадаги нарвон мускул – пастки олтига бўйин умуртқаларининг кўндаланг ўсиқларидан бошланиб 1-қовурға юзасига бирикади.

Вазифаси – кўкрак қафаси қимирламай турганда, нарвон мускуллари икки томонлама қисқарганда бўйинни олд томонга букади. Бир томонлама қисқарганда бўйин умуртқаларни ён томонга қараб букади.

Бўйиннинг медиал гуруҳ мускуллари.

Бўйиннинг узун мускули – бу мускул умуртқа поғонасининг олдинги юзасини қоплади. 3-7 бўйин умуртқалари, 1-3 кўкрак умуртқалари кўндаланг ўсиқларидан бошланиб, юқориги битта бўйин умуртқаларнинг таналарига, кўндаланг ўсиқларига бирикади. Вазифаси – умуртқа поғонаси бўйин бўлимини олд томонга қараб букади.

Бошнинг узун мускули – III-VI бўйин умуртқалари кўндаланг ўсимталаридан бошланиб, энса суюги асосий қисминин пастки юзасига бирикади. Вазифаси – бошни олд томонга букади ва буради.

Бошнинг олдинги томондаги тўғри мускули – атлантического латерал қисмларининг олдинги юзасидан бошланиб, энса суюги асосий қисмининг пастки юзасига бирикади.

Бошнинг ён томондаги түгри мускули – бу мускул калта бўлиб, атлантнинг кўндаланг ўсиқларидан бошланади ва энса суягининг бўйинтуруқ ўсигига бирикади. Вазифаси – бошни ўз томонига айлантиради.

Бош ва бўйин фасциялари.

Бош фасциялари ҳар хил тузилишга эга бўлиб, мимика мускулларини футляр каби ўраб турган юпқа яssi пластин-калар ҳолида бўлса, чакка мускулда эса қалин ва зич апоневрозни ҳосил қиласди. Калла скелетини том қисми пайли «сухожильний шлем» ҳосил қиласди. Олд ва орқа бўлимларда пайли шлем тармоқланиб пешона ва энса мускуллари учун фасциал футлярни ҳосил қиласди. Юзда юза ва хусусий фасциялар тафовут этилади.

Юз фасцияси тери ости ёғ клетчаткасини сатҳини қоплайди ва қўзнинг айлана мускули ва ёноқ мускуллари учун юпқа футлярлар ҳосил қиласди.

Хусусий фасция иккита вараждан ҳосил бўлган.

А) юза вараги – чайнов мускули учун юпқа бирикти-рувчи тўқимадан тузилган фиброз пардали қинни ҳосил қиласди ва бу парда ёноқ равогининг ички юзасида тугайди.

Б) чуқур вараги – понасимон сукнинг қанотсимон ўсимталаридан ўтиб, лунж-ҳалқум фасциясини ҳосил қиласди ва лунж мускули билан ҳалқумни қоплайди.

Бўйинда 5 фасциал вараклар тафовут этилади.

Бўйиннинг юза фасцияси – тананинг умумий фасциясининг бир қисми бўлиб, бўйиннинг кенг тери ости мускули учун фасциал қинни ҳосил қиласди.

Бўйиннинг хусусий фасцияси – футляр каби бутун бўйинни ўраб, бўйин умуртқалари кўндаланг ўсиқлари соҳасида 2 та тўсиқни ҳосил қиласди ва тилости жағ бези учун фасциал қинни ҳосил қиласди.

Бўйин хусусий фасциянинг чуқур варағи – тил ости суяги билан тўш ва ўмров суюклари орасида бўлиб, тўш-ўмров сўрғичсимон мускул остидан ўтади. Хусусий фасция ва хусусий фасциянинг чуқур варағи бўйинни ўргасида туташиб, бўйиннинг оқ чизифини ҳосил қиласиди. Бундан ташқари иккинчи ва учинчи фасциялар орасида фасциал ёриқ ҳосил бўлади. Уни таркибида ёғ клетчатка ва веналар ўтади. Шу соҳани жароҳатланиши ҳаво эмболиясига олиб келиши мумкин.

Бўйин ички фасцияси – бу фасция париетал ва висцерал варақлардан иборат. Париетал ёки девор олди варақ тил ости сугидан пастда жойлашган мускулларни ва бўйиннинг чуқур мускулларини ўраб олган. Висцерал ёки ички варақ бўйинда жойлашган ҳар бир аъзони алоҳида ўраб чиқиб, фасциал қинни ҳосил қиласиди. Иккита варақ орасида фасциал бўшлиқлар ҳосил бўлади. Бу бўшлиқлар кўкрак қафаси билан туташади.

Умуртқа погонаси олдида ётадиган фасция – бўйин умуртқалари кўндаланг ўсикларига бирикиб, бўйиннинг медиал гурух мускуллари учун фасциал қин ҳосил қиласиди. Бўйиннинг латерал гурух мускуллари нарвон мускуллари ва куракни кўтарувчи мускули учун қин ҳосил бўлади.

Бўйин топографияси.

Энгак остидан бўйинтуруқ ўймасигача ўтган ўрта чизиқ бўйинни чаг' ва ўнг қисмларга ажратади. Ҳар бир қисм таркибида латерал ва медиал учбурчаклилар фарқланади. Бўйинни латерал учбурчаги орқадан ва пастдан ўмров суюги билан, олдидан – ўрта чизиқ билан, юқоридан пастки жағ билан чеграланган. Курак тилости мускулиниң пастки қоринчаси латерал учбурчакни иккига ажратади. Бу курак трапециясимон учбурчак ва курак ўмров учбурчаги.

Курак тилости мускулининг юқориги қоринчаси бўйиннинг медиал учбурчагини курак-трахеал, курак-тилости ва тилости-жаг учбурчакларга бўлади.

Бош ва бўйиннинг ҳаракатлари.

Бош билан бўйин бир-бири билан боғлиқ бўлиб, уларни бирикиш ва ҳаракатчанглиги умуртқа погонасининг бўйин бўлими билан боғлиқ. Бўйин ва бошни қуидаги ҳаракатлари тафовут этилади: букиш ва ёзиш, олд ва орқага букиш, чап ва ўнг томонга, тик ўқ атрофида айланади ҳаракатларни бажариш.

Бўйин билан бошни букишда умуртқа погонаси бўйин бўлимининг олд томонида ўрнашган мускуллар бажаради: Бу ҳаракатни икки томонлама қисқариши натижасида қуидаги мускуллар бажаради:

Бошнинг узун мускули.

Бўйиннинг узун мускули.

Бошнинг олдинги ва ён томондаги тўғри мускуллар.

Нарвон мускуллар.

Тўш-ўмров – сўргичсимон мускул.

Бўйин билан бошни ёзишда умуртқа погонаси бўйин бўлимининг орқа томонда жойлашган мускуллар ва калла сиягини асосига бириккан орқа мускуллар иштирок этади. Буларга қуидаги мускуллар киради:

Трапециясимон мускулининг юқориги тутамлари.

Бош ва бўйиннинг тасмасимон мускули.

Умуртқа погонасини тикловчи мускул

Кўндаланг – қиррали мускул.

Бошнинг орка кичик тўғри мускули.

Тўш-ўмров – сўргичсимон мускул.

Куракни юқорига кўтарувчи мускул.

Бошни ва бўйинни ён томонга букиш.

Бу ҳаракат букувчи ва ёзувчи мускулларнинг бир томонлама қисқариш оркали вужудга келади. Демак, бу ҳаракатда ёзувчи ва букувчи мускуллар синергистлар сифатида бир хил ишни бажаради. Бош ва бўйинни ён томонга қараб букилиши, мускул қисқарган томонга йўналган бўлади.

Бошни ва бўйинни чап ва ўнгга бурилиши Бу ҳаракатни тикка кетган ўқقا нисбатан мускул толалари қия жойлашган мускуллар томонидан бажарилади. Қуидаги мускуллар бу ҳаракатда иштирок этади:

Бош ва бўйиннинг тасмасимон мускуллари.

Тўш-умров – сўргичсимон мускул.

Бошнинг ён томондаги тўғри мускул.

Бошнинг олдинги томондаги тутри мускул.

Танани тикловчи мускулнинг юкори тутамлари.

Курак-тилости мускули.

Бош ва бўйиннинг айланга ҳаракатлари ёзувчи ва букувчи мускулларнинг кетма-кет қисқариши натижасида вужудга келади.

Қўлнинг фасниялари ва мускуллари.

Қўлни ҳаракатга келтирувчи мускуллар

Қўл мускуллари худди қўл скелети каби икки бўлимга: елка камарининг мускуллари ва қўл эркин суюкларининг мускулларига ажralади. Мъълумки, елка камари иккита курак, иккита ўмров суюкларидан ва булар орасида ҳосил бўлган акромиал-ўмров ва тўш-ўмров бўғимларидан иборат. Шунинг учун елка камарининг мускуллари шу суюкларнинг атрофида ёки бевосита юзалари билан боғлиқ. Елка камарида топографик жиҳатдан қуидаги мускуллар жойлашган:

1. Дельтасимон мускул - елка бўғимиини уч томондан қоплаб туради. Бу мускул елпигиҳсимон шаклда бўлиб, энг ҳаракатчан бўлган елка бўғими ҳаракатларини бажарилишини таъминлайди. Бу мускул кўкракнинг акромиал ўсиғидан, ўмров суюгининг акромиал учидан бошланади. Агар бу мускулнинг олдинги ва орқа қисмлари кетма-кет қисқарса, бунда елка ёзилади ва букилади.

2. Курак қирра усти мускули – куракнинг ўсиқ устидаги чуқурчада жойлашади ва елка суюгининг катта бўртиғига бирикади. Дельтасимон мускул каби ўсиқ усти мускули елкани танадан узоқлаштиради.

3. Курак қирра ости мускули – куракнинг ўсиқ остидаги чуқурчада жойлашади ва елка суюкнинг катта бўртиғига бирикади. Бу мускул елкани ёзишда, олиб келишда ва ташқи томонга айлантиришда иштирок этади.

4. Кичик юмалоқ мускул – куракнинг ташқи четидан бошланиб, елка суюгининг катта бўртиғига бирикади. Бу мускул ўсиқ ости мускули каби елкани ёзишда, олиб келишда ва ташқи томон айлантиришда – супинацияда иштирок этади.

5. Катта юмалоқ мускул – куракнинг пастки бурчагидан бошланиб, елка суюгининг кичик бўртиғига бирикади. Бу мускул елкани олиб келишда, пронация ва ёзишда иштирок этади.

6. Курак ости мускули – курак ости чуқурчасида жойлашиб елка суюгининг кичик бўртиғига бирикади.

Елка камарида ҳаракатлар фақат тўш-ўмров бўғими атрофида рўй берганлиги сабабли, бу ҳаракатларда иштирок этадиган мускулларни гурухларга ажратиш учун уларни айланиш ўқларига нисбатан жойлашишини ва мускул тутамларининг йўналишини ҳисобга олиш керак.

Масалан, тўш-ўмров бўғимининг тик ўқидан кесиб ўтадиган мускуллар қўкракни катта ва кичик мускуллари, олдинги тиҳсимон мускуллар елка камарини олд томонга ҳаракатлантиради. Тик ўқнинг орқа томонида жойлашган (трапециясимон мускули, ромбсимон мускуллар ва орқанинг кенг мускули) елка камарини орқа томонга ҳаракатлантиради. Шу билан бирга орқани кенг мускули қўкракнинг катта мускули елка суюги орқали елка камари ҳаракатларига таъсир этади. Елка камарини пастга томон ҳаракатлантирадиган мускулларга қўкракнинг кичик мускули, олдинги тиҳсимон мускул, трапециясимон мускулнинг пастки тутамлари ва ўмров ости мускуллари киради.

Қўл эркин суюкларининг мускуллари

Кўлда елка, билак ва панжа мускуллари фарқланади. олдинги гурухини букувчи мускуллар, орқа гурухини эса ёзувчи мускуллар ташкил этади (30,31-расмлар).

Букувчи мускулларга: тумшуксимон ўсимта билан елка суюги орасидаги мускул, елка мускули, елкани икки бошли мускули киради (30-расм).

1. Тумшуксимон ўсиғдан елкага борувчи мускул.


Куракнинг тумшуксимон ўсиғидан бошланиб, елка суюгининг дельтасимон мускул бириккан жойида, елка суюгининг кичик дўмбоқчасидан пастроқ бирикади.

Бу мускул фақат елкани олд томонга ҳаракатлантириш билан чегараланмай, балки уни пронация ва елкани гавдага олиб келиндила ҳам иштирок этади.

2. Елка мускули елка суюгининг пастки яримининг олдинги юзасидан бошланади ва тирсак суюгининг бўртиғига бирикади. Бу мускул қисқарганда билак букилади.

30-расм. Күл мускуллари. (Олд томондан):

1 - курак ости мускули, 2 - катта юмалоқ мускул, 3 - орқа-нинг сербар мускули, 4 - уч бошли мускулнинг узун боши, 5 - уч бошли мускулнинг медиал (ички) боши, 6 - тирсак чуқурчаси, 7 - елка суюгининг дистал учи, 8 - юмалоқ пронатор, 9 - панжани букувчи тирсак мускули, 10 - кафтнинг узун мускули, 11 - панжани букувчи юза мускул, 12 - билак фасциясининг бир қисми, 13 - кафтнинг калта мускули, 14 - жимжилоқ дўмбоги, 15 - кафт апоневрози, 16 - бош бар-моқнинг дўмбоги, 17 - жимжи-лоқни узоқлаштирувчи мускул, 18 - бош бармоқни ёзувчи узун мускул, 19 - панжани букувчи юза мускул, 20 - кафтни билак томонга букувчи мускул, 21 - елка-билак мускули, 22 - икки бошли мускулнинг апонев-рози, 23 - икки бошли мускулни пайи, 24 - елка мускули, 25 - икки бошли мускул, 26 - тумшигуқсимон ўсиқдан елкага борувчи мускул, 27 - икки бошли мускулнинг катта боши, 28 - икки бошли мускулнинг калта боши, 29 - делътасимон мускул.



3. Елканинг икки бошли мускулининг иккита бошчаси бор. Узун бошчаси куракнинг бўғим бўртифидан; калта бошчаси куракнинг тумшуқсимон ўсиғидан бошла-нади. Иккита бошча бирикиб битта қоринча ҳосил қиласди. Қоринчанинг учи пай орқали билак суюгининг бўртиғига ёпишади. Бу мускул икки бўғимли ҳисобланади. Елка бўғимиға нисбатан икки бошли мускул елкани букувчи ҳисобланади. Тирсак бўғимиға нисбатан билакни букади ва ички томонга қараб буради.

Елкани ёзувчи мускуллар

1. Елканинг уч бошли мускули елканинг орқа юзасида жойлашган икки бўғимли мускул (31-расм). У уч бошча ва битта умумий мускулли қоринчага эга. Узун бошчаси куракнинг бўғим ости бўртиғидан, икки ва ташқи бошчалари эса елка суюгининг орқа юзасидан бошланади. Учта бошчаси бирикиб битта қоринча ҳосил қиласди ва пайли учи билан тирсак ўсимтасига келиб ёпишади. Бу мускул елканинг ва билакнинг ҳаракатларида иштирок этиб, елка бўғимини олиб келишда ва ёзишда тирсак бўғимини эса ёзишда иштирок этади.

2. Тирсак мускули елка суюгининг ташқи четидаги бўғим усти дўнгчадан бошланиб, тирсак суюгининг тирсак ўсимтасига келиб бирикади (31-расм).


Билак мускуллари

Билак мускуллари икки гурухга бўлинади: олдинги гурухни билакни, панжани ва бармоқларни букувчи мускуллар ва пронаторлар ташкил қиласди. Орқа группага елкани, панжани ва бармоқларни ёзувчи мускуллар ва

31-расм. Күл мускуллари.

(Орқа томондан):

1 - курак қирра усти мускули, 2 - курак қирраси (бир қисми күрсатилған), 3 - дельтасимон мускул (бир қисми күрсатилған), 4 - елкабилак мускули, 5 - панжани ёзувчи узун билак мускули, 6 - елка саягининг латерал тенепачаси, 7 - тирсак мускули, 8 - панжани ёзувчи калта билак мускули, 9 - панжани ёзувчи мускул, 10 - бош бармоқтун олиб қочувчи узун мускул, 11 - бош бармоқтун ёзувчи калта мускул, 12 - бош бармоқтунг ёзувчи узун мускулининг пайи, 13 - кафтни орқа томондаги биринчи сүякар мускули, 14 - бармоқтарни ёзувчи мускулларни пайлари, 15 - жимжилоқтун ёзувчи мускулни пайи, 16 - күрсаткич бармоқтун ёзувчи мускул-нинг пайи, 17 - ёзувчи мускулларни ушлаб турувчи пай, 18 - панжани ёзувчи тирсак мускули, 19 - жим-жилоқтун ёзувчи мускул, 20 - панжани букувчи тирсак мускули, 21 - тирсак ўсиги, 22 - медиал тенепача, 23 - елкани уч бошли мускули, 24 - уч бошли мускулни латерал боши, 25 - уч бошли мускулнинг узун боши, 26 - кантта юмалоқ мускул, 27 - кичик юмалоқ мускул, 28 - курак қирра ости мускули, 29 - куракни настки бүрчаги.



елкани супинатори киради. Билакнинг олдинги ва орқа томондаги мускуллар икки қават бўлиб юза ва чуқурроқда жойлашади. **Олдинги мускуллар** елка суягининг медиал тепачасидан, орқадаги мускуллар эса елка суягининг латерал тепачасидан бошланади. Чуқурроқда жойлашган мускуллар билак суякларининг олдинги ва орка юзаларидан бошланади (31-расм).

Билакнинг олдинги букувчи мускулларига қўл панжасини ва бармоқларни букувчи олтита мускул: елка-билак мускули, кафтни тирсак томонга букувчи мускул, кафтни билак томонга букувчи мускул, бош бармоқни букувчи узун мускул, панжани букувчи юза ва чукур мускуллар, кафтнинг узун мускули ва иккита пронаторлар – юмалоқ ва квадрат пронаторлар киради. Кўрсатилган кафтни ва бармоқларни букувчи мускуллар жуда нозик, аниқ ва юкори даражали мутахассислашган ҳаракатларни бажаради.

Билакнинг **орқа гурух мускулларини** тўққизта мускул ташкил этади. Буларга панжани ёзувчи мускул, панжани ёзувчи тирсак мускули, панжани ёзувчи узун ва калта билак мускули, бош бармоқни олиб қочувчи узун мускул, бош бармоқни ёзувчи узун мускул, кўрсаткич бармоқни ёзувчи мускул, жимжилокни ёзувчи мускул ва битта супинация қилувчи мускул киради.

ҚЎЛ ПАНЖАСИННИНГ МУСКУЛЛАРИ

Эволюция мобайнида узоқ антропогенез жараёни натижасида гавданни ростлаб тик юриш қобилияти, онгли фикрлаш, нутқни ривожланиши, биринчи ва иккинчи сигнал тизимларни такомил этиши билан таърифланади. Шунингдек, скелет тизимида нафақат калла суягининг юз ва бош

мия кисмларга ажратилиши, умуртка погонасидаги узгаришлар, кукрак кафасини ҳосил бўлиши билан бир қаторда ҳар бир инсон ҳаётида қул панжасининг шаклланиши меҳнат фаолияти билан боғлиқдир. Қўл панжасининг айниқса бармоқлари турли нозик ва мураккаб ҳаракатларни бажаришга мослашган. Барча ҳаракатларни бажарилиши қўл панжаси ва билак мускуларининг фаолияти натижасидир.


Қўл панжасининг мускуллари фақат кафт томонида жойлашган. Панжанинг орқа томонида тўртта суякаро мускуллар билан билакни ёзувчи мускулларнинг пайлари ўтади.

Кафт мускуларини уч гурухта бўлиш мумкин: бош бармоқнинг думбоги соҳасидаги мускуллар гурухи, жимжилоқ соҳасидаги мускуллар гурухи ва ўрта гурухни кафт чуқурлигида жойлашган мускуллар ташкил этади. Фақат одамларга хос белгилардан бири – бу бош бармоқ мускуларини яхши ривожланиши. Бунинг натижасида бош бармоғининг бошқа бармоқларга рўбару қўйилиши эркин бажарилади (32-расм).

Бош бармоқни ҳаракатларини бажарилишини қуидаги мускуллар таъминлайди: бош бармоқни узоқлаштирувчи мускул, бош бармоқни букувчи калта мускул, бош бармоқни рўбару килувчи мускул, бош бармоқни яқинлаштирувчи мускул.

Жимжилок соҳасидаги мускуллар гуруҳига кафтнинг калта мускули, жимжилоқни узоқлаштирувчи мускул, жимжилокни букувчи калта мускул, жимжилокни рўбару қилувчи мускуллар киради.

Кафтнинг ўрта гуруҳ мускулларига тўртта чувалчангсимон мускуллар билан учта кафт томондаги суякаро мускуллар киради.



32-расм. Панжа мускуллари (Р.Д. Синельниковдан олинган):

1 - панжани букувчи юза мускулиниң пайи, 2 - кафтни тирсак томонга букувчи мускулиниң пайи, 3 - билак фасцияси, 4 - нұхатсимон сүяқ, 5 - кафтиң калта мускули, 6 - жимжилоқни узоклаштирувчи мускул, 7 - жимжилоқни букувчи калта мускул, 8 - жимжилоқни рүбара құлувчи мускул, 9 - чувалчансимон мускуллар, 10 - кафтиң фиброз кини, 11 - бармоктарни букувчи чүкүр мускулларынң пайлары, 12 - панжани букусчи юза мускул, 13 - кафт томондаги I сүяқаро мускул, 14 - бош бармокни яқинлаштирувчи мускул, 15 - бош бармокни букувчи калта мускул, 16 - бош бармокни узоклаштирувчи мускул, 17 - букувчи мускулларни шылаб түрүвчи фасция, 18 - бош бармокни узоклаштирувчи узун мускул, 19 - бош бармокни букувчи узун мускул.

Билак фасцияси елка фасциясини давоми бўлиб, билак-кафт олди бўғими соҳасида қалинлашиб, кўндаланг билак узук бойламни ҳосил қиласи. Панжанинг кафт томонида

билак узук бойламдан букувчи мускулларнинг пайлари ўтади. Панжанинг орқа томонидан билак фасцияси кўндаланг пай бойламини ҳосил қиласди ва бу бойламдан эса панжани ёзувчи пайлари ўтади. Ёзувчи пайлар синовиал қинлар билан ўралиб, натижада пай қини олтида фиброз канал ичида жойлашган.

Кафт апоневрози уч бурчак шаклга эга ва кафт ўрта чуқурчаси ичида жойлашган. Кафтинг узун мускулининг пайи юза ўтиб, кафт апоневрозига ўтади.

ОЁҚ МУСКУЛЛАРИ. ОЁҚНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ МУСКУЛЛАР

Оёқ мускуллари қўл мускулларидан бир қанча белгилари жиҳатдан фарқланади. Оёқ мускуллари катталиги жиҳатдан анча йирик суюкларга бирикиш юзалари катта, пайли учлари эса калта бўлади. Шу сабабли бу мускуллар катта кучга эга, лекин ҳаракатлар диапазони чегараланган. Тос суюклари умуртка поғонаси билан деярли ҳаракатсиз бирикканлиги сабабли, тос билан умуртқа поғонаси орасида уни ҳаракатга келтирувчи мускуллар йўқ. Оёқ камарининг ёки тоснинг мускуллари асосан тос-сон бўғимини ҳаракатларида иштирок этади. Оёқ камарининг мускуллари ички ва ташқи группаларга бўлинади. Ички группа мускулларига ёнбош-бел мускули, ноксимон мускули, ёпилувчи ички мускуллар киради. Ташқи группа мускулларига думбанинг катта, ўрта ва кичик мускуллари, ёпилувчи ички мускуллар киради. Ташқи группа мускулларига думбанинг катта, ўрта ва кичик мускуллари, ёрилувчи ташқи мускули, соннинг кенг фасциясини тортувчи мускул ва соннинг квадрат мускули киради.

Оёқ камари мускулларининг ички гуруҳи.

1. Ёнбош-бел мускули – уч кисмдан белнинг катта мускули, белнинг кичик мускули ва ёнбош мускулидан ташкил топади.

а) белнинг катта мускули – кукракнинг 12 умуртқасидан ва 5 та умуртқаларнинг таналаридан ва қўндаланғусимталаридан бошланади. Толалари пастга йуналиб, ёнбош мускули билан қўшилиб кетади.

б) Ёнбош мускули ёнбош чуқурча соҳасида бошланиб, белнинг катта мускули билан биргаликда умумий пай орқали сон суягининг кичик дўнгчасига бирикади.


2. Ноксимон мускул думғазанинг олдинги юзасидан бошланиб, қўймич суягининг катта тешиги орқали кичик тос бўшлиғидан чиқиб, сон суягининг катта бўртиғига бирикади. Бу мускул қисқарганда сон суягини ташқи томонга айлантиради (супинация ҳаракати) ва танадан узоқлаштиради.

3. Ёпилувчи мускул – кичик тос бўшлиғи ичида жойлашган бўлиб, мускул толалари кичик ўтиргич тешигидан ўтиб, сон суягининг дўнгчаларро чуқурчасига келиб ёпишади. У қисқарганда сонни ташқи томонга буради ва танадан узоқлаштиради.

Оёқ камари мускулларининг ташқи гуруҳи

1. Думбанинг катта мускули – тос-сон бўғимини орқа юзасида жойлашган. Бу мускул думғаза юзасидан, ёнбош суягининг орқа қисмидан бошланади ва сон суягининг думбағадир-будирлигига бирикади. Бирикиш сатхи катта бўлганилиги сабабли бу одамда энг кучли мускул бўлиб, тананинг тик туриш ҳолатини таъминлайди. Бундан ташқари олдинга букилган гавдани ёзади ва сонни танадн узоқлаштиришда иштирок этади.

2. Думбанинг кичик мускули думбанинг ўрта мускули остида жойлашади. Бу мускул ёнбош суюгининг ташқи юзасидан бошланиб, сон суюгининг катта бўртиғига бирикади. У қисқарганда дўнгача бирикади. Бу мускул сонни пронация ва супинация ҳаракатларида ва сонни танадан узоқлаштиришда иштирок этади.



33-расм. Чанокнинг ичкарисида жойлашган мускуллар:

- 1 - думбанинг ўрта мускули (кесилган), 2 - думбанинг кичик мускули,
- 3 - устки эгизак мускул, 4 - остики эгизак мускул, 5 - думбанинг ўрта мускули (кесилган), 6 - соннинг катта дўнглиги, 7 - соннинг тўрт бурчакли мускули, 8 - ташқи ёққич мускули, 9 - думғаза-бортинқ бўйлами, 10 - думғаза-қиррали бўйлами, 11 - ноксимон мускул остидаги тешик, 12 - ички ёққич мускул, 13 - ноксимон мускул,
- 14- ноксимон мускул устидаги тешик.

3. Думбанинг кичик мускули думбанинг ўрта мускули остида жойлашали. Бу мускул ёнбош суюгининг ташқи юзасидан бошланиб, сон суюгининг катта бўртиғига бирикади. У қисқарганда сон суюгини танадан узоқлаштиради ва ён томонга букади.

4. Ёпилувчи ташқи мускул – уч бурчак шаклга эга, ёпилувчи парданинг ташқи юзасидан бошланади ва сон суюгининг дўнгача чуқурчасига бирикади. Функцияси – сон суюгини ташқарига айлантиради.

5. Соннинг квадрат мускули – тос-сон бўғимини орка юзасида жойлашган. Қуймич суюгининг ўтиргич дўнгчасидан бошланиб, сон суюгининг катта дўнгчасига бирикади. Функцияси – сонни ташқи томонга буради (супинация ҳаракати).


6. Соннинг кенг фасциясини тортувчи мускул – ёнбош суюгининг ён томонида жойлашган. Мускулнинг узун пайли учи катта болдир суюгининг ташқи дўнгига бирикади. Бу мускул қисқарганда сон суюгини танадан узоқлаштиради, букади ва ички томонга буради (пронация ҳаракати). (33-расм).

Оёқ мускуллари.

Оёқ мускуллари уч бўлимга: сон, болдир ва оёқ панжа мускулларига бўлинади. Оёқ мускулларига олдинги, орқа, медиал мускул групбалари киради. Олдинги гурухга соннинг тўрт бошли мускули, тикувчи мускул, медиал гурухга сонни иккинчи сонга яқинлаштирувчи мускуллар, нозик мускул ва тароқсимон мускул; орқа гурухга эса ярим пай, ярим парда ва соннинг икки бошли мускуллари киради.

Сон мускулларининг олдинги гурухи

Бу группага соннинг тўрт бошли мускули ва тикувчи мускул киради. Бу мускуллар тос-сон бўғимини ва тизза бўғимини ҳаракатлантиради.



34-35-расмлар. Унг оёқнинг мускуллари. (Олд томондан):

1 - тикувчи мускул, 2 - ёнбош-бел мускули, 3 - тарақсизман мускул, 4- сонни яқинлашириувчи узун мускул, 5 - нозик мускул, 6 - болдир мускул (медиал боши), 7 - камбаласимон мускул, 8 - бош бармоқни ёзувчи мускулнинг пайи, 9 - ёзувчи пайларнинг пастови ушлаб турувчи , 10 - ёзувчи пайларнинг юқоридан ушлаб турувчи, 11 - бармоқтарни ёзувчи узун мускул, 12 - кичик болдир калта мускули, 13 - катта болдир олониги мускули, 14 - кичик болдир узун мускули, 15 - соннинг тўрт бошли мускули, 16 - соннинг сербар фасциясини таранг қилувчи мускул.

(Орқа томондан):

1 - катта думба мускули, 2 - ёнбош-катта болдир йўли, 3 - соннинг икки бошли мускули, 4 - тизза ости чуқурчаси, 5 - товоғ (ахилл) пайи, 6 - болдир мускули, 7 - яримпай мускули, 8 - ярим парда мускули.

1. Соннинг тўрт бошли мускули – тўртта бошчага эга ва ҳар бир бошча мустақил мускул сифатида кўрилади ва ўз номига эга.

а) соннинг тўғри мускули ёнбош суюгининг олдинги пастки ўсиғидан бошланади.

б) ташқи кенг мускул

в) ички кенг мускул

г) ўртадаги кенг мускул

Соннинг тўрт бошли мускули бошчаларининг учлари бирлашиб, битта умумий кучли пай ҳосил қиласди. Умумий пай тизза қопқоғи юзасида бирикади. Бу мускул сонни ёzádi, болдирни эса букади.

2. Тикувчи мускул – одам танасида энг узун мускул, тос-сон бўғимидан олдинда жойлашган, ёнбош суюгининг олдинги юқориги ўсиғидан бошланади, мускул толалари қия йўналади ва катта болдир суюгини ички томондан бирикади. Бу мускул иккита бўғимдан ўтганлиги сабабли сонни ва болдирни букади, букилган сонни ташқи томонга қараб, болдирни эса ички томонга қараб букади, букилган сонни ташқи томонга қараб буради (34-расм).

Сон мускулларининг орқа гурухи

1. Соннинг икки бошли мускули – икки бошчага эга. Узун бошчаси сон суюгининг ғадир-будир чизигидан. Иккала бошчаси бирикіб умумий пай ҳосил қиласди ва кичик болдир суюгининг бошчасига келиб бирикади. Бу мускул қисқарганда сон суюгини ёzádi, болдирни букади ва ташқарига буради.

2. Ярим пай мускул ўтиргич бўшлиғидан бошланиб, тизза бўғимини ёнидан ўтади ва катта болдир суюгининг

ғадир-будирлигига бирикади. Бу мускул қисқарганда болдирни ички томонга айлантиради, уни букади ва сон суягини ёзади.

3. Ярим парда мускул – утиргич бўртифидан бошланиб, катта болдир суягининг медиал бўтим дўнтига бирикади. Бу мускул қисқарганда сон суягини ёзади, болдирни эса букади ва ички томонга айлантиради.

Сон мускулларининг медиал гуруҳи

Бу мускулларнинг гурухига сонни иккинчи сонга яқинлаштирувчи мускуллар (узун, қалта ва катта яқинлаштирувчи мускуллар), нозик ва тароқсимон мускул киради. Булардан фақат танага яқинлаштирувчи катта мускул қўймич суягининг ўтиргич бўртифидан бошланади, қолганлари эса қов суягининг пастки ва юқориги шохчалиридан бошланади. Деярли ҳаммаси сон суягига келиб бирикади. Бу мускуллар қисқарганда сон суягини танага яқинлаштиради ва уни букади.

Болдир мускуллари.

Болдир мускуллари уч группага: олдинги, латерал ва группаларга бўлинади.

Болдир мускулларининг олдинги гуруҳи.

Катта болдирнинг олдинги мускули, бармоқларни ёзувчи узун мускули ва бош бармоқларни ёзувчи узун мускуллар ташкил этади.

1. Катта болдирнинг олдинги мускули.

Катта болдир суягининг ташки юзасидан бошланиб, медиал понасимон суягининг юзасига панжанинг 1 суяги асосига ёпишади. Бу мускул қисқарганда оёқ панжасини ёзади ва супинация қиласиди.

2. Бармоқларни ёзувчи узун мускули.

Болдирнинг юкориги бўлимидан: катта болдир суягининг бўғим дўнгидан, кичик болдир суягининг бошчасидан ва олдинги қиррасидан, суякларо пардадан бошланади. Бу мускулнинг умумий пайи бешта алоҳида қисмга ажралади. Улардан туртаси 1, 2, 4, 5 бармоқларнинг дистал фалангаларига бирикади, бешинчиси эса панжанинг бу суяги асосига ёпишади. Бу мускул қисқарганда оёқ панжаси ва бармоқлар ёзилади, ҳамда оёқ панжасини пронация қиласи.

3. Бош бармоқни ёзувчи узун мускули.

Кичик болдир суягининг ички юзасидан бошланиб, 1 бармоқнинг дистал фалангасига бирикади. Функцияси – бармоқларни ва оёқ панжасини ёзади.

Болдир мускулларининг орқа гуруҳи.

1. Болдирнинг уч бошли мускули.

Болдирнинг орка юзасида жойлашган учта ва бошчага эга. Иккита бошчаси юза жойлашиб, сон суягининг ташқи ва ички бўғим дўнгларидан бошланади ва болдир ҳосил қиласи. Болдир мускулнинг иккала бошчаси тизза ости чуқурча ҳосил бўлища интирок этади. Чуқурроқ жойлашган бошчаси камбаласимон мускул деб аталади ва катта болдир суягининг орка юзасидан бошланади. Болдир ва камбаласимон мускулларнинг пайлари бирикиб, умумий товон суягининг бўртиғига келиб бирикади. Бу мускул қисқарганда тиззани, болдирни ва оёқ панжасини букади.

2. Бармоқларни букувчи узун мускул – катта болдир суягининг орқа юзасидан бошланади. Унинг пайи медиал тўпиқ остидан утиб тармоқланиб кетади ва панжанинг 2, 3, 4 ва 5 суяклар асосига бирикади. Бу мускул қисқарганда бармоқларни ва оёқ панжани букади.

3. Катта бармоқни букувчи узун мускул кичик болдир суягининг ички юзасидан бошланади ва катта бармоқнинг

дистал фаланга асосига бирикади. Бу мускул қисқарганда 1 бармоқни ва оёқ панжани букади.

4. Катта болдириңг орқа мускули болдириңг уч бошли мускули остида жойлашади. Унинг пайи медиал яъни ички тўпик остидан ўтиб, учта понасимон суюклар юзасига, қайиқсимон суюкка ва панжа суюкларининг асос-ларига ёпишади. Бу мускул қисқарганда оёқ панжасини букади, танага яқинлаштиради ва супинация қилади.

Болдири мускулларининг латерал гуруҳи.

Оёқ панжасининг мускуллари устки ёзувчи ва остки букувчи гуруҳларга бўлинади.


Устки ёзувчи мускулларга бармоқларни ёзувчи калта мускул ва бош бармоқни ёзувчи калта мускул киради. Иккала мускул товон сугарининг ташки ва ички юзаларидан бошланиб, кўрсатилган бармоқларининг проксимал фалангаларига бирикади. Бу мускуллар қисқарганда бош бармоқни ва бармоқларни ёзади. Юришда, чопишида бу мускулларининг аҳамияти айниқса катта (36-расм).

Оёқ панжасининг остки букувчи мускуллар группаси учта кенжага группага бўлинади:

1. Ички кенжага группага – бош бармоқни букувчи, бош бармоқни танадан узоқлаштирувчи ва танага яқинлаштирувчи мускуллар киради. Бажарадиган функцияси номидан маълум.

2. Ташки кенжага группага – бешинчи бармоқга таъсир этадиган мускуллар киради: V бармоқни букувчи, танадан узоқлаштирувчи ва танага яқинлаштирувчи мускуллар киради.

3. Ўрта кенжага группадаги мускуллар оёқ панжасининг бармоқларини букади, бармоқларни бир-биридан ажратади ва бир-бирига яқинлаштиради. Буларга бармоқларни букув-



36-расм. Оёқ панжасининг мускуллари (Р.Д. Синельниковдан олинган).

1 - жимжилоқни узоклаштирувчи мускул, 2 - товон томонидаги сүякларо мускуллар, 3 - жимжилоқни букувчи калта мускул, 4 - бармоқларни букувчи узун мускулнинг пайи, 5 - бармоқларни букувчи калта мускулнинг пайи, 6 - панжа бармоқларининг фиброз қинлари, 7 - оёқ панжасининг чувалчангисимон мускуллари, 8 - бош бармоқни букувчи калта мускул, 9 - бош бармоқни букувчи узун мускулнинг пайи, 10 - бармоқларни букувчи калта мускул, 11 - бош бармоқни узоклаштирувчи мускул, 12 - товон апоневрози (кесилган).

чи калта мускул, кафтнинг квадрат мускули, чувалчангсимон ва сүякаро мускуллар киради.

Оёқнинг ҳаракатлари

Тос-сон бўғимини ва сонни ҳаракатлантирувчи мускулларни иши, тананинг бошка кисмлари каби, ташки кучлар таъсирида бажарилади. Тос-сон бўғимида ҳаракатлар кўндаланг ўқ, сагиттал ўқ ва тик ўқлар атрофида бажарилади. Кўндаланг ўқ атрофида – букиш-ёзиш, сагиттал ўқ атрофида – оёқни танадан узоқлаштириш – танага якинлаштириш ва тик ўқ атрофида оёқни одд ва оркага буриш ҳаракатлари бажарилади. Бир вақт мобайнида учта ўқ атрофида айланма ҳаракат ёки циркумдукция ҳаракати бажарилади. Елка бўғимига нисбатан тос-сон бўғимида ҳаракатлар чегараланган.

ДИНАМИК АНАТОМИЯ

Умумий таърифи

Динамик анатомия бўлимининг ўрганидиши икки йўналишда олиб борилиб, мурабийлик ва жисмоний тарбия ва спорт амалиёти учун катта аҳамиятга эга. Таянч-ҳаракат аппаратининг тузилиши ва иши бўйича түпланган билимларни спорт амалиётида қўллаш мумкин. Турли ҳолат ва ҳаракатларнинг такроран бажарилиши, анатомик билимлар асосида у ёки бу ҳаракатни мустақил равишда таҳлил қилишни, бажарилган ҳаракатни сифатини баҳолаш, ҳаракатни бажариш даврида йўл қўйилган хатолар ва камчиликларни бартараф этишни, қўлланиладиган ҳаракатни одам организмига таъсирини ва ниҳоятда спорт техники-касини оширишга олиб келади.

Тана ҳолатлари ва ҳаракатларни анатомик таҳлил қилишни биринчи маротаба П.Ф. Лесгафт тавсия этган бўлиб, олим бу билимларни мустақил курс сифатида жисмоний таълим таркибида ташкил этган ва ўқув жараёни ўтиш учун «Тана ҳаракатлари назарияси курси» деган асарини яратган. Бу асарнинг айрим ҳолатлари кейинчалик кенгайтирилиб, анатомия фанида янги «динамик анатомия» бўлимини пайдо бўмишига олиб келди. Динамик анатомия бўлимини янги далиллар билан тўлдириш, тўпланган билимларни маълум тизимларга солиш, турли ҳолат ва ҳаракатларни маълум йўналишда, кетма-кетликда таҳлил қилиш ва байн этишда катта ҳисса қўшган олим М.Ф. Иваницкий ҳисобланади. Турли ҳолат ва ҳаракатларни таҳлил қилишда, олим маҳсус режа бўйича ўтказишни тавсия этган:

I. Ҳолатни ёки ҳаракатни морфологияси.

Машғулотларни бажарилиши визуал ёки кўриш аъзолари ёрдамида ўрганилади, шунингдек турли ҳаракатлар фото-киносъемка ва видеоаппаратларни қўллаш ёрдамида таҳлил қилинади. Ҳаракатнинг умумий таърифи берилиб, уни алоҳида фазаларга бўлиш ва турли фазаларга хос бўлган тана ҳолати таҳлил қилинади

II. Ҳолатлар ва ҳаракатларнинг механикаси.

Таҳлил қилинаётган машғулотни бажаришда танага таъсир этувчи механик қонуниятларни ҳисобга олиш. Бунда қуидаги кўрсаткичларга аҳамият берилади ва ўрганилади:

- 1) таъсир этувчи кучлар,
- 2) тананинг оғирлик марказини жойлашувини аниқлаш. Тана айрим қисмларининг ёки звеноларининг оғирлик марказини топиш,
- 3) тананинг оғирлик ҳажмини аниклаш,
- 4) одам танасининг солишишторма оғирлик катталигини топиш,
- 5) умумий таянч сатҳи ва таянч сатҳининг қаршилик кучини аниқлаш,
- 6) танага нисбатан мувозанат сақлаш турлари ва мувозанатни сақлаш учун шарт-шароитларни ўрганиш.

III. Таянч-ҳаракат аппаратининг бажарадиган иши.

1. Таянч-ҳаракат аппарати пассив қисмининг ҳолати:

- а) бўғимларда тана звеноларининг эгаллаган ҳолати,
- б) ҳаракатнинг йўналиши, бўғимларда бурчакларнинг катталиги,
- в) тананинг оғирлик марказини бўғимлардан ўтаётган ўқларга нисбатан жойлашуви,
- г) тана звеноларининг оғирлик куч моментлари.

2. Таянч-ҳаракат аппарати актив қисмининг ҳолати:

- а) маълум бўлган ҳолат ва ҳаракатни бажаришда иштирок этувчи мускулларнинг морфо-функционал гурухларини аниқлаш,
- б) мускуллар ҳолати – таранглашган, бўшашган, чўзилган, калталашган,
- в) мускулнинг таянч нуқтасини жойлашуви,
- г) бажарилаётган иш тури (баллистик, бардош бера олмайдиган иш, қаршиликни ушлаб турувчи иш, мустахкамлаб берувчи иш, қотириб турувчи ёки фиксацияловчи иш турлари),
- д) антогонист ва синергист мускуллар орасидаги мунособатлар, икки бўғимли мускулларнинг аҳамияти,
- е) мускулнинг куч тенглигини йуналиши, мускулнинг тортишув кучини намоён этилиши.

IV. Нафас олиш механизмини хусусиятлари.

- а) қовургааро мускулларнинг ҳолати,
- б) диафрагма ҳолати ва экскурсияси,
- в) қорин мускулларнинг ҳолати,
- г) кўкрак қафасининг ҳолати (чўзилган, кутарилган, яссилашган),
- д) нафас олиш тури (кукрак, қорин ва аралаш типдаги нафас олиш).

V. Ички аъзоларнинг жойлашуви, қон-айланиш, нафас олиш тизимларнинг морфо-функционал ҳолати.

VI. Ўрганилаётган машғулотни организмга таъсири.

- а) скелетга,
- б) мускулларга,
- в) турли аъзо ва тизимларга,
- г) ҳаракатнинг координациясига,
- д) танани қадди-комматини шаклланишига.

VII. Хулосалар ва тавсияномалар.

Ўтказилган таҳлилга биноан турли ёшдаги ва жинсдаги шахсларга амалий маслаҳатлар берилиб, етарли даражада ривожланмаган жисмоний сифатларни ривожлантириш учун муайян бўлган машғулотлар комплекси ишлаб чиқарилади ва тавсия этилади.

Юқорида кўрсатилгандек, тананинг ҳолати ва ҳаракатлари тўғри таҳлил қилиниши учун биринчи навбатда уни морфологиясига аҳамият берилади: айнан шу ҳолатни ёки ҳаракатни бажарилишини таъминлайдиган биринчи дараҷали аҳамиятта бўлган сүяклар, бўғимлар, пайлар, бойламлар, мускулларни иштироки аниқланади. Ички аъзоларни ва диафрагмани ҳолатига ҳам аҳамият бериш лозим.

Бажарилаётган ҳаракатни симметрик ёки асимметрик бўлишига, таянч сатҳини тананинг умумий оғирлик марказига нисбатан жойлашувига ва тана қисмларини ва занжирларини узаро жойлашишига аҳамият берилади.

Фазода тананинг маълум бир ҳолатни сақлаш ёки турли ҳаракатларни бажарилишини урганища, уни нафақат морфологияси, балки ҳаракатнинг таҳлили механик қонуниятлар асосида ва танага таъсир этувчи ташки ва ички кучларни ҳисобга олган ҳолда чукур ўрганилади.

Таъсир этувчи кучлар.

Фазода турли ҳолатлар сақланганда ёки ҳаракатлар бажарилганда танага ташқи ва ички кучлар таъсир этади. **Ташқи кучлар** одам танасига ташкаридан уз таъсирини кўрсатади. Ташқи кучлардан оғирлик кучи, таянч сатҳнинг жавоб кучи, инерция кучлари, ишқаланиш кучи, мухитнинг қаршилик кучи айниқса катта аҳамиятта эга. Ҳар бир куч ўзининг ҳажми, йўналиши ва таъсир этиш нуқтаси билан таърифланади.

Оғирлик кучи – бу тананинг ерга тортишув кучига тенг бўлиб, миқдорий равишда тана вазнига тенг ва оғирлик марказидан пастга қараб йўналган.

Таянч сатҳнинг қаршилиги тик турган ҳолатда тана вазнига тенг бўлиб, йуналиши жихатдан унга қарама-қаршидир. Демак бу куч, танани таянч сатҳига маълум босим билан таъсир этиш натижасида ҳосил бўлади. Таңага таянч сатҳ таъсир этилган куч миқдори билан жавоб беради, лекин бу куч пастдан юқорига йўналган бўлади. Югуришда, юришда, узунликка жойидан сакрашда векторнинг йуналиши таянч сатҳга нисбатан маълум бурчакни ҳосил қиласи ва бу вазият тананинг жойидан силжишини таъминлаб беради. Таянч сатҳнинг жавоб кучининг таъсири Ньютоннинг учинчи қонунига асосланган: «қаршилик кучи доимо қарама-қарши кучга тенг».

Ишқаланиш кучи ҳаракат бажаришда катта аҳамиятга эга. Ишқаланиш кучи оёқ сатҳи билан таянч сатҳи орасида ҳосил бўлади. Агар ишқаланиш кучи бўлмагандა эди, одам жойидан силжиши мумкин бўлмас эди, одам на юриш, на югуриш ҳаракатларини бажара оларди. Ишқаланиш кучини ошириш учун енгил атлетикачилар, альпинистлар учун маҳсус пойабзал ишлаб чиқарилади. Бундай пойабзални товон юзаси силмиқ бўлмасдан турли ғадир-бутирикни ҳосил қиласиган тузилмалардан ташкил топган.

Инерция кучлари тананинг ҳаракатини ўзгартиришга йўналтирилган кучлар бўлиб, ҳаракатни тезлаштиради ёки сусайтиради. Инерция кучлари кўпинча айланма ҳаракатларда намоён этилади.

Мұхитнинг қаршилиги ҳаракат бажарилганда ҳисобга олиниши лозим. Масалан мұхитнинг зичлиги ҳаракатни тезлаштиради ёки секинлаштиради. Масалан, қарши шамолга югуриш, дарёда сув оқимиға қарши сузиш ёки сув

оқими томон сузишда, ҳаракат тезлиги фарқланади. Ҳаракатни тежамли бажариш учун тана сатхи ҳам аҳамиятга эга. Баъзи бир спорт машқларни бажаришда каршилик кучини камайтириш учун спортчи қулай ҳолатни танлаб, шу машқقا мослаб тана сатхини муайян ҳолга келтириши лозим.

Ички кучлар – бу кучлар организм ичида ҳосил бўлади. Актив ва пассив ички кучлар фарқланади. Ички пассив кучларни юмшоқ тўқималарнинг эластик тортишув кучи, суяклар ва тоғайларнинг қаршилик кучи ва бўғим бўшлиғи ичида жойлашган синовиал суюқлиги молекулаларининг тортишув кучи ташкил этади. Ички актив кучларга мускулларнинг тортишув кучи киради. Бу куч скелет мускулларининг кучли тарандашини натижасида ҳосил бўлади ва бошқа кучлар каби маълум ҳажмга, йуналишга, таъсир этиш нуқтасига эга бўлади. Мускулларнинг тортишув кучининг йўналиши таянч сатхининг қаршилик кучи билан тенг бўлиши мумкин. Бу ҳолатда иккала куч биргаликда оғирлик кучга қарама-қаршилик кўрсатиши мумкин. Агар бу кучлар бир-бирига нисбатан тенг бўлса, тана мувозанатни сақлайди. Агар мускулнинг тортишув кучининг йўналиши оғирлик кучининг йўналишига мос келса, унда уларнинг кучи таянч сатхининг қаршилик кучига нисбатан ошиб кетади. Натижада тананинг мувозанати бузилади ва ҳаракат содир бўлади.

Ҳаракат мобайнинда барча кўрсатилган кучлар ўзгаради ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Уларнинг муносабатлари мураккаб бўлиб, яхлит ҳаракатнинг кинематик кўрсаткичларини намоён этилишини ифодалайди.

Оғирлик маркази ҳақида тушунча.

Умумий оғирлик маркази деб танани ташкил этувчи барча звенолари (қисмлари) оғирлик кучлари тенгламаси-

нинг бир нуқтадаги таъсирига айтилади. Тананинг ҳар бир қисми ўзининг вазни ёки массасига эга, бу масса муайян тарқалиши ва жойлашуви билан бир қаторда ўзининг оғирлик кучи ва унинг маълум бир нуқтага таъсири билан ифодаланади. Масалан, бошнинг оғирлик маркази турк эгатининг орқасида, ундан 7 мм нари бўлган масофада жойлашган. Гавданинг оғирлик маркази 1-бел умуртқасининг юқори қиррасида жойлашган. Агар боддир, сон, елка учун ҳар бирининг узунлигини 4:5 нисбатда булинса, унда оғирлик маркази уларнинг проксимал учига яқинроқ соҳада жойлашуви аниқланган. Қўйл панжасининг оғирлик маркази 3 кафт суягининг бошчасидан 1 см юкорироқ жойлашган.

Тананинг ташкил этувчи звеноларнинг танага нисбатан массасининг катталиги қуйидагича: биш тана вазннинг 7% ни ташкил этади, гавда – 45,4%, елка – 2,6%, билак – 1,8%, панжа – 0,7%, сон – 12,2%, боддир – 4,6%, ёёқ панжаси – 1,4% га тенг. Агар тананинг оғирлик вазни 70 кг га teng бўлса, унда бошнинг оғирлиги $70 \times 7/100 = 4.9$ кг.

Тана звенолари тик йўнилишда, бир-бирини устидан жойлашмасдан, бўғимлар ёрдамида бирикади ва айниқса ҳаракатлар бажарилганда улар орасида бурчаклар ҳосил бўлади. Айрим звенонинг оғирлик марказидан чиқсан тик ўқ ва тананинг умумий оғирлик марказидан чиқсан тик ўқ бўғимнинг марказига нисбатан маълум бир масофада ўтади. Натижада, оғирлик кучнинг айланма моменти ҳосил бўлади. Кучнинг айланма моменти деб оғирлик кучи катталигининг елка узунлиги купайтмасига айтилади. Оғирлик кучнинг айланма моменти қанча катта бўлса, шунча унга қарама-қарши кўрсатаётган мусқул гурухи кучли таранглашган ҳолда бўлади. Тананинг оғирлик маркази тана массасини тақсимланиши билан тана тузилиши ҳақида тушунчани шакллантиради. Оғирлик марказнинг жойлашувига қараб,

мувозанат турини аниқлаш мумкин. Ҳаракат бажарилиш мобайнида УОМ траекторияси асосида эса тананинг тезлиги, тезланиши ва ҳар бир звенога тушаётган юкламани аниқлаш мумкин.

Шуни эсда тутиш лозим, тирик одамнинг оғирлик маркази бу геометрик нуқта эмас, сфера булиб, 5-10 мм диапазонда доим силжиб туради. УОМни силжиши нафас олиш фазасига, ички аъзоларнинг жойлашувига ва бошқа омиллар билан боғлиқ. Оғирлик марказини аниқлаш жуда мураккаб. 1679 йилда Борелли I турдаги ричаг принципи асосида, одамда оғирлик марказини жойлашувини аниқлади. Бунинг учун у ўткир пона устига тахтани ўрнатиб, мувозанатни сақланган тахта устига одамни жойлаштириди. Ана шу ҳолатда тананинг умумий оғирлик маркази думбалар билан қов ўртасида жойлашганлигини аниқлади.

Шейдт томондан ишлаб чиқкан усул Борелли усулига қараганда аникроқ ҳисобланади. Бу усул II турдаги ричаг принципига асосланган бўлиб, текширувчи тахтага горизонтал ҳолда ётқизилиб, тахтани бир учи қотириб қўйилган, иккинчи учи эса тарозига уланади. Тахта иккита пона устида ўрнатилади, унинг узунлиги тана узунлигига teng бўлади, демак ричаг узунлиги одиндан маълум бўлади. Тарозининг кўрсатмаси ричагнинг дистал учига таъсир этувчи кучни кўрсатади. Ричаг мувозанатда бўлиши учун унга таъсир этувчи куч моменлари teng бўлиши лозим. Демак, тана оғирлигининг УОМ баланлигига кўпайтмаси тарози кўрсаткичининг тана узунлигига кўпайтмасига teng бўлади: $Ph=pL$; унда P – тана оғирлиги, h – УОМнинг баландлиги, оёқ товони юзасидан ҳисоблагандা, p – тарозининг кўрсаткичи, L – тана узунлиги. Кўрсатилган тенгламадан УОМ баландлигини ҳисоблаб чиқиш мумкин: $h=pL/P$.

М.Ф. Иваницкий УОМ марказни Борелли усулини қўллаб, қўшимча рентгенография усулидан ҳам фойдаланди. Умуртқа поғонасининг рентгенографияси ўтказилиши натижасида тананинг УОМ 1 ва 5 думғаза умуртқалари орасида жойлашганлиги кўрсатилган.

Тананинг оғирлик марказини жойлашуви ёшга, жинсга, мускулларнинг ривожланиш даражасига ва бошқа омиллар таъсири билан боғлиқ. Эркаклarda тананинг юқори ярми яхшироқ ривожланганлиги сабабли, УОМ 3 бел билан 5 думғаза оралитида тебранади. Аёлларда эса УОМ 1 думғаза умуртқаси рўпарасида жойлашган бўлиб, унинг тебраниши 5 бел ва 1 дум умуртқаси оралигида аниқланади. Агар янги туғилган чақалоқларда УОМ жойлашуви 5-6 кўкрак умуртқалари рўпарасида жойлашса, 3 ёшли болада 1 бел умуртқа рўпарасигача тушади. Гимнастларда УОМ футболчиларга, енгил атлетикачиларга нисбатан баландроқ жойлашган.

Таянч сатҳи. Турғунлик даражасини аниқлаш учун таянч сатҳнинг майдонини курсаткичи муҳим аҳамиятта эга. Таянч сатҳининг майдони тананинг таянч сатҳ юзаларидан ва улар орасидаги масофадан ташкил топган. Таянч сатҳининг майдони қанчалик катта бўлса, шунчалик тананинг турғунлик даражаси ошади. Масалан, оёқ панжалари бирлашиб турганда ва елка кенглигида турганда таянч сатҳнинг масофаси ҳар хил бўлади. Иккинчи ҳолатда таянч сатҳнинг юзаси каттароқ бўлганлиги сабабли, танада юқори даражали турғунлик сақланади. Боксчининг тик туриш ҳолатида таянч сатҳнинг масофаси оддий тик туришдаги ҳолатдан каттароқдир. Шунинг учун боксчи рингда турли ҳаракатлар бажарганда тана мувозанатини йўқотмайди.

Мувозанат турлари. Умумий оғирлик марказини таянч сатҳга нисбатан жойлашуви асосида тана қандай мувозанат турини сақлашини аниқлаш мумкин. Уч хил

мувозанат тури фарқланади: турғуни мувозанат, турғунсиз мувозанат ва фарқсиз мувозанат. Турғуни мувозанатда тананинг УОМ таянч сатҳдан пастроқ жойлашади ва тананинг ҳолати ўзгартирилганда, ташқи кучларнинг иштироқисиз тана қайта олдинги ҳолатига қайтади. Масалан, гимнастикада, тўғрилланган қўлларда осилиш. Турғунсиз мувозанатда тананинг умумий оғирлик маркази таянч сатҳидан юқорида жойлашган, лекин ҳолати ўзгарилганда олдинги ҳолатга тана қайтмайди. Мувозанатнинг бу турига тик туриш ҳолатлари, гимнастик кўпприк ҳолатини кўрсатиш мумкин. Фарқсиз мувозанатда тана жойидан силжиса ҳам, шу ҳолатда қолаверади. Масалан, ўқса ўрнатилган ғилдирак. Мувозанатнинг бу тури одамда кам учрайди.

Тана мувозанатни сақлаши учун яна бир шартга жавоб бериши лозим. Умумий оғирлик марказидан чиқсан тик ўқ таянч сатҳнинг майдонидан чиқиб кетмаслиги керак. Агар тик ўқ таянч майдон чегарасидан ташқарига чиқиб кетса, мувозанат бузилади ва тана йиқилиши мумкин. Қанчалик тананинг УОМ пастроқ жойлашса, таянч сатҳнинг майдони катта бўлса, шунчалик тананинг турғунилиги ошади.

Турғунилик даражаси.

Турғунилик даражасининг миқдорий кўрсаткичи сифатида турғунилик бурчаги қабул қилинган. Тананинг УОМ дан таянч сатҳ майдони марказига ўтказилган тик ўқ билан УОМ дан таянч майдоннинг чегарисига ўтказилган қия ўқлар орасида ҳосил бўлган бурчакка турғунилик бурчаги дейилади. Ҳосил бўлган бурчак қанчалик катта бўлса, шунчалик турғунилик даражаси ошади. Турғунилик бурчагининг катталиги, мувозанатни йўқотмасдан танани жойидан силжишларини таъминлаб беради.

Тана ҳолатларининг анатомик таърифи

Спорт амалиётида турли ҳолатлар учрайди. Тана ҳолатлари шартли равишда статик ҳолатларга кириб, мувозантни сақланиши оғирлик қучи билан таянч реакция қучи катталикларини teng бўлган ҳолида таъминланади. Статик ҳолатларда мувозантни сақлаш тана қисмларининг бир-бирига нисбатан жойлашувига ва таянч сатҳ юзаларига ҳам боғлиқ бўлади. Кўпинча тана звеноларидан ўтадиган ўқлар бир сатҳда жойлашмаганлиги сабабли, улар орасида бурчаклар ҳосил бўлади. Натижада қучларнинг моментлари пайдо бўлиши билан, ҳолатни сақлаб туриш учун, мускуллар таранглашган ҳолга ўтади. Звенолардаги оғирлик куч моментлари ошиб бориши билан, шу ҳолатни таъминлаб берувчи мускулларга катта функционал юклама тушади. Спорт амалиётида қўлланиладиган тана ҳолатлари қуйидагича класификацияланади:

1. Жисмоний юкламани тананинг қайси томонига қўпроқ тушшишига қараб, симметрик ва асимметрик ҳолатлар фарқланади. Симметрик ҳолатларда тананинг чап ва ўнг томонлари бир хил ишни бажаради. Масалан, дарвозабонни тўпни қабул қилишга тайёр бўлган ҳолати. Асимметрик ҳолатда юклама тананинг қўпроқ чап ёки ўнг томонига тушади. Масалан, боксчини ёки қиличбозни тайёрланиш даврида тик туриш ҳолати.
2. Таянч сатҳга нисбатан юқориги таянчдаги, пастки таянчдаги ва аралаш таянчдаги ҳолатлар ажратилади. Пастки таянчдаги ҳолатларга тик туришнинг хиллари ва «гимнастик қўприк» ҳолати киради. Юқориги таянчдаги ҳолатларга гимнастикада кенг қўлланиладиган тўғрилланган қўлларда осилиш ҳолати мисол бўла олади. Аралаш таянчдаги ҳолатларга эса «параллел брусларда бажариладиган ҳолат»ни кўрсатиш мумкин. Таянч сатхининг жойлашуви, тана қисмларида

ташқи күчлар таъсирида қисищ, бурилиш, чўзилиш ва ички аъзоларда махсус ўзгаришларни ривожланишига олиб келади.

12-жадвал

Тана ҳолатларининг ва ҳаракатларининг классификацияси					
Одам танасининг фазога нисбатан жойлашиши			Одам танасининг таянч сатҳига нисбатан жойлашиши		
Тик ҳолат	Горизон-тал ҳолат	Қия ҳолат	Пастки таянчда	Юкори-ги таянчда	Аралаш таянчда
Танани чап ва ўнг томонига тушадиган таъсирот			Мувозанат сақлаш тури бўйича		
Симметрик ҳолат ёки ҳаракат	Асимметрик ҳолат ёки ҳаракат	Турғунсиз мувозанат	Турғун мувозанат	Чегараланган турғун мувозанат	
Таъсир этувчи күчлар					
Ташқи күчлар			Ички күчлар		
Оғир-лик кучи	Таянч сатхининг қаршилиги	Мухит қаршилиги	Пассив күчлар	Актив күчлар	
			Пайлар, бойламлар томонидан кўрсатиладиган қаршилик	Мускуллар-ning тортишув кучи	

Спортда энг кенг учрайдиган ҳолатлардан пастки таянчдаги тик туриш ҳолати, юкориги таянчда осилиб туриш ҳолатлари ва аралаш таянчда бурчак ҳосил қилиш ҳолати ёки параллел брусларда бажариладиган ҳолатларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Пастки таянчдаги ҳолатлар.

Тик туриш ҳолати ва унинг турлари.

Фақат одам ҳайвонат оламидан фарқли тик ҳолатга ўтиб, тик юриш қобилиятига эга. Бу белги узоқ эволюцион

жараёнлар натижасида вужудга келган. Спортчида турли тик туриш ҳолатларини ва бу ҳолатларни сақлаш учун иштирок этувчи мускулларни, сүякларни, бўғимларни қай тарзда иш бажараётганигини тасаввур келтиришимиз керак.

1. *Антропометрик тик туриши ҳолатида* тавда бир оз орқага ташланади, бош юкорига кутарилади, бунда ташқи эшитув йули билан кўз соққаси бир чизиқда жойлашади. Бу ҳолатда тананинг орқа юзаси, хусусан кураклар, думбалар ва товонлар деворига ёки тик турган устунчага сунгтан бўлади. Бу ҳолда гавда оғирлик марказидан ўтган тик чизиқ оёқ бўғимларидан ўтган тик чизиққа ўқлашиб тўри келади. Шу сабабли, бўғимлар кўндаланг ўқларнинг олди ва орқа томонида жойлашган мускуллар орасида иш кучи деярли тенг тақсимланади.

2. *Қулай тик туриши ҳолати* бу тананинг эркин ва қулай ҳолатда ўзига хос қомат тутишни ифодалайди. Қулай тик турган одам гавданинг оғирлик марказидан ўтган тик чизиқ, оёқ бўғимларидан ўтган тик чизиқдан бир оз оркароқдан ўтади. Тананинг умумий оғирлик марказидан ўтказилган тик ўқ оёқларнинг таянч сатхининг ўртасидан ўтади. Шу сабабли, тананинг олд ва орқа томонга йўналган ҳаракатларда турғун мувозанат сақланади. Демак, таянч сатҳи энг фойдали даражада ишлатилади. Бу ҳолатни таъминловчи мускуллардан кам иш талаб қилинади. Бошнинг оғирлик кучига нисбатан қарши куч кўрсатадиган мускуллар бир оз чўзилган ҳолатда бўлади. Кўкрак қафасининг ҳолати умуртка погонасининг ёзувчи мускулларининг иши билан боғлиқ. Оёқлар соҳасида тананинг оғирлик кучини йўналишини ифодоловчи чизиқ тос-сон бўғимининг кўндаланг ўқига нисбатан орқа томонидан ўтади, тизза ва болдир-панжа бўғимларининг кундаланг ўқига нисбатан эса олд томонидан ўтади.

Тананини мувозанатда сақлашда соннинг ва оёқ панжасининг мускуллари, болдирилганг ёзувчи мускулларининг аҳамияти катта.

3. Таранглик билан тик туриш ёки ҳарбий ҳолатда гавда олд томонга ёзилган, бош юқорига кўтарилиган, кўкрак кифози кам ифодаланаиди, бош лордози эса аксинча. Кўкрак қафасида қовурғалар бир оз кўтарилиган, оёқлар тўтириланган, қўллар тана бўйлаб пастта туширилиган. Шу сабабли ҳарбий вазият нафас олиш учун қулай ҳисобланса, нафас чиқариш жараёни эса қийинлашган. Одам гавдасининг оғирлик марказидан ўтган тик фронтал чизик чаноқ-сон бўғимидан ўтган фронтал ўқдан олдинроқда ўтади ва таянч сатҳининг олдинти чегарасига тушади. Бу вазиятни сақлаб турмоқ учун, сон ва болдирилган орқа томонида жойлашган мускуллар таранглашдан ҳолатда бўлиши керак. Соннинг ва болдирилган олдинги томонида жойлашган мускуллар эса бўшашган ҳолатда бўлади. Агар тананинг ҳам олд ва орқа томондаги мускуллар бир оз бўшашса, тана мувозанати бузилади ва юриш учун қулай шароит яратилади.

Бу вазиятни сақлашда умуртқа поғонанинг букувчи ва ёзувчи мускуллари гавда ва оёқ мускуллари катта иш бажаради. Болдиrlар тик турган ҳолатда оёқ панжасига таяниб туради ва таянч нуқтаси ошиқ-болдири бўғимида тушади. Танани бутун оғирлиги оёқ панжасига тушганлиги сабабли, оёқ панжа гумбазининг баландлиги камаяди, товон мускуллари эса таранглашган ҳолда бўлиб, бу мускулларга анча зўриқиши келади. Таранглик билан тик туриш ҳолати таянч-ҳаракат аппаратига бевосита таъсир кўрсатмаса ҳам, эстетик нуқтаи назардан чиройли қадди-комат шаклланишига замин яратади. Бош, оёқ ва қўл звеноларини танага нисбатан ҳолати, танани эса таянч сатҳига нисбатан вазияти тананинг умумий ҳолатини ифодалайди.

«Гимнастик кўприк» ҳолати

«Кўприк» гимнастика ва акробатикада энг кўп учрайдиган ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолат мустақил равища ёки бошқа машғулотлар билан бир қаторда бажарилиши мумкин. Бу вазиятда тана кучли равища оғилган бўлиб, эгри радиусли қубба ҳосил қиласди. Таянч сатҳи қўл кафтлари ва оёқ товоnlари юзаларидан ва улар орасидаги майдон сатҳлардан ҳосил бўлади. Тананинг умумий оғирлик маркази таянч сатҳидан юқорида жойлашган, шу сабабли чегараланган турғун мувозанат сақланади. Ташқи кучлардан танага унинг оғирлик кучи таъсир курсатса, ички кучлардан эса мускулларнинг тортишув кучлари мувозанатни сақлашга интилади.

Пассив бўлган таянч-ҳаракат аппаратининг иши мураккаб ва ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, турли звеноларнинг жойлашшуви ва улар орасида оғирлик кучнинг тақсимланиши билан ифодаланади. Оёқ панжаси букилган ҳолда бўлиб, унинг таянч сатҳини факат панжанинг учи ҳосил қиласди. Сон билан болдирнинг буйлама ўқлари орқага очилган бурчакни ҳосил қиласди, натижада тизза бўғимида сонни болдирга қараб букиш ҳаракати содир бўлиши мумкин.

Умуртқа погонасининг бўтимлари кучли равища ёзилган бўлади. Умуртқа погонасининг ёзилиш даражаси бойлам аппаратининг эластиклигига, умуртқааро дискларнинг баландлигига, умуртқа погонасининг узунлигига, умуртқа ўсиқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Эгишувчалик сифати эркакларга нисбатан аёлларда, ёш болаларда кекса одамларга нисбатан кўпроқ ривожланган бўлади. Тос-сон бўғимдаги ҳаракатчанлик, айниқса унинг ёйилиш даражаси «кўприк» ҳолатини бажаришга имкон беради. Оёқларда тос-сон бўғими кучли ёзилган ҳолда бўлса, тизза ва

ошиқ-болдир бўғимлари эса букилган ҳолда бўлади. Елка камарида елка суяги куракнинг акромион усимтасига келиб тақалади, ўмров суягининг ташки учи кутарилган, куракнинг пастки бурчаги эса латерал томонга қараб силжиган. Елка, тирсак, билак ва кафтнинг ҳамма бўғимларида максимал даражада ёзилиш ҳолати кузатилади. Бу ҳолатни сирпанчиқ юзада бажариш айниқса қийин, чунки ишқалиниш кучи жуда кичик бўлади. Шунинг учун бу ҳолатни бажарища ишқаланиш кучи муҳим аҳамиятга эга ва уни албатта ҳисобга олиш лозим.

«Кўприк» ҳолатида таянч ҳаракат аппаратининг актив қисми – мускуллар томонидан ҳам маълум куч сарф қилинадиган иш бажарилади. Энг катта юклама қўл мускулларига тушади. Масалан, тана вазни 75 кг га тенг бўлса, тана кучли равишда эгилган ҳолда 53 кг оғирлик қўлларга ва 22 кг гача яқин оғирлик оёқларга тасмиланади. Қорин ва кўкрак мускуллари чўзилган ва таранглашган ҳолда бўлади. Умуртқа поғонасининг атрофида жойлашган мускуллар, айниқса умуртқа поғонасини ёзувчи мускуллари катта иш бажаради. Танани ёзишда думбанинг катта мускуллари умуртқа поғонасининг ёзувчи мускуллари билан биргаликда иштирок этади. Оёқда эса панжани букувчи болдирнинг орқа ва ташки гурухлари болдирни олдинга қараб силжиб кетмаслигини таъминлайди; болдирни ёзуви соннинг тўрт бошли мускули эса сонни оғирлик куч таъсирида болдир томон силжиб кетмаслигини таъминлайди. Бу мускулларнинг иши пастки таянчдаги ҳолатда бажарилади. Тос-сон бўғими соҳасида жойлашган мускуллари таранглашган ҳолда бўлиб, бутун оёқни мустаҳкамлаб, қўл панжаси билан оёқ панжасини сурилиб кетишига йўл қўймайди. Буларга думбанинг катта мускули, соннинг икки бошли мускули, ярим пайли ва ярим пардали мускуллар киради. Қўлдаги

кафт ва бармоқларни букувчи мускулларнинг иши туфайли билакни ҳаддан ташқари ёзилиб кетиши чекланади. Тирсак бўғими звеноларининг мустаҳкамлашда биринчи навбатда бўғимнинг ўз тузилиши катта аҳамиятга эга, чунки тирсак ўсимтаси елка суюгининг тирсак чуқурчасига тақалиб туриши, қулф каби бўғимни мустаҳкамлайди, елка суюти учун эса яхши таянч бўлиб ҳисобланади. Елка бўғимини мустаҳкамлашда курак ости мускули, курак ўсиқ ости мускули, катта ва кичик думалоқ мускуллари, орқанинг сербар мускули, елканинг уч бошли мускулининг узун бошчаси иштирок этади.

Умуртқа погонаси кучли ёзилган ҳолда бўлганлиги сабабли, кўқрак қафаси чўзилган ва кутарилган ҳолда бўлади. Қовурғалараро бўшлиқлар кенгайтан, қовурғалар яхши ифодаланади. Диафрагма юкори жойлашганлиги сабабли кўқрак қафасини сифими кичиклашган ва нафас олиш жараёни эса анча қийинлашади. Спортчиларда кўқрак қафасининг экскурсияси ўртacha ҳисобда 6-8 см га teng бўлса, «кўпприк» ҳолатини бажариш ўқтида – 2-4 см га teng бўлади.

«Кўпприк» ҳолатини бажаришда юрак, ошқозон, кўндаланг чамбар ичакларнинг жойлашуви ўзгарганлиги сабабли ва ноқулай ҳолатда тушганлиги учун, уларнинг вазифаларини бажарилиши қийинлашади. Бош ва бўйиндан қоннинг қайта оқим ҳаракати бузилади, ўт пуфагидан ўтни ўн икки бармоқли ичакка, ошқозондан ўн икки бармоқли ичакка овқатни тушиши ҳам бузилади.

Жисмоний тарбия амалиётида «кўпприк» ҳолатини эгилувчанлик хоссасини ривожлантириш учун тавсия этилади. Бунда мускулларни эластик хоссалари ошади, бўғимларни боғловчи аппарати мустаҳкамланади, танани фазода координация этиш хусусиятлари ривожланади. Бу вазиятни

қоматни түгрилашда құллаш мумкин. Ёш болаларда узоқ вақт давомида «құпприк» ҳолатида туриш тавсия этилмайды.

Юқориги таянчдаги тана ҳолатлари

Түғриланган құлларда осилиш.

Бу ҳолатларда оғирлик кучи тананинг пастдаги звено-ларни юқориги звенолардан ажратишига ҳаракат қиласы. Умумий оғирлик маркази таянч сатхига нисбатан пастда жойлашған. Фазода танани маълум ҳолатда сақлаш бу тинч ҳолатнинг фазаларидан бири бўлиб таянч-ҳаракат аппаратидан ҳеч қандай иш ва куч талааб қилинмайди деган тушунча нотўғри.

Маълумки, одам скелети бир-бири билан ҳаракатчан бўлган сукк жанжирларидан иборат. Сукклар билан мускул турухлари боғлиқ бўлиб, скелет мускуллари таранглашган ҳолда бўлади. Бунинг сабаби одам танасига доимо ерга бўлган тортилиш кучи таъсир этади.

Одам танасининг оғирлик кучи унинг танасининг оғирлигига teng ва bu куч организмга таъсир этувчи ташқи кучлар қаторига киради. Bu кучга қарши сукк-мускул тизими томонидан актив иш бажарилади.

Одам танаси маълум сатхга таяниб турганда, сатх томонидан танага қарама-қарши куч таъсир этади. Bu таянч сатхни қаршилик кўрсатиш кучи оғирлик кучига teng бўлиб, йўналиши жиҳатдан унга қарама-қаршиидир ва юқорида кўрсатилгандек Bu кучларнинг бир-бирига таъсири механизмининг учинчи қонунига биноан асосланган.

Bu қонун бўйича, таъсир этувчи кучлар қарама-қарши кўрсатувчи кучларга teng бўлади. Agar оғирлик кучи ва таянч сатхини қаршилик кўрсатиш кучлари бир чизикда таъсир этишса, бунда тана мувозанатини ёки тинч ҳолатини

сақлайди. Шунинг учун турли ҳаракатлар бажариш даврида оғирлик құч билан таянч сатхининг қаршилик күрсатиш күчи орасыдаги муносабатларни ҳисобға олиш керак.

Спорт амалиётида кенг тарқалған ҳолатлардан бири бу тұтынғылған құлларда осилиш. Бу вазиятта одам танаси тик ҳолда бўлиши, құллар юқорига қўтариғанлиги ва маълум нуқтага бирикилганлиги билан таърифланади. Гавда ёзилған бўлганлиги сабабли қўкрак кифози кам ифодаланади, бел лордозининг оғирлиги эса кучли ифодаланади. Умумий оғирлик маркази таянч сатхига нисбатан настда жойлашади, шу сабабли, осилиш ҳолатларни ҳамма турлари турғун мувозанатни сақлайди.

Бу вазиятта умумий таянч сатхи қўлларнинг таянч сатхлари ва улар орасыдаги майдон сатхларидан ташкил топған. Оғирлик күчи тананинг настдаги звеноларини юқориги звеноларлан ажратишга ҳаракат қиласы, натижада тана чўзилади. Мускулларда ҳосил бўлған тортишув кучлар оғирлик кучига қарама-қаршилик күрсатади. Қанчалик мускуллар юқори жойлашса, таянч сатхига яқинроқ, шунчалик буларга катта юқ тушади.

Бошқа мускуллар ҳам таранглашган бўлиб, улар томонидан бажариладиган иш статик ҳаракатта эга. Айниқса, елка камари мускуллари, панжани букувчи мускуллари, билак-тирсак бўйимлари орасида жойлашган мускуллар катта иш бажаради. Танани бу ҳолатда сақлашда қўкракнинг кичик мускули, ўмров ости мускули, олдинги тищсимон мускули, орқадаги трапециясимон мускули, кенг мускуллар иштирок этади. Гавда соҳасида жойлашган қорин мускуллари кучли таранглашган ва чўзилған ҳолда бўлади.

Тос-сон тизза бўйимлари ёзилған ҳолда бўлганлиги сабабли сонни, болдирии ёзувчи мускуллари ва оёқ панжасининг букувчи мускуллари таранглашган бўлади.

Елка камар мускуллари тушадиган таъсирот чап ва ўнг қўллар орасидаги масофога боғлиқ. Агар қўл кафтлари елка кенглигидан жойлашса, мускулларда ҳосил бўлган фойдали куч оғирлик кучини енгишга бардош бера олади.

Кўл кафтлари елка кенглигидан ташқарида жойлашса, куракларни умуртқа погонасидан ташқари томон силжитишга интилган кучлар пайдо бўлади. Бунда мускуллар томонидан бажариладиган фойдали куч камайиб кетади ва танани осилган ҳолда сақлаб туриш анча қийинлашади.

Агар қўл панжалари бир-бирига жуда яқин жойлашса, танани турғун мувозанатда сақлаш ҳам қийин бўлади. Бу вазиятда таянч сатҳи деярли кичкина, куракни бўғим майдончаси юқорига йўналган, елка камарини пастга туширувчи мускуллари жуда чўзилган ҳолда бўлади.

Турли осилиш ҳолатларина нафас олиш жараёни қийинлашган бўлади. Нафас олиш кўтарилиган диафрагмани қисқариши орқали юзага келади. Кўкрак қафаси юқори қисмида кенгайган бўлади. Жисмоний тарбия амалиётида осилиш ҳолатларини қулланилиши елка камари ва қўл мускулларини ривожлантиришда, умуртқа погонасининг ҳамма эгириклари тўғриланиши ва чўзилиши натижасида қадди-қоматни эстетик нуқтаи назаридан яхшилаш учун турли қомат камчиликларни тузатишда тавсия этилади.

Аralash tayinchdagi tana ҳolatlari

Параллел бўлган брусларда бажариладиган ҳолатлар.

Гимнастикада ёғочли брусларда турли хил машқлар бажарилади. Кенг тарқалган машқлардан брусларда танани тираб ушлаб туриш ҳолати аралаш таянчдаги ҳолатларга мисол бўла олади. Бунда тана тик ҳолатни сақлаб, қўллар гавда бўйлаб туширилган ва ёғочли брусларга таяниб турган

бўлади. Бош бир оз орқага қараб ёзилган, кўкрак қафаси олд томон қўтарилиган, оёқлар пастга қараб туширилиган бўлади. Тананинг бу вазиятида қўллар пастки таянчда бўлса, оёқлар эса юқори таянчдаги ҳолатда бўлади. Шунинг учун оғирлик кучининг тана қисмларига таъсири бир хилда бўлмайди: қўллар ва уларга тегишли соҳалар эзилса, гавда билан оёқлар эса чўзилади. Оғирлик кучга қарши тананинг ички кучларини ташкил этувчи мускуллар ва юмшоқ тўқималар қаршилик кўрсатади ва натижада кучларнинг моментлари тенглашади.

Қўллар учун чап ва ўнг панжаларнинг ёғочга бирниш сатҳлари билан улар орасидаги майдондан умумий таянч сатҳ ҳосил бўлади. Таянч сатҳнинг кучи юқори томон йўналса, оғирлик кучи қаршилик курсатиб, қарама-қарши, юқоридан пастда йўналган бўлади. Оғирлик кучининг таъсири пастда жойлашган звеноларни юқорида жойлашган звенолардан ажратишга ҳаракат қиласи. Думғаза умуртқалари соҳасидаги тананинг оғирлик маркази таянч сатҳдан юқорида жойлашган, чунки таянч сатҳни қўл панжалари ҳосил қиласи. Танани тираб ушлаб туриш ҳолатда яхлит тана учун турғунсиз мувозанат сақланади, лекин елка камари соҳаси учун турғуни мувозанат сақланади.

Таянч-ҳаракат аппаратининг иши оғирлик марказини таянч сатҳга нисбатан жойлашуви ва тана қисмларининг бир-бирига нисбатан тақсимланиши билан таърифланади. Қўллар дистал таянчда ишласа, оёқлар эса проксимал таянчда ишлайди. Гавда, бўйин ва бош тўлиқ қўлларга таянади, шунинг учун мускулларни иши елка камарини мустаҳкамлаб, қўл, оёқларни ва гавдани тўғрилланган ҳолда сақлашга қаратилган.

Қўл панжаси ёзилган ҳолда, 2-5 бармоқлар ташқарида, бош бармоқ эса ёғочнинг ички юзаси томон жойлашган.

Елка, тирсак ва билак-кафт бўғимларда бирикаётган сужларнинг бўғим юзалари бир-бирига тақалган, бўғим ёриқлари торайган. Елка сужларнинг бошчалари куракнинг акрамион ўсимтасига ва бўғим чуқурчасига тиralган бўлади. Умуртқа поғонаси соҳасида кўкрак кифози кам ифодаланса, бел лордози эса кучли ривожланган Тос-сон бўгимида соннинг ёзилганлиги ёнбош-сон бойламини таранглашишига олиб келади. Тизза бўғимида болдиринг ёзилиши билан бир вақтда крестсимон ва ён бойламларнинг таранглашиши кузатилади. Оёқ панжасининг букилиши туфайли бойлам аппаратининг чўзилиши ва товон томондан бўғим ёриқларининг торайиши аниқланади.

Параллел брусларда бажариладиган машқда қўл мускулларига айниқса катта юклама тушади. Панжани ва бармоқларни букувчи мускуллар таранглашган ҳолда бўлиб, панжани ёзишга ҳаракат қилингани оғирлик кучга нисбатан қаршилик қўрсатади. Елканинг уч бошли мускули тирсак бўғимини мустаҳкамлайди ва елкани букиш ҳолга ўтмаслигини олдини олади. Елка камарини ҳосил қилувчи мускуллар таранглашган ҳолда бўлиб, бош ва гавдани тик ҳолда ушлаб туришини таъминлайди. Елка суганинг босими остида, куракнинг ташкари томон силжишига тўқсиналиқ қилувчи трапециясимон билан ромбсимон мускуллари уни умуртқа поғонаси томон тортиб туради. Олдинги тишсимон мускул билан орқанинг сербар мускули елкани кўкрак қафасидан ажралишига йўл қўймайди. Тирсак бўғимини мустаҳкамлашда елканинг уч бошли мускули иштирок этади. Елка бўғими соҳасида жойлашган барча мускуллар таранглашган ҳолда бўлиб, елка камарини мустаҳкамлашишини таъминлайди. Тос-сон бўғими соҳасида сонни ёзувчи мускуллари қисқарган ҳолда бўлиб, оёқни ёзилган ҳолда ушлаб туради. Тизза бўғимини ёзилиши соннинг тўрт бошли

мускулиниг иши туфайли вужудга келади. Оёқ панжасининг букишда панжанинг ва бармоқларнинг букувчи мускуллари иштирок этади. Параллел бўлган брусларда машқларни бажарилиши туфайли елка камари ва қўл мускуларининг ривожланиши таъминланади ва натижада қомат камчиликлари шаклланишининг олдини олиш этилади.

Тана ҳаракатларнинг анатомик таърифи

Ҳаётда одам томонидан бажариладиган ҳаракатлар хилма-хил бўлиши ва мураккаблиги билан ифодаланади. Буларга танани фазода ҳаракатланиши, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар, жисмоний машқлар ва бошқа турли ҳаракатлар киради. Турли ҳаракатларни бажарилиши энг аввал таянч ҳаракат аппаратининг иштирокида рўй беради. Бундан ташқари маълум ҳолат ёки ҳаракат бажариш даврида одам танасига ташқи ва ички кучлар ўз таъсирини кўрсатади. Агар танага таъсир этувчи кучларнинг катталиги бир-бирига teng бўлса, тана маълум ҳолатни сақлай олади. Таъсир этувчи кучларнинг катталиги фарқланса, тана ёки унинг қисмлари каттароқ бўлган куч тенгламасининг йўналиши томон ҳаракатланади. Ҳаракат бажарилаётганда ташқи кучлардан оғирлик кучи, таянч реакция кучи, инерция кучлари ва муҳитнинг қаршилик кучи муҳим аҳамиятга эга. Ички кучлар таъсирига мускуларнинг таранглашиш кучини кўрсатиш лозим. Ташқи кучларни таъсири билан биргаликда УОМнинг силжиши тана ҳаракатини ифодалайди. Тана йўналишига қараб, оғирлик кучи ўз таъсирини ҳар хил намоён этади: пастга қараб йўналишда, ҳаракат осонлашади, юқорига

күтарилигандың қаршилик күрсатади ва горизонтал сатхада ҳаракатланишда нейтрал бўлиб қолади.

Мухитнинг қаршилик кучи одатда ҳаракатни тормозлайди. Қаршилик кучининг катталиги мухитнинг зичлигига, тўқнашиш юзасига, тананинг шаклига боғлиқ бўлади. Катта тезликда югуришда, велосипед ҳайдашда, баландлиқдан сакрашларда бу кучнинг аҳамияти катта.

Таянч реакция кучи ўз катталиги ва йўналиши жиҳатдан фарқланади, шу билан бирга тананинг вазни, ҳаракатни тезлиги ва мускуллар томонидан бажариладиган иш тури ҳам ҳисобга олинади.

Одам ҳаракатлари ҳолатлар каби турли белгилари бўйича классификацияланади.

Оддий ҳаракатлар битта бўнимда, битта айланма ўқ атрофида вужудга келади.

Мураккаб ҳаракатлар яхлит кинематик занжирларда бир нечта бўғимлар ичида, бир нечта айланма ўқлар атрофида ҳосил бўлади.

Симметрик ҳаракатлар – ҳаракатларда тананинг чап ва ўнг томонлари бир вақтда ёки ҳар хил вақтда бир хил ҳаракатларни бажаради (юриш, югуриш). Асимметрик ҳаракатларда тананинг икки ярми ҳар хил ҳаракатларни бажаради.

Циклик ҳаракатлар кетма-кет тақорорланадиган ҳаракатлардан ташкил топган. Ациклик ҳаракатлар мураккаб локомотор ҳаракат бўлиб, кетма-кет тақорорланадиган ҳаракатлари бўлмайди. **Локомотор ҳаракат** деб, жойи алмашиниши билан бажариладиган ҳаракатларга айтилади.

Айланма ҳаракатларда тана нуқталари ёндаги нуқталарга нисбатан доира ёйларидан ҳаракатланади. Масалан, сальто, пируэт.

Одамнинг ҳаёти мобайнида ҳаракатлар аста-секин шакланади. Табиий ҳаракатлардан юриш, югуриш қисман тұғма бўлади. Чақалоқлик давридан бошлаб, боланинг турли ёшдаги даврларда ҳаракатларни мураккаблашишини кузатиши мумкин. Турли мутахассисларда ўзига хос ҳаракат бажариш техникаси ва қўникмалари ривожланади. Ҳаракатларни координациясини бошқарилиши нерв тизими томонидан назорат қилинади.

Циклик ҳаракатларининг анатомик таърифи

Юриш – бу тананинг фазодаги табиий бир жойдан иккинчи жойга силжишига айтилади. У ўзида мураккаб циклик ҳаракатларни ўз ишига мужассамлаштирган. Юришни характерли хусусиятларидан бири, бу тананинг таянч сатҳи билан узилмаслигидир, таянч бир оёқдан иккинчи оёққа ўтиб алмашиниб туради. Юриш пайтида ҳаракат аппаратининг деярли ҳамма қисмлари иштирок этади, бундан ташқарий юриш ҳаракатларини бошқариб туришга нерв тизими, юрак-қон томирлар ва нафас олиш тизимлари ҳам қатнашади.

Юришнинг асоси – бу кетма-кет юриш ҳаракатлари. Юриш пайтида тана мувозанати тебраниб туради, яъни турғун ва турғунсиз ҳолатларда бўлади. Тананинг фазодаги ҳаракати одам организмига таъсир қилувчи ички ва ташқи кучлар туфайли вужудга келади. Натижада мускулларнинг таянч сатхидан итарилиш пайтида танага юқорига ва олдинга қараб интилевчи импульслар тарқалади. Бироқ тананинг ҳаракати тўлқинсимон характерга эга, сабаби импульслар тана инерцияси ва таянч ҳаракат аппаратининг амортизацион хусусиятлари туфайли силлиқлашади. Танани оғирлиқ кучи илгариланма ҳаракатларга таъсир қиласи.

туриш ҳолатидан юриш ҳолатига ўтилганда биринчи навбатда ҳаракат танани олдинга қараб ташлашдан бошланади. Натижада УОМ туширилган тик чизиги таянч сатхининг олдинги чегарасидан ташқарига ташланади ва шу сабабли бирмунча олдинга қараб силжийди. Бир оёқ олдинга қараб ташлаганда янги таянч сатҳ юзаси ҳосил бўлиб, мувозанат тикланади. Кейинги ҳаракатларда эса оёқ ҳар олдинга ташланган пайтда танани мувозанати бузилади.

Юришда тана таянч сатхидан итарилганда teng ва қарама-қарши йўналган қаршиликка учрайди, чунки бу факторсиз юриш ҳаракати юзага келмайди. Агар қарама-қаршилик кучини иккита teng ташкил этувчи кучларга ажратилиса, шундан биттаси ерни қаттиқлиги билан боғлиқ бўлган тик кетган йўналишдир, иккинчиси эса таянч юзаси билан товоннинг пастки юзаси орасидаги ишқаланишга боғлиқ бўлган горизонтал йўналишдир. Агар ернинг қаттиқлиги ва ишқаланиши кучсиз бўлса, юриш унда қийинлашади. Масалан, қалин қор қатламларида юриш бир мунча қийин, чунки қор юмлоқ, таянч юзасининг қаттиқлиги деярли йўқ. Юришда танани мувозанати доимо ўзгариб туради ва таянч сатхига боғлиқ бўлади. Бир таянчли фазада таянч сатҳи катталашади. Тананинг турғунлик даражаси ҳар хил бўлади: бир таянчли даврда жуда кам, икки таянчли даврда кўпроқ бўлади. Мураккаб ҳаракатларга ўхшаб, юриш ҳам бир қанча оддий ҳаракатлардан иборат, уларнинг асосида оёқларнинг кетма-кет букилиб, ёзилиши ётади. Юриш вақтида бир оёқнинг бажарган ҳаракати якка қадам деб айтилади. Юраётганда тана гоҳ бир, гоҳ иккинчи оёққа таянади. Таянаётган оёқ таянч оёғи, иккинчиси эса эркин оёқ деб хисобланади. Якка қадамлар доим кетма-кет қайтарилади. Юриш цикли жуфт қадамни ҳосил қиласи. Ҳар бир жуфт қадам иккита якка қадамдан иборат бўлиб, шу жуфт-

дан бири биринчи оёқ ҳисобига, кейингиси иккинчи оёқ ҳисобига бажарилади. Ҳар жуфт қадамдан кейин тананинг қисмлари ва звенолари бир-бирига нисбатан бошлангич ҳолатта қайтади. Ҳаракат аппарати ишининг хусусиятларига қараб ва тананинг УОМ дан туширилган вертикал йўналишига нисбатан таянч ёки эркин оёқнинг ҳолати, ҳар бир якка қадам фазаларига бўлинниши мумкин, шу фазаларнинг ҳар бири оддий қадам дейилади. Таянч оёқ тананинг УОМ дан туширилган вертикал чизиққа нисбатан олдинда бўлса, бу ҳолат таянч оёқнинг олдинги қадами деб айтилади. Агар вертикал чизиққа нисбатан орқада бўлса, таянч оёқнинг орқа қадами дейилади. Олдинги ва орқа таянч фазалари орасида таянч оёқнинг вертикал даврли ҳолати бор.

Демак, ўз структурасига кура ҳар бир жуфт қадам иккита якка қадамдан ва туртта оддий қадамдан таркиб топган. Бироқ босиб ўтилган жуфт қадамли масофа фақат учта оддий қадамдан иборат, чунки бир оёқнинг оддий қадами «устига» тушади. Юришни ҳар бир якка қадами кетма-кет 4 фазадан ташкил топган: икки таянчли давр орқа қадам, тик туриш ҳолати ва олдинги қадам қўш қадам эса 6 та фазадан ташкил топган:

1. Таянч оёқнинг олдинги қадами – бу фазада таянч асосан оёқнинг товон қисмига тиради; бунда тана олдинга қараб итарилади. Тананинг оғирлик кучи пастга йўналган бўлиб, таянч сатҳига нисбатан перпендикуляр жойлашган. Таянч сатҳининг реакция кучи эса қиялаб йўналган бўлиб, таянч оёқнинг бўйлама ўқига мос келади.

Таянч сатҳи реакциясининг кучи тик ва горизонтал ташкил этувчилардан таркиб топган. Бунда горизонтал ташкил этувчи орқага қараб йўналаган бўлиб, тана ҳаракатларини тормозлайди. Товон юзага текканда, оёқ мускуллари

қисқариб оёқларни түгриланган ҳолатда сақлашта ёрдам беради.

2. Таянч оёқнинг тик туриш даври – бу фазада товон таянч сатҳига бутун юзаси билан босилиб, оёқдаги тизза, тос-сон бўғимлари түгриланган бўлади. Бўйлама ўқ УОМ дан туширилган вертикал ўқ чизигига тўгри келади. Тана оғирлик қучи ва инерция қучи таъсири натижасида уларнинг ҳолати пассив ҳолда сақланади. Асосий иш вертикал ҳолатини ушлаб турувчи тана мускулларига тушади.

3. Таянч оёқнинг орка қадами – бу фаза алоҳида аҳамиятга эга, чунки оёқ мускулларининг қисқариши натижасида орқа итарилиш рўй беради. Натижада ҳосил бўлган импульс танани олдинга қараб ҳаракатланишига олиб келади. Таянч оёқнинг орқа қадами даврида ҳаракат товоңдан бутун оёқ таги юзаси буйлаб оёқ бармокларига етиб боради. Бу даврда оёқ панжасида букиш, сон билан болдирида эса ёзиш ҳаракати руй беради. Бу ҳаракатларни бажаришда оёқ панжани тагида жойлашган мускуллари, болдири орқа ва латерал гуруҳ мускуллари, соннинг олдинги гуруҳ мускуллари ва тос-сон бўғимининг орка юзасида жойлашган мускуллар иштирок этади. Фазанинг охирида танага олдинга ва тепага итарилиш йулланиши, танани олдинга силжишга ёрдам беради. Орқа итарилишдан сўнг таянч сатҳи билан алоқасини узиди, эркин ҳолатга ўтади.

4. Эркин оёқнинг орқа қадами – эркин оёқни тизза ва болдири-панжа бўғимлари букилган ҳолда бўлиб, мускуллари проксимал таянча ишлайди. Тос-сон бўғими соҳасидаги олдинги гуруҳ мускулларидан соннинг тўгри мускули, тиқувчи мускул, ёнбош-бел мускули қисқарган ҳолда, соннинг орқа гуруҳ мускуллари эса таранглашган ҳолда бўлади. Бу мускулларнинг иши туфайли болдири бир оз букилган ҳолатда бўлади. Фазанинг охирги дақиқаларида болдирининг

олдинги ва латерал гурух мускуллари бўшашади, натижада оёқ панжаси ёзилади ва товон таянч сатҳидан узилиб, бир оз юқорига кўтарилади.

5. Эркин оёқнинг тик туриши даври – эркин оёқнинг олдинги ва орқа қадамлар орасидаги чегарасига айтилади. Бу вазиятда эркин оёқ таянч оёқ ёнидан ўтиб, тизза бўғими букилган ва болдир-панжа бўғими ёзилган ҳолда бўлади. Эркин оёқдан ва гавдадан ўтадиган тикка кетган ўклари бир сатҳда ётади. Туртинчи фазада ишлаётган мускулларнинг қисқариши давом этади. Эркин оёқ бўғимларнинг ҳолати эса панжа товонини ерга тегизмасдан утказишини таъминлайди. Тос-сон, тизза бўғимининг тўлқинсимон тебранишлари туфайли оёқнинг умумий узунлиги камайиб, ҳаракатларни олдга қараб силжиши тезлашади.

6. Эркин оёқнинг олдинги қадами – бу фаза мобайнида ҳаракатлар секинлашади, худди шу пайтда тизза бўғими ёзилади ва болдир олдинга қараб ҳаракатланади. Соннинг тўрт бошли мускулининг баллистик иши туфайли тизза бўғими ёзилади ва болдирни олд томонга силжиши давом этади. Сўнг турт бошли мускул бирданига бўшашади ва болдирни кейинги ҳаракатлари инерция кучлари таъсирида бажарилади. Олдинга қараб ҳаракатланаётган оёқни фазода кўтарилиб туришини, таранглашган ҳолдаги соннинг букувчи мускуллари таъминлайди. Оёқ панжасининг ёзувчи ва букувчи мускуллар тонуси ҳам юқори даражада таранглашган ҳолда бўлади Эркин оёқнинг фазаларида мускуллар проксимал таянчда ишлайди, уларнинг суюкларга таъсир этиш сатҳи чегараланган бўлиб, катта кучга эга бўлмаса ҳам, ҳаракатлар турларини хилма-хил бўлишини таъминлайди.

Шу билан юришдаги оёқ ҳаракатларининг тўла цикли ниҳоясига етади. Демак, юриш пайтида оёқнинг ҳамма мускуллари ҳаракатда бўлади, уларнинг таранглашиб-

бўшаши кетма-кет ўрин алмашинади. Таянч ва эркин оёқ ҳаракатлари бир-бирига синхрондир ва мускулларнинг мураккаб координацияси туфайли эришилади. Юриш жараёнининг асосида нерв тизимининг рефлектор иши ётади.

Югуриш.

Югуриш – бу мураккаб, локомотор, циклик ҳаракат бўлиб, тана таянч юзасидан итарилиб фазода ҳаракатла-нишдан иборат. Юриш билан югуриш ўртасида ўхшашлик ва фаркли белгиларни ажратиш мумкин. Югуришда худди юриш ҳаракатидек бир хил ҳаракат фазалари, ҳаракат цикли ва мускул группалари иштирок этади. Югуришда юриш ҳаракатидан фарқли икки таянчли фазанинг бўлмаслиги хосдир ва тана таянчи тоҳ бир тоҳ иккинчи оёққа тушади. Югуришда икки таянчли фаза ўрнига фазода учиш фазаси ўрин алмашинади, тана бунда таянч юза билан боғлиқ бўлмайди. Оғирлик кучи югуришни барча фазалари мобайнида таъсир этади, таянч кучи эса фақат таянч фазаси даврида таъсир этади. Юриш вақтида қаршилик кучи унчалик эътиборга олинмаса, югуришда катта аҳамиятта эга. Югуриш тезлиги ошган сари қаршилик кучи ҳам ортади. Таянч юзаси билан оёқ панжасининг пастки юзаси орасидаги ишқаланиш югуриш пайтида юқори бўлади, чунки ютураётган пайтида катта итарилиш кучи ҳосил бўлади. Шу сабабли, таянч сатхини ва итарилиш кучини ошириш мақсадида, енгил саноатда кўрсатилган талабларга жавоб берадиган пойабзal ишлаб ниқарилади. Югуришда таянчининг реакция кучларининг ийналиши ва катталиги юришдан фарқ қиласи. Агар юришда орқа оёқ итарилиши қучсиз, олдинги оёқники кучли бўлса, югуришда аксинча орқа оёқнинг итарилиши кучли, олдингисиники эса қучсиз бўлади. Инерция кучи югуришда юришга нисбатан анча ошади, бу эса танани УОМ

траекториясига таъсир кўрсатади. Тана УОМнинг энг юқори ҳолати учиш фазасида қузатилса, энг пасткиси эса тик туриш даврига тўғри келади. Ютураётганда оёқ панжасининг таянч сатҳини товон, панжанинг олдинги ёки ён қисмлари ҳосил қилиши мумкин. Товон сатҳига тегишли мускуларнинг таранглиги ошмайди, лекин оёқларнинг рессорлик хусусиятини камайтиради, қарама-қаршиликни кучайтиради. Агарда таянч сатҳига панжанинг олдинги ёки ён қисми билан тегилганда оёқларнинг рессорлик хусусияти ортади. Болдири олдинга букилганлиги туфайли товониниң букувчи мускуллари чўзилади ва кейинги қисқариша тайёрланади. Ютуришда юришга ўхшаб олдинги ва орқа оддий қадамлар яхлит якка қадамни ҳосил қиласди, иккита якка қадам эса қўш қадамни ҳосил қиласди. Қанчалик ютуриш тезлиги катта бўлса, шунчалик фазода учиш фаза вақти чўзилади. Ютураётганда қўллар ҳаракати тезлашиб, силкиниши кучаяди. Бунда қўллар тирсак бўғимидаги букилган бўлади, бу эса қўл мускуларига тушувчи зуриқишни оширади. Танани ушлаб туриш учун умуртқа поғонасининг букувчи мускуллари таранглашади. Айниқса оёқ мускуларига катта юклама тушади. Ютуришининг тезлиги оёқнинг итарилиш кучига боғлиқ. Итарилиш кучи эса уч бошли мускул томонидан бажарадиган ишига ва кучига боғлиқ.

Ютуришда қадамни узунлиги эркакларда спорт билан шутулланмаганда ўртача 159 см, аёлларда 129 см, енгил атлет, стайерларда 168 см.

Узун масофага ютуриш чидамликни ривожлантиради, калта дистанцияга ютуриш эса кучни ривожлантиради. Спортчи чарчаганда қадамни узунлиги қисқаради.

Ациклик ҳаракатларнинг анатомик таърифи

«Жойдан югурib туриб узунликка сакраи».

Сакрашнинг ҳамма турлари орасида, биз асосан жойидан туриб узунликка сакрашга тўхтalamиз, чунки бу ҳаракат ациклик ҳаракатларнинг ичида энг куп учрайдиган варианларидан бири бўлиб ҳисобланади. Сакраш вақтида қисқа муддат ичида мускуллар максимал даражада қисқариб, гавдани фазога отиб юборади ва қисқа вақтда тезлик билан маълум масофани ўтиб боради. Узунилкка сакраш вақтида тананинг оғирлик маркази парабола чизигини ҳосил қиласди. Сакраш вақтида организмга икки фактор: туртки кучи ҳамда тана тезлигининг оғирлик кучи таъсир этади. Шундай қилиб, тананинг фазода учиш траекториясини маълум бурчак ҳосил қилиб, ўзаро қарама-карши келаётган иш, икки куч чизигининг натижаси сифатида аниқлаш мумкин. Жойидан туриб узунликка сакрашда тана ҳаракатини тўрт фазага ажратиш мумкин:

Биринчи фаза – тайёргарлик фазаси. Бу фазада тана бир оз букилади, қўлдаги тирсак бўғимлар ёзилади. Оёқдаги тос-сон ва тизза бўғимлари букилган ҳолда бўлиб, ошиқ-болдир бўғими эса ёзилади. Гавда олд томон ҳаракатланади ва оғирлик маркази таинч сатҳининг олдинги чегарасидан ташқарига чиқиб кетади. Бу вақтда орқанинг чуқур мускуллари, гавдани ростловчи мускули, катта думба мускули, соннинг тўрт бошли мускули катта ишни бажаради ва танани йикилиб кетишидан сақлайди. Тайёргарлик фазада бошқа фазаларга нисбатан турғун мувозанат сақланади.

Иккинчи фаза – итарилиш фазаси. Бу фазада танани ерга тушишнинг бошланиш вақтида, ошиқ-болдир бўғими ёзилади, тос-сон ва тизза бўғимлари ёзилиб бир вақтда қўллар юқорига қўтарилади. Баллистика қонунига асосан

турткни йўналишини кўрсатувчи чизик фазо майдонига нисбатан 45 градус бурчакни ҳосил қиласа, фазода учиш масофаси шунча узоқ бўлади.

Итарилиш фазасида мускул иши кескин ва кучли қисқариш билан таърифланади. Итарилиш вақтида асосан ошиқ-болдир бўғими остидаги ҳамма мускуллар ишлайди. Болдирилган орқа ва латерал гурух мускуллари, соннинг тўрт бошли мускули, тос-сон бўғимининг орқасида жойлашган мускуллари катта иш бажаради. Гавдада умуртқа погонасининг ёзувчи мускуллари, елка камарини кўтарувчи мускуллар, елкани қисқартирувчи ва билакни ёзувчи мускуллар кучли таранглашган ҳолда бўлади.

Учинчи фаза – учиш фазаси. Бу фазада тананинг фазода учиш траекторияси оғирлик марказининг траекторияси билан бир вақтга тўғри келади. Бу траектория фақатгина баъзи ташқи кучлар таъсирида ўзгариши мумкин. Агар сакраш кучли шамолга қарши йўналган бўлса, табиийки, бу траектория қисқаради, агар шамол томонга бўлса, аксинча узаяди. Оддий шароитда эса бу траекторияни ўзгартириб бўлмайди. Жойидан узунликка сакраш вақтида тананинг қўшимча ҳаракатлари югуриб келиб сакраш ва баландликка сакраш ҳаракатларга нисбатан анча чегараланган бўлади. Фазода учиш вақтида мускуллар маълум даражада бўшашибди. Қўлларни юқорига кўтирилиши оёқ мускуларининг ишини осонлаштиради. Учиш фазасида оёқ панжасининг мускуллари, соннинг, болдирилган ва гавданинг букувчи мускуллари иштирок этади.

Тўртингчи фаза – ерга тушиш фазаси. Бу вақтда тана ерга тегиб, ўзининг умумий оғирлик марказининг вертикалига нисбатан олдинда жойлашган таянч нуқтасига эга бўлади. Агар фазодаги учиш вақтидаги оғирлик марказ бир ерга тўғри келсагина, одам йиқилмайди. Ерга қўниш вақтида

оёқларнинг букилиши, хусусан букилган тизза, сон ва қисман ошиқ-болдир бўғимларини атрофида жойлашган мускуларнинг қисқариши туфайли тананинг амортизацияси юзага келади. Оёқ панжасининг рессор хусусияти тўла юзага чиқарилмайди, чунки аксарият, оёкнинг олдинги қисми эмас, аксинча орқа қисми олдин ерга тегади. Шунинг учун товонга тушиш вақтида тана чайқалишидан амортизация вазифасини бажарувчи болдирилниг гурӯҳ мускулари катта роль уйнайди. Сакраш вақтидаги нафас олиш механизмини хусусиятларига келсак, бу вақтдаги қўлни юқорига кўтарилиши қовурғаларни ҳам кўтариб нафас олиш учун қулай шароит яратади, бинобарин нафас олиш енгиллашади. Қисқа муддат фазодаги учиш вақтида нафас ҳаракати тўхтайди ва нафас чиқариш ерга тушгандан сўнг бажарилади.

Айланма ҳаракатларнинг анатомик таърифи

«Турган жойида орқага салъюто ҳаракати».

Турган жойида орқага салъюто ҳаракати – мураккаб ациклик айланма ҳаракат ҳисобланади. Бунда тана таянч сатҳидан итарилиб фазода ўзининг эркин ўқи атрофида айланниб, сўнг ерга қунади.

Салъто ҳаракатини 4 фазага бўлиш мумкин: биринчи – тайёргарлик фазаси, иккинчи – итарилиш фазаси, учинчи – учиш фазаси, туртинчи – ерга қўниш фазаси. Учиш фазаси ўз навбатида куйидагиларга бўлинади: кўтарилиш, гурӯхланиш, айланниш ва танани тўғриланиши.

1. Тайёргарлик фазаси – бунда тана ярим ўтириш ҳолатини эгаллаб, тос-сон, тизза бўғимлари букилган ҳолда бўлса, ошиқ-болдир бўғими эса ёзилган бўлади. Қўлнинг тирсак бўғими букилган ҳолда бўлса, елка бўғими эса

ёзилган ҳолда бўлади. Катта думба мускули, соннинг тўртбошли мускули, болдирилниг оддинги ва орқа гурух мускуллари чузилган ҳолда бўлиб, иккинчи фазага ўтишга тайёр бўлади.

2. Итарилиш фазаси – бу фазада таянч-ҳаракат аппаратининг иши худди жойидан узуунликка сакраш ҳаракатига ўхшашиб. Лекин сальто ҳаракатида итарилиш катта бурчакда бажарилади. Таянч сатҳининг кучи ва умумий оғирлик марказга йўлланмасдан, ундан олд томонга силжиган. Оғирлик кучи билан инерция дақиқаси биргаликда жуфт кучлар ҳосил қилиб, тананинг айланишини ифодалайди. Асосий ишни оёқдаги турли мускул гуруҳлари бажаради. Тайёргарлик фазадан фарқли итарилиш фазада тос-сон ва тизза бўғимлари ёзилиш ҳолатига утади, ошиқ-болдири бўғими эса аксинча букилади. Ошиқ-болдири бўғимини букишда оёқ панжасининг товоң мускуллари, болдирилниг уч бошли мускули, бармоқларни букувчи узун мускуллар иштирок этади. Тизза бўғимини ёзишда эса соннинг тўрт бошли мускули қатнашади. Тос-сон бўғимини ёзишда катта думба мускули, қисман ўрта ва кичик думба мускуллари, соннинг орқа ва медиал гуруҳ мускуллари – яримпай, яримпарда, икки бошли мускуллар ва якинлаштирувчи катта мукуллар иштирок этади. Гавдани ростлашда умуртқа поғонасининг ёзувчи мускулларнинг кучли ҳолда тарангланиши катта роль ўйнайди. Елка бўғимини ёзувчи ва елка олдини букишда иштирок этувчи мускуллар ҳам актив иш бажаради.

3. Учинч фазаси. Бу фазада тана қисмлари ихчам ийғилиб (гуруҳланиш), ўзининг кўндаланг ўқи атрофида буралиб ҳаракатланади. Гуруҳланишда оёқлар тос-сон ва тизза бўғимларида букилади, панжа эса ёзилади. Бу вазиятда қўллар пастга туширилган, бош эса орқага ташланади.

Бу ҳаракатларда иккинчи фазада қатнашган мускулларнинг антогонистлари иштирок этади.

Оёқ панжасини ёзилишда болдирни олдинги гуруҳ мускуллари – катта болдирни олдинги мускули, бош бармоқларни ёзувчи узун мускули қатнашади.

Тизза бўғимини букишда соннинг орқа гуруҳ мускуллари, соннинг икки бошли мускули, ярим пай, ярим парда, нозик, тикувчи, болдирнинг уч бошли мускуллари қатнашади. Тос-сон бўғимини букишда тикувчи мускул, соннинг кенг фасцияини тарангловчи мускул ва қисман тароқсимон мускул актив иштирок этади.

Елка камарини ва қўлни пастга туширишда трапециясимон мускулининг пастки қисми, олдинги тишли мускулнинг пастки тишлари, кўкракнинг кичик мускули, ўмров ости мускули, орқанинг кенг мускули ва кўкракнинг катта мускуллари қатнашади. Гавданинг кўкрак ва бел қисмларида букилиш ҳаракати ҳам бир вактда юзага келади. Тана қисмларини гурухланиши натижасида инерция дақиқаси камайиб, тезлик бурчаги ортади. Учинчи фазани охирида тана тўғриланиб, инерция дақиқаси аксинча катталашади, тезлик бурчаги эса камаяди. Оёқнинг бўғимлари ёзилиб, қўллар пастга туширилади ва умуртқа поғонаси тўғриланган ҳолга келади.

Оёқнинг тос-сон, тизза бўғимларининг ёзилишда соннинг орқа гуруҳ мускуллари, тос-сон бўғимининг орқа юзасидаги мускуллар, болдирнинг орқа ва латерал гуруҳ мускуллари қатнашади. Гавда соҳасида умуртқа поғонаси атрофида жомашган мускуллар кучли даражада тарангланган ҳолда бўлади.

4. Ерга қўниш фазаси. Бу фазада оёқ бўғимлари тўлиқ ёзилмаган ҳолда бўлиб, рессорлик аппарати вазифасини бажаради ва танага амортизация бериб силтанишдан сақ-

лайди. Танани тўғриланишда иштирок этувчи мускулларнинг иши туфайли амортизация ходисаси юзага келади. Бу вазиятга қўллар пастга тўлиқ туширилмаган, гавда эса тўлиқ ёзилмаган ҳолатда қолади. Агар умумий оғирлик марказидан туширилган тик ўқ ерга қўниш пайтда таянч сатҳи майдонидан ташқарига чиқиб кетса, бунда тана йилқилади. Агар умумий оғирлик маркази таянч сатҳи майдонининг ичидан ўтса, тана ерга қўнади ва мувозанат сақланади.

Спортчи ушбу машғулотни муваффакиятли бажариши учун тананинг ҳамма ҳаракатлари фазода аниқ бажарилиши шарт. Бунинг учун спортчи мунтазам тренировкалар билан шуғулланиш натижасида унинг ҳаракат анализаторлари перифериядан келувчи нозик таъсиротларни қабул қилиб, уларга жавоб берувчи афферент таъсиротларини, аниқ ва координация импульслари орқали таянч-ҳаракат органларининг актив кисмларига – мускулларига етказади.

Салъто ҳаракатини бажаришда нафас олиш узига хос хусусиятларга эга. Тайёргарлик фаза даврида спортчи бир неча марта чуқур нафас олади ва нафас чиқаради. Итарилиш фазасида қўллар юкорига кўтарилиганда кўкрак қафаси кенгаяди ва чуқур нафас олади. Кўкрак қафасини кентайиши диафрагма ҳисобидан бўлмай, қовургаларни кўтарилиши ҳисобидан вужудга келади. Сўнг нафас ушланиб колади ва ерга қўнишдан кейин нафас чиқарилади.

АНТРОПОМЕТРИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Антрапометрия – одам танасининг ўлчовларини ўтказиш усуllibарини ўргатадиган таълимот. «Антрапометрия» сўзини келиб чиқиши грекча бўлиб, «anthropos» – одам, «metreο» – ўлчайман деган маънони англатади. «Антрапометрия» ва «соматология» атамалари бир хил маънони англатиб, ўтказилган антрапометрик текширишлар асосида одамни жисмоний такомилланиш даражасини аниқлайди ва баҳолайди. Инсонни жисмоний такомилланиши ҳақидаги таълимот 160 йил муқаддам пайдо бўлган, лекин одамнинг жисмоний такомилланиши ҳақидаги дастлабки тушунчалар қадим замонларда пайдо бўлиб, турли давлатларда ҳарбий кучларни жисмоний жиҳатдан такомий топган шахслардан тузиш зарурати тақозо қилган.

Организмнинг жисмоний такомиллик даражаси айни вақтда унинг морфо-функционал курсаткичлари ва хусусиятлари асосида баҳоланади. Жисмоний такомилликнинг асосий белгиларига тотал ва парциал кўрсаткичлар киради. Тотал кўрсаткичларга тана узунлиги, тана оғирлиги ва кўкрак қафасининг айланмаси киради. Тана оғирлиги тана массасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Тана массасини кўкрак қафаси айланмаси кўрсаткичи муносабати асосида тана зичлигини аниқлаш мумкин. Кўкрак қафаси айланмасини тана узунлиги кўрсаткичи билан муносабати тана шаклини ифодалайди. Танани ташкил этувчи турли қисм, сегмент ва звенолар узунлиги, айланмаси ва кенглик кўрсаткичлари парциал ўлчовларни ташкил этади. Парциал кўрсаткичлар асосида жисмоний такомилликни чукур ва аниқ баҳолаш имконияти яратилади. Тотал ва парциал ўлчовларидан ташқари яна бир қанча кўрсаткичлар қўлланилади, масалан, тана массасини ташкил этувчи ёғ, сук, ва

мускул компонентларини аниқлаш мүмкін. Бу күрсаткичлар маңсус формулалар асосида организмда сұяқ, мускул ва ёғ түқимасини миқдорини күрсатади.

Жисмоний такомилланиш негизида нафақат танани ташқи қиёфасини шакллантирувчи аъзо ва тизимлар, балки организмдаги барча ички аъзолар ва тизимларнинг узоқ вақт давомида юқори даражали фаолият күрсатыпта гайёрлик, яғни мослашғанлик хусусияти ётади. Шу сабабли ички морфологик тизимларни текшириш мақсадида калла сүягини – краниометрия; юракни – кардиография ва пульсометрия, ўпкани – флюрография, бүйракни – урография, турли морфологик тузилмаларни – морфометрия, бўғимларда ҳаракат ҳажмларини аниқлаш – гониометрия, турли мускул гурухларини кучини аниқловчи динамометрия ва ретрография усуллари кенг күлланилади. Қанчалик тана зичлиги ва массасини ифодаловчи күрсаткичлари юқори бўлса, шунчалик одамнинг жисмоний такомиллиги юқори баҳоланади. Масалан, брихиоморф шаклли тана тузилишга – гавдани кенг ва катта ҳажмли бўлиши, конуссимон шаклга эга бўлган кўкрак қафасини мавжудлиги, оёқ-қўлларнинг гавдага нисбатан калтароқ бўлиши хос белгилардан бўлиб, бундай морфотипга эга бўлган шахсларни жисмоний такомиллиги юқори баҳоланади. Долихоморф тана тузилишга – бўйни баланд, гавдаси калта, кўкрак қафаси цилиндрический, кўл-оёқлари узун бўлган шахсларда жисмоний такомиллик даражаси паст баҳоланади. Антропометрик белгилар орасындағи муносабатлар жисмоний ривожланиш даражасини аниқлаб, организм тузилмаларининг механик хусусиятларини ифодалайди. Ҳозирги кунда антропометрия ўз олдига қўйган мақсадларига қўра 3 гурухга ажратиласиди:

Ҳарбий антропометрия

Тиббий антропометрия

Спорт антропометрия

1. Ҳарбий антропометрия – саломатлик даражасини текшириш билан биргалиқда, тана узунлиги, оғирлиги ва күкрак айланмаси ўлчовларини ва улар орасидаги муносабаттарни аниқлаш билан, танловга жавоб беруучи белгилар асосида ҳарбий хизматта жисмонан бақувват ўсмирларни ва йигитларни танлаб ажратып имкониятига эга. Ҳарбий муассасаларнинг таҳлили бўйича яшаш жойлари ва шароити жиҳатдан эркак аҳолининг тана узунлиги кўрсаткичларини фарқланиши аниқланган.

2. Тиббий антропометрия – болалар ва вояга етган одамларни жисмоний такомилланиш даражасини аниқлайди. Турли ёшдаги болалар организми жуда ўзгарувчан бўлиб, турли морфо-функционал тизимларда ёшга қараб ўзгаришлар кузатилади. Шу сабабли, педиатрияда ҳар бир паспорт ёшига хос бўлган белгиларнинг ўртача кўрсаткичлари асосида норматив жадваллар ишлаб чиқарилган. Муайян ёшга хос бўлган жадвал кўрсаткичлари асосида текширилаётган боланинг белгилари таққосланади ва жисмоний такомиллиги баҳоланади. Иккиламчи жинсий белгиларни пайдо бўлиш муддатлари ва намоён этилиш даражаси ҳам хисобга олинади. Ҳар йили ҳар бир мамлакатда ёш болалар ва ўсмирларнинг жисмоний такомилланиш динамикаси, биологик ёши паспорт ёшига мувофиқлиги катта назорат остида тутилади.

3. Спорт антропометрияси амалиётида спортта лаёқатли шахсларни танлашда ва ҳар бир спорт мутахассислигига хос бўлган намунавий кўрсаткичлар эталонони яратишда кенг қўлланилади. Спорт танловини илмий ва объектив асосда ўтказишида тананинг тотал ва парциал кўрсаткичлари, тана пропорцияларини, тананинг массасини

ташкил этувчи таркибий қисмларни намоён этувчи кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва ниҳоят спортчи соматотипини аниқлаш катта аҳамиятга эга. “Соматотип” бу инсон конституциясининг морфологик кўрсаткичларнинг ифодаси. Спортчиларни жисмоний такомилини баҳолаш катта аҳамиятга эга, чунки тури спорт мутахассисликларда антропометрик белгилар спорт натижаларини ифодаловчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Тана узунлиги баскетбол, волейбол ва гандболда асосий танлов белгиси ҳисобланади. Футболда, хоккейда, гимнастикада тана узунлиги унчалик аҳамиятга эга эмас, спортчини жамоада эгаллайдиган ва бажарадиган иши билан боғлиқ. Футболда дарвозабонларни бўйи баланд, қўллари узун бўлиши зарур, хоккейда эса ҳужумчини бўйи баланд, тана массасини ҳажми катта, мускуллари яхши ривожлаган бўлса, футболда ҳужумчиларда эса тана узунлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Тана массасини ифодоловчи кўрсаткичлар юқори бўлиши шарт эмас, чунки баланд бўйлик ва тана массасини массив бўлиши югуришда ҳалақит берishi мумкин. Оғир атлетика спорт тури билан шутулланувчиларда тана узунлиги ўрта меъёр атрофида, тана массаси ўрта кўрсаткичлардан юқори бўлган, кенг тос ва катта кукрак айланмаси, ёғ қатлами яхши ривожланган каби белгилар хосдир. Масалан, спортчи штангани муваффакиятли кўтариши учун кўрсатилган белгилардан ташқари, яна бир хос белги – билак анча узун, елка эса калта бўлиши зарур. Демак, ҳар бир спорт турига танлов ўтказилганда айнан у ёки бу спорт тури талабларига жавоб берувчи антропометрик белгиларни намоён этилишига аҳамият берилади.

Спортчи модели – бу тури информатив белгиларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, морфологик, физиологик, биокимёвий ва психологияк кўрсаткичлар асосида танланган

спорт турига спортчини мослигини аниқлайди ва келажақда айнан шу спорт турида юқори натижаларга етишини даъват этади.

Биринчи антропометрик тавсияномалар 1988 йилда машхур антрополог А.П. Богданов томонидан ишлаб чиқилган. Антропометрия усулларини такомилланиши Р. Мартин, В.В. Бунак, К.И. Романов, Я. Матейка, В.П. Алексеев номлари билан боғлиқ.

Ян Матейка томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган формулалари бўйича шу кунга қадар тана массасини ташкил этувчи ёғ, мускул ва сукъ компонентлари аниқланади. Гониометрия ва динамометрия усулларини спорт амалиётига киритилиши ва қўлланишида В.А. Гамбургцев, А.А. Гладишева ва В.П. Стрельников каби олимларнинг ҳиссаси катта.

Спорт антропометриясини ривожланишини ва мавжуд бўлган усулларини такомилланишини таъминлаб берган олимлардан Э.Г. Матировсони кўрсатиш лозим.

МАШГУЛОТ

Тема: Антропометрик текширув

Машғулот мақсади: одам гавдасини асбоблар ва аппаратуралар ёрдамида ўлчашнинг асосий методлари билан таништириш. Оёқ панжа гумбазини баҳолашда визуал ва подометрик методлардан фойдаланишни талабаларга ўргатиш.

Жиҳозлар, асбоблар: антропометри, ростомер, йўғон циркуль, сирғанувчи циркуль, тазомер, сантиметрли тасмалари, қўл-оёқнинг рентген суратлари, стопомер, ёғоч ром, бўёқ идиш, штемпель (муҳр бўёғи), плантограммалар учун

қоғоз, скипидар, уч бурчаклар, транспортирлар, чизғичлар, клеёнка, планшетда оёқ панжа скелети.

Студентлардан бири тикка туриб туради.

Текшириш усуллари: антропометрик текшириш методлари икки гурухга бўлинади:

1. Контактли усулда текшириш
2. Контактсиз усулда текшириш – масофадан туриб ўлчаш.

Контактли усул текшириш усулининг кенг фойдаланадиган ҳисобланади.

1. Текширишнинг контактли усули:
 - а) тана ўлчовини узунасига ўлчаш;
 - б) тана ўлчовини кўндалангига ўлчаш;
 - в) тананинг айланга ўлчовини аниқлаш.

Машғулотнинг мазмуни:

Инсон гавдасининг шакли мураккаб тузилган, шунинг учун унинг ўлчовларини ўлчашда маълум усулларни кўллаш талаб этилади. Ўлчашнинг учта усули: проекцион, тўғри ўлчаш (сквозной) ва ёй ўлчовлари усуллари кенг кўлланади.

Проекцион ўлчов усули маълум текисликка чиқарилган, проекцияланган антропометрик нуқталар ўртасини ўлчашга тўғри келади. Вертикаль юзалардан бирида (сагиттал ёки фронтал) ётган, бироқ турли горизонтал юзаликда бўлган ўлчамлардан бири, бўйлама диаметр ёки узунлик ўлчовлари дейилади. Узунлик ўлчовлари ёрдамида гавда ва унинг айрим сегментлари аниқланади. Сагиттал юзанинг горизонтал юзалар ва тана контурлари чизиқларини кесиб утган майдаги нуқталар олдинги-орқа проекцион размерларини ёки тана ичи чуқурлигини ўлчов имконини беради.

Фронтал юзаларнинг горизонтал юзалар билан ва тана контурлари кесилган жойида ҳосил бўлган нуқталар

күндаланг проекцион диаметрларни ёки тананинг кентлигини ўлчашта имкон яратади.

Тұғри (сквозной) ўлчов усули. Бунда нұқталар орасидеги эң қисқа масофа ўлчов циркуллари ёрдамида аниқланади. Булар тос размерлари, унинг чуқурулғигини ўлчашдан аниқланган размерлар масофа ўлчовлари дейиләди ва сантиметрларда ва миллиметрларда ифодаланади. Улар антропометрик, йўғон циркуллар, газомерлар ёрдамида ўлчанади.

Ей ўлчовлари усули. Бунда сантиметр тасмаси тана бўйлаб маҳкам теккизиб ўлчанади. Бу усулда одатда тана айланаси: сон, кўкрак, қорин кабиллар айланаси ўлчанади. Шунингдек, тананинг айрим қисмлари ва қўл-оёқ узунлигини ўлчаш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, айданасини чуқурулғигини, кенглигини аниқлашдан ўлчов асбоби албатта горизонтал ҳолатда, узунилкни ўлчашда вертикал ҳолатда тутилади.

Назарий антропометрияда, организмнинг ўсиш ва ривожланиш қонууллари ҳақида гап кетганда проекцион ва тұғри усулда ўлчашлар катта аҳамиятта эга, чунки улар скелетнинг ҳақиқий размерини ифодалайди.

Контакт усулла текширишта таянч юзалар изини олиш усули ҳам киради. Күпинча оёқ-панжа, бармоқлар изи олинади, кейин бу излар графика методи билан қайта ишланади. Шунда таянч юзаларнинг шакллари, ўлчамлари, шунингдек бармоқлар ва оёқ-панжанинг хос хусусиятлари билиб олинади.

Ўлчовлар аниқ бўлиши учун антропометрик нұқталардан фойдаланилади, бу нұқталар эса жуда катбий жойлашган бўлиши керак. Бу мақсадда суюкнинг чиқиб турган жойлари – суюк ўсимталари, бўртмалари, суюк

бўғимлари чеккаси, қўкрак учи, киндик ва ҳоказолар хизмат қилади.

У ёки бу антропометрик нуқтанинг қаерда жойлашганини топиш учун пайпасланади ва оғритмасдан босиб кўрилади, кейин текшириш учун демографик қалам билан чизиб қўйилади. Қўйидаги антропометрик нуқталардан кўпроқ фойдаланилади (жадвалга каранг).

Антропометрик текширув утказища маълум талабларга риоя қилиш зарурки, бунда фақат натижалар аниқ бўлиб колмай, балки уларни солиштириш мумкин бўлсин.

1. Текширув сутканинг маълум бир вақтида – яхшиси куннинг биринчи ярмида ўтказилиши керак (чунки кун охирига бориб тананинг қўндаланг размери камайиши мумкин).

2. Тананинг ўлчанадиган соҳалари бутунлай очиб қўйилиши керак. Текширилаётган одам қаттиқ, текис майдончада яланг оёқ ёки юпқа носкида туради.

3. Текширилаётган вактнинг бошидан охиригача (айниқса, қўндаланг ўлчовлар ўлчанаётганда) тажрибадан ўтказилаётган одам тана вазиятини бир хил тутиши керак: тик туриб, қадди-комат ростланади, қўллар туширилади, тиззалар тўғри туради, оёқ кафтлари бир-бираига яқинлаштириб, оёқ учлари ён томонларга сал керилади, қорин сал ичга тортилган бўлали, ўнг кўз косасининг пастки чеккаси ва қулоқ юмшоти нуқтаси бир даражада турганда бош кўз косаси қулоқ горизонталида туради.

4. Текшириш жуда кўп вақтни олмаслиги керак. Жуда аниқ ўлчаш қоидасига амал қилиш керак. Қўпгина ўлчовларда қўйиса бўладиган тафовутлар икки ва уч марта ўлчангандаги 2-3 мм дан ошмаслиги зарур. Текшириш протоколига энг яқин ўлчов натижаларининг ўртачаси ёзиб қўйилади.

5. Текширишни бошлаш учун ўлчаш программаси, протокол формаси ишлаб чиқилган бўлиши керак, унга текширув натижалари ёзиб қўйилади.

6. Текширувни созланган асбоблар билан ўтказиш зарур. Куйидагилар антропометрик асбоблар қаторига киради:

1. Мартин системасидаги металл штанга антропометри узунлик ва кенгликни жуда аниқ ўлчаб беради. У узунлиги икки метр, ичи бўш металл ўқидан иборат. Ўқقا қўзгаладиган муфта кийдирилган бўлиб, бунда стерженга перпендикуляр равищда бир томони ўткир 25 см энсиз чизғич қўйилади. Антропометр ўқи миллиметрли иккита шкаладан иборат бўлади. Битта шкала 0 дан 2 000 мм гача ўқнинг пастки учидан бошланади ва унинг бутун узунлиги бўйлаб юради. Иккинчи шкала қарама-қарши томонда бўлади ва орқа томонга юради – нол нуқтаси юқорида бўлади. Бу шкаланинг узунлиги 1 000 мм. Иккинчи шкаладан кенг ва чуқур ўлчовларини ўлчаща фойдаланилади. Тўғри (сквозной) диаметрлар антропометр билан қўзгаладиган муфтанинг планкаси ёрдамида ўлчанади. Бундай ўлчов полга нисбатан нуқта баландлигини аниқлашга имкон беради.

2. Йўгон ва сирғанадиган циркуллар тўғри (сквозной) размерларни аниклаш учун фойдаланилади. Яъни бунда тананинг олдинги ва орқа юзасида ётганда орасидаги масофа чуқурлиги ва кенглиги ўлчанади.

Йўгон циркулинг ёйсимон қайрилган оёқчалини бўлади, у тананинг чуқурроқ ётган нуқталари ўртасидаги масофани ўлчаш имконини беради, бу нуқталарни сирғанадиган циркул оёқчалари аниқлаб беролмайди. Сирғанадиган циркуллар узун суюклар охиридаги юмалоқ дўнгликлар усти ва дўнг суюклар орасидаги масофани, суюкнинг йўғонлигини ўлчаб беради.

3. Узунлиги 1,5-2 м ли миллиметрли тасмалар тана периметрларини ўлчаш учун қўлланади.

4. Медицина тарозилари аниқ ўлчайди (50 г қадар фарқ қилиши мумкин).

5. Гониометрлар бўғимлар ҳаракатчанлигини даражаларда аниқлаб берадиган асбоблардир. Барча такширилган бўғимларнинг қандай ҳаракатчанлиги одамнинг қанчалик қайишқоқ, оғилувчи эканлигини билдиради. Гониометрлар тузилишига кўра контактли ва гравитацион турларга бўлинади.

Контактли гониометрлар иккита караматчан браишлардан иборат. Унинг биттаси транспортирга бириктирилади, иккинчиси стрелкага уланган бўлади, бу битта бранш иккинчисига наслатан қанчалик мойини ўзгартиргани кўрсатади. Контактли гониометрлар билан ишлашда браншлар тана бўйлаб мустахкамданади, улар ўртасида ҳаракатчанлик аниқланади. Гониометр ошиқ-мошифининг ўқи ўрганилаётган бўғим ўқига тўтири келиши лозим.

Гравитацион гониометрларнинг бранши битта бўлади, унга транспортир шкаласи кимирламайдиган қилиб ўрнатилилади. Суяқ бўғимлари уртасидаги бурчаклари транспортир ёрдамида фотосуратларда, кинограммаларда ва рентген суратларида аниқлаш мумкин.

6. Стопомер – подометр – оёқ-панжани ўлчайдиган асбоб. У таянч майдончаси ва ҳаракатланадиган ғилдиракчалар (югурувчилар)дан иборат бўлади, биттаси таянч майдони бўлиб, иккинчиси – биринчи ғилдирак бўйлаб ҳаракатланади. Ғилдириклар ўзаро алмашиниши туфайли оёқ-панжанинг узунлигини, кенглигини, баландлигини ўлчаш мумкин бўлади.

7. Ростомер – кўндаланг рейкаси бор тик йўналган шкала.

АНТРОПОМЕТРИК ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ

1. Танани бўйига ўлчаш. Одамнинг бўйи вертикал юзада аниқланган антропометрик нуқталар ўртасидаги проекцион масофа сифатида ўлчанади.

Тана узунлиги (одамнинг бўйи) текширилаётган одамнинг таянч майдони устидаги энг юқори нуқтаси, яъни бош гумбазининг юқори нуқтаси. Бўйни ўлчашда одам қаддини тикка тутиб туриши керак. Бўйни ўлчанадиган одам ростомернинг горизонтал майдонига оёқланған босиб, унинг вертикал устунига оркаси билан туради, қўлларини туширади, оёқ панжалари бир-бирига яқинлаштирилади, тиззалар асло букилмайди, ростомер устунига бешта нуқта: товоналар, болдир, думба, кураклар ораси юзаси ва энса тегиб туриши шарт. Бўйи ўлчанаётгач одамнинг боши шундай туриши керакки, бунда кўз косасининг қуи қисми ташки эшитив маркази билан бир хил горизонтал юзада турсин. Одам ана шундай вазиятда турганидан кейин антропометрнинг рейкаси ёки ростомернинг суриладиган планкаси бошнинг энг юқори нуқтасига туширилади ва миллиметрга қадар аниқ ўлчанади.

Гавда узунлиги – полдан юқори тушда ва қовда жойлашган нуқталар ўртасидаги тафовутлар (бу нуқталар орасидаги проекцион масофа).

Корпуз узунлиги – оёқлар узунлигини қўшмасдан ҳисоблаганда аниқланган тана узунлиги.

Қўллар узунлиги – пол устидан елка ва бармоқ нуқталари баландлиги ўртасидаги тавофут (акромиал) ва бармоқ нуқталари ўртасидаги проекцион масофа. Ўлчанаётгач одам асосий антропометрик тик ҳолатда туради, елкадаги нуқта ва урта бармоқ учининг полга нисбатан баландлиги даражаси аниқланади.

Елканинг узунлиги. Елка антропометр билан елка нуқтасидан то кичик билак суяги юқори бошчасидан билак суяги нуқтасигача ўлчанади. Елканинг ҳақиқий узунлиги елка ва кичик билак нуқталарининг полдан баландлиги орасидаги тафовутта тенг келади (акромиал ва билак суяги нуқталари орасидаги проекцион масофа).

Билакнинг узунлиги – билак нуқтаси ва бигизсимон ўсимта суяги нуқтасининг полдан баландлиги орасидаги тавофут (бигизсимон ўсимта ва бармоқ нуқталари ўртасидаги проекцион масофа). Суяк узунлиги бигизсимон ўсимта нуқтасидан учинчи бармоқ учидағи нуқтага қадар ўлчанади.

Суякнинг узунлиги – бигизсимон ўсимта нуқтаси ва бармоқ нуқтасининг пол устидан баландлиги орасидаги тафовут (бигизсимон ўсимта ва бармоқ нуқталари ўртасидаги проекцион масофа). Суяк узунлиги бигизсимон ўсимта нуқтасидан учинчи бармоқ учидағи нуқтага қадар ўлчанади.

Сон узунигини ўлчаш учун соннинг юқори нуқтасининг полдан баландлиги олиб ташланади. Соннинг узунлиги антропометр билан қовдан соннинг юқори ички нуқтасига қадар ўлчанади. Бу нуқтани аниқлаш учун тизза сал букилади ва тизза бүгими ички томондан пайпасланади, катта сон суягининг энг чиқиб турган қаттиқ нуқтасига бармоқ босиб турилади, кейин унга ўлчов асбобининг планкаси кўйилади.

Болдирнинг узунлиги – соннинг юқори ва пастки нуқталарининг полдан баландлиги ўртасидаги тафовут (соннинг юқори ва пастки нуқталари ўртасидаги проекцион масофа). Болдирнинг узунлиги антропометр билан соннинг юқори нуқтасидан пастки нуқтасига қадар ўлчанади. Бу оёқ тик турганда тўпиқнинг ички томонида жойлашади.

Оёқ-панжанинг узунлиги – товон ва охирги нукталар орасидаги масофа. Оёқ-панжанинг узунлиги антропометр билан товон нуктасидан панжанинг энг олдинги чиқсан нуктаси, «охиргиси»га қадар ўлчанади, бу нукта иккинчи ёки биринчи бармоқнинг учида бўлади. Оёқ-панжа баландлиги соннинг пастки нуктасидан полга қадар бўлган масофа ўлчанади.

Тананинг кўндаланг размерлари (диаметри)ни аниқлаш.

Тананинг кўндаланг размерлари йўтон, штангали ёки сирғанадиган циркуль билан фронтал ёки сагитал юзада антропометрик нукталар ўртасидаги проекцион масофа сифатида ўлчанади. Тананинг кўндаланг размерларини аниқлашда дастлаб текширилаётган одам терисига сал босиб, антропометрик нукталар пайласлаб кўрилади, кейин унга циркуль оёқлари кўйилади.

Акромиал диаметр (елка кенглиги) – ўнг ва чап акромиал нукталар ўртасидаги масофадир. Айтиб ўтилган нукталар ўртасидаги тугри (сквозной) размер елканинг кенглигини аниқлаб беради.

Кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри йўғон циркуль билан ўрта қўлтиқ ости чизиги ва IV қовурғанинг тўшга мустаҳкамланган горизонтал ўтган жойидаги нукталар орасида, яъни ўрта тўш нуктаси орқали ўлчанади. Бу қовурғанинг ёнбоши энг чиқиб турган жойлари орасидаги масофадир.

Кўкрак қафасининг олдинги ва орқа (сагиттал) диаметри – тўш нуктаси ва шу горизонтал юзада ётган умуртқа погонасининг ўсимта кирраси ўртасидаги масофадир. Кўкрак қафасининг барча кўрсаткичлари нафас олмай турган ҳолда олинади.

Тосни ўлчаш. Бунинг учун ўлчанадиган одам сонларини бир-бираига маҳкам теккизиб туради. Тос қирраси диаметри – ўнг ва чап ёнбош суюги қиррасидаги нуқталар орасидаги масофадир. Ўлчов аниқлиги 0,5 см. Бунда циркуль оёқчаларини ўлчанаётган соҳага аста қўйиш лозим, акс ҳолда юмшоқ тўқималар шакли ўзгариб, ўлчаща хатога йўл қўйилади.

Елка пастки қисмининг кўндаланг диаметри – елка суюгининг ташқи ва ички дўнгликлари орасидаги энг катта масофадир. Елка дўнги кенглиги тирсакни буккан ҳолда штангенциркуль билан ўлчанади. Циркулнинг битта оёқчаси медиал дўнгликка, иккинчиси латерал дўнгликка қўйилади.

Билак қути қисмининг кўндаланг диаметри – кичик билак ва тирсак суюклари бигизсимон усимталари орасидаги энг катта масофадир. Елка суюгининг кенглиги бигизсимон усимталар орасида аниқланади. Циркулнинг битта оёқчаси тирсакка, иккинчиси билакка қўйилади. Ўлчанаётган циркуль оёқчасига сал болади.

Сон қути қисмининг кўндаланг диаметри – сон суюги ички ва ташқи дўнглиги орасидаги энг катта масофадир. Сон суюги дўнглигининг кенглиги штангенциркуль билан ўлчанади. Бунинг учун циркулнинг битта оёқчаси сон суюгининг медиал дўнглиги устига, иккинчиси латерал дўнглик устига қўйилади.

Болдир қути қисмининг кўндаланг диаметри – катта болдир ва кичик болдир суюклар тўпиги орасидаги энг катта масофадир.

Оёқ-панжка кенглиги – кафт суюги бошчасига штангенциркуль қўйиб ўлчанади. Ўлчанаётган одам иккала оёғини бир текис туриши керак.

АЙЛАНМА РАЗМЕРЛАРНИ ЎЛЧАШ

Кўкрак айланасини одам тинч турган ҳолатида ўлчаш – миллиметрли тасма билан ўлчанади, бунда у кўкракнинг қуиि бурчагидан, ён томондан – гавда ва қўллар орасидан ўтказилади, олдинги томондан эса кўкрак уни атрофининг қуиि сегментларига тегиб туради. Бунда ўлчанаётган одамни гап билан чалгитиб туриш керак.

Нафас олаётганда кўкрак қафаси айланасини ўлчаш. Чуқур нафас олаётганда юқоридаги усулда ўлчанади. Бу пайтда ўлчанаётган одам елкаларини кўтармаслиги керак.

Нафас чиқараётганда кўкрак қафаси айланасини ўлчаш – тўла нафас чиқараётганда юқоридаги усулда ўлчанади. Чуқур нафас олаётганда ва тўла нафас чиқараётганда кўкрак қафаси айланасидан олинган кўрсаткичлар кўкрак қафаси экскурсияси ҳажмини билдиради.

Елка айланасини тинч ҳолатда ўлчаш – горизонтал юзада қўллар эркин туширилади, икки бошли мускулларнинг энг ривожланган жойига ўлчанади.

Елка айланасини одам зўриқсан ҳолатида ўлчаш. Юқоридаги каби ўлчанади, бунда елка олдинги юзаси мускуллари қисқартириб турилади. Елка айланасини тинч ҳолатда ва зўриқсан ҳолатда ўлчаш натижалари орасидаги тафовут елка мускуллари экскурсияни билдиради.

Билак айланасини – горизонтал ҳолатда ҳамда эркин туширилганда билак мускуллари яхши ривожланган жойда ўлчанади.

Сон айланаси юқоридаги усулда ўлчанади. Миллиметрли тасма думба бурмасига қўйилади ва соннинг ташқи юзасида бирлаштирилади.

4. Оёқ-панжа гумбазларини ўлчаш. Оёқ-панжа гумбази бўйламасига ҳосил бўлади. У ташки (таянадиган) ва ички (рессор) қисмларга бўлинади. Оёқ-панжа гумбазининг таянч нуқталари кафт сужклари ва товоң дўмбоқчаларида бўлади. Гумбазнинг кўндаланг йўналишида кафт сужклари ва кафт олди сужклари ҳосил бўлган, улар олдинги ва орка қисмларга бўлинади. Фақат одамнинг оёқ панжасида гумбаз ҳосил бўлади, чунки у тикка юради.

Яссиоёқлини аниқлашнинг турли методлари бор. Уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Визуал метод.
2. Ўлчов методи.

 - а) подометрик
 - б) платографик

3. Рентген ёрдамида ўлчаш.
4. Оптик усул.

ПЛАНТОГРАФИЯ

Оёқ-панжа изини олишнинг плантографик методи

Бунда турли бўёқлар қўлланади, кейин бу излар В.Н. Штритер, И.М. Чижин, шунингдек С.Ф. Годунов, Г.Г. Плиханова, Н.П. Чернина усулида қайта ишланади.

Плантография усулида оёқ-панжа изини олганда унинг рессор функцияси аниқланади.

Пальмоскопия – оёқ товони чизиқларининг ўзига хослигини ўрганиш.

Яссиоёқликда оёқ-панжани бевосита ўлчаш билан бирга қўлланади. Нормал оёқ-панжа изида товоң кафт бармоқлари боши соҳаси билан бирикиб туради. Оёқ-панжа гумбази жуда катта бўлса, у бунақа бирикмайди, оёқ-панжа

эса ерга ўзининг олдинги бўлими билан таянади, ўртасида эса таянчи бўлмайди. Ясси оёқ-панжанинг изи яхлит бўлади, ўртасида камгак жойи бўлмайди. Бунда из олишнинг қуидаги қоидаларига риоя қилиш керак.

Оёқ-панжа изини олиш қоидаси. Ўнг ва чап оёқ плантограммаси навбатма-навбат олинади. Плантография олдидан ромга тортилган пленканинг бир томонига валик билан юпқа қилиб штемпель бўёғи суртилади, бу буёққа қаймоқсимон бўлгунча машина мойи қуилиши керак.

Полга бир варак қогоз қўйилади ва устига ром бўёқ суртилган томони билан қўйилади. Оёқ-панжа изини олиш учун оёқнинг биттаси ром олдига, иккинчиси плёнканинг тоза томонига қўйилади. Оёқни қўяётганда текширилаёттан одам таячни тутиб туради. Сўнгра у қулини таянчдан олиб, нормал ҳолда тик туради. 1 ва 5 кафт суяги бошчасининг вазияти чизиқда қўрсатиб қўйилади. Олинган плантограмма визуал баҳоланади.

1. В.А. Штритер методи. Оёқ-панжа изининг ички томонидан чиқиб турган нукталарига тегиб турадиган чизиқ ўтказилади (A, B) унинг ўртасидан оёқ изининг ташқи чеккасини кесиб ўтгунча перпендикуляр (B,D) ўтказилади. Оёқ-панжа шакли индекс бўйича аниқланади (жадвалга қаранг).

$$L = \frac{ГД \cdot 100}{ВД}$$

Жадвал: 0-36% – экскавирланган оёқ-панжа

36,1-43% – субэскавирланган оёқ-панжа

43,1-50% – нормал оёқ-панжа

50,1-60 % – ясси (қалин тортган) оёқ-панжа

60,1-70% – яссиоёқлик.

2. И.М. Чижин усули. Тегиб туралдан А, В чизигини оёқ-панжанинг ички чеккасидан чиқиб туралдан нүкталарга ўтказамиз. СД чизигини оёқ кафти ўртасидан 2-бармоқ асосига қадар ўтказамиз. СД ўртаси оркали «в» нүктасида АВ ни кесиб ўтгунга қадар ва «а» нүктасида изнинг ички чеккаси билан ЕГ перпендикулярни тиклаймиз. И.М. Чижин индекси қуидагича формула билан ифоданалади:

$$L = \frac{ab}{b\omega}$$

0 дан 0,1 индексини белгилашма оёқ-панжа қалин тортмаган, 1,1 дан 2,0 гача қалинлашган, 2,1 дан ва бундан ортиғида оёқ-панжа ясси бўлиб қолган бўлади.

АНТРОПОМЕТРИК НҮҚТАЛАР

1. Бош гумбазининг юқори нүктаси – бош кўз косаси – қулоқ горизонтали ҳолатида турганда бош суюгининг энг юқори нүктасидир.

2. Юқори тўш суяги нүктаси – бўйинтуруқ уймасининг қисми у чизигида жойлашган тананинг энг чукур нүктаси.

3. Пастки тўш суяги нүктаси – тўшнинг тана ўрта қисм чизигидаги ханжарсимон ўсимта асосидаги нүқта.

4. Акромиал нүқта (елка нүктаси) – қўллар эркин тушириб туралганда курак акромиал ўсимтасининг қуий чеккасидаги ташкарига энг кўп чиқиб турган нүктаси.

5. Билакнинг кичик суяги нүктаси – билакнинг ташқи олдинги томони билан елка-билак бўғимида билакнинг кичик суяги бошчасининг энг юқори нүктаси.

6. Бигизсимон ўсимта нүктаси – билак суюгининг бигизсимон ўсимтасидаги энг қуий нүқта.

7. Бармоқ нуқтаси (III) – учинчи бармоқ учи юмшоғининг энг қуий нуқтаси.

8. Олдинги ёнбош суюги қирраси нуқтаси – олдинги – юқори ёнбош суюк қиррасида энг олдинга чиқиб турган нуқтаси.

9. Қов нуқтаси – тананинг ўртаси бўйлаб ўтган чизикда қов бириккан жойдаги энг юқори нуқта.

10. Ёнбош қирраси нуқтаси – ёнбош қирраси соҳасидаги ташқарига энг кўп чиқиб турган нуқта.

11. Соннинг ички нуқтаси – катта сон суюги проксимал эпифизи ички чеккасидаги энг юқори нуқта (тирсак усти бойламидан медиал томони билан тизза бўғими камгаги мўлжал бўлади).

12. Соннинг ички қуий нуқтаси – ички тўпиқнинг энг қуий нуқтаси.

13. Товоң суюги нуқтаси – товоңнинг орқага энг чиқиб турган жойдаги нуқта.

14. Сўнгти нуқта – оёқ панжанинг энг олдинга чиқиб турган нуқтаси (оёқнинг биринчи, иккинчи, баъзан учинчи бармоғи энг қуий бўғими юмшоғидаги нуқта).

**АНАТОМИЯ ВА БИОМЕХАНИКА
КАФЕДРАСИННИГ АНТРОПОМЕТРИК
ТЕКШИРУВ КАРТАСИ**

№ _____ Текширув муддати _____

Фамилия, исми, отасининг исми _____

Туғилган вақти _____ Текширув
пайтидаги ёши _____

Спорт мутахассислиги _____ Спорт стажи

Спорт разряди _____

Нуқталарнинг пол устида баландлиги (см) Тананинг
кўндаланг ўлчови (см) тана узунлигига нисбатан

www.uzduti.uz

1. Баш гумбазининг юқори нуқтаси _____ Юқори кесма узунлиги _____
2. Юқориги түш суюги баландлиги Тана узунлиги _____
3. Елка нуқтаси _____ Гавда узунлиги _____
4. Кичик билан нуқтаси _____ Кўл узунлиги _____
5. Бигизсимон ўсимта суюги нуқтаси _____ Елка узунлиги _____
6. Бармоқ нуқтаси _____ Билак узунлиги _____
7. Ёнбош суюги қирраси нуқтаси _____ Бармоқлар узунлиги _____
8. Қов нуқтаси _____ Оёқ узунлиги _____
9. Соннинг юқори нуқтаси _____ Сон узунлиги _____
10. Соннинг қуий нуқтаси _____ Болдир узунлиги _____
11. Тана диаметрлари _____ Тананинг айланма размерлари (см) _____
12. Ўрта түш кенглиги _____ 19. Кўкрак қафаси тинч ҳолатда _____
13. Ўрта түш сагитали _____ 20. Нафас олганда _____
14. Тос суюги кенглиги _____ 21. Нафас чиқарганда _____
22. Экскурсия _____

- Эпифизлар:
15. Елка эпифизи _____
16. Билак эпифизи _____
17. Сон эпифизи _____
18. Болдири эпифизи _____
23. Елка (зўриққанда) _____
24. (бўшашганда) _____
25. Билак _____
26. Сон _____
27. Болдири _____
- Тана массасининг таркибий компонентлари
1. Тана вазни (массаси) _____
2. Тана юзаси _____
3. Тана компонентлари _____
а) ёғ компоненти _____
б) мускул компоненти _____
в) сук компоненти _____
- Соматоскания:
- Кўкрак кафаси шакли _____
борк аниги _____
коринники _____
оёқники _____
- Компонентлар ривожи (балларда):
- сук _____ ёғ _____ мускул _____
- Соматотип (Хит-Картер бўйича)
- Эндоморфия _____
мезоморфия _____
Эктоморфия _____

КИШИНИНГ ҚАДДИ-ҚОМАТИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Машғулот мақсади: 1. Антропометр. 2. Сантиметрларга бўлинган лента. 3. Гавданинг тўлалигини аниқлаш учун циркуль ёки штангенциркуль. 4. «Қомат турлари»нинг ўтказилади.

Қадди-қомат текшириш усуллари:

1. Субъектив усуллар:

- а) соматоскопик усуллар
- б) пайпаслаш усули

в) функционал синовлар усули.

2. Объектив, ўлчаш (соматометрик) усуллари:

а) Ромб-Мошков бўйича аниқлаш.

б) ердан елка ва тож нуқталарини баландлигини ўлчаш

в) елка кўрсаткичини аниқлаш.

3. Гамбурцев бўйича гонометрик усул:

соматоскопия – текширувчининг олди томонидан, ёнидан ва орқасидан қарааш орқали текшириш.

Машғулотнинг мазмуни: одатдаги қадди-қомат, танасини ва бошнинг тегишли мускулларини таранглатмай гавдасини тўғри ушдао бўш қўйиб турган кишининг фазодаги ҳолатидир. Қадди-қоматнинг нормал ва қуйидаги паталогик: думалоқ, думалоқ – орқаси ботик, орқаси яssi турлари фарқланади. Анатомик жиҳатдан умуртқа погонасида сезиларли ўзгаришлар бўлмаган болалар ва ёшларда буқчайган қадди-қомат кузатилади. Орқа ва елка усти мускуллари шалвиллаган, кўкракнинг бир оз ботик бўлиши кузатилади.

1. Нормал қадди-қомат қуйидагича характерланади:

а) бош ва умуртқа поғонаси түғри ҳолатда бўлади: шу (тана ва бошнинг ўқ чизиги гавданинг таянч юзасига нисбатан тик жойлашади).

б) елкари симметрик жойлашади.

в) куракларининг бурчаклари бир хил баландлиқда симметрик ҳолатда бўлади.

г) қўллари туширилган ҳолатда бели билан бир холдаги учбуручак шаклига эга бўлади.

д) думбасининг бурмалари симметрик ҳолатга эга.

е) оёқларнинг узунлиги бир хил.

з) оёқ кафтлари түғри туради.

Қадди-қоматнинг яна қуидаги турлари бор:

2. Тўғриланган – эгриликлар етарли ривожланмаслиги билан фарқланади.

3. Букчайтан қадди-қомат – курак кифози кучли, бўйин ва бош олдинга оғиб туриши билан ажралиб бўлади.

3. Лордотик қадди-қомат – бел лордози кучли кўриниши билан характерланиб, бунинг натижасида бел қисми эгарсimon шаклга эга, тоз олдинга кучли чиққан бўлади.

4. Кифотик қадди-қомат сезиларли кўкрак кифози билан характерланади.

Гавда қоматини баҳолаш учун тана орқасининг ҳолатини аниқлаш асосий кўрсаткичлар сифатида хизмат қилиши мумкин.

а) Айлана орқа – характерли поза: гавда олдидан ва орқасидан қаралганда елкалар осилган, тозни оғиш бурчаги унинг кичрайинш томонига қараб ўзгаради. Кўкрак тор, худди нафас чиқарилгандагига ўхшаш ҳолатда. Диафрагма пастта сурилган, қорин девори бўшашган, қорин бир оз чиққан, гавдани ерга тортилиш маркази бел қисмининг ўртаси баландлигида бўлади ва бу ҳолат тананинг юқори қисмини олдинга эгилгани билан етишмовчиликни туғдиради.

б) Айлана-бошик орқа кўкрак умуртқасининг ҳар икки томонлама бир хилдаги кифози билан скалиодаги бир томонлама кифоздан фарқланади «эркин туриш» ҳолатида елка ва елка устлари тананинг фронтал юзасидан олдинга чиққан. Кўкрак қафаси нафас чиқарилгандаги ҳолатда. Кўкрак белнинг бир хилдаги кифози пастки думгаза лордозига ўтади. Корин мускуллари бўшашибган, диафрагма бир оз босилган, қорин олдинга чиққан, тана орқага кетган.

в) Ясси орқа – тананинг ҳаммаси орқага отган, бел кўкрак қисм экстенция ҳолатида бўлади. Бунда бел-думгаза қисмда олдинга қараб кескин эгрилик юзага келади, ўрта кўкрак бурчаги яссиланади ва экстензия ҳолатида бўлади, қориннинг устки қисми ҳам орқага суринган, тез эса олдинга ва пастга отади, бунда оғиш бурчаги катталашади.

Қадди-қоматни текшириш усуллари

1. Соматоскопия.

Бошнинг ҳолати. Бош тананинг ўқи билан битта вертикал чизиқда ётади, ёги анчагина ёки бир олдинга оғлан бўлади.

Елка камарининг ҳолати. Кишининг олди томонидан қаралганда бир ёки иккинчисидан юқорилиги, елкалар пастга тушган ёки кўтарилаган, ёзилган ёки олдинга чиққанлиги аниқланиши мумкин. Танани орқа томонидан қаралганда куракларнинг ҳолатига эътибор бериш керак. Улар қовурғаларга яқин ёки улардан узоқ жойлашади. Кейинги ҳолатида қовурғалар билан кўкрак оралигига бармоқларни учини киритиш мумкин. Орқа мускуллари заиф кишиларда қанотсимон кураклар кузатилади.

Умуртқа погонаси ҳолати.

Умуртқа погонасинг күкрак ва думгаза кифозининг орқага жуда чиққан нуқталари одатда бир вертикал чизикда жойлашди, бўйин ва бел лордознинг чукурлиги эса 4-6 см дан ортмайди. Агар умуртқа погонасида эгриклар ўртача меъёрда ривожланган бўлса, бунда орқа нормал бўлиши мумкин. Кўкрак кифози ва бел лордози хаддан ташқари ривожланган бўлса, бунда думалоқ-ботиқ орқа шаклланади. Кўкрак кифози умуман ривожланмаган, бел лордози анча чуқур бўлса, унда ясси ёки ясси ботиқ орқа шаклланади.

Орқанинг шакли аниқланганидан кейин текширилаётган кишининг орқасидан қараб сколиозлар борлиги аниқланади. Агар сколиоз чўққиси юқорига йўналган бўлса, ўнг томонли, агар пастга қараган бўлса, нап томонлама сколиоз бўлади. Умуртқа погонасинг бир қисмини қийшайиши кўпинча унинг пастки қисмини ўнгта қийшайиш билан кузатилади ва аксинча. Бундай ҳолат «S»симон сколиоз деб юритилади. Бу «S» қийшайишлар бел учбурчакларини ўрганишда аниқланади. Сколиозда «белнинг учбурчаги, орқанинг бўртиб чиққан томонда камаяди, ботиқ томонда эса – катталашади. Гавдани олди томонидан қаралганда сут безларининг сўрғичлари ҳар хил баландликда жойлашуви кўкрак қафасининг асимметрияси ҳақида далолат беради.

Қориннинг шакли: пастга тушган, тўғри, олдинга чиққан турлар.

Кўлларнинг шакли: Агар билак елка билан бир чизикда бўлса тутри қўл дейилади, агар қўл юқорига кўтарилиганда билак тик чизикдан ташқарига чиқиб, елка билан ўтмас бурчак ҳосил қиласа X-шакли дейилади.

Оёкларнинг шакли: агар болдири ўқи соннинг бўй ўқи билан бир чизикда ётса, тўғри оёқ дейилади. Болдири ўқи ва

сон ўқи ташқарига очилган бурчак ҳосил қиласа X-шакли оёқ дейилади. Оёқларнинг «О» шаклида болдирилар сон билан очик бурчак ҳосил бўлади, лекин соннинг ички тўпиқлари эса бир-бирига тегмайди, болдирип-панжа бўғимининг ички тўпиқлар эса бир-бирига тегиб туради.

Пайпаслаш оркали текшириш

Сколиозлар борлиги умуртқаларнинг ўқсимон ўсимтасарини жойлашиш бўйича аниқланади. Бу қуйидагича бажарилади: кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг охириги бўғимлари бўйиннинг пастки қисмида яхши сезиладиган еттинчи бўйин умуртқасининг ўқсимон ўсимтасини икки ёнига қўйилади. Текширилувчининг баданига кучли босган ҳолатда юқоридан пастга қараб бўйиндан думғазача ўқсимон ўсимталар бўйлаб қўлни юргизилади, ўқсимон ўсимталарнинг жойлашиши бўйлаб терида ҳосил бўладиган оқ чизиқ қийшайишлар ҳақида тасавур беради.

Функционал синовлар

Функционал ёки этилган сколиозлар бор-йўқлигини аниқлаш учун синалавчи қўлларни юқорига кўтариши ёки гимнастик деворга қараб турган ҳолда осилиб туриши керак. Функционал сколиоз йўқолади.

Умуртқа погонасининг ён томонидан қийшайиши умуртқанинг ўқсимон ўсимталар вертикал чизик ўқи томонга, кўндаланг ўсимталар эса орқа томонга чиқади. Шу билан бир вақтда тегишли қовурғалар бурчаги ҳам бўртиб туради, оғир ҳолатларда қовурға букирлиги юзага келади. Умуртқа погонасининг бурганлигини аниқлаш учун текширилувчини олдинга шундай энгаштириш керакки, оёқла-

рини букмасдан, қўлларини эркин осилтириб турсин. Унинг орқа томонида туриб мускулларнинг ёки қовурғалар бурчагини ассиметрик ҳолда чиқиб туриши белгиланади. Гавданинг орқасида умуртқа поғонасига кўндаланг ҳолатида керакли жойдан маҳсус шовун ташлаш билан қанча туртиб чиққанлиги аниқланади.

а) Ромб Мошков ўлчови

Профессор В.Н. Мошков орқа мускулларининг функционал ҳолатини штангенциркуль билан ҳисоблашни қўйидаги усулини тавсия этган, текширилувчининг орқасида VII бўйин ва IV бел умуртқаларнинг ўқсимон ўсимталари ҳамда кўкрак бурчаклари белгиланади. Шундай қилиб, биз орқа мускуллари (белгиланади) таранглашганда яқинлашадиган тўртта нуқтани оламиз, бу билан умуртқани ёзувчи мускулларнинг қисқариш функциясини ҳамда мускул асиметриясини текисланиш даражасини ва кураклар ҳолатини акс эттирамиз.

Қўйидаги тартибда тўртта ўлчов ўтказинг:

1. VII бўйин умуртқаси – чап курак бурчаги – А
2. Ўнг курак бурчаги – VII бўйин умуртқаси – В
3. IV бел умуртқаси – ўнг курак бурчаги – С
4. Чап курак бурчаги – IV бел умуртқаси – Д.

Тананинг юзасидаги юқорида кўрсатилган нуқталар оралитини ўлчаш организмнинг тич ҳолатида ҳам қўлланishiда кураклар асиметриясини ва унинг бурчакларини умуртқа поғонасининг медиал (ўрта) чизигидан узоқлашганини ҳам нисбатан объективлик билан ҳисоблашга имкон беради.

Умуртқа поғонасининг физиологик эгриликларида куракларнинг симметрик жойлашишининг сабабли: 1-ўлчов

күрсаткичлари иккинчи ўлчов күрсаткичларига, 3-ўлчов күрсаткичлари 4-ўлчов күрсаткичларига тенг бўлади. Бу усул фақат нисбий аниқликка эга, бироқ асимметрия синалишлари ва орқа мускулларининг функционал ҳолати ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради.

б) О.Н. Аксенова бўйича елка индексини аниқлаш

$$\text{Елка индекси } y = \frac{\text{елка кенлиги(см)} \cdot 100}{\text{елка ёйи(см)}}$$

Елка кенглиги қаттиқ циркуль билан ўлчанади ва елка нуқталари оралигига тенг бўлади. Елка ёйи лента см билан ўлчаниб, юқоридаги нуқталар ўртасидаги ёй узунлигига тенг.

Индексни баҳолаш:

89,9% гача бўлган елка индекси – букчайган қадди-қомат

90-100% гача бўлган елка индекси – нормал қадди-қомат деб қабул қилинади.

в) Лордозлар чукурлигини график усул билан аниқлаш

Текширилувчи скалиозметрнинг тик устунига орқаси билан туради ва ўзини бўш қўйгандан кейин ўлчов таёқчалар умуртқа погонасининг ўқсимон ўсимталарига яқинлаштирилади. Умуртқа погонасининг эгрилишни контури бўлган ўқсимон ўсимталар прекцияси қофзда туташтирилади. Бўйин ва бел лордозларининг шакли ва чукурлигини ўлчаш учун лордознинг узоқ нуқталарини кифозларга тегадиган чизигига туташтирилади. Кўндаланг чизиқ катталиги лордоз чукурлигини кўрсатади.

г) В.А. Гамбурцев бўйича гавда коматини аниқлаш усули

Умуртқа поғонаси эгрилигини фақат таёқчали контурограф билан эмас, балки В.А. Гамбурцев гониометри билан ҳам жуда объектив баҳолаш мумкин. В.А. Гамбурцев гониометри билан вертикал чизиқقا нисбатан умуртқа поғонасининг оғиш бурчаклари эгриликларни аниқланади, уларнинг катталиги гавда қоматининг типини характерлайди.

ТАНА МАССАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТУЗИЛМАЛАРНИ АНИҚЛАШ

Дарснинг мақсади: Аналитик усул билан гавдадаги ёғ микдорини, мушак ва суяк массаларини аниқлашни ўрганиш. Шундай қилиб, талабаларга тўғри ўлчаш малакаларини ва ҳисоблаб чиқариши ўргатиш. Текшириувчи талабаларнинг ўзидан танланади.

Каракли жиҳозлар: Гавданинг ёғ массасини аниқлаш учун – антропометр, тарози, тана ситланашини ўлчайдиган циркуль, тоз ўлчов сантиметрли чизгич, калиперлар керак. Гавданинг мускул массасини аниқлаш учун антропометр, сантиметрли чизгич, тарози керак. Гавданинг суяк массасини аниқлаш ва уни содиштириш оғирлигини аниқлаш учун – антропометр, сирғанувчи ёки штангенциркуль ҳамда маълум ҳолатда тирувчи талаба керак бўлади.

Текшириш усули:

1. Гавданинг юзасини ва уни ёғ массасини аниқлаш
2. Гавданинг мушак массасини аниқлаш
3. Гавданинг суяк массасини аниқлаш.

Дарснинг мазмуни:

Ҳозирги замон адабиётида, шу жумладан тиб илмига оид адабиётларда ҳам «конституция» сўзи одатда тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи термин сифатида ишлатилади. Айни вақтда биз «организм» тушунчасини ишлатмаймиз, чунки бу сўз гавда тузилишининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ўз ичига олмайди, бинобарин, бу ерда тўғри келмайди. Лекин шу вақттacha умумий қабул қилинган «конституция тушунчасини» йўқлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Гавда тузилиши билан конституцияни бир хил тушуниб бўлмайди.

Конституция – гавда тузилмаларини ҳамда уни метабилизм хусусиятларини ва реактивлигини уз ичига олевчи кенг маънодаги тушунча, шунга қарамасдан қўпчилик муаллифлар конституцион тилларни классификация қилишда гавданинг турли морфологик белгиларини асос қилиб олганлар.

Ҳозирги вақтда конституция деб ирсий бўлган ташқи муҳит омиллари таъсирида юзага чиқсан организмнинг морфологик ва функционал белгиларнинг тўпламига айтилади. Организмнинг ҳамма намоён бўлган хусусиятлари ва белгилар йиғиндиси шахснинг индивидуал тараққиёт (онтогенез) темпини, ташқи муҳит таъсиротларига нисбатан реактивлигини ифодалайди. Конституцияни морфологик акси соматотип дейилади. Соматотип текширилганда асосан тотал ва парциал размерларни ўлчаш ва тана массасини ташкил этувчи асосий компонентларни аниқлаш зарур. Тана ўлчовларидан тотал ва парциал ўлчовлар фарқланади. Тотал ўлчовларга тананинг бўйи ёки узунлиги, массаси ва кўкрак қафасининг айланма ўлчовлари киради.

Парциал ўлчовларга – танани ташкил этувчи маълум қисмлар ва занжирлар ўлчанади. Бунда тана қисмларининг узунасига, кўндалангига ва айланма размерлари ўлчанади.

Тана тузилмалари деганда эса гавданинг тузилишида иштирок этувчи турли метаболик ёки кам актив бўлган тўқималарнинг процент ёки килограммда белгиланадиган миқдори ёки баллда ўлчанадиган сифатий ўлчов муносабатлари тушунилади.

Тана юзасини аниқлаш

Тана юзаси антропометрик кўрсаткичлар асосида эмперик ёки назарий йўл билан аниқланади. Масалан, тана юзасини қуидаги формула асосида аниқлашг мумкин:

$$1. A = \frac{W + \Delta H}{100}$$

Бунда: А - тана юзаси, m^2

W - тана вазни, kg да

ΔH - тана узунлигининг кабул қилинган ўртача 160 см дан фарқи.

2. Тана юзасини, унинг оғирлигига ва узунлигига асосланган ҳолда монограмма ёрдамида ҳам соддалаштириб ҳисоблаш мумкин. Бунда тана юзаси қуидаги формула бўйича аниқланади: $S = f(P) \cdot f(L)$, бунда: S – тана юзаси; $f(P)$ – вазн ёки оғирлик фактори, $f(L)$ – тана узунлиги фактори.

Гавданинг бўйига караб (L) ва вазнига қараб (P) тана юзасини аниқлаш учун Бойд жадвалидан фойдаланиш мумкин. Бунда $f(P)$ – вазн фактори; $f(L)$ – узунлик фактори.

13-жадвал

БОЙД ЖАДВАЛИ (узунлик фактори $f(L)$)

см L	$f(L)$	L см	$f(L)$						
103	4,02	123	4,24	143	4,43	163	4,61	183	4,77
104	4,03	124	4,25	144	4,44	164	4,62	184	4,78
105	4,04	125	4,26	145	4,45	165	4,63	185	4,79
106	4,05	126	4,27	146	4,46	166	4,64	186	4,80
107	4,06	127	4,28	147	4,47	167	4,64	187	4,80
108	4,07	128	4,29	148	4,48	168	4,65	188	4,81
109	4,09	129	4,30	149	4,49	169	4,66	189	4,82
110	4,10	130	4,31	150	4,50	170	4,67	190	4,83
111	4,11	131	4,32	151	4,51	171	4,68	191	4,83
112	4,12	132	4,33	152	4,51	172	4,69	192	4,84
113	4,13	133	4,34	153	4,52	173	4,69	193	4,85
114	4,14	134	4,35	154	4,53	174	4,70	194	4,86
115	4,15	135	4,36	155	4,54	175	4,71	195	4,86
116	4,16	136	4,37	156	4,55	176	4,72	196	4,87
117	4,17	137	4,38	157	4,56	177	4,73	197	4,88
118	4,18	138	4,39	158	4,57	178	4,73	198	4,89
119	4,20	139	4,39	159	4,58	179	4,74	199	4,89
120	4,21	140	4,40	160	4,58	180	4,75	200	4,90
121	4,22	141	4,41	161	4,59	181	4,76		
122	4,23	142	4,42	162	4,60	182	4,76		

14-жадвал

БОЙД ЖАДВАЛИ (вазн фактори $f(P)$)

P, кг	$f(P)$								
18,5	1,867	30	2,452	53	3,363	76	4,097	100	4,754
19,0	1,896	31	2,498	54	3,398	77	4,126	102	4,805
19,5	2,924	32	2,542	55	3,432	78	4,155	104	4,856
20,0	1,952	33	2,587	56	3,467	79	4,184	106	4,906
20,5	1,979	34	2,630	57	3,500	80	4,213	108	4,956
21,0	2,006	35	2,673	58	3,534	81	4,241	110	5,005
21,5	2,033	36	2,715	59	3,567	82	4,270	112	5,054
22,0	2,060	37	2,757	60	3,600	83	4,298	114	5,102

14-жадвалнинг давоми

22,5	2,086	38	2,798	61	3,633	84	4,326	116	5,150
23,0	2,112	39	2,839	62	3,666	85	4,354	118	5,197
23,5	2,138	40	2,879	63	3,698	86	4,381	120	5,245
24,0	2,164	41	2,918	64	3,730	87	4,409	122	5,291
24,5	2,189	42	2,958	65	3,762	88	4,436	124	5,338
25,0	2,214	43	2,997	66	3,793	89	4,464	126	5,384
25,5	2,239	44	3,035	67	3,825	90	4,491	128	5,429
26,0	2,263	45	3,073	68	3,856	91	4,518	130	5,495
26,5	2,288	46	3,110	69	3,887	92	4,545	132	5,519
27,0	2,312	47	3,148	70	3,917	93	4,571	134	5,564
27,5	2,336	48	3,184	71	3,948	94	4,598	136	5,608
28,0	2,359	49	3,221	72	3,978	95	4,624		
28,5	2,383	50	3,257	73	4,008	96	4,650		
29,0	2,406	51	3,293	74	4,038	97	4,676		
29,5	2,429	52	3,328	75	4,067	98	4,703		

ТАНАНИНГ ЁФ МАССАСИНИ АНИҚЛАШ

Ёф тўқимаси қўшувчи тукиманинг бир тури бўлиб, тери остида, чарвида, ичак деворларида, нерв системасида ҳамда суяк иликларида бўлади.

Гавдадаги ҳамма ёғ миқдорини K да аниқлаш учун кент тарқалган Матейка формуласидан фойдаланиш мумкин:

$$D = K_1 \cdot dS_1;$$

бунда D – гавдадаги ҳамма ёғнинг абсолют оғирлиги, K_1 ,
 d – тери остидаги ёғ қаватининг ўртacha қалинлиги, $мм$,
 K – 1,3 га teng бўлган константа.

S – тана юзаси, $м^2$ да.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, тана юзасининг ҳосиласи бўлиш тери остидаги ёғнинг қалинлиги ва уни солишишим оғирлиги топилади. Сўнгра уни 1,3 га кўпайтириб, гавданинг умумий ёғ миқдори аниқланади.

Калипер – тери – ёғ бурмачаларининг қалинлигини ўлчаш учун хизмат қилади. Бу асбобни маҳсус куч ўлчовига эга бўлган пружинаси бўлиб, ҳар бир конкрет ҳолатда тери – ёғ бурмачаларининг ҳар бир mm^2 юзасига 10 кг босим беради. Шу асбоб билан ўлчанган тери – ёғ бурмачалари ҳар хил катталиқда бўлиши мумкин, чунки ёғ енгил қисилади, бинобарин кўп нарса шу асбобнинг оёқчаларидан юзага келадиган босимга боғлиқ. Тери – ёғ бурмачалар қалинлигини аниқлаш учун, бармоқлар билан қисиладиган терининг юзаси 20-40 mm^2 дан кам бўлмаслиги керак, ўлчовни ҳам терининг аниқ кўрсатилган ерларидан ўтказиш керак. Одатда 8 та ёки кўндаланг тери – ёғ бурмаси ўлчанади.

ИШ ТАРТИФИ

1. Тарози ва бўй ўлчагига билан тана вазнини (P) ва тана узунлигини (L) топиб, жадвалга киритинг.
2. Бойд жадвалидан вазн векторини (P) ва тана узунлиги (L) факторларини топинг ва жадвалга киритинг.
3. Тана юзасини қуийдаги формула бўйича аникланг:
$$S = f(P) \cdot f(L)$$
4. Калипер ёрдамида кўрсатилган нуқталарда ёғ катламлари қалинлигини ўлчаб чиқинг. Ўлчовлар тананинг ўнг томонида ўтказилсин.
 - а) куракнинг пастки бурчак қисмида,
 - б) кўкрак соҳасида,
 - в) қорин томонда, киндакнинг ўнг томонига яқин жойда,
 - г) елкани олд томонидан, елканинг икки бошли мускулининг устки қисмидан (таксинан елканинг ўртасида),
 - д) елканинг орқа томонида, елканинг уч бошли мускули устидан (таксинан елканинг ўрта қисмида),

- е) билакдан,
- ж) оёқнинг олд томонида, соннинг тўғри мускулини устидан,
- з) тиззанинг орқа қисмида, болдири мускулининг чекка қисмидан.

5. Ўртача ёғ қатламини ҳисоблаш учун 8 та ёғ қатламларидан олинган кўрсаткичлар йиғиниди иккига бўлинади.

6. Ёғ компонентини аниқловчи формулага кўрсаткичларни киритиб, ёғ миқдори аниқланади.

15-жадвал

Тананинг ёғ массасини аниқлаши учун керакли маълумотлар

Ўлчов- лар сони	P, кг	L см	f (P)	f(P) H (L), см^2	S, мм^2	d ₁ мм	f (L)	d ₂	d ₃	d ₄	d ₅	d ₆	d ₇	d ₈	$\epsilon,$ мм	$D,$ кг	d, мм	D_1
1 ўлчов	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
2 ўлчов																		

ТАНАНИНГ МУСКУЛЛАР МАССАСИНИ АНИҚЛАШ

Ёғсизлантирилган масса умумий түшүнчадан иккита компонентни ажратиши лозим: мушак ва сүяк. Мушак түқимасини абсолют массасини сақлаш учун суткалик сиёдиқда креатинин миқдорини аниқлаш, сүйгө номограммага қараб мускул массасини аниқлашты асосланган биохимик усулдан фойдаланиш мүмкін. Статистик усул тананинг айрим қисмларини мушак массасини корреляцион боғлиқлигига асосланган. Бизлар буның учун Матейка формуласыдан фойдаланамиз. Бу усул елка, билак, сон ва болдир, яъни мускул түқимаси яхши ривожланган 4 қисмнинг радиусидан (r) ўртачасини топишта асосланган бўлиб:

$$M = Kr^2 L$$

Бунда M – мускул массасининг абсолют миқдори, кг,
 r – ўртача радиус,
 L – тана узунлиги,

K – константа 6,5 тажриба йўли билан топилган, радиусларни (r) елка, билак, сон ва болдирларни айланга узунлигини мускулларни хоҳоятда ривожланган қисмларни ўлчаб топилади.

ИШ ТАРТИБИ

Куйидаги ўлчовларни ўтказинг, олинган маълумотларни жадвалга киритинг.

1. Антропометр билан тана узунлигини аниқланг.
2. Сантиметрли лента билан бўшашган ҳолатда елкани, билакни, сонни ва болдирни айланма улчовларини аниқланг ва олинган курсаткичлар асосида уртача радиусини хисоблаб чикинг.

3. Елка, билак, сон ва болдириларнинг ёғ қатламларини улчанг ва курсаткичларини жадвалга киритинг.

4. Елка, билак, сон ва болдириларнинг йифиндиси, елка, билак, сон ва болдириларнинг ёғ қатлами ўлчовларининг йифиндиси, елка, билак, сон ва болдириларнинг ёғ қатлами ўлчовларининг йифиндиси ва елка, билак, сон ва болдириларнинг ўртача радиуси ҳисоблаб чиқиласин. Кўрсаткичлар формулага киритилсин.

Матейка усулиниң камчилиги шуки, унда стабил константалар ишлатилади, бу эса антагина хатоларга йўл кўяди. Лекин хатолар доимий бўлгани учун ўзаро таққослаш мумкин бўлган имкониятлар яратилади.

Рентгенологик усул ёғсиз мушак ва суюкларни ҳақиқий қалинлигини ўлчаш имконини беради ва нисбатан аниқ ҳисобланади. Спортчилар танасининг айрим қисмларида мускулларнинг ривожланганини ва унинг ҳусусиятларини аниқлаш турли спорт мутахассисларида солиштириш имкониятини яратади.

16-жадвал

Мускул массасини (M) аниқлашига керак бўлган маълумотлар

Текшириш сони											
1 ўлчов											
2 ўлчов											

Тананинг суюк массасини аниқлаш

Елка, билак, сон ва болдириларнинг дистал қисмини диаметрларни ўлчаш асосида тананинг суюк массасини аниқлаш учун Матейка қўйидаги формулани таклиф қилган:

$$O = K o^2 L$$

Бунда: O – суюклар абсолют массасининг миқдори, кг,

O^2 – елка, билак, сон ва болдиirlар дистал қисмининг ўртача диаметри,

K – константа – 1,2, тажриба асосидан топилган,

L – тана узунлиги.

Матейка формуласининг камчилиги шундаки, ундаги K – 1,2 доимий кўрсаткич суюкларнинг минерал билан тўйинганини, турли кишиларнинг ёши, жинсини ҳисобга олмайди.

МАТЕЙКА БЎЙИЧА СУЯК МАССАСИНИ АНИҚЛАШ

ИШНИНГ ТАРТИБИ:

1. Антропометр билан тана узунлигини аниқланг.
2. Сирғанувчи циркуль ёки штангенциркуль билан елка суюгини (кенглигини) диаметрни аниқлаш O_1 бу латерал ва медиал дўнгчаларнинг ораси, билак суюкларининг кентлигини O_2 (бигизсимон ўсимталарининг орасидаги фарқ), соннинг кенглиги – O_3 латерал ва медиал (дўнглар орасидаги масофа), болдиrlар суюкларнинг кенглиги – O_4 (болдиrlар тўпиқлари орасидаги масофа)ни ўлчанг. Елка ва сон суюклар диаметрини билак ва тизза букилган ҳолатида ўлчаш лозим.
3. Формула бўйича суюклар диаметрини ўртача кўрсаткичини аниқланг.
4. Формула бўйича абсолют (O) ва нисбий (O_1) суюк тўқимасининг масса оғирлигини аниқланг. Олинган маълумотларни жадвалга киритинг.

17-жадвал

Суяк массасини оғирлигини аниқлаш учун керакли маълумотлар /O/

текшириш сони								
1 ўлчов								
2 ўлчов								

ДЕРМАТОГЛИФИК УСУЛИ

Дарснинг мақсади – қўлнинг кафтида, бармоқларида тери рельефини ўрганиш. Бармоқларида нақшларнинг вариант хилларини аниқлаш, кафтда ва трирадиусларни аниқлаш, нақшларни ташкил этувчи қирраларнинг сонини ҳисоблаш.

Дарснинг жиҳозланиши: типографик бўёғи, вазелин ёғи ёки скрипидар, резина ролик, альбом қофози, лупа, қўлни тозалаш учун ўсимлик ёғи.

ДЕРМАТОГЛИФИК ТЕКШИРИШЛАРНИ УТКАЗИШ УСУЛИ

Дермотоглифларни олишида, иш маълум йўналишда олиб борилади. Оддий типография бўёқни вазелин ёғида ёки скрипидарда бир оз эритилиб 15x25 см ўлчамли ойнага томизилади ва фотографияда ишлатиладиган оддий резина ролик билан бир текис қилиб ёпилади. Текширилаётган шахснинг кафти ойнага босилади. Агар бўёқ кафтнинг ҳамма жойини тўлиқ бўямаса, роликни кафт устида айлантириш мумкин. Кейин кафт альбом қофози айлантириш мумкин. Кейин кафт альбом қофози бир текис босилади. Қоғознинг тагига юмшоқ резина кўйилса кафтнинг чуқур жойларидағи излари ҳам қоғозга тўлиқ тушади. Кафтни қоғозга охиста кўйиб ўртасидан секин босилади. Кафтни қоғоздан бирданига кўтариб олиш лозим. Бармоқ излари алоҳида олинади. Бунинг учун ҳар бир бармоққа бўёқ суртилиб радиал қисмидан ульнар қисмигача бирин-кетин қоғозга босилади.

Дактилоскопия – бармоқ чизиқларини ўрганиш

Бармоқларда папилляр чизиқлар ҳосил қиладиган нақшлар 3 типга бўлинади: ёйлар, ўрамалар ва сиртмоқлар. Нақшларни бир-биридан ажратиш асосида трирадиусларни бор ёки йўқлиги ҳисобга олинади. Трирадиус ёки дельта деб учта ҳар томонга йўналган папилляр чизиқларнинг йўналишларининг учрашган нуқтасига айтилади.

Ёй – A ҳарфи билан белгиланади (инглизча arches – ёй). Ёйлар энг кам учрайдиган нақш бўлиб, паст частотада тарқалган бўлиб, 4-6% ташкил этади. Ёйларда трирадиуслар бўлмайди. Унинг чизиқлари бармоқ ёстиқчасини кўндалангига кесиб ўтади.

Сиртмоқлар – энг кўп тарқалган нақш бўлиб, учрашни частотаси 60% ташкил этади. Сиртмоқлар ёнида фақат битта трирадиус учрайди. Сиртмоқ радиал томонга очилса, радиал сиртмоқ дейилади ва L^R ҳарфлари билан белгиланади; ульнар томонга очилса, ульнар сиртмоқ дейилади ва L^U ҳарфлари билан ифодаланади.

Ўрамалар – ўртача частота тарқалган бўлиб, (34%) концентрик йўналган чизиқлардан ташкил топади. Ўрамалар – W билан белгиланади (инглизча Whore – ўрама) маъносини англатади. Ўрамаларда иккита дельта учрайди. Кўрсатилган шакллардан ташқари аралаш типдаги накшлар ҳам учрайди.

Мураккаб икки трирадиусли (дельта) чизиқлар шакли ҳам ўрамалар типига киради. Бармоқ нақшларни ёзишда, қоида бўйича биринчи бош бармоқдан бешинчи бармоқ томонигача ҳисоб олиб борилади. Ҳисоб чап ва ўнг қўлларда ўтказилади. Ёйларда қирраларни сони ҳисобланмайди.

Сиртмоқларда қирралар сонини ҳисоблаш учун марказдан дельтагача бўлган чизиқлар саналади. Ўрамаларда эса

қирралар сони иккита дельтачага борган иккита чизиқ устида саналади.

ПАЛЬМОСКОПИЯ – ҚҰЛ КАФТИ ЧИЗИҚЛАРИНИНГ ҮЗИГА ХОСЛИГИНИ ҮРГАНИШ

Кафт нақшларнинг хилма-хил турларини ажратища, дельталар сонини ҳисобга олиш принципи асос бўлади. 2, 3, 4 ва 5 бармоқлар асосида a, b, c, d бармоқ трирадиусларни жойлашган. Бу трирадиуслардан A, B, C, D деб номланадиган кафт чизиқлари йўналади. Кафт чизиқлари кафтнинг турли майдончаларида туталланади. Кафтнинг рельефи мураккаб бўлиб, унда майдончалар, ёстиқчалар ва кафт чизиқлар фаркланади. Кафтнинг катта бармоқ ёнидаги чегараси радиал, унинг қарама-қарши томони эса ульнар қисмлар дейилади. Кафт шартли равишда 14 майдончаларга бўлинади. Майдончаларнинг жойлашуви қуйидагича чегараланади: 1-майдонча – кафтнинг ички ён қирраси тенар соҳасида жойлашган. 2-майдонча – жойлашуви кафтнинг ўқ трирадиусига тўғри келади. 3-майдонча – кафтнинг пастки, ташқи соҳаси. 4-майдонча – кафтнинг кўндаланг букувчи бурмасидан 0,3 см чапга йўналган соҳа, ёки кафтнинг ульнар қиррасининг ўртасига тенг келувчи соҳа. 5-майдонча – 4 майдончадан бошланиб дистал жойлашган кўндаланг букувчи бурмагача йўналувчи қисм.

5-майдонча – кўндаланг букувчи бурмадан V бармоқ орасидаги соҳа.

7, 9, 11-майдончалар эса, IV, III ва II бармоқлараро соҳаларига тўғри келади.

6, 8, 10, 12-майдончалар эса V, IV, III ва II бармоқлар асосида жойлашган. Масалан, 9, 7, 5, 2 деган формулада кафтнинг D чизиги 9-майдончада, А – 2-нчи майдончада 4

бармоқ трирадиуслари a , b , c , d ва улардан кетувчи асосий кафт чизиқлари A , B , C , D кўпчилик одамларда учрайди.

Марказий кафт чуқурчасини 6 та кафт ёстиқчалари ўраб туради. Катта бармоқ асосидаги ёстиқчани тенар, унга қарама-қаршисидаги қиррадагисини эса гипотенар дейилади. Бармоқлар орасида 4 та ёстиқчалар мавжуд. II, V бармоқлар асосида бармоқ трирадиуслари жойлашган. Кафт орти бурмаси яқинида 4-кафт суюгидан узунасига йўналган чизиқда асосий ўзак трирадиуси т жойлашган.

Агар a ва d трирадиусларидан т трирадиусига чизиқлар ўтказсак, $a + d$ кафт бурчаги ҳосил бўлади, меъёрий ҳолатларда унинг катталиги $56\text{--}57^{\circ}$ дан ортмайди.

ДЕРМАТОГЛИФИКА

18-жадвал

Дактилоскопия – бармоқ чизиқларини аниқлаш

1. Чап қўл	Бармоқнинг сони	Бармоқ изларининг тури	Кирраларнинг сони
	1-бармоқ		
	2-бармоқ		
	3-бармоқ		
	4-бармоқ		
Умумий қирралар сони	5-бармоқ		
2. Ўнг қўл	1-бармоқ		
	2-бармоқ		
	3-бармоқ		
	4-бармоқ		
	5-бармоқ		
	Умумий қирралар сони		

Асосий адабиётлар

- Астахов А., Чеченов К. Атлас анатомии. Белгород, 1989.
- Ахмедов Н.К. Атлас одам анатомияси. I жилд. Т., 1996.
- Ахмедов Н.К. Атлас одам анатомияси. II жилд. Т., 1998.
- Ахмедов Н.К. Одам анатомияси. Т., 2005.
- Иваницкий М.Ф. Анатомия человека. М., 1985.
- Никитюк Б.А., Гладышева. Анатомия и спортивная морфология. Практикум. М., 1989.
- Сапин М.Р. Анатомия человека. М., 1986.
- Сафарова Д.Ж. Анатомия ва спорт морфологиясидан практикум. Т., 1993.
- Синельников Р.Д. Атлас нормальной анатомии человека. М., 1972.
- Худойбердиев Р.Э., Ахмедов Н.К., Зохидов Х.З., Алави Р.А., Асомов С.А. Одам анатомияси. Т., 1993.

Қўшимча адабиётлар

- Ахмедов Н.К. Нормал ва патологик анатомия билан физиология. Т., 1997.
- Велихов Р.А., Имельдин Д.И. Атлас по нормальной анатомии. М., 1995.
- Гладышева А.А. Анатомия человека. М., 1977.
- Козлов В.И. Анатомия человека. М., 1978.
- Курепина М.М., Воккен Г.А. Анатомия человека. Атлас. М., 1979.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Анатомияга фанининг мақсади ва вазифалари	5
Анатомияни ўрганиш усуллари	9
Анатомия фанининг қисқача тарихи	12
Замонавий морфология фанида функционал, генетик ва экологик йўналишлар	21
Одам танасининг тузилиши	27
Цитология	30
Хужайранинг тузилиши ва функцияси	32
Органеллалар	39
Хужайра ядроси	44
Хужайранинг химиявий таркиби	48
Хужайрадаги органик моддалар	54
Хужайранинг ҳаётий цикли	61
Жинсий хужайраларнинг етилиши ёки гаметогенези	63
Тўқималар	68
Одам организмининг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари	79
Индивидуал тараққиётнинг даврлари	83
Ёшга қараб ўзгариш ва жинсга хос бўлган хусусиятларнинг тараққиёти	86
Тана текисликлари ва ўқлари	88
Остеосиндесмология	90
Суякларни биреклиш турлари	100
Гавда скелети	107
Кўкрак қафасининг суяклари	115
Бош скелети	118
Бош скелети мия бўлимининг суяклари	120
Бош скелети юз бўлимининг суяклари	126
Қўллар скелети	132

Елка камарининг сүяклари	133
Қўлнинг эркин турган бўлимидаги сүяклар	135
Қўл сүякларининг бирлашуви	138
Оёқ скелети	142
Оёқ камарининг сүяклари	143
Оёқнинг эркин турган бўлимидаги сүяклар	145
Суяк тизимининг жисмоний ишга мосланиши	152
Миология – мускуллар ҳақида таълимот	158
Мускул тўқимасини такомили	158
Мускулларнинг тузилиши	161
Мускулларнинг туркумларга бўлиниши	163
Мускулларнинг ёрдамчи аппарати	164
Ҳаракат функцияларини идора этилиши	166
Мускулларнинг кучи ва иши	167
Мускуллар ва суяк ричаглари орасидаги муносабатларнинг биомеханик асослари	173
Жисмоний юкламалар таъсирида мускул тизимида адаптациян узгаришлар	178
Юқори даражали жисмоний юкламалар таъсирида мускуллардаги узгаришлар	181
Хусусий миология	184
Гавда мускуллари. Орқа мускуллари	184
Кўкрак мускуллари	188
Қорин мускуллари ва фасциялари	191
Бош ва бўйин мускуллари	197
Бош мускуллари: чайнов мускуллари. Мимика мускуллари	198
Бўйиннинг юза мускуллари	203
Бўйиннинг ўрта гурух мускуллари	205
Бўйиннинг чуқур мускуллари	207
Қўл мускуллари. Қўлни ҳаракатта келтирувчи мускуллар	211

Кўл эркин суякларининг мускуллари	213
Билак мускуллари	215
Кўл панжасининг мускуллари	217
Оёқ мускуллари. Оёқни ҳаракатга келтирувчи мускуллар	220
Оёқ камари мускулларининг ташқи ва ички гурухлари	221
Сон мускулларининг олдинги гурухи	223
Сон мускулларинг орқа гурухи	225
Сон мускулларининг медиал гурухи	226
Оёқнинг ҳаракатлари	230
Динамик анатомия	231
Тана ҳолатларининг анатомик таърифи	241
Пастки таянчдаги тана ҳолатлари. Тик туриш ҳолатлари	242
«Гимнастик қўпприк» ҳолати	245
Юқоридаги таянчдаги тана ҳолатлари. Осилиш ҳолатлари	248
Аралаш таянчдаги тана ҳолатлари. Параллел брусларда бажариладиган ҳолатлар	250
Тана ҳаракатларининг анатомик таърифи	253
Циклик ҳаракатларининг анатомик таърифи	255
Ациклик ҳаракатларининг анатомик таърифи	262
Айланма ҳаракатларининг анатомик таърифи	264
Антрапометрия ҳақида тушунча	268
Антрапометрик текшириув усуллари	278
Плантография	283
Кишининг қади-қоматини аниқлаш усуллари	289
Тана массасининг белгиловчи тузилмаларни аниқлаш	296
Тана юзасини аниқлаш	298
Тананинг ёғ массасини аниқлаш	300
Тананинг мускуллар массасини аниқлаш	304

Тананинг сүяк массасини аниқлаш	305
Дерматоглифик текширишларни үтказиш усули	307
Адабиётлар	311

WWW.UZDUTI.UZ

Муҳаррир
Техник муҳаррир М. Султонов
Мусаҳҳих

Босишга рухсат этилди 12.12.05. Қоғоз бичими 60×84 1/16.
Ҳажми 19,75 физ. босма табоқ. Адади 200 нусха.
23-05 рақамли шартнома. ____ сон буюртма.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг
нашриёт-матбаа бўлими, 700052, Тошкент,
Оққўрғон кучаси, 2-уй.

Босмахона _____